

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI
Pedagogika nazariyasi va tarixi kafedrası

«TASDIQLAYMAN»

Fakultet dekani

_____ M.Boltayeva

«_____» _____ 2023-yil

KREATIV FIKRLASH
fanining
O‘QUV – USLUBIY
MAJMU A

Bilim sohasi:

100000 - Gumanitar soha

Ta’lim sohasi:

110000 - Pedagogika

Bakalavriat ta’lim yo‘nalishi: 51109400 - Pedagogika va psixologiya

Namangan-2023

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25-августдаги 774 – сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий фан дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

М.Л.Болтаева – Педагогика назарияси ва тарихи кафедраси
п.ф.н.доцент.

Такризчи:

Ў.М.Асқарова – Педагогика кафедраси мудири, педагогика
фанлари доктори, профессор.

О‘қув услубий majmua Namangan davlat universiteti Kengashining 2023-yil “30”avgustdagi “1” – son yig‘ilishida ko‘rib chiqilgan va foydalanishga tavsiya etilgan.

МУНДАРИЖА:

- I.**Ишчи дастур
- II.**Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....
- III.**Назарий ва амалий машғулот материаллари.....
- IV.** Мустақил таълим материаллари.....
- V.**Кейслар банки.....
- VI.**Глоссарий.....
- VII.**Адабиётлар рўйхати.....

ИШЧИ ДАСТУР

Ўқув фанининг долзарблиги олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастурда талабаларни креатив фикрлашнинг назарий асослари, тамойиллари, талабаларда креативлик сифатларини ривожлантирувчи метод, восита ва технологиялар билан таништириш каби масалалар камраб олинган. Шу билан бирга Креативлик (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор)– индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилият, шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлиши, ёш авлод тарбиясида креатив ғоялардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилади.

“Креатив фикрлаш” фани талабанинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

“Креатив фикрлаш” фанининг мақсади: Талабаларни креатив фикрлашнинг назарий асослари, тамойиллари, талабаларда креативлик сифатларини ривожлантирувчи метод, восита ва технологиялар билан таништириш орқали уларда ўқув ва маънавий-маърифий ишлар жараёнини, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятларини самарали ташкил этишга нисбатан креатив ёндашиш малакаларни ривожлантириш.

“Креатив фикрлаш” фанининг вазифалари:

- талабаларни креатив фикрлашнинг назарий асослари, тамойилларини, уларда креативлик сифатларини ривожлантирувчи метод, восита ва технологиялар билан таништириш;
- талабаларда назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралаш; ўқув ахборот (маълумот)ларини самарали излаш; назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик материаллар тайёрлаш; ўқув топшириқлари учун иш қўғозларини ҳамма ўқув фанлари бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун синов топшириқларини топширишга креатив ёндашиш кўникмаларини шакллантириш;
- талабаларнинг мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материалларини тайёрлай олиш, маъруза машғулоти учун мўлжалланган матннинг визуал хусусият касб этиши (ўқув ахборотининг график (схема, жадвал, диаграмма, тасвир, гиперболик ва б.) кўринишда бўлиши)га эришиш, маъруза ва амалий машғулотлар, шунингдек, рейтинг назорати учун кейслар ва даражали тестлар тўпламини шакллантириш борасидаги кўникмаларининг таъминлашдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

- “Креатив фикрлаш” фанининг ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:**
- “Креативлик” ва “Креатив фикрлаш” тушунчаларининг моҳияти;
 - креатив фикрлаш фанининг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети;
 - креатив фикрлаш фанининг таркибий тузилмаси ва муҳим категориялари;

- креатив фикрлаш фанининг методлари;
- талабаларнинг креативлик сифатлари, креативлик имкониятлари ва малакалари;
- талабалар креатив имкониятининг муҳим даражалари ва уларни аниқловчи мезонлар;
- талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари;
- талабаларда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар;
- талабаларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш шакллари, метод ва воситалари;
- талабаларда креативлик сифатларини ривожлантириш босқичлари, метод ва воситалари тўғрисидаги **билимларга эга бўлиши**;
- жорий, оралик ва якуний назоратлар учун синов топшириқларига креатив ёндашиш;
- мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материални тайёрлай олиш;
- маъруза машғулоти учун мўлжалланган матннинг визуал хусусият касб этиши (ўқув ахборотининг график (схема, жадвал, диаграмма, тасвир, гиперболик ва б.) кўринишда бўлиши)га эришиш **кўникмаларини эгаллаши**;
- маъруза ва амалий машғулотлар, шунингдек, рейтинг назорати учун кейслар ва даражали тестлар тўпламини шакллантириш;
- маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда креативлик сифатларини тўлақонли намойиш этиш;
- мавзу моҳияти ва ўқув материалининг характеридан келиб чиққан ҳолда аудитория (жой)ни жиҳозлаш;
- маънавий-маърифий тадбир мавзуси, йўналиши ва характеридан келиб чиққан ҳолда у ўтказиладиган жой (хона, зал)ни жиҳозлашга креатив

ёндашиш **малакаларини** **эгаллаши;**
- креатив ёндашув асосида талабаларда дидактик ишлар жараёни муваффақиятли ташкил этиш;
- талабаларнинг ўқув фаолиятини самарали йўлга қўйишда **креативлик сифатларини эгаллаш.**

Фанни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Креатив фикрлаш” фанини ўқитиш жараёнида:
- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, кичик гуруҳларда ишлаш, интерактив таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Креатив фикрлаш” фани бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш”, “Фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар”, “Олий таълим дидактикаси” ва “Педагогик квалиметрия” субмодуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Фаннинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали талабалар фаолиятини самарали, муваффақиятли ташкил этишда креативлик сифатлари ва имкониятларидан тўлақонли фойдалана олишга оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиради.

Фаннинг ҳажми ва мазмуни

N	Машғулот тури	II-Семестр
1	Назарий (лекция)	32
2	Амалий машғулот	36
3	Аттестациялар	4
4	Мустақил таълим	108
	Жами соат	180

Фан бўйича соатлар тақсимот

N	Фан мавзулари	Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустақил таълим
			Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот	Аттестациялар	
1	Креатив фикрлаш фанининг назарий асослари	4	4	2	2		10
2	Креатив фикрлаш фанининг методологияси	4	4	2	2		8
3	Креативлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари	4	4	2	2		8
4	Креатив қобилиятларини	10	10	4	6		10

	шакллантиришда а жаҳон тажрибалари						
5	Креатив қобилиятларин и шакллантиришда а жаҳон тажрибалари(К ен Робинсон, Гарднер, Эмебайл, П.Торренс қарашларилари)	4	4	2	2		6
6	ОТМ талабаларида ижодий ёndoшиш орқали креатив фикрлашни ривожлантириш	4	4	2	2		8
7	ОТМ талабаларида креативлик сифатлари ва ижодий тафаккурни ривожлантирув чи метод ва воситалар	6	6	2	4		8

8	ОТМ талабаларида креативлик сифатлари ва ижодий тафаккурни ривожлантирув чи технологиялар	8	8	4	4		8
9	Бошқарув фаолиятини ташқил этишга креатив ёндашиш	4	4	2	2		6
10	Ижодкорликда қизиқувчанлик и ривожлантириш масалалари	4	4	2	2		8
11	Талабаларни касбий компетентлигин и шакллантириш	8	8	4	4		8
12	Мустақил фикрлаш маданияти ҳақида қарашлар	4	4	2	2		10
13	Талабаларда	4	4	2	2		10

3	мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш нинг модели						
	Жами: 180	68	68	32	36	4	108

МАШҒУЛОТЛАР

МАЗМУНИ

1-мавзу:(2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) Креатив фикрлаш фанининг назарий асослари.

“Креативлик” ва “Креатив фикрлаш” тушунчаларининг моҳияти. Креативлик – яратиш, ижод қилиш эканлиги. Креатив фикрлашнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети.

2-мавзу: (2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) Креатив фикрлаш фанининг методологияси

Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг креатив қарашлари. Креатив фикрлашнинг муҳим категориялари. Креатив фикрлашнинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

3-мавзу: (2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) Креативлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари.

Талабанинг креативлик потенциали. Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамойиллари. Талабанинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар

4-мавзу: (4соат маъруза, 6соат амалий машғулот) Креатив қобилиятларини шакллантиришда жаҳон тажрибалари

Ривожланган мамлакатлар таълим тизими тараққиётининг айрим масалалари. АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Финляндия, Германия ва бошқа давлатлар таълим тизими.

5-мавзу:(2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) Креатив қобилиятларини шакллантиришда жаҳон тажрибалари

Креатив қобилиятларини шакллантиришда Кен Робинсон, Гарднер, Эмебайл, П.Торренс қарашларидан фойдаланиш

6-мавзу: (2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) ОТМ талабаларида ижодий ёндошиш орқали креатив фикрлашни ривожлантириш

Талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари. Талабаларда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар. Талабаларда креативлигини ифодаловчи белгилар.

7-мавзу: (2соат маъруза, 4соат амалий машғулот) ОТМ талабаларида креативлик сифатлари ва ижодий тафаккурни ривожлантирувчи метод ва воситалар

Талабаларнинг креативлик имкониятлари. Талабалар креатив имкониятининг таркибий асослари. Талабаларнинг креативлик имкониятлари.Талабаларда креатив имкониятини ифодаловчи тамойиллар. Креативлик имкониятига эга талабаларда намоён бўладиган малакалар. Талабаларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш йўл ва шакллари. Талабаларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш метод ва воситалари. Талабаларнинг креативлик сифатларини аниқловчи психологик тестлар.

8-мавзу: (4соат маъруза, 4соат амалий машғулот) ОТМ талабаларида креативлик сифатлари ва ижодий тафаккурни ривожлантирувчи технологиялар

Талабалар креатив имкониятининг муҳим даражалари. Талабаларнинг креативлик имконияти даражасини аниқловчи мезонлар.Креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш.Талабалар креатив имкониятининг таркибий асослари. Талабаларнинг креативлик сифатларини ривожлантирувчи технологиялар. Талабаларда креативлик сифатларини самарали ривожлантиришга хизмат қиладиган технологиялар.

9-мавзу: (2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) Бошқарув фаолиятини ташкил этишга креатив ёндошиш

Бошқарув фаолиятни креатив ёндашув асосида ташкил этиш. Талабалар томонидан бошқарув фаолиятни креатив ёндашув асосида ташкил этилишини таъминловчи инновацион характердаги омиллар.

10-мавзу: (2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) Ижодкорликда кизиқувчанликни ривожлантириш масалалари

Ижодкорлик, ижодкорликни ўз ўрнида ишлатиш, амалий тафаккур, кизиқувчанликни ривожлантириш масалалар

11-мавзу: (4соат маъруза, 4соат амалий машғулот) Талабаларни касбий компетентлигини шакллантириш

Таълим олувчининг компетенцияси. Касбий компетенция. Касбий компетентлик негизида акс этувчи омиллар. Касбий компетентлигини шакллантириш

12-мавзу: (2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) Мустақил фикрлаш маданияти ҳақида қарашлар.

Мустақил фикрлаш маданияти ҳақида фалсафий, психологик ва педагогик қарашлар. Мустақил фикрлашнинг турлари ва вазифалари. Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини тарбиялаш шартлари ва воситалари.

13-мавзу: (2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) Талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришнинг модели

Талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришнинг модели. Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришнинг мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари. Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар.

Креатив фикрлаш фанидан мустақил иш мавзулари:

Мустақил таълим мазмуни маъруза ва амалий машғулотлари мавзулари асосида шакллантирилади. Бироқ мустақил таълим кўпроқ маъруза ва амалий машғулотларида ўрганилмаган масалаларни ўз ичига қамраб олади. Мустақил

таълим асосида ўқиб-ўрганилган масалалар фан бўйича оралик ва якуний назорат ишлари саволларида ўз аксини топади.

Мустақил таълимни тайёрлашда мазкур фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

1) дарслик ва ўқув қўланмалардан фойдаланиб, барча мавзуларни ўрганиш;

2) тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмларини ўзлаштириш.

Талабаларнинг мустақил таълими ҳар бир маъруза мавзуси асосида ташкил этилади. Фанни ўрганиш жараёнида мустақил таълимнинг бир неча турларидан фойдаланилади:

1) Адабиётлар билан ишлаш;

2) Ижодий иш;

3) Баъзи мавзулар бўйича эссе ,тезис ёзиш.

1.“Креативлик” ва “Креатив фикрлаш” тушунчаларининг моҳияти.

2.Креативлик – яратиш, ижод қилиш эканлиги.

3.Креатив фикрлашнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети.

4.Шарқ мутафаккирларининг креатив қарашлари.

5. Ғарб мутафаккирларининг креатив қарашлари

6.Креатив фикрлашнинг муҳим категориялари. Креатив фикрлашнинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги..

7.Талабанинг креативлик потенциали.

8.Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамойиллари.

9.Талабанинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар

10.Ривожланган мамлакатлар таълим тизими тараққиётининг айрим масалалари.

11.АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Финляндия таълим тизими

12. Германия ва бошқа давлатлар таълим тизими.

13.Креатив қобилиятларини шакллантиришда Кен Робинсон, Гарднер, Эмебайл, П.Торренс қарашларидан фойдаланиш

- 14.ОТМ талабаларида ижодий ёндошиш орқали креатив фикрлашни ривожлантириш
- 15.Талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари.
- 16.Талабаларда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар.
- 17.Талабаларда креативлигини ифодаловчи белгилар.
- 18.ОТМ талабаларида креативлик сифатлари ва ижодий тафаккурни ривожлантирувчи метод ва воситалар
- 19.Талабаларнинг креативлик имкониятлари.
- 20.Талабалар креатив имкониятининг таркибий асослари.
- 21.Талабаларнинг креативлик имкониятлари.Талабаларда креатив имкониятини ифодаловчи тамойиллар.
- 22.Креативлик имкониятига эга талабаларда намоён бўладиган малакалар.
- 23.Талабаларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш йўл ва шакллари.
- 24.Талабаларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш метод ва воситалари.
- 25.Талабаларнинг креативлик сифатларини аниқловчи психологик тестлар.
- 26.ОТМ талабаларида креативлик сифатлари ва ижодий тафаккурни ривожлантирувчи технологиялар
- 27.Талабалар креатив имкониятининг муҳим даражалари.
- 28.Талабаларнинг креативлик имконияти даражасини аниқловчи мезонлар.Креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш.
- 29.Талабалар креатив имкониятининг таркибий асослари.
- 30.Талабаларнинг креативлик сифатларини ривожлантирувчи технологиялар.
- 31.Талабаларда креативлик сифатларини самарали ривожлантиришга хизмат қиладиган технологиялар.

32.Бошқарув фаолиятни креатив ёндашув асосида ташкил этиш.

33.Талабалар томонидан бошқарув фаолиятни креатив ёндашув асосида ташкил этилишини таъминловчи инновацион характердаги омиллар.

34.Ижодкорлик, ижодкорликни ўз ўрнида ишлатиш, амалий тафаккур, кизиқувчанликни ривожлантириш масалалар

35.Талабаларни касбий компетентлигини шакллантириш

36.Таълим олувчининг компетенцияси.

37.Касбий компетенция. Касбий компетентлик негизида акс этувчи омиллар.

38.Мустақил фикрлаш маданияти ҳақида фалсафий, психологик ва педагогик қарашлар.

39.Мустақил фикрлашнинг турлари ва вазифалари.

40.Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини тарбиялаш шартлари ва воситалари.

41.Талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришнинг модели.

42.Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришнинг мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари.

43.Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар.

“Креатив фикрлаш” фанидан талабалар билимини баҳолаш мезони.

Креатив фикрлаш фани бўйича баҳолар, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал баҳо, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларининг саралаш баҳолари қуйидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

“Креатив фикрлаш” фанидан талабалар билимини баҳолаш оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Оралиқ назорат семестр давомида ишчи фан дастурининг тегишли бўлими тугагандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш мақсадида ўқув машғулотлари давомида ўтказилади.

Якуний назорат тури семестр якунида тегишли фан бўйича талабанинг назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Назорат тури	Назорат тартриби	Назорат шакли	Топшириқлар сони	Бир топшириқ баҳоси	Жами
Оралиқ назорат	1-ОН	Тест синови	25	0,2	5
	2-ОН	Тест синови	25	0,2	5
Якуний назорат		Ёзма ш	3	5	5

Назорат тури	Назорат шакли	Топшириқлар сони	Бир топшириқ баҳоси	Баҳо
Оралиқ назорат	Ёзма иш	3	5	5
Якуний назорат	Тест	25	0	5

Талабалар билимини баҳолашнинг 5 баҳолик тизими мезони

Баҳо	Талабаларнинг билим даражаси
5 (аъло) баҳо	талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга бўлади
4 (яхши) баҳо	талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга бўлади
3	талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг

(қониқарли) баҳо;	(мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга бўлади
2 (қониқарсиз) баҳо	талаба фан дастурини ўзлашгирмаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда

Талабалар тегишли фан бўйича якуний назорат тури ўтказиладиган муддатга қадар оралиқ назорат турини топширган бўлишлари шарт.

Оралиқ назорат турини топширмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба якуний назорат турига киритилмайди.

Якуний назорат турига кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Талаба узрли сабабларга кўра оралиқ ва (ёки) якуний назорат турига кирмаган тақдирда ушбу талабага тегишли назорат турини қайта топширишга факултет декани томонидан рухсат берилади.

Якуний назоратда "Ёзма иш"ларни баҳолаш мезони

Якуний назорат "Ёзма иш" шаклида амалга оширилганда, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариант 3 та назарийдан иборат. Назарий саволлар фан бўйича таянч сўз ва иборалар асосида тузилган бўлиб, фаннинг барча мавзуларини ўз ичига камраб олган.

Ҳар бир назарий саволга ёзилган жавоблар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 5 баҳо билан баҳоланади. Талаба максимал 5 баҳо олиши мумкин.

Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг ҳар бири учун ёзилган жавобларга қўйилган ўзлаштириш баҳолари қўшилади ва о`ртача чиқарилган қиймат талабанинг якуний назорат бўйича ўзлаштириш баҳоси ҳисобланади.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Конституция-эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2017 йил 8 декабр. 247-сон
2. Мирзиёев Ш.М. “Наманган ҳақиқати” газетаси. 2017-йил 3-июлдаги нутқи. 6-сон
3. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
4. Педагогика назарияси / Дарслик. Муал.: М.Х.Тохтаходжаева ва б. Проф. М.Х.Тохтаходжаева таҳрири остида. – Т.: “Iqtisod-moiya”, 2010. – 136-140-б.
5. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет. қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.
6. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2006.
7. Жўраев Р.Ҳ., Толипов У.Қ. Педагогик фаолият, технологиялар ва маҳорати // Узлуксиз та`лим, 2003.- № 2.

Elektron ta'lim resurslari:

1. <http://www.istedod.uz>
2. <http://www.pedagog.uz>
3. <http://www.ziyonet.uz>
4. <http://www.tdpu.uz>
5. <http://www.ilm.uz>

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида

Ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Ниманатижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларин*5и ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш

<p>4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
---	---

Б/Б/Б ЧИЗМАСИ

Б/Б/Б чизмаси-Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Тингловчилар:

1. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.
2. “Мавзу бўйича нималарни биласиз”ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.
3. Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.
4. Мустақил кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ		
Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

“ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ” МЕТОДИ

“Қарорлар шажараси” методи муайянфан асослари борасидаги бир қатор мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидаги энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндошувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукамал тушунишга хизмат қилади. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилано қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини батафсил таҳлил этиш имкониятини яратади.

УМУМИЙ МУАММО					
1-қарор варианты		2-қарор варианты		3-қарор варианты	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“ФСМУ” МЕТОДИ

“ФСМУ” методи мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозара ўтказишда ёки ўқув режа асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда таълим олувчиларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларни таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Ушбу метод тингловчиларга ўз фикрларини аниқ, қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Машғулотда аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда берилган вазифани бажаради, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб боради ва дарс охирида жамоа бўлиб ишлайдилар.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ методининг 4-босқичи ёзилган варақалар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг

С- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг.

М- кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У- фикрингизни умумлаштиринг.

Тингловчилар якка тартибда топшириқни бажарадилар. Сўнгра кичик гуруҳлар шакллантирилиб, кичик гуруҳда ҳар бир таълим олувчи ўзининг ёзган жавобини ўқиб таништиради, сўнгра гуруҳ азолари биргалашиб муҳокама қилиб умумий жавобларини ёзадилар ва уни ҳимоя қиладилар.

“ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” МЕТОДИ

“Тушунчалар таҳлили” методи мазкур метод таълим олувчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- иштирокчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- иштирокчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёниш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Педагогик маҳорат		
Инсонпарварлик		
Касбий билимлар		
Педагогик техника		
Педагогик қобилият		

“БЛИЦ-ЎЙИН” МЕТОДИ

“Блиц-ўйин” методитезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавобларни тарқатмадаги “якка баҳо” устунига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда педагог иштирокчиларни кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига

ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги педагог томонидан ўқиб эшиттирилади ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқини ёзиш сўралади. Шундан сўнг, “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Педагог якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Ҳаракатлар мазмуни

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу:(2соат маъруза, 2соат амалий машғулот) Креатив фикрлаш фанининг назарий асослари.

Режа:

- 1.“Креативлик” ва “Креатив фикрлаш” тушунчаларининг моҳияти.
- 2.Креативлик – яратиш, ижод қилиш эканлиги.
- 3.Креатив фикрлашнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности.

- СПб.: СПГУТД, 2006.
2. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
3. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
4. Сиротюк Ф.С. Диагностика одарённости / Учеб.пособие. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 1229 с.
5. Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.пособие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013. – 212 с.

Таянч

тушунчалар:

креативлик, “Креатив фикрлаш” фани, фаннинг мақсади, фаннинг вазифалари, фаннинг объекти, фаннинг предмети, фаннинг таркибий тузилмаси, фаннинг асосий категориялари, Креатив педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги, методлари

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти

Креатив фикрлаш – талабанинг анъанавий фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти

Креатив фикрлаш (КФ) –

- 1) талабада таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий, креатив ёндашиш, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган қобилият ва малакаларини ривожлантириш;
- 2) талабаларда ўқув материалларини ўзлаштиришга ижобий, мустақил ёндашиш, ўқув топшириқларини бажаришда янги, ижодий ва креатив ғояларни

илгари суриш қобилияти кўникмаларини шакллантириш ҳамда босқичма-босқич ривожлантириш асосида касбий тайёрлаш асосларини ёритадиган, шахс креативлигининг турли ёш босқичлари хусусиятларига мувофиқ ривожланиши масалаларини ўрганувчи фан

КФ кафолатлайдиган икки ҳолат:

1) ўқитувчилар томонидан ўқув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларини ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган талабалар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш;

2) ўқитувчиларга талабаларда креатив фикрлаш ва ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш қилиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш

КФ фанининг мақсади ва вазифалари:

-талабаларни (шахсни) креатив ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш.

-ўқитиш тактика, стратегияларини белгилаш;

-талабаларнинг креатив ривожланишини башоратлаш;

- креатив шахсни шакллантиришнинг бошқарув тизимини ишлаб чиқиш

КФ фанининг

Объекти: барча ёш босқичлари бўйича креатив шахсни касбий ақллантириш ва ривожлантириш жараёни

Предмети: креатив шахсни касбий шакллантириш ва ривожлантириш методологияси, устувор тамойиллари, етакчи ғоялари, муҳим йўналишлари, асосий босқичлари ва б.

КФнинг таркибий тузилмаси:

- **креатив таълим асослари:** мақсади, вазифалари, объекти, предмети, субъектлари, мазмуни, методологияси, шакллари,

методлари, воситалари, методикаси ва технологиялари;

- малакали карларни тайёрлаш ва улар томонидан касбий фаолиятни ташкил

этиш жараёнида ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда креатив шахсни шакллантириш босқичлари

2-МАВЗУ: (2СОАТ МАЪРУЗА, 2СОАТ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ) КРЕАТИВ ФИКРЛАШ ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг креатив қарашлари.
2. Креатив фикрлашнинг муҳим категориялари.
3. Креатив фикрлашнинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности.
– СПб.: СПГУТД, 2006.
2. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
3. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
4. Сиротюк Ф.С. Диагностика одарённости / Учеб.пособие. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 1229 с.
5. Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.пособие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013. – 212 с.

1. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг креатив қарашлари.

Ўзбекистонда жамият қурилиши жараёнлари, стратегик мақсад - фуқаролик жамиятини барпо этишда маънавий қадриятларимизни ривожлантириш ўз аҳамиятига эга. Эркин шахс маънавияти, замонавий демократик ғоялар ва миллий-маънавий қадриятлар уйғунлигига эришиш фозил жамият ҳақидаги Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино, Жомий, Навоий адабий-илмий меросидан ҳам қувват олади. Шундай экан, Ўзбекистонинг баркамол авлодига янада мукаммаллаштирилган таълим бериш ва уларга таълим бериш жараёнида

буюк мутафаккир олимларимизни ижод йўлларини таништириб, ёшларда янада мустақил Ўзбекистонимизга ватанпарварлик руҳида тарбиялаш энг асосий вазифалардан биридир.

Бугунги кунда иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохатларнинг асосий мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилишдан иборатдир. Шу жиҳатдан ҳар томонлама мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зероки, истиқлол даврида маънавий меросимизни тиклашда амалга оширилган улуғвор ишлар, тарихимизни холисона ўрганиш, улуғ алломалар адабий-илмий асарларининг таржима ва нашр қилиниши, таълим беришни такомиллаштириш, адабиёт, санъат соҳасидаги ютуқлар – буларнинг барчаси жамиятда маънавий-руҳий кўтарилишга олиб келди ва иқтисодиётимизнинг устивор йўналишларидаги ислохотларга қўшимча куч бағишлади.

Шарқ алломалари ва мутафаккирлари ёш авлодни тарбиялаш, касбга йўналтириш бўйича тенги йўқ фикр, ғояларни илгари сурганлар, таълимотлар яратганлар. Илмий меросни синчковлик билан ўрганиш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш ҳамда жаҳон фанининг мазкур соҳадаги ютуқлари билан таққослаш ўзлимизни англаш имконини кенгайтириб, халқимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада оширади. Миллий педагогикамиз тарихини, айниқса, ёш авлодни тарбиялаш бўйича аجدодларимизнинг асрлар давомида тўплаган тажрибаларини ўрганиш эса таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шарқдаги таълим-тарбияга оид илк асарлардан бири бўлган Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”- нафақат диний ақидалар мажмуаси, балки бадиий, юксак ахлоқий, фалсафий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ёдгорлик ҳисобланади. Мазкур ёдгорликда айрим қайд ва ишоралар, ном ва атамалар зардуштийликнинг илк куртаклари пайдо бўла бошлаган

даврларда ҳам ҳозирги Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда таълим ва тарбия ривожланганлигини кўрсатади.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам таълимтарбия масалаларига катта аҳамият берилган. Унда: **“Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у аввало яхши ўқишни, кейин эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин”,** — дейилган.

“Авесто”да инсон ўз меҳнати туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан қутулиш мумкин, деган улуғ ғоя ётади. Унда ахлоқийликнинг асоси — саховатлилик, деб кўрсатилган. Ахлоқ — яхши фикр, сўз ва ҳаракат бирлигидан иборат, дейилган.

“Авесто”даги далиллар шуни кўрсатадики, таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар ўқитилган. Зардуштийлик дини, яъни якка Тангрига эътиқод расман қабул қилинган, ўлкада таълим-тарбияга эътибор янада кучайган. Ибодатхоналар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар ташкил қилинган, таълим тизимида математика, астрономия, тиббиёт, тарих, ҳуқуқшунослик каби фанлар ўқитила бошлаган; бунда ёшларнинг маънавий камолотига алоҳида эътибор берилган. Бир томондан ёшларга зардуштийлик дини асослари, яъни “тоҳ”лар махсус ёдлатилса, иккинчи томондан уч яхши ишда суствашлик қилмаслик-“кори нек”(эзгу фикр), “туфтори нек”(эзгу сўз), “кирдори нек”(эзгу амал)ни ҳамиша эсда тутиш; уч ёмон ишдан, яъни “андешаи бад”(хурофотчи), “туфтори бад”(тангрини унутмоқ, ёлғончи) ва “кирдори бад”(ҳунарсиз, билимсиз)дан юз ўгиришни ўргатганлар.

Шарқ жонланиш даврида илм-фан ривожланиши уч йўналишда бўлди. Биринчи йўналиш — математика-тиббиёт йўналиши бўлиб, буларга математика, астрономия, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакалогия ва бошқа шунга ўхшаш фанлар киритилиб, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғонийлар математикага оид, Закарнө Ар-Розий ва Ибн Сино кимё ва тиббиётга оид йирик асарлар яратдилар.

Иккинчи йўналиш — ижтимоий-фалсафий йўналиш, бунда фалсафа, тарих, матнлик, фикр, руҳшунослик, нотиклик ва шунга ўхшаш бошқа жанрлар бўлиб, бу соҳада қомусий олимлар Форобий, Ал-Киндий, Ибн Сино, Заҳириддин Байҳақий, Муҳаммад Наршахий ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.

Учинчи йўналиш — таълим ва тарбия йўналиши бўлиб, бу соҳада қомусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарларни таркибида ёки ахлоқий асарларида баён этсалар, адиб ва тарбияшунос олимлар ўз асарларида таълим-тарбиянинг назариясини ифодалаганлар. Маълумки, Шарқ жонланиш даврида инсон муаммоси маънавий соҳадаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган.

Маърифий рисолаларда асосан ахлоқнинг назарий ва амалий масалалари таҳлил этилган. Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Тусий, Кошифий, Кайковус, Саъдий, Жомий, Навоийларнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт саодатга эришув ҳақида”, “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Ишқ рисоласи”, “Қутадғу билик”, “Ахлоқи Носирий”, “Ахлоқи Жалолий”, “Ахлоқи Мухсиний”, “Ҳиббатул ҳақойиқ”, “Қобуснома”, “Гулистон”, “Бўстон”, “Махбубул-қулуб” каби таълим ва тарбияга оид асарлари инсон шахсини, маънавиятини шакллантириш муаммосини ҳал этишда соф маърифий асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асарларда инсоннинг маънавий камолга етишиши юксак ҳуқ-одоб, илмфанни эгаллаш асосидагина амалга ошириши мумкин, деган гоя илгари сурилган.

Форобий(873-950) ўз асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усуллари ҳақида фикр юритади. “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт ва саодатга эришув тўғрисида”, “Ихсо ал-улум”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида” каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат, деб билади. У таълим-тарбияга биринчи бўлиб таъриф берган

олим. *Маърифат — тарбияланувчининг хоҳиши ва иродасини керакли йўналишда бошқариши санъатидир*, дейди Форобий.

Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия-таълимнинг назарий фазилатларни, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, дейди олим. Абу Наср Форобий яна айтади: *“Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бўрлаштириш”*.

Форобий билимидан маърифатли етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди: *“Ҳар кимки илм хикматни ўрганаган деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ – саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одоби бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланган бўлсин, барча қонун – қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илми ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол – дунёсини аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин”*.

Бу фикрлардан Форобийнинг таълим – тарбияда ёшларни мукаммал инсон қилиб тарбиялашда хусусан, ақлий – ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди, унинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта яхши ахлоқ билан безатмоғи лозим, акс ҳолда кутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди.

Форобий *“тарбия жараёнининг муваффақиятли кечиши учун тарбия берувчининг ўзи тарбияли бўлмоғи шарт”*, дейди.

Абу Али Ибн Сино(980-1037)ҳам бола тарбияси ва тарбия усуллари ҳақида қимматли фикрларини билдирган. Ибн Сино боланинг ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикрларида уй – рўзғор тутиш масалалари хусусида ҳам сўз юритади. Болани тарбиялаш оила, ота–онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота– она тарбиячи бўлиши мумкин.

Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама – якка суҳбатда бўлиш, унга насихат қилишдир.Ибн

Сино болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний, ақлий тарбия билан ўзвий бирликда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил, деб билади.

Абу Али ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган билимларга етишишга даъват этган. У болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълим-тарбияда қуйидаги тамойилларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

- болаларга билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Ибн Сино ўзининг **“Тадбири манзил”** асарининг **“Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш”** бўлимида тўхталиб, таълим ва тарбия жараёнини очиб беради. Болаларга билим бериш педагогнинг асосий бурчидир. Шунга кўра, Ибн Сино педагог қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл-йўриқлар беради:

- болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш;
- берилаётган билимни болалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли усуллардан фойдаланиш;
- фанга қизиқтира олиш;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш;
- билимларни болаларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

Ибн Сино инсоннинг шаклланишида унинг атрофини ўраб олган ижтимоий муҳит алоҳида рол ўйнашини, ана шу муҳит инсоннинг атроф дунёни билишинигина эмас, балки унинг ҳулкида яхши ёки ёмон жиҳатларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этишини, шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш, уни ёмон ижтимоий муҳитдан узоқроқ сақлаш зарурлигини уқтиради.

Ибн Сино инсон камолотида ақлий, ахлоқий тарбия билаи бир қаторда жисмоний тарбиянинг муҳим аҳамиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлайди. Болага ҳали у туғилмасдан туриб ғамхўрлик қилиш, гўдаклик давридан бошлаб тарбияни бошлаш зарурлигини таъкидлайди.

Ибн Синонинг таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ривожланиши унинг камолга етишида асосий мезон сифатида талқин қилинади.

Юсуф Хос Ҳожиб(1015—1070) ўз даврининг етук мутафаккири, чуқур билимли, донишманд кишиси эди. У “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи билим”) асари муаллифидир. “Қутадғу билиг” -бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим деган маънони билдиради. Демак, асар номидан ҳам унинг панд-насихатлари, таълим-тарбияга оид, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялайдиган етук маърифий асар эканлиги яққол кўриниб турибди.

“Қутадғу билиг” — XI аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалари бадий талқин қилинган, туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи, қадриятлари хусусида батафсил маълумот берилган. Асарда илгари сурилган ахлоқий хислатларни санаб ўтиш олимнинг таълим-тарбия, ахлоқ масалаларини қай даражада чуқур билганлиги адолат, ишонч, садоқат, хушмуомалалик, ширин сўзлик, саховат, мардлик, ҳурмат ва эҳтиром, тadbиркорлик, ақл-заковат, ҳалоллик, эзгулик каби, хислатлар улуғланади.

“Қутадғу билиг”да бош масалалардан бири комил инсонни тарбиялашдир. Юсуф Хос Ҳожиб бу асари орқали ўз тасаввурида энг комил, жамиятнинг ўша

давргаги талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай қўрган бўлса, шу асосда ўз принципларини баён этади. Мана шундай ахлоқий масалалардан бири оила ва фарзанд тарбияси масаласидир. Бу умуминсоний ахлоқий нормага Шарқ этикасига аҳамият бериб келган. Шарқ халқининг улуғ анъанасини, оилавий ҳаётини, турмуш тарзи ва тарбия усулларини чуқур билган шоир мазкур муҳим ахлоқий муаммони ўзига хос фалсафий талқин қилади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг уқтиришича, ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб камол топмоғи керак. Бунинг учун, у туғилган кундан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим. Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Шундагина уларнинг ноўрин хатти – ҳаракатларига берилишининг олди олинади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг мазкур асари инсонни ҳар томонлама камолга етказишнинг барча масалалари ўзининг бадиий ифодасини топган йирик таълимий-ахлоқий достондир. Олим инсонни камолга етиши учун кўйидагиларни назарда тутди:

1. Ақлий камолот-билим ва заковат. Ўқувга бўлиш.
2. Ахлоқий камолот.
3. Жисмоний камолот.

Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг камолга етишининг йўл-йўриқлари, усуллари, чора-тадбирларини юксак бадиий маҳорат билан ёритиб беради. Шунинг учун ҳам бу асар ўзининг илмий, маърифий, тарбиявий аҳамияти билан беқиёсдир.

Кайковуснинг (XI аср) “Қобуснома” асари Шарқда сақланиб келаётган анъанага кўра панд-насихаттарзида ёзилган бўлиб, бир неча асрлардан бери халқларни, жумладан, ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда муҳим қўлланма бўлиб келмоқда. У Шарқ маърифатчилиқ фикри тараққиётида инсон камолотини шакллантиришда муҳим ўринни эгаллайди. У ёшларга ўзини уч нарсадан: кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан, тилни ёмон сўздан сақлашни тавсия этади.

Кайковуснинг “Қобуснома”си XI асрда юзага келган йирик тарбиявий асардир. Бунда ўша даврга хос ҳар бир ёш эгаллаши зарур бўлган ақлий, ахлоқий,

жисмоний тарбия билан боғлиқ фаолият турлари отда юриш, мерганлик, сувда сузиш, ҳарбий машқлар, ифодали ўқиш, хаттотлик, шеър ёзиш, мусиқа билимини эгаллаши кабилар ўз ифодасини топган.

Кайковуснинг катта хизмати шундаки, у ёшларни ҳар томонлама камолга етказишнинг назарий масалаларини амалий фаолият билан боғлаб олиб борди, унинг ўғитлари ҳар қандай тузумда ҳам ўз қийматини йўқотмади ва амалий ҳаёт дастури сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек (1394—1449)Марказий

Осиё халқлари илм–фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймолардан биридир. У аввало ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига катта аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларини эгаллашга даъват этди. Фақат ривожланган фан ва маданият инсон тафаккурининг комил топишини таъминлашга ишонди.

Алломанинг уқтиришича, боланинг билим олишга бўлган қизиқиши, ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўринни эгаллайди. Оилада ота – оналар айниқса, ўқимишли ота – оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Мирзо Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий хунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият беради. Мирзо Улуғбекнинг фикрича, одам соғлом ва бақувват бўлиши учун ёшлик чоғидаёқ жисмоний машқлар билан шуғулланиши, таълим–тарбияда қаллоблик бўлмаслиги учун мударрислар одил ва ҳалол бўлиши керак.

Мирзо Улуғбекнинг оила муҳити соғлом авлодни етиштириш ҳақидаги фикрлари шундан иборатки, аллома уқтиришича, боланинг билим олишига бўлган қизиқиш, ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўринни эгаллайди, яъни оилада ота–оналар айниқса ўқимишли ота – оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Қомусий билимлар соҳиби, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам ва санъатнинг турли соҳалари; адабиёт, тарих, тил, мусиқа, хаттотлик, тасвирий санъат, меъморчилик ва бошқа билимларни ривожлантириш билан бирга таълим-тарбияни такомиллаштиришга ҳам катта эътибор берганди.

Алишер Навоий (1441-1501) ўзининг бадиий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, маърифий асарларида комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этади. Алишер Навоий ўз даврининг илғор, маърифатпарвар алломаси сифатида исломдаги таълим-тарбия ақидалари, ўзидан илгари ўтган мутафаккирларнинг карашларини анъанавий тарзда давом эттирди. Айниқса, инсон камолотида илм-фаннинг ўрни, ақл-идрокнинг аҳамияти, ақлий тарбиянинг моҳиятини ёритиб берди.

Алишер Навоий билим олишда барча фанларни ўрганишни тарғиб этади. У билимни узлуксиз ўрганиш зарур, дейди. Буюк аллома билим олиш тамойилларини ўз даврида тўғри ифодалаб, ҳатто таълим тизимини ўз даврида мактаб, мадрасаларда ўқиш, олим, хунарманд, санъаткорларга шогирд тушиб ёки мустақил ҳолда билим олиш имкониятларидан фойдаланишни тавсия этади.

Алишер Навоий ҳар бир инсон ақлли, ахлоқли, билимдон, оқил, доно, софдил, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, мурувватли, камтар, мард ва жасур бўлмоғи лозим, деб таъкидларди.

Навоий бундай фазилатларга эга бўлган баркамол инсоннинг фақат бадиий образини яратиб қолмай, уни тарбиялаш усулларини ҳам баён этди ва маърифат, илм-фан тараққиётида “Назмул-жавоҳир”, “Хайратул-аброр”, “Маҳбубул-қулуб”дек шох асарлари билан муносиб ўринга эга бўлди.

Алишер Навоий боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва кудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади. “Ёш боланинг жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ зарур. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради. У одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса

кишиларнинг бир–бирларига бўлган рухий маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади”, деб вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлиги уқтиради.

Буюк шоир ва олим, форс–тожик мумтоз адабиётнинг улуғ намоёндаси **Нуриддин Абдурахмон Жомий** (1414-1492) ўзидан кейин турли фан, адабиёт, жумладан педагогикага доир ўлмас меърос қолдиради. У ўз асарларида, айниқса, насрий йўлда ёзилган “Баҳористон” асарида таълим–тарбия масалалари хусусида фикр билдирди. Жомий ўз асарларида ёшларни илмларини эгаллашга даъват этади. У ўз педагогик қарашларида кишиларни адолат, хушмуомалалик ва доно сўз билан зулмкорларга таъсир этишга даъват этади. А.Жомий “Муаллим билимли, ақлли, адолатли, ўзида бутун юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ўзини номуносиб тутган одам ҳеч вақт болаларга билим ва одоб бера олмайди”, деб таъкидлаган.

Ғарб мутафаккирларидан **Ян Амос Коменский** (1592-1670) ўз даврининг илғор ғояларига таянган ҳолда “Ҳаммани ҳамма нарсага ўргатиш” тўғрисида даъват билан чиқди. Унинг “Буюк дидактика” деган катта рисоласи назарий педагогиканинг илк асарларидан ҳисобланади. Я.А.Коменский болаларда камтарлик, мўмин-қобиллик, шафқатлилик, покизалик, хушмуомалалик, меҳнатсеварлик хислатларини тарбиялашни ахлоқий тарбиянинг асоси деб билади. Я.А.Коменский интизомнинг аҳамияти жуда катталигини кўрсатди. Бунинг исботи учун у чехларнинг “Интизомсиз мактаб бамисоли сувсиз тегирмондир”, деб мақомини келтиради. Унинг энг катта хизмати шундаки, у ўрта асрдаги калтак воситаси билан ўрнатиладиган интизомга қарши чиқди, болаларга инсоний муомала қилишни талаб қилди.

“Яхши йўлга қўйилган мактаб қонунлари” номли асарида таълим олувчилар хатти-ҳаракатларига тааллуқли қимматли қоидалар баён этилган. Коменскийнинг педагогика соҳасидаги мероси таълим-тарбияда аҳамияти жуда каттадир. Унинг кўп тилларга таржима қилинган дарсликлари кўпгина мамлакатларда, шунингдек, XVII-XVIII асрларда Россияда ҳам кенг тарқалди ва 150 йилдан кўпроқ давр давомида энг яхши дарслик сифатида

хизмат қилиб келди. Унинг асрлари, қимматли фикрлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Коменский барча асарларида, жумладан “Буюк дидактика” асарида тарбия табиат билан уйғун бўлиши керак, деган фикрни илгари суради. У тарбиянинг табиатга уйғун бўлиш тамойилини биринчи бўлиб яратди. Бу тамойил XVIII-XIX аср педагоглари томонидан ҳам қайта-қайта такрорланди. Коменский инсон табиатнинг бир қисмидир, шунинг учун ҳам у табиатга бўйсунди, деб ҳисоблади. У “Буюк дидактика” асарида баён қилган фикрларнинг барчаси педагогик тажрибалари, орттирган билимлари билан қимматлидир. Бу асар дин билан суғорилган бўлса-да, унда тарбиянинг умумий қонуниятларини исботлаб беришдаги фикрлари ва кўрсатмалари диққатга сазовордир. У ўз асарларида болага тарбия беришда инсон табиатига (туғма белгиларига) эътибор беришлигини кўрсатади.

Коменский ҳамма мактаблар учун умумий бўлган бир тизим бўлиши, болаларнинг қайси тоифага мансублигидан, ота-оналарининг қимлигидан қатъий назар она тилидаги мактаблар ҳамма болалар учун умумий ва мажбурийдир, деб таъкидлайди. Коменский бошланғич умумий таълим ғоясини илгари сурди.

Коменский фикрича, тарбиянинг уч босқичи ва уч вазифаси мавжуд:

1. Ўзини ва теварак атрофидаги оламни билиш (ақлий тарбия).
2. Ўз-ўзини бошқариш (ахлоқий тарбия).
3. Худони танишга интилиш (диний тарбия).

Коменский тарбияга юксак баҳо берди. Инсон тарбия туфайлигина инсонга айланади, у ҳар қандай болани ҳам одам қилиши мумкин, дейди. Коменский биринчи бўлиб кўрсатмалилик тамойилини асослаб берди. У мумкин бўлган нарсаларнинг ўзини, мумкин бўлмаганларда эса расмлардан фойдаланиш керак, деб кўрсатади. Ўша давргача тўпланган кўрсатмалик тамойили асосидаги билимларни умумлаштирди, гуруҳлаштирди ва кенгайтди, амалда кенг қўллади.

Коменский ўқитилаётган материални таълим олувчиларнинг мустаҳкам, асосли равишда ўзлаштиришларига катта эътибор берди. Шунингдек, овоз чиқариб такрорлашнинг аҳамияти катталигини, таълим олувчиларнинг қобилиятини ўстириши, нутқининг ривожланиши ва ровон бўлиши, таълим олувчиларнинг билиш қобилиятини имкон борича кучлироқ ўстиришга ҳаракат қилди.

Коменский мактабда ўқув йили ва уни ўқув чоракларига бўлиш тўғрисидаги тушунчани, таътилни киритди, ўқув кунини қандай ташкил этиш белгилаб берди, ўқув машғулотларининг синф-дарс тизимини назарий жиҳатдан ишлаб чиқди ва буни амалда қўллади.

Швейцариялик педагог **Иоганн Генрих Песталоцци** (1746-1827) педагогнинг касбий сифатларига баҳо бериш билан бирга, асосан, унинг болаларни севиши, юксак ахлоқи, билимдонлиги, иқтидори, қобилияти кабиларга тўхталиб ўтади.

Атоқли немис педагоги **Фридрих Вильгельм Адольф Дистервег** (1790-1866) педагогнинг таълимдаги ролига баҳо бериб, у ўз фаолиятини чуқур билиб, педагогик маҳоратини ошириб бориши таълим олувчиларни қалбдан ёқтириши натижасида юзага келади деб уқтиради. Педагогтаълим олувчининг индивидуал хусусиятларини, қобилиятини, фаолиятини мукамал билиши учун муайян даражада психологик билимларга ҳам эга бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Таниқли рус педагоги **Константин Дмитриевич Ушинский** (1824-1870) педагогни касбий фаолиятига юксак баҳо бериб, унинг машаққатли меҳнатини таърифлаб шундай дейди: “Ҳали етилмаган ва фикри хаёли тарқоқ бўлган ўттиз ёки қирқта таълим олувчининг онгини бутун дарс давомида машғул қилиб туриш учун педагог ўз сўзлари ва берган масалалари тўғрисида кўп бош қотириши, сердиққат бўлиши керак. Мана шу сабабдан билими бўлган ҳар бир киши педагог бўлишга лаёқатли бўлавермайди. Жамият томонидан ҳамма вақт ҳам етарлича таъриф қилинмайдиган бу вазифани инсоф билан адо қилмоқ учун зарур матонат ва маҳорат талаб қилинади”.

Буюк рус адиби **Лев Николаевич Толстой** (1828-1910) педагог фаолияти ва фазилатини қуйидагича таъкидлайди: “...агар ўқитувчи фақат ишига ҳавас қўйган бўлса, у яхши ўқитувчи бўлади. Агар ўқитувчи болага фақат отаси ва онаси каби ҳавас қўйган бўлса, у олдинги ўқитувчидан яхшироқ бўлади. Бордию, иккала хислатни ҳам мужассамлаштирсан, у ҳолда у мукамал ва маҳоратли ўқитувчи бўлади”.

КФнинг

асосий

категориялари:

Ижодкор шахс – ижодий жараёни муваффақиятли амалга ошира оладиган ва аниқ ижодий натижа (маҳсулот)ларга эга шахс

Креатив шахс – жараён ёки натижа сифатида ижодкорликни намоён этувчи, масалаларни ечишга ностандарт усуллар билан ёндаша олишга мойил, ўзига хос ҳаракатларни ташкил этиш, янгиликларни илгари суришга, ижодий маҳсулотларни яратишга лаёқатли ва тайёр шахс

Креатив шахсни тайёрлаш – ижодкорликка ўргатиш ва ўзини ўзи ижодий намоён этиш жараёнида шахсда барқарор креатив сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш мазмуни.

Ижодкор шахсни тарбиялаш – касбий-ижодий фаолият тажрибаларини қарор топтириш ва бойитиш асосида ижодий ғоя, уларни амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга шахсни шакллантириш ва ривожлантириш

Олий таълим муассасалари талабаларида креатив тафаккурни шакллантириш жараёнида қуйидаги ҳолатлар сўз юритилаётган жараёнда самарадорликка эришишни кафолатлайди:

- олий таълим муассасалари талабаларида креатив тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- олий таълим муассасалари талабаларида креатив тафаккурни шакллантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасалари талабаларида креатив тафаккурни шакллантиришга хизмат қилувчи мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш чоратadbирларини белгилаш;

- талабаларнинг креатив тафаккурини шакллантиришга ёрдам берувчи шакл, метод ва воситалар тизимини асослаш;

- мазкур жараёнда фанлараро алоқадорликни таъминлаш;

- талабалар томонидан ўзлаштирилган назарий-педагогик билимларнинг амалиётга тадбиқ этишга имкон берувчи шарт-шароитларни яратиш.

Ҳар қандай фан сингари “Креатив фикрлаш” фани ҳам ўзининг таркибий тузилмасига эга. Ушбу фан қуйидаги таркибий тузилмага эга:

- **креатив таълим асослари**: мақсади, вазифалари, объекти, предмети, субъектлари, мазмуни, методологияси, шакллари, методлари, воситалари, методикаси ва технологиялари;

- малакали карларни тайёрлаш ва улар томонидан касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда креатив шахсни шакллантириш **босқичлари**

Креатив педагогиканинг умумий моҳияти унинг концептуал ҳолатларини ифодаловчи бир қатор тушунчалар асосида очиб берилади. Улар қуйидагилардан иборат:

Ижодкорлик – муайян янгиликнинг аҳамияти ва фойдали эканлигини белгиловчи шахс фаолияти ва унинг натижаси

Ижодкор шахс – ижодий жараёни муваффақиятли амалга ошира оладиган ҳамда аниқ ижодий натижа (маҳсулот)ларга эга шахс

Креатив шахс – жараён ёки натижа сифатида ижодкорликни намоён этувчи, масалаларни ечишга ностандарт усуллар билан ёндаша олишга мойил, ўзига хос ҳаракатларни ташкил этиш, янгиликларни илгари суришга, ижодий маҳсулотларни яратишга лаёқатли ва тайёр шахс

Бунёдкор шахс – ҳам жараён, ҳам натижа сифатида объектив ижодкорликни амалга оширадиган ва талаблар даражасида ижодий маҳсулотларини ярата оладиган шахс

Креатив шахсни тайёрлаш – ижодкорликка ўргатиш ва ўзини ўзи ижодий намоён этиш жараёнида шахсда барқарор креатив сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш мазмуни

Ижод – ижтимоий субъектнинг янгилиги, аҳамияти ва фойдалилиги жамият ёки муайян гуруҳ томонидан тан олинган фаолияти ёки фаолияти натижаси

Ижодкор шахсни тарбиялаш – касбий-ижодий фаолият тажрибаларини қарор топтириш ва бойитиш асосида ижодий ғоя, уларни амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга шахсни шакллантириш ва ривожлантириш

Касбий-ижодий фаолият – мутахассиснинг касбий масалаларни ижодий ҳал қилиш муваффақиятини тавсифловчи фаолияти, инновацион хатти-ҳаракати

Ижодий топшириқлар – муаммоли вазиятларни тизимли таҳлил асосида ҳал қилишга йўналтирилган масалалар тизими

Касбий-ижодий имконият – 1) касбий компетенция, малакага эгаллик;
2) касбий ижод методологияси асосларини ўзлаштирганлик;
3) ижодий тафаккурнинг шаклланганлик даражаси;
4) касбий-ижодий лаёқат ва шахсий сифатларнинг ривожланганлиги

Касбий ижодкорлик методологияси – ижодкорликнинг жараён ва натижа сифатида объектлар ҳамда муайян касбий фаолият турларига муносабат кўринишидаги тузилиши, мантиқий ташкил этилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимот

Ижодий тафаккур – тафаккурнинг ижод жараёнини ташкил этиш ва ижод натижалари (маҳсуллари)ни башоратлашни ифодаловчи тури

Креатив қобилият – шахснинг ижодий фаолиятни ташкил этиш ва унинг натижаланганлигига эришишни таъминлаш имкониятини белгиловчи индивидуал хусусияти

Ижодий қобилият – ижодий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва унинг натижаланганлигини баҳолашда намоён бўладиган индивидуал хусусияти

Ўзини ўзи ижодий фаоллаштириш – шахснинг ижодий фаолиятда ўз имкониятларини тўлақонли намоён қилиши ва ривожлантириши

Педагогларнинг касбий-ижодий имконияти касбий масалаларни ижобий ҳал қилиш ва уларнинг ечимини тегишли даражада баҳолашда кўринади.

“Креатив фикрлаш”нинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги. Шахс камолотини таъминлаш, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний жиҳатдан ривожланишига эришишда турли ёш давлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, боланинг физиологик, психологик ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Яхлит педагогик жараён муайян туркумни ташкил этувчи педагогик фанлар томонидан ўрганилади. Шу билан бирга “Креатив фикрлаш” фани бир қатор ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқадорликда креатив шахснинг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини тадқиқ этади (2-расм):



2-расм. Креатив педагогиканинг педагогика туркум ва ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

Умумий педагогика назарияси ва амалиёти – ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантириш, унда дунёқараш ва юксак маънавий-ахлоқий

сифатларни тарбиялаш, педагогик фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини, турли даврларда бола тарбиясини ташкил этишга оид билимларнинг шаклланишини тадқиқ қилади.

Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёши болаларини тарбиялаш, уларга бошланғич билимларни бериш масалаларининг тадқиқи билан шуғулланади.

Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синф ўқувчиларининг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ўрганади.

Педагогик маҳорат ва педагогик технология – бўлажак ўқитувчилар, тингловчиларда педагогик жараённи методик жиҳатдан тўғри, самарали ташкил этиш, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини оқилона йўлга қўйиш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш, таълим ва тарбия жараёнларини технологик ёндашув асосида такомиллаштириш, илғор педагогик технологияларни яратиш ва таълим амалиётига самарали татбиқ этиш масалаларини ўрганади.

Коррекцион (махсус) педагогика – имконияти чекланган қар-соқов (сурдопедагогика), кўр (тифлопедагогика), ақлий жиҳатдан ривожланишда ортда қолган (олигофренопедагогика) болаларга таълим бериш ва уларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

Хусусий методика (хусусий фанларни ўқитиш) – турли ўқув фанлари (м: физика, математика, биология, кимё, тарих, ҳуқуқ, жисмоний тарбия ва ҳ.о.лар)ни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилади.

Касбий педагогика – турли (ижтимоий, техник, маданий-маиший, ишлаб чиқариш) йўналишларида тегишли соҳа (мас., қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар) бўйича касбий фаолиятни самарали йўлга қўйиш йўллариини ўрганади.

Таълим менежменти – таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва оқилона бошқариш масалаларини тадқиқ қилади.

Қиёсий педагогика – таълимнинг жаҳон, минтақа, давлат миқёсидаги ривожланишининг умумий ва алоҳида тенденциялари, қонунлари ва қонуниятларини ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганади, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатларини, миллий педагогик маданиятлар алмашинувининг шакл ва усулларини аниқлайди.

Педагогик инноватика – таълим субъектлари нуқтаи назардан педагогик инновацияларнинг моҳияти, пайдо бўлиш, ривожланиш қонуниятларини ҳамда педагогик анъаналар билан келажак таълимнинг лойиҳалаштирилиши ўртасидаги алоқаларни ўрганадиган фан.

Ҳарбий педагогика – ҳарбий таълимнинг ўзига хос жиҳатларини, уни ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситалари, илғор технологияларини, ҳарбий фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш йўлларини очиқ беради.

Ҳамкорлик педагогикаси – турли фанлар ёки мутахассислик асосларининг таълим берувчи ҳамда олувчилар ўртасидаги ўзаро мулоқот асосида самарали ўрганиш мазмуни, тамойиллари, шакллари, методлари ва воситаларини кўрсатиб беради.

Нейропедагогика – инсон миясининг ижодий имкониятларини аниқлаш ва амалий (функционал) ривожлантириш, шахсда фаолиятга нисбатан фаол, онгли муносабатни қарор топтириш, ижтимоий ҳуқ-атворни психологик коррекциялаш, болалар руҳий ривожланишни ташхислаш ва башоратлашнинг янги илмий дастурлари, самарали шакл ва методларини, шунингдек, янги турдаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тадқиқ этади.

Педагогик техника – нопедагогик ОТМ педагогларини педагогик маҳорат ва педагогик техника асослари билан таништириш орқали уларда таълим жараёнини сифатли, самарали ташкил этиш кўникма, малакаларини ривожлантириш масалаларини ўрганади.

Педагогик квалитетрия – таълим сифатини изчил назорат қилиш ва самарали бошқаришга оид муаммоларни тадқиқ этади.

Педагогик жараёнларнинг тизимли таҳлили – педагогларда таълим ва тарбия жараёнларининг моҳиятини яхлит тизим сифатида англаш, турли, шу жумлаан, муаммоли вазиятларни яхлит, изчил таҳлил қилиш малакаларини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этади.

Педагогик прогностика ва педагогиканинг истиқболли йўналишлари – мавжуд шароитда педагогик туркум фанларни сифатли ўқитиш, таълим ва тарбия жараёнларининг самарадорлигини ошириш муаммоларини аниқлаш, уларни бартараф этиш йўллариини излаш, истиқболли йўналишларини белгилаш масалаларини таҳлил этади.

Педагогик жараённи бошқаришда қарорлар қабул қилиш – педагоглар томонидан таълим ва тарбия жараёнларининг изчил, тизимли, самарали бошқарилишини таъминлаш, мавжуд педагогик вазиятларда тизимли таҳлил асосида оқилона қарорлар қабул қилинишига эришиш масалаларини ўрганади.

Фалсафа – табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганади.

Эстетика асослари – нафис санъатни, бадий ижодиётни, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳияти, шакллариини, инсон ва ижтимоий борлиқ ўртасидаги қадриятлар муносабатини ўрганади.

Психология – инсон фаолияти, шахс хатти-ҳаракатларида борлиқнинг акс этишини, руҳий жараёнлар, ҳодисалар ва хислатларнинг моҳиятини ёритади.

3-МАВЗУ: (2СОАТ МАЪРУЗА, 2СОАТ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ) КРЕАТИВЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.

Режа:

- 1.Талабанинг креативлик потенциали.
- 2.Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамойиллари.
- 3.Талабанинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий

қобилияти маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади.

Ижодкорлик фан ва амалиётда маълум бўлмаган янги ғояларни педагогнинг таҳлил қилиши, турли янги техник ижодий ечимларни ўрганиши, ишлаб чиқиши, синаб кўриши ва таққослаши каби тадқиқотчилик тавсифидаги вазифаларни амалга оширишни ифодалайди.

~~КРЕАТИВ ПЕДАГОГНИНГ БИЛИМЛАНИ АСОСЛАНГАН ИЗЛАНУВЧАНЛИК ҒИДАШУВИГА БУНДАЙ~~

ёндашув доирасида педагоглар касбий ижодкорлигини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг креатив педагогик технологиялари янги амалий-тадқиқотчилик маълумотларни йиғиш билан тавсифланади.

✘ 2. Назарий билишга асосланган изланувчанлик ёндашуви. Ушбу ёндашувда асосий эътибор педагоглар касбий ижодкорлигига доир янги назарий билимларни ҳамда билим соҳаларини қидиришга қаратилади.

КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИ:

- муаммоларни илғаш ва шакллантириш;
- - янги ғояларни яратиш;
- - ғояларни уйғунлаштириш;
- - ностандарт ечимлар яратиш;
- - объектларни такомиллаштира олиш

КАСБИЙ ИЖОДКОРЛИК

Мутахассислик кўникма ва малакалари, илмий-техник билимлар ҳамда иқтисодиёт соҳалари инновацион фаолияти, таълим – фан – ишлаб чиқариш интеграцияси асосида интеллектуал мулк, яъни ижодкорлик маҳсулини яратишга қаратилган фаолият

ИЖОДКОРЛИК СИФАТЛАРИ:

Шахснинг аниқ мақсад сари онгли тарзда фаолият юритишининг юқори кўрсаткичи бўлиб, мустақил фикрлар, тасаввурлар, тушунчалар, кузатишлар диққат ва қобилиятлар мажмуидир.

КРЕАТИВЛИК НЕГИЗИДА АКС ЭТУВЧИ МУҲИМ СИФАТЛАР:

- ✘ Рефлексия қобилияти
 - ✘ Ҳиссиётга бойлик
 - ✘ Ижодий таъсирчанлик ва ташаббускорлик
 - ✘ Мавжуд тажриба ва билимлар асосида янги қарорларни қабул қилиш малакаси
 - ✘ Бой тасаввур
 - ✘ Ўз ижодкорлигини тўла-тўқис намойиш этиш
 - ✘ Эрудиция (билағонлик)
 - ✘ Мантикий фикрлай олиш
- Ижодий йўналганлик

Шахснинг креативлиги: шахснинг анъанавий фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти.

Шахс креативлик потенциалига эга бўлиши учун касбий фаолиятда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ✘ касбий фаолиятига ижодий ёндашиш;
- ✘ - янги-янги ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;
- ✘ - илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;
- ✘ - ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш

Креативлик потенциалига эга талаба ўзида қуйидаги малакаларни намоён эта олади:

- Бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
- масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;
- масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез, индукция, дедукция, таққослаш ва б.)ларни қўллаш;
- масалани ҳал қилиш усуллари танилай олиш;

- қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
- масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
- масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими яқунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш

Шахс креативлик потенциалининг таркибий асослари:

Мақсадли-мотивли ёндашув - (ижодий фаолият кадрият саналади ва у педагогнинг қизиқишлари, мотивлари, фаолиятни ташкил этишга интилишида кўзга ташланади)

Мазмунли ёндашув - (ўзида педагогик, психологик, махсус ва инновацион характердаги БКМни акс эттиради)

Рефлексив-баҳолаш - (бунда шахсий ижодий фаолият моҳиятини англаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш кўзга ташланади)

Тезкор-фаолиятли ёндашув - (ўзида маълум фикрий-мантқиқий фикрлашга доир ҳаракатлар, шунингдек, амалий (махсус, техник, технологик) фаолият усулларини ифодалайди)

Шахс креативлик потенциалининг устувор тамойиллари:

- ✘ Креативликнинг ёрқин намоён бўлиши
- ✘ Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва ҳаётий фаолиятда орттирган сифатларининг ўзаро уйғунлиги
- ✘ Индивидуалликка эришиш
- ✘ Бир бутунлик, изчиллик ва тизимлилик
- ✘ Имкониятларни ошириб бориш
- ✘ Ижодий йўналтирилганлик
- ✘ Муаммоли характерга эгалик

Шахс креативлик потенциалини уч даражада аниқлаш мезонлари

Юқори - мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эгалигини изчил намоёиб этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан

Ўрта -баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга эгаллиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоён бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишга интилади

Паст - гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суршга интилади, креатив қобилияти етарлича намоён бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди

4-МАВЗУ: (4СОАТ МАЪРУЗА, 6СОАТ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ) КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИ

Режа:

1. Ривожланган мамлакатлар таълим тизими тараққиётининг айрим масалалари.
2. АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Финляндия, Германия ва бошқа давлатлар таълим тизими.

*Таянч иборалар:*халқаро баҳолаш дастурлари,*PIRLS дастури, TIMSS дастури, PISA дастури,STEAM методи*

1. Ривожланган мамлакатлар таълим тизими тараққиётининг айрим масалалари

Жаҳоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълимтарбия ишларининг йўлга қўйилиши, мактабларда амалга оширилганини ўрганиш орқали биз мустақил республикамиз миллий таълим

тизимларини янгитдан ташкил қилишда, таълим-тарбияда, мактаб ишини ташкил этишда эскириб, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган фаолият шакллари ва усулларида тезроқ ҳалос бўлиш, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга ҳам эга бўламиз. Зотан, ҳозирги замон таълимида давлат ва жамият талаби ҳамда манфаатлари акс этиб туриши керак.

Илмий-техника тараққиёти, янги технологик революция шароитида муваффақиятли фаолият кўрсата оладиган жамият аъзоларини етиштириб

бериш, ёш авлодни касб-хунарга йўналтириш ҳамда ўрта таълимнинг кўп вариантли учинчи босқичини жорий этиш, таълим-тарбия беришда энг илғор педагогик воситаларни қўллаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг энг мақбул тизимларини яратиш каби жаҳон тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда кенг кўламдаги ислохотларни ўз бошидан кечираётган бизнинг таълимимиз учун бу катта аҳамиятга эга. Кейинги йилларда жаҳон таълими бўйича кўпгина мақолалар, брошюралар, қўлланмалар чоп этилди, унга бағишлаб семинарлар, анжуманлар, ўқишлар, учрашувлар ўтказилди. Бу бизнинг таълим тизимимизда, чет элларда ўқув-тарбия ишларининг йўлга қўйилишига эътибор ва қизиқишнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигидан далolatдир. Халқ таълими тизимларида жаҳон таълим тизимини ўрганиш билан шуғулланувчи муассасалар ҳам ташкил топмоқда. Жаҳон таълими тизимларидан бизнинг мутахассисларни воқиф қилишда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, элчихоналар, АҚШнинг Тинчлик Корпуси мутахассислари, Германия халқаро ривожланиш фонди, АКСЕЛС маркази, Аденауер жамғармаси, Франция маданият маркази, Британия

Кенгаши, Гёте институти, ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФнинг ваколатхоналари ва бошқа кўплаб ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Дарҳақиқат, ривожланган хорижий давлатларда таълимнинг, мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги, эътироф қилинган ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам чет мамлакатларида мактаб эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган кўп сонли илмий муассасалар ишлаб турибди. Германияда уларнинг сони 2 мингдан ортиқ. Франция, АҚШ, Япония таълим-тарбия назарияси муаммолари билан юзлаб давлат ва хусусий ташкилотлар, университетлар, педагогик тадқиқот марказлари шуғулланмоқдалар. Улар

фаолиятини эса халқаро таълим марказлари, масалан, АҚШда халқаро таълим институти мувофиқлаштириб бормоқда. Кўпчилигининг фаолияти ўқув дастурини такомиллаштириш ва қайта қуришга қаратилган.

80-йиллардан бошлаб Буюк Британияда ҳам АҚШдаги сингари ўрганилиши мажбурий бўлган фанлар доираси кенгайтирилди. Инглиз тили ва адабиёти, математика ва табиий фанлар ўқув сеткасининг ядросини ташкил этадиган бўлди. Қолган предметларни танлаб олиш таълим олувчилар ва ота — оналар ихтиёридадир. “Янги дунё”нинг педагогик ғоялари Франция ва Германия таълимига ҳам сезиларли таъсир этди.

Германия тўлиқсиз ўрта мактабларида асосий предметлар билан бир қаторда танлаб олинмаган химия, физика, чет тиллари киритилган ўқув Дастурлари ҳам амалга оширилди. Бу ўқув дастури тобора тўлиқсиз ўрта мактаб доирасидан чиқиб, ўрта мактаблар ва гимназияларни ҳам қамраб олмоқда.

Франция бошланғич мактабларида таълим мазмуни она тили ва адабиёти ҳамда математикадан иборат асосий, тарих, географн, аҳолишунослик, табиий фанлар, меҳнат, таълими, жисмоний ва эстетик тарбия каби ёрдамчи предметларга бўлинади.

Япония мактаблари иккинчи жаҳон урушидан кейинроқ Америка таълими йўлидан борди. Лекин шунга қарамай, бу икки мамлакат ўқув дастурида бир қатор фарқлар кўзга ташланади. Японияда ўқув дастурлари жиддий мураккаблаштирилган, асосий фанлар мажмуи анча кенг, бир қатор янги махсус ва факультатив курслар киритилган. Масалан, умумий таълим мактабларининг янги мусиқа таълими ўқув дастурига миллий ва жаҳон мумтоз мусиқасини ўрганиш ҳам киритилган. Шунини таъкидлаш лозимки, иқтисодий ривожланган давлатларда 80йилларда табиий илмий таълим дастури таркибига физика, химия, биология, баъзи ҳолларда астронимия, геология, минералогия, физиология, экология элементлари киритилиб, у АҚШ ва Францияда 4 йил, Буюк Британияда 6 йил, Германияда 2 йил ўқитилади. Ўқув предметларини интеграциялаш жараёнида янги-янги

курслар пайдо бўла бошлади. Францияда 70-80-йилларда тўлиқсиз ўрта мактаблар ўқув дастуридаги табиий-илмий ва гуманитар туркумига экспериментал, иқтисодий гуманитар курслар киритилади.

Ҳозирги пайтларда ривожланган мамлакатлар ўқув дастурига интеграциялаштирилган курсларни киритиш тўла амалга оширишди. Мактабларда амалга оширилаётган ислохотлар таълим ишини табақалаштириш муаммоларини келтириб чиқарди. Иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатларда таълимни табақалаштириш энгдолзарб масалага айланган. Таълим олувчиларни табақалаштириб ўқитиш хорижий мамлакатларда асосан бошланғич таълим курсидан кейин амалга оширилади. Масалан, француз педагоглари таълим жараёнида синф таълим олувчиларини уч табақага ажратиб ўқитишнн афзал кўрадилар.

Булар қуйидагилар :

1. Гомогенлар — математика ва гуманитар йўналишда иш олиб борса бўладиган таълим олувчилар.

2. Ярим гомоген — табиий туркумдаги фанларни ўзлаштира олишга мойил таълим олувчилар.

3. Гегерон — барча предметларни ҳар хил савияда ўзлаштирадиган таълим олувчилар ва ҳоказо.

Табақалаштириш жараёнини янги муҳим йўналиши тўлдирувчи таълимни ривожлантириш бўлиб қолмоқда.

Ўқув жараёнларини табақалаштириб олиб бориш бўйича чет мамлакатларнинг кўпчилигида тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Ривожланган давлатларда иқтидорли болаларга эътибор тобора ортиб бормоқда. Кейинги даврларда ўз тенгдошларига нисбатан қобилиятда бир неча баробор илгарилаб кетган болалар кўплаб топилмоқда. Улар ўқувни жуд эрта бошлаб таълим курсларини ўзлаштиришда катта шов - шувларга сабаб бўладиган даражада муваффақиятларга эришадилар. Шундай иқтидорлар мактаби Ғарбда 60 - йиллардаёқ пайдо бўлган эди. Бундай мактабларнинг ўқув дастурлари болалар қобилияти ва

имкониятини тўла рўёбга чиқаришни таъминлаб бериш даражасида мураккаб тузилган. Қобилиятли болалар билан ишлаш дастурлари АҚШда кенг қулоч ёйган. Айрим шаҳарларда қобилиятли болалар боғчалари очилган бўлиб, уларда 4-5 ёшли таълим олувчилармактаб дастурида ўқитиладилар. АҚШда “Мерит” дастури асосида ҳар йил юқори синфлар ва коллежлардан энг қобилиятли болалардан 600 мингтаси танлаб олинади. Улар ўртасида тест синовлари ўтказилиб энг қобилиятли 35 минг таълим олувчи танлаб олинади ва ўқитилади. Уларга турли имтиёзлар, стипендиялар, яхши шарт - шароитга эга бўлган тураржой, энг олий даражадаги университетларга қабул ва бошқалар амалга оширилади. Лекин иқтидорли болаларга қарама - қарши кутбда турган ақли заиф таълим олувчиларнинг тақдири ҳам хорижлик ҳамкасбларнитобора ташвишлантормоқда, бундай ҳолни келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, олдини олиш бўйича кўпгина профилактик ишлар олибборилмоқда ва улар учун махсус мактаблар очилмоқда.

Германия мактабларида синфда таълим олувчилар сонини қисқартириш сари йўл тутилган. Бундай таълим олувчиларни - ҳар бирига индивидуал пакетлар (топшириқлар) тарқатилади. Тошириқларни таълим олувчи мустақил бажаради, лозим бўлганда у педагогдан консультация олади.

Юқорида баён қилинганлардан кўзда тутилган мақсадлари :

- мактабларнинг инсонпарварлик, умуминсонийлик йўналишларини кучайтириш.

- таълим олувчи шахсини шакллантиришнинг энг самарали йўллари қидириб топиш.

- тарбиянинг янги формаларида - таълим олувчилар кенгаши, мактаб кенгашларидан, тарбиявий ўйинлардан фойдаланиш.

- мактаб ўқув дастурларини ихтисослаштириш, фанларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш.

- мактабни меҳнат, инсоний фаолият билан яқинлаштириш, касбга йўналтириш ишларини қайта ташкил этиш.

- табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйиш, махсус ўқув муассасаларини (ҳам талантлар, ҳам ақлий, жисмоний заиф таълим олувчилар учун) ривожлантириш.

- янги, яъни ўқув техник воситаларини таълимдаги салмоқни ошириш, педагоглар корпусида компьютер таълимини йўлга қўйиш.

- педагогик ғояларни амалга оширишда кенг қамровли эксперимент тадқиқотларни амалга оширишдан иборатдир.

Чет эл таълимидаги бундай ибратли жиҳатларни Ватанимиз таълим тизимларида қўллаш Ресубликамизда таълим—тарбия ишларини ислоҳ қилиш жараёнини тезлаштиради.

Инсоният жамиятининг ҳозирги замон ривожланиш даражаси мустақил республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришларда ўз аксини топмоқда.

Мамлакатимизда таълим олувчи-ёшларнинг ижодий ғояларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ёшларнинг илмийтадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларни ташкил этиши белгиланди.

Эндиликда бошланғич 4-синф таълим олувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш учун Progress in International Reading and Literacy Study (PIRLS) тадқиқоти жорий этилади.

Шунингдек, Trends in International Mathematics and Science Study (TIMSS) тадқиқотидан 4 ва 8-синф таълим олувчиларининг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун фойдаланилади.

The Programme for International Student Assessment (PISA) тадқиқоти 15 ёшли таълим олувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш учун қўлланилади.

The Teaching and Learning International Survey (TALIS) - раҳбар ва педагог кадрларнинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш ва таълим олиш муҳитини ҳамда педагогларнинг иш шароитларини ўрганиш учун жорий этиш кўзда тутилган.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил этилди.

Миллий марказнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб куйидагилар белгиланди:

- халқаро тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг вакили сифатида иштирок этиш;
- таълим тизимида ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб бориш;
- таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш; □ таълим сифатини баҳолаш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;
- таълим сифатини баҳолаш бўйича тадқиқотларни илмий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- умумий ўрта таълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро баҳолаш дастурларида қайд этган натижаларини бошқа давлатлар натижалари билан қиёсий таққослаш;

- халқаро баҳолаш дастурларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш, ушбу соҳадаги илғор тажрибани оммалаштириш ва унинг асосида таълим муассасалари учун тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- ўқитишнинг инновацион усулларида фойдаланган ҳолда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-услугий тавсиялар тайёрлаш.

Таълим олувчиларнинг билим ва малакасини умумий равишда таҳлил қилиш мамлакатдаги таълим сифати даражасини белгилайди. Шу мақсадда ўқув йили давомида ҳар бир таълим муассасасида ички ва ташқи мониторинг ўтказиб борилади. Унинг натижасига кўра, энг намунали мактаблар кетма-кетлиги, педагоглар салоҳияти ва таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси аниқланади. Бу жараён таълим тараққиётини белгиловчи муҳим мезон бўлгани учун Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан умумий ўрта таълим мактаби таълим олувчилари билимини баҳолаш бўйича халқаро дастурларни амалиётга жорий этиш мақсадида илк қадамлар ташланди. Яъни, таълим олувчилар билимини халқаро талабларга етказиш, унга мослигини ўрганиб бориш мақсадида PISA (Programme for International Student Assessment), TIMSS (Trends in Mathematics and Science Study) каби баҳолаш дастурларини кенг қўллаш режалаштирилмоқда.

PISA - 15 ёшли таълим олувчиларнинг саводхонлиги ва компетенциясини баҳоловчи халқаро дастур бўлиб, Халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти томонидан 3 йилда бир марта ўтказилади. Унда таълим олувчиларнинг билим сифати ўқиш, математика ва табиий фанлар

бўйича мониторинг қилинади ва баллик тизимда баҳоланади. Ушбу халқаро дасур 1997 йили ишлаб чиқилиб, 2000 йилда илк мартаба амалиётда сқўлланган. Дастур кўмагида турли давлатлар таълим тизимидаги ўзгаришлар аниқланади, солиштирилади, баҳолаб борилади. Бу тадқиқотларнинг натижаси дунё бўйича катта қизиқиш билан кузатиб келинади. Шу боис йилдан-йилга унинг аҳамияти ва қамрови ошиб борапти.

Мисол учун, 2000 йилда дастур тестларида 32 давлатдан 265000 нафар таълим олувчи иштирок этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 2 баробарга ошиши, яъни 78 давлатдан 540000 нафардан зиёд таълим олувчиқатнашиши кутилмоқда. Ҳар бир давлатдан иштирок этувчи таълим олувчилар сони мамлакатдаги жами 15 ёшли болаларнинг 2 фоизи миқдорида шакллантирилади. PISA дастури тест синовлари Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти томонидан етакчи халқаро ташкилот ва миллий марказлар иштирокида ташкил этилади.

TIMSS- мактабда математика ва табиий фанларни ўқитиш сифатининг халқаро мониторинги бўлиб, Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA) томонидан ташкил этилади. Ушбу тадқиқот турли давлатлардаги 4- ва 8-синф таълим олувчиларининг математика ва табиий фанлар бўйича эгаллаган билим даражаси ва сифатини солиштириш ҳамда миллий таълим тизимидаги фарқларни аниқлашга ёрдам беради. қўшимча равишда мактабларда математика ва табиий фанлар бўйича берилаётган таълим мазмуни, ўқув жараёни, ўқув муассасаси имконияти, педагоглар салоҳияти, таълим олувчиларнинг оилалари билан боғлиқ омиллар ўрганилади. Ушбу маълумотлар белгиланган фанларни ўзлаштириш ҳолатини кўрсатишда асос бўлади.

Тадқиқот тўрт йилда бир марта дунёнинг кўплаб илмий-тадқиқот марказлари ва ташкилотлари, хусусан, АҚШнинг таълим соҳасидаги тест хизматлари (ETS-Educational Testing Services), Канаданинг статистик маркази (Statistic Canada), Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA)нинг Секретариати

иштирокида ўтказилади. Шунингдек, турли давлат мутахассисларидан иборат маслаҳат қўмиталари ташкил этилади.

STEAM-ҳозирги кунда дунё таълим тизимининг энг асосий урф бўлган инновацион методларидан бири ҳисобланади. Бир қараганда **STEAM** аббревиатураси жуда мураккаб кўринади, лекин уни алоҳида кўрадиган бўлсак содда ва аниқ эканини кўришимиз мумкин, яъни: S – science, T – technology, E – engineering, A – art, M – mathematics, ёки табиий фанлар, технология, муҳандислик санъати, ижод, математика. Оддий сўз билан айтганда, замонавий дунёда энг кўп талаб этилаётган фанлардир.

Ҳеч кимга сир эмаски, кўплаб фан тармоқларида катта ютуқларга эришиш учун ўзлаштириладиган турли соҳалардаги билимларнинг интеграцияси талаб этилади. Лекин бунга ўқувчиларни қандай қилиб тайёрлашимиз мумкин, чунки мактаб дасрлари орасидаги боғлиқликни кўриш жуда мураккабдир. Айнан шундай муаммоларни ҳал қилишда **STEAM** ёрдам беради.

Бу методика таълимни аралаш турда олиб бориш ва эгалланган назарий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олиш кўникмаларини шакллантиришга имкон беради. **STEAM** бу мактабда ва мактабдан ташқарида лойиха ва ўқув–тадқиқот фаолиятини амалга ошириш имкониятини берувчи инновацион технологиядир. Ушбу метод ёрдамида фанлар алоҳида тармоқларда эмас, балки интеграциялашган ҳолда, умумий боғлиқлигини кўрсатиб ўргатилади.

Фанларни кундалик ҳаёт билан боғлиқлигини кўрсатишдан ташқари, технология ўқувчиларнинг ижодкорлигини ҳам кўрсатиб бериши мумкин. Ушбу ёндашув ўқувчиларнинг фаолиятига бир қанча вазифаларни тақдим этади, ўқувчи уларни ҳал қилишида ижодкорлигини намоён қилишни ўрганади. Бундай вазифалар ёрдамида ўқувчи ғояларни нафақат ўйлаб топади, балки уларни кундалик ҳаётида амалга оширишни ҳам ўрганади. Шу тариқа, ўқувчи ўз фаолиятини олдига қўйилган вазифалари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳал қилишга ўрганади.

2. АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Финляндия, Германия ва бошқа давлатлар таълим тизими

АҚШ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Америка Қўшма штатларида таълим тизимининг тузилиши қуйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;
- 1-8-синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);
- 9-12-синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат.

Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълимбўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлардир. АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқувюртлари давлат, жамоа тасарруфида, хусусий ва диний муассасаларихтиёрида бўлиши мумкин.

Америкада 3 ёшгача бўлган болалар тарбияси билан оналар шуғулланадилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. 5 ёшданэса **“Киндер гарде”** деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан-синфга кўчиш таълим олувчинингўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатлардатурлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил). Мактабларда турли хил тўғараклар, учрашувлар, шоулар ва саёҳатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар қуйи ва юқори босқичлардан иборат.

9-синфни битирган талабалар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. Ўрта мактабларда қуйидаги тўрт йўналишда касб-ҳунар асослари бериб борилади:

- касб-ҳунар таълими;
- бизнес таълими;
- савдо ва саноат таълими; -қурилиш таълими.

Олий таълим эса қуйидаги 4 асосий босқичда амалга оширилади:

1. Кичик мутахассис 2 йиллик коллежлар.
2. Бакалавр 4 йиллик коллежлар.
3. 4 йиллик коллеж ёки дорифунунни тугатгандан сўнг, 1-2 йиллик магистр мактаби.
4. Докторантура.

Олий таълимда икки йўналиш мавжуд: 1-таълимни индивидуаллаштириш; 2-талабанинг мустақил ишлашини амалга ошириш.

Педагог йўналтирувчи роль ўйнайди. Асосий мақсад талабаинтеллектини машқ қилдириш ва мантиқий фикрлашга ўргатишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ўртамактабларида ўз таълим олувчиларига уч йўналишда: академик, касбҳунар, умумий йўналишларда билим беради.

АҚШда ҳар бир таълим олувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади. Коллежларда ўқиш истагида ҳужжат топширган. Коллежларда ўқиш истагида ҳужжат топширган педагоглар юқори ўрта мактабнинг сўнгги икки йили билимлари ҳажмида кириш тест синовларидан ўтказилади. Ўғил- қизларнинг танлаган касбига лаёқати ва қобилияти ҳам аниқланади.

Мактабларда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (каллиграфия ва ёзув қоидаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар) таълим телевидениеси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳоказолардан иборат.

XXI аср арафасида АҚШ янги қабул қилинган «2000-йилда Америка таълим стратегияси» дастури эълон қилинган эди.

Турли йўналишдаги асосий мақсадлар белгиланган мазкур дастурда 2000-йилда барча америкалик кичкинтойларнинг мактабга тайёр ҳолда келишлари, аҳолининг 90 фоизи олий маълумотли бўлиши, таълим олувчиларнинг инглиз тили, математика, табиий фанлар, тарих, география фанлари бўйича жаҳонга ўз иқтидорларини намойиш эта олишлари, талабаларнинг табиий ва математика фани ютуқларини ўзлаштиришда жаҳонда энг олдинги ўринларга чиқишлари, ҳар бир вояга етмаган америкаликнинг иқтисодий соҳасида жаҳоннинг барча ёшлари билан беллаша оладиган бўлишлари, мактабларда гиёҳвандлик ва зўравонликка барҳам бериш, ўқиш учун барча шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилганди. АҚШ таълим истиқболларини белгилаб берувчи мазкур дастур асосида ўтган йиллар давомида жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича АҚШ жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу мамлакатда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан, 50 фоизини фирма, концерн, синдикатлардан ундирилади, қолганларини олий ўқув юртларининг манбалари ташкил қилади.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Жанубий Корееда замонавий таълим тизимининг қарор топиши 1945 йиллардан, яъни мамлакатнинг япон ҳукмронлигидан озод бўлган вақтидан бошланади. 1945 йилдан 1970 йилларгача таълим тизими айниқса жадал ривожланди. 1950–1953 йиллардаги Корее уруши натижасида юзага келган иқтисодий йўқотишлар ва вайронагарчиликларга қарамай Жанубий Корея саводсизликни тугатишга қатъий киришди.

1968 йилда қабул қилинган Миллий таълим партияси корейс халқи менталитети ва ватанпарварлигининг ўзига хос томонларини айниқса ёрқин ифода этади. Хартияга мувофиқ миллий таълим миллатни жипслаштиришга, тарих ва анъанларига ҳурмат билан қарашга, кадриятларни улуғлашга, миллатни янада кучлироқ қарор топишига ва

умуман, халқнинг фаровонлигини таъминлашга яқиндан ёрдам беради ва асос бўлиб хизмат қилади. Таълимга бу каби муносабатда бўлиш, корейс халқи учун табиий бир ҳолатдир ва айнан мана шу ҳолат мамлакатнинг муваффақияти учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

Корея таълим тизими муайян бир хилликка эга бўлиш билан бир каторда, алоҳида мактаблар учун маҳаллий ва миллий дастурлар доирасида давлат таълим стандарти доирасидан чекинишга рухсат беради. Давлат таълим дастури даврийликка эга бўлиб, таълимга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг дунёқарашлари ва янги фанларнинг юзага келишига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Таълим дастури стандартлари мактаблар учун ўқув мазмунини акс эттирувчи ва раҳбарларнинг ўқув дастурлари ишлаб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳукумат миллий ва ижтимоий талабларни қондириш мақсадларида, шунингдек, илмий тадқиқот ишланмалари бўйича турли кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда, шу кунгача давлат дастурига етти маротаба ўзгартишлар киритди. “Еттинчи дастур” 1997 йилнинг декабрь ойида жорий этилган. Янги глобаллашув даври ва модернизациялашув асрида ҳар тарафлама мукамал инсон ресурсларини камол топтириш мақсадида Еттинчи дастур эскича таълим методларидан воз кечиб, янги мукамал таълим тизимини яратишга интилди. Ҳар бир фан бўйича талабаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда, таълим бериш методлари ишлаб чиқилди. Бунда талабаларнинг мустақил билим эгаллашига, уларнинг дунёқарашларини янада кенгайтиришга катта эътибор қаратилди.

Шундай қилиб, Еттинчи дастур талабаларнинг индивидуал таланти, ижодий кучи, мустақилликка интилишларини инобатга олиши билан аввалги дастурлардан фарқ қилади. Бунда шахснинг мустақиллигига ижодий куч учун пойдевор сифатида қаралади.

Еттинчи дастур икки қисм: умумий ва махсус қисмлардан иборат.

Янги дастур бўйича ўрта мактаб ўн йиллик бўлиб, кейинги 11- ва 12-синфларда таълим олувчилар келгусида эгаллайдиган касблари бўйича ихтиёрий танлов асосида махсус тайёрлов курсларида таълим оладилар.

Миллий дастур доирасида педагоглар учун махсус ўқув режалари ҳам ишлаб чиқилган. Ўрта мактаб доирасида ўқитиладиган фанлар мажбурий ва қўшимча дарсларга ажратилади. Олий мактаб ва университетларда махсус фанлар ўқитилади. Мактабларда баъзи фан соҳалари бўйича чуқурлаштирилган билимлар берилади.

Давлатнинг таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ислохотлари натижасида Корея Республикаси баъзи бир кўрсаткичлар бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллайди.

Бугунги кунда Жанубий Корея таълим тизимининг энг устувор йўналишларидан бири мактабгача ва мактаб таълимини ривожлантириш ҳисобланади. Мактабгача таълимни бепул қилган ҳолда мамлакат мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиغان болалар сонини оширишга эришди. Корея Республикасида болалар боғчаси уларга назарий таълим бериш мақсадига интилмаган ҳолда, ўзининг муҳим вазифаси – уларнинг ҳар тарафлама баркамол бўлиб етишишини таъминлашга, уларнинг жисмонан ва руҳан соғлом бўлишига, ўзида ишончни тарбиялаб етиштиришга ҳаракат қилади.

Жанубий Корея Республикаси кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда, сабаби бу давлат постиндустриал цивилизация ютуқларини эгаллаган Осиё-Тинч океани регионининг ноёб давлатларидан биридир. Кореяликлар бажарилиши шарт бўлган асосий вазифа - ўз анъанавий маданиятини сақлаш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўз маданий-сиёсий идентивлик, Шарқнинг анъанавий қадриятлари ва ориентирлари билан боғлашга интилиш деб ҳисоблайдилар. Бу давлатнинг таълим тизими ЮНИСЕФ экспертлари хулосасига кўра саноати ривожланган давлатлар ичида “энг самаралиси” деб тан олинган.

Кўпчилиكنинг ягона фикрича, Жанубий Кореянинг иқтисодиёти ва техникадаги ютуқлари “Инсон ресурсига инвестицияни тўғри тикканлигида” деб таъкидлашади. Конфуций давридан сақланиб қолган зиёли одамга жамоат хизмати хозирги кунгача бор. Жанубий Кореяда 1980 йиллардан бери илмий касблар энг нуфузли ҳисобланади.

Жанубий Корея таълим тизими яна битта бутунжаҳон тамойилини амалга оширади: бу таълим ва фан интеграциясидир. Дунё амалиётида ўқувмуассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг қўшилиши бугунги кунда интеграциянинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Кўп ривожланаётган давлатларда таълим бугунги кунда жамиятнинг фақат сарф-ҳаражатлар соҳаси эмас, балки асосий ишлаб чиқарувчи кучига айланди. Яъни, таълим рақобатбардош, жиддий молиявий маблағларни олиб келувчи соҳа бўлиши кераклиги исботланди. Таълимнинг деярли 1 босқичидаёқ давлат ва иқтисодиётнинг ривожланишига қаратилган бўлиши керак. Фақат билим олиш учунгина эмас, балки олинган билимларни амалиётда самарали қўллаш учун ўқиш зарур.

Лекин шуни ҳисобга олиш жоизки, таълимни тизимли модернизация қилиш жараёни ўз-ўзидан эски тартиб элементларни енгиб ўтиш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва табиий бошқарувнинг бошқа метод ва механизмларини шакллантиришни назарда тутди. Лекин бу шундоқлигича нусха олиш шаклида эмас, балки янгиликларни қабул қилиш билан бирга таълим ривожланиш босқичидаги энг яхши анъаналар ва қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолишни тақозо этади.

Мактабгача таълим

Кореяда болалар боғчалари умумий таълим дастурининг бир қисми ҳисобланмайди, ота-оналар болаларни хусусий муассасаларга топширадилар. Болалар боғчасига болалар 3 ёшдан 5 ёшгача қабул қилинади. Олти ёшга тўлган болалар одатда мактабга боради. 1980йиллардан бошлаб болалар боғчалари ва мактабгача муассасаларга борадиган болалар сони кескин ўсди: бундай 901 та муассасага 1980 йилда 66 433 бола борган бўлса, 1987 йилда 7 792 муассаса мавжуд бўлиб, улардаги болалар сони 397 020 тага етди. Улардаги тарбиячи ва педагоглар сони ҳам ортди, уларнинг катта қисмини аёллар ташкил этди.

Корея боғчалари қуйидаги турларга бўлинади: бошланғич; ўрта; юқори.

Жанубий Корея мактабгача таълим тизими асосан боланинг бошланғич ҳар томонлама ривожлантирувчи кўникмаларни ўргатишга қаратилган. Болалар уч ёшдан бошлаб корейс ва инглиз тилларида ўқиш ва ёзишни ўрганадилар. Шу ёшдан бошлаб болажонлар математика сирасорларини ўрганадилар. Корейслар болаларнинг жисмонан соғлом ва бақувватлигига, шунингдек мусиқа дарсларининг ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратадилар. Боғчадан бошлаб болаларга жудаям катта ҳажмда уйга вазифалар берилади, инглиз тили дарсларида алоҳида сўз ва жумлаларни таржима қилишдан ташқари, болалар ўз фикр ва қарашларини инглиз тилида раво ва содда сўзлашни ўрганадилар.

Кореяда бошланғич таълим учун ўқув йилида 1 мартга қадар 6 ёшдан юқори бўлган болалар қабул қилинади. Лекин 5 ёшли болалар ҳам ўқишга киришга ҳуқуқли бўлиб, бунинг учун мактаб масъул шахсининг рухсатномасини олиши лозим бўлади.

Болалар боғчасининг асосий вазифаси оилаларни ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратишдан иборат. Боғчаларда асосан мусиқа, расм, ҳисоблаш дарслари ўтилади. Корейс боғчаларида болаларда мустақилликни шакллантиришга катта эътибор берилади. Болалар ёши орасидаги фарқ 3 йилгача бўлиши мумкин.

Бошланғич таълим

Ўқув йили эса 1 март Корея Республикасида давлат байрами муносабати билан 2 мартдан бошланади. 6 йил давом этадиган бошланғич таълим мажбурий этиб белгиланган. Бошланғич таълимда 1 йил икки семестрга бўлинган ҳолда олиб борилади. Асосий ўқитиладиган фанлар: корейс тили, математика, аниқ фанлар, жамиятшунослик, тиллар, тасвирий санъат, мусика. Одатда бу фанларнинг барчасини битта педагог ўқитади, чет тилларидан ташқари.

Жанубий Кореяда болалар (6 ёшдан ошган) 7 ёшдан 13 ёшгача бошланғич мактабга борадилар. Ўқиш муддати 6 йил, мажбурий ва бепул. Бошланғич мактабда қуйидаги 9 та фанлар ўқитилади:

Корейс тили, математика, аниқ фанлар, жамият ҳақидаги фанлар, чет тили, тасвирий санъат, мусика. Одатда бу фанлар синф раҳбари томонидан ўқитилади, фақатгина баъзи фанлар учун махсус педагоглар тайинланади. Бошланғич таълимдан ўрта таълимга, ундан юқори таълимга имтиҳонлар топшириш орқали эмас, балки фақатгина ёшига қараб ўтилади. XX асрнинг 80 йилларига қадар инглиз тили ўрта мактабларда ўқитилган, ҳозирда эса бошланғич мактабнинг 3-синфидан ўқитиляпти. Корейс ва инглиз тили грамматикаси жуда жуда катта фарқли бўлганлиги учун инглиз тилини ўрганиш жуда қийин. Шу боис, ота-оналар ўз фарзандларини хусусий ўқув муассасаларига қўшимча ўқишга жўнатадилар. Хусусий ўқув муассасалари, яъни “хагвон”ларболаларга тил ўрганишда индивидуал ёндашадилар. Шу мақсадда, инглиз тилида гаплашувчи чет элликларни бошланғич мактабга жалб қилиш йўлга қўйилган.

Бошланғич мактаб корейчасига “чходын хаккё” деб номланар ва бошланғич таълим маъносини англатар эди. 1996 йил Жанубий Корея ҳукумати бу номни ўзгартирди ва “гукмин хаккё” деб номлади. Бу атама “фуқаролик мактаби” деган маънони англатади.

Кореяда давлат тасарруфидаги бошланғич мактаблардан ташқари қатор хусусий мактаблар ҳам мавжуд. Бу мактабларнинг ўқув дастурлари давлат

мактаблари ўқув дастурларига бирмунча мос келади, лекин ўқитиш юқори даражада амалга оширилади. Масалан, кам сонли таълим олувчиларга кўп педагогларнинг жалб этилиши, кўшимча фанларнинг киритилиши, умуман таълимнинг юқори стандартларга эгаллиги ва ҳ.к. Шу боис кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларини хусусий мактабга беришга интиладилар. Лекин бундай мактабларда ўқиш нархининг баландлиги отаоналарни ўйлантириб қўяди. Бошланғич мактабни битирган таълим олувчилар кейинги босқичларга имтихонсиз ўтадилар. Жанубий Кореяда синфларни рақамлаш одатдагидай пастдан юқорига эмас, балки ҳар бир таълим босқичида 1 дан бошланади.

Масалан, бошланғич мактаб 1 дан 6 гача, ўрта мактаб (3 йил) 1 дан 3 гача, саналади: бошланғич мактабнинг 1-синфи (2,3,4,5,6-синфи), ўрта мактабнинг 1-синфи (яъни, ўзбек мактабларидаги 7-синф), олий мактабнинг 2-синфи (яъни ўзбек академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 2-курс талабаси) каби.

Жанубий Кореяда мактаб тизими: ўрта ва юқори мактаблар

Корейс тилида ўрта мактаб —”чунхакё”деб номланади ва “ўрта мактаб” маъносини беради. Ўрта мактабда таълим мажбурий, бепул ва 3 йил ўқитилади. Ўрта мактабга 11 ёшдан ошган, 12 ёшдагилар қабул қилинади.

Бошланғич мактабга нисбатан ўрта мактабда таълим олувчиларга анча юқори талаблар қўйилади. Синф раҳбарлари-хангильлар таълим олувчилар ҳаётида муҳим ўринга эга, таълим олувчилар уларни қаттиқ ҳурмат қилишади. Ўрта мактабда бир кунда 6 та фан ўқитилади, шунингдек, алоҳида махсус 7-дарс ҳам бор. Ўқув дастурининг негизини қуйидаги фанлар ташкил этади: математика, корейс ва инглиз тили, қатор аниқ фанлар, **“қўшимча”**фанлар: санъат соҳалари бўйича, жисмоний тарбия, тарих, ханча (хитой пероглифи), этика, уй иқтисодини юритиш, компьютер саводхонлиги. Машғулотлар 45 дақиқа давом этади. Бошланғич синфдаги 9 та фанга, ўрта мактабда яна 4 та фан қўшилиб, жами 13 та фан ўқитилади. Мактабда чет тилларига эътибор кучли. Кўпчилик инглиз тилида бемалол гаплаша олади.

Кореялик таълим олувчилар инглиз тилидан ташқари классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар ва 5-синфдан бошлаб, Хитой тарихи ўргатилади. Бошланғич мактабдаги каби ўрта мактабда ҳам таълим олувчи синфдан-синфга имтиҳонсиз ўтади. Маълум фанлар учун имтиҳонларнинг стандарт шакллари мавжуд, фан ўқитувчилар тавсия қилинган ўқув қўлланма ва дарсликлардан фойдаланадилар. Ўрта мактабнинг кўплаб таълим олувчилари дарсдан кейин қўшимча курслар “хагвонлар”га борадилар, ёки хусусий репетиторларга қатнайдилар. Алоҳида эътибор инглиз тили ва математикага қаратилган. Баъзи хавгонлар битта фанга асосланади, баъзилари барча асосий фанларни қамраб олади. Бу ўз навбатида мактаб машғулотларининг янада қийин бўлган иккинчи қисмига айланади. Ундан ташқари жуда иродали таълим олувчилар кураш турлари ва мусиқа мактабларига қатнашадилар. Таълим олувчилар шу тариқа дарсдан кейин уйларига жуда кеч қайтадилар.

Юқори мактаб корейчасига “кодынхаккё” деб номланади. Кореялик болалар юқори мактабга ўрта мактабдан кейин 17 ёшдан 1-курсга қабул қилинади ва 19 ёшгача таҳсил олади. Юқори мактаблар бир неча турларга ажратилади:

- *Давлат юқори мактаблари:* Корея Таълим ва техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради;

- *Умумий юқори мактаблар:* ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади;

- *Хусусий юқори мактаблар.*

Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади:

- Ихтисослаштирилган мактаблар (қишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот);

- Умумий мактаблар;

- Махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб);

- Техника мактаблари;
- Чет тили мактаблари; - Жисмоний тарбия мактаблари; - Санъат мактаблари ва ҳ.

Жанубий Корея Республикасида таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади.

Юқори мактаб ўрта мактаб каби мажбурий эмас. Бироқ кейинги йилларнинг барчасида статистик маълумотларга қараганда **97-98 %** корейс ёшлари юқори мактабни тамомлаганлар. “Илмий” юқори мактаблар, чет тиллар ва санъатшунослик мактабларига кириш анча мураккаб имтиҳонларни топширишни талаб этади. Юқори мактаблар хусусий ва давлат тасарруфида бўлиши мумкин, бу мактабларда мутахассислик берилмайди, балки уларни кейинги таълим босқичига тайёрлайди.

Коллежда таҳсил олишни истамаган таълим олувчилар касбий билим юртларига кириб ўқишлари мумкин. Бу билим юртлари технология, агрокультура ёки молия йўналишларига ихтисослашган. Юқори мактабларнинг жадвали ҳақида гапириладиган бўлса, ҳар бир таълим олувчи учун кун ярмида қайтиб келиш одатдаги ҳолатга айланган.

Жанубий Кореяда ҳунар мактаблари 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45% бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23% да техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисосликлари ўзлаштирилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталиқ қиладилар. Жанубий Корея “Таълим ҳақидаги қонун” талабларидан бири ҳам шудир. Бизнинг Республикамиздаги каби Жанубий Кореяда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эътибор жуда кучли. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган. Ривожланишдан орқада қолган болалар учун махсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига қурилган.

Давлат мактабларида дин фан сифатида ўқитилмайди. Лекин 3синфдан бошлаб “Одобнома” каби каби махсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, ҳафтасига 2 соат ажратилган. Бу фан ўз ичига динни ҳам камраб олади. Дин қотиб қолган бир ақида сифатида эмас, қадрият сифатида ўқитилади. Бу бутун бир тарбия тизими натижасидир. Эҳромларга бориш, тарихий ёдгорликлар билан танишиш, маънавий тарихни ўрганиш мактаб фанларининг мажбурий давоми ҳисобланади.

Мактаблар учун педагог кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6.5% бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та педагоглар тайёрлайдиган коллежлар мавжуд ҳар бир провинция (вилоят) ўз коллежига эга. Юқори мактаб битирувчилари “сусен” деб номланувчи стандарт тест топширадилар. Мактаб ўқув дастурлари кириш тестлари-имтиҳонлари мазмунини камраб олган. Сусен 3 та асосий секция фанлардан иборат: корейс тили, математика ва инглиз тили. Ундан ташқари табиий ва ижтимоий фанлардан танлов асосида қатор фанлар киритилади. Бундай тест 1 йилда 1 марта топширилади, у интенсив тайёргарликни талаб этади. Бу тестга бўлажак ОЎЮ талабалари боғча ёшидан тайёрланишни бошлашади.

Тестни топширолмаган ва коллежга кириш 1 йилга сурилган таълим олувчиларни “чесусенлар” деб аташади.

Жанубий Кореяда касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими

Жанубий Кореяда олий маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг кейинги мавқеи муваффақияти учун жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу мартабали таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган эҳтиёж ҳам катта. Жанубий Кореяда эътибор кўпроқ математика, корейс тили ва инглиз тилларига, аниқ фанларга ва жамият билан боғлиқ фанларга қаратилади.

Жанубий Кореяда қуйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида);
- индустриал университетлар;

- педагогика институтлари; - сиртки университетлар; - очик университетлар.

Жанубий Корея таълим тизимининг барча бўғинларида бўлганидек, олий таълим соҳасида ҳам чуқур ислохотлар олиб борилган. Мамлакатда таълимни ислох қилиш ва ривожлантиришга оид қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни олий таълимни рақобатга тайёрлаш, университет таълимини ривожлантиришда тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, битирув мактаб таълими ва амалий мутахассисликларни кучайтириш, университетларнинг маҳаллий саноат билан алоқадорлигини яхшилаш, саноат талабларига жавоб берадиган касбий таълимни ривожлантириш, мактаб билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий кам таъминланган оилалар ва ишчилар учун касбий таълимни кучайтириш, олий таълим учун ўсмирлар имкониятларини яхшилаш, ахборот асрида таълим бошқаруви ва уни молиялаштириш халқаро таълим алмашинувини мустаҳкамлаш каби долзарб масалаларга катта эътибор қаратилди.

Кореяда олий таълим муассасаларига қабул қилиш қаттиқ назорат остида бўлиб, ҳар бир даъвогарнинг маълум бир коллеж ёки университетга мувофиқлиги талабанинг таълимни ўзлаштириш қайдлари ва стандартлаштирилган миллий тест натижалари орқали белгиланиди.

Мамлакатда ягона сиртки олий ўқув юрти - Сеулдаги сиртки университет ўзига ҳос аҳамиятга эга. “Очиқ университетлар” нинг вазифаси ҳам шунга ўхшаш бўлиб, уларга ишлаб чиқаришда ишлаётганларгина кириши мумкин, уларда кириш имтиҳонлари йўқ. Жанубий Кореяда коллежларнинг асосий вазифаси малакали ишчилар ёки бўғин идора хизматчиларини тайёрлашдир. Талаба коллежни тугатгач, назарий жиҳатдан бирданига университетнинг иккинчи ёки учинчи курсига кириш учун ҳаракат қилиши мумкин. Шу билан бирга махсус ўтиш имтиҳонини топшириб, бошқа мутахассислик бўйича ҳам кириши мумкин.

Бакалаврият. Ўқиш муддати 4 йил. Талабалар 140-150 кредит соат атрофида таҳсил оладилар. Тиббиёт соҳасида ўқиш 6 йил давом этади ва 180 кредит соат ўқишади. Ўқиш тугагач, бакалавр даражасини олганлиги ҳақидаги диплом берилади. Типик йирик корейс университетлари таркибида 10 тадан 20 тагача факультетлар бор. Факультетлар америкача термин билан “колликлар”, яъни корейсча “тэхак” деб аталади. Корейда ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор берилади. Натижада Жанубий Корея дунёда ўз мактаб ва таълим муассасаларини компьютер ва интернет билан тўлиқ таъминлаган иккинчи давлатга айланди.

Магистратура. Ўқиш муддати 2-3 йил. Ўқиш якунида талабалар диссертация ёқлайдилар. Тиббиёт соҳасидаги талабалар Тиббиёт мактабининг барча талабларини бажариб, миллий имтиҳон топширадилар. Ўқиш якунида магистрлик даражаси берилади.

Докторантура. Ўқиш муддати 3-4 йил. Ўқиш якунида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинади, оғзаки ёки соҳага мос имтиҳон топширилади.

ЯПОНИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Япония жуда тез ривожланаётган давлат бўлиб, бу ҳол асосан японларнинг табиатан меҳнатсеварлик ва ишбилармонлиги билан боғлиқдир. Дунёдаги барча янгиликлар ва юксалишлар сари интилиш, энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш - бу япон халқининг азалий миллий одатларига айланиб қолган. Бугунги кунда Япония дунёдаги барча давлатлар учун очик ва ҳалқаро ҳамкорлик майдонида фаол иштирок этиб келмоқда. Японияда жуда қадимдан халқнинг ақлий имкониятларидан фойдаланувчи фан ва техникани қўллаш сиёсати энг муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда Япония илмий тадқиқотларга кетган сармоя миқдори бўйича дунёда 2-ўринда туради.

Япония таълимининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдида 2 вазифани: 1-бойиш, 2-ғарб технологияларини Япония ишлаб

чиқаришига киритиш масаласини қўйди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклигини англади.

Мактабгача таълим

Мактабгача таълимга Японияда катта эътибор берилади, чунки психологларнинг таъкидлашича 7 ёшгача инсон билимларни 70%ни, қолган 30%ни бутун қолган умри давомида ўзлаштирар экан. Мактабгача тарбия одатда оиладан бошланади. Япон аёллари учун оналик биринчи ўринда туради. Кўпгина япон аёлларининг айтишларича, бола тарбиясиуларнинг ҳаётларининг мақсадларидир.

Японлар боланинг эрта вояга етиши тарафдоридирлар. Турли ёшларда тарбиянинг турли муаммоларига урғу беради. Масалан, 1 ёшда-ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш, 2 ёшда-амалий санъат қўл меҳнатини кўрсатиш, 3 ёшда- бурч ҳиссини тарбиялаш, 4 ёшда-яхшилик ва ёвузликни фарқлашга ўргатиш, 5 ёшда-лидерлик ҳислатларини тарбиялаш, мустақилликка, режа тузиш ва уларни бажаришга ўргатиш. Болалар ва қизлар турлича тарбияланадилар. Ўғилга оиланинг бўлажак таянчи сифатида қарайдилар ва қийинчиликларни енгишга ўргатадилар. Қизларни эса уй ишларига тайёрлайдилар.

Япония боғчаларида болаларни 8 кишилик кичик гуруҳлар-“хан”ларга бўлади. Бу болаларга боғчада “ўз иш ўрни” ажратилади, улар ўз ханларига ном танлайдилар. Шу тариқа энг кичик ёшдан жамоада ишлашни ўргатадилар. Бу гуруҳдаги ҳар бир таълим олувчи гуруҳда ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Бундай ханлар кейинги таълим босқичида ҳам қўлланилади. Ўрта мактабда ханлар доимий эмас, улар янги шароитларга тезроқ кўникиш учун ҳар 5 ойда ўзгартириб турилади. Япония боғчаларига 3-5 ёшдаги болалар қабул қилинади. Болалар боғчаларининг мақсади болаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик ва ички тартиб кўникмаларини тарбиялаш, жамият ҳодисаларига тўғри муносабатда бўла олишни ўргатишдан иборат. Шунингдек, оғзаки нутқ, сўзларни тўғри қўллашни ўргатишга ҳам катта эътибор берилади. Эртақлар, китоблар, мусиқа, спорт ўйинлари, рассомлик каби шахснинг ижодий хусусиятларига

кизиқиш уйғотилади. Ҳозирги кунда мактабгача тарбия муассасаларига 60% болалар жалб этилган. Бошланғич таълимга эрта қабул қилишга ўтиш мақсадида 4-5 ёшдаги болаларнинг барчасини болалар боғчасига жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Болалар боғчаси Японияда ватан фуқаросини шакллантириш тизимининг 1-босқичи ҳисобланади. Мустақил фаолият, жамоавий онг, ижтимоий масъулият кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Болалар боғчасининг асосий вазифаси-болани мактабга тайёрлашдир. Бу ерда расм, мусиқа, ритмика, жисмоний тарбия бўйича машғулотлар ўтилади. Индивидуаллик, у қанчалик яхши бўлмасин, таълим олувчиларни ўзига жалб қилмайди, болалар жамоаси томонидан қабул қилинмайди.

Бошланғич таълим –“сёгакко”

Бошланғич мактаб таълимнинг илк 6 йилини қамраб олади ва унинг асосий қисми ҳисобланади. *Японияда мактабга 6 ёшдан борилади. Бошланғич мактабга 6 ёшдаги япон болаларнинг 99% қатнайди. 99% япон бошланғич мактаблари давлат тасарруфиди, 1% - хусусий.* Ўқув режасига япон тили, гуманитар фанлар, арифметика кабилар қиради. Санъат ва ҳунар (япон хусни хати), мусиқа, уй хўжалигини юритиш, жисмоний тарбия, ахлоқий одобнома академик предметлар ҳисобланмайди.

Японияда бошланғич таълим мажбурий ва бепул бўлиб, машғулотлар апрель ойида бошланади. Ўқув йили 3та чорак-триместрга бўлинади. *1-чорак-6 апрелдан-20 июлгача давом этади, кейин ёзги таътил бошланади. 1-сентябрдан 2-триместр бошланади ва 26 декабргача давом этади. 26-декабрдан 7-январгача қишли таътил бўлади. Охириги 3-триместр 7-январдан 25-мартгача давом этади. 25-мартдан бапрелгача баҳорги таътил бўлади. Шу пайтда таълим олувчилар синфдан синфга кўчади.* Чорак-триместрларнинг бошланиши ва

тугалланиши турли мактабларда турли саналарга тўғри келиши мумкин. Таътил пайтида таълим олувчилар уй вазифаларини оладилар. Баъзан таътил пайтида ҳам, агар триместрда яхши ўқимаган бўлса, махсус курсларда ўқийдилар.

Японияда ўқиш 6 кунлик, лекин ҳар 2-шанба дам олиш куни ҳисобланади. Мактабларда ўқитиш дастури ўзгарувчан, лекин Таълим вазирлиги тасдиқлаган стандартларга асосланади. Бошланғич таълимни молиялаштириш,

педагоглар билан таъминлаш, мактаб дастурларини яратиш маҳаллий ҳокимият зиммасида.

Бошланғич таълимда болалар давлат ҳисобидаги 1945 канджи иероглифдан 1006тасини ёд олиши керак.

Бошланғич таълим “сёгакко”қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

-таълим олувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ватанига, ўз кадриятларига ҳурмат ҳиссини ўргатиш;

-таълим олувчиларни халқаро ҳамкорлик руҳида тарбиялаш;

-она тилидан тўғри фойдаланиш; -иқтисодий

тарбия бериш;

-баркамол шахсни тарбиялаш.

Ўқув мақсадларига аниқ ўқув фанлари бўйича ўқув режалари ва дастурларни тайёрлаш орқали эришилади. Бошланғич мактабда япон тили жамиятшунослик, табиийёт, мусиқа, расм ва ҳунар, уй ижодиёти, этика каби фанлар ўқитилади, жисмоний тарбия билан шуғулланадилар. Шунингдек “маҳсус фаолият” фани ҳам ўқитилади, унга клуб ишлари, мажлислар, спорт тадбирлари, саёҳатлар, байрамлар ва б. киради. Кам таъминланган оилаларнинг болалари мактаб нонушталари, турли хизмат ва саёҳатларга пул тўлаш учун дотация оладилар. Ота-оналар фарзандларини ўз туманларида жойлашган мактабга боришини истамасалар, хусусий пуллик таълим муассасасига беришлари мумкин, лекин бу мактабларга жуда қийин танлов орқали қабул қилинади.

Японияда ўрта ва юқори мактаб тизими.

Кичик ўрта мактаб-тюгакко.

Бошланғич мактабни тугатган таълим олувчи ўқишни кичик ўрта мактабда давом эттириши лозим. Япон тили, математика, жамиятшунослик, этика, табиийёт, мусиқа, санъат, маҳсус фаолият, жисмоний тарбия, техник маҳорат

ва уй хўжалигини юритиш каби мажбурий фанлардан ташқари таълим олувчилар чет тили, қишлоқ хўжалиги ёки математикадан чуқурлаштирилган курс каби фанларни танлашлари мумкин.

Кичик ўрта мактаб 3та синф 7,8,9-синфларни ўз ичига олади ва мажбурий таълимнинг охиригача бўлиб ҳисобланади. Таълим олувчилар ёши 12дан 15 ёшгача бўлади. Худди бошланғич мактабдагидай, ўрта мактабнинг асосий қисми давлат тасарруфида, 5% хусусий. 2001 йил апрелдан бошлаб инглиз тили мажбурий фан бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик таълим олувчилар битта ёки бир неча мактаб тўғараклари, қизиқишлари бўйича клубларга қатнашадилар. Бу дарсдан кейин соат 18:00гача иш кунлари, дам олиш кунлари эрталабки вақтни эгаллайди.

Кичик ўрта мактабда ўтиладиган фанлар қаторига инглиз тили, бир неча танлов фанлар киради. Бу фанларнинг таркиби мактабларга боғлиқ. Энг қийин фанлар математика ва япон тили ҳисобланади.

Японликлар фарзандларининг энг яхши, юқори таълим олишини жуда хоҳлайдилар. Таълимга бундай катта эътибор “дзюку” мактабларининг яратилишига асос бўлди. “Дзюку” -нуфузли ўқув муассасаларига тайёрловчи махсус кечки мактаблардир. Бундай мактабларнинг аналоги XVIII асрда япон черковида пайдо бўлган, ҳозирги кунда дзюкулар сони 100 мингдан ошиқ.

“Кичик дзюку” лар 5-6 таълим олувчидан иборат бўлиб, педагогнинг уйида шуғулланади. “Катта дзюку”лар 5 минггача таълим олувчиларни йиғади. Ўқиш бу мактабларда соат 16:50дан 20:50гача давом этади, дарслар душанбадан жумагача бўлади, ҳафталик назоратни одатда якшанба эрталабгача белгилашади.

Юқори (ўрта) мактаб-котогакко

Юқори (ўрта) мактаб мажбурий эмаслигига қарамай, унда 94% таълим олувчилар таҳсил оладилар. Юқори ўрта мактаб сони 55%ни ташкил этади, шунга қарамай давлат ва хусусий катта мактаблар пуллик. Юқори ўрта

мактабнинг 1-йил учун дастури ҳаммага бир хил, лекин кейинги 2 йил ичида олий таълим олиш мақсадига кўра курсни танлаш назарда тутилмоқда.

Юқори мактаб дастурлари ўрта мактаб ва бошланғич мактаб дастурларига кўра хилма-хил, лекин таълим олувчиларга билимнинг у ёки бу соҳасига ихтисосланиши бўйича имкониятлар яратилади. Юқори мактабларда ўқиш пулли, лекин давлат муассасаларида арзонроқ. Пулли, хусусий ўрта ва бошланғич мактаблар ҳам бор. Барча пулли таълим муассасаларида стипендиялар конкурси ғолиби бўлса, текин ўқиш мумкин ёки чегирмалар олиш мумкин. Ўрта мактабдан юқори мактабга ўтиш имтиҳонлар натижаларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ўрта мактабда ўзлаштириш кўрсаткичига кўра таълим олувчи кириш имконияти бор бўлган катта мактаб рўйхатини олади.

Одатдаги давлат мактабларидан ташқари пулли хусусий мактабакадемиялар (гакуэнлар) бор. Шунингдек, умумдавлат мактаби мақомидаги “миллий мактаблар” мавжуд. Бу академияга кириш учун юқори конкурс асосида алоҳида имтиҳонлар топширилади. Бир тарафдан академияда яхши таълим дастурлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги олий мактаб ёки университетга кириш учун имконият беради.

Япония ҳукумати ОўЮлари битирувчиларини педагог лавозимига тайинлашда қаттиқ танлов сиёсатини олиб боради. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, давлат мактаби ўқитувчиси бўлиш учун япон фуқароси ўқитувчи дипломини олиши керак ва ўқитувчиликка тайинлаш имтиҳонидан ўтиши керак.

Японияда юқори ўрта мактабларнинг кундузги (ўқиш -3йил), кечки ва сиртқи (ўқиш 4 йил) турлари бор. Кечки ва сиртқи мактабни битирганлик ҳақидаги гувоҳномаси худди кундузги юқори мактабникидай бўлса ҳам, 95% таълим олувчилар мактабнинг кундузги бўлимида таҳсил олишади. Юқори мактабларга қабул қилиш кичик мактабни тугатганлик ва кириш имтиҳонлари натижалари бўйича конкурсдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат асосида амалга оширилади.

Юқори ўрта мактабда япон тили, математика, табиийёт, жамиятшунослик ва б. мажбурий умумтаълим фанларига қўшимча ҳолда таълим олувчилар танлов бўйича фанларни таклиф қиладилар, бу англиз тили, ёки бошқа чет тиллар, шунингдек, техник ва махсус фанлар бўлиши мумкин. 12-синфда таълим олувчилар ўзи учун таълим профилларидан бирини танлаши керак. Таълим, фан ва маданият вазирлиги кўрсатмасига кўра, Юқори ўрта мактабда билимларни баҳолашда ОЎЮ тизимидан фойдаланилади. Бу ҳар бир таълим олувчи 12 йиллик ўрта таълимни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома олиши учун 80 кредит (зачёт бирлиги)ни йиғиши лозим деганидир. Масалан, япон тили ва замонавий япон адабиётини ҳар бир курсини ўрганиш натижалари бўйича 4та кредит берилади, япон тили лексикологияси бўйича 2 кредит, классик тил бўйича-2 кредит.

Японияда касб-ҳунар таълими

Японияда юқори ўрта мактабда ўқишни хоҳламаганлар 5 йиллик “техник коллеж”лар-касбий техника билим юртларига киришлари мумкин. Лекин бу ўқишларга кириш шунчалик оддий эмас, энг яхшиларидан жуда катта конкурс асосида қабул қилинади, чунки Японияда юқори малакали ишчилар жуда ҳам зарур.

Университет ўрнига 2 йиллик коллежга кириш мумкин, унда махсус таълим берилади. Бу коллежларда япон қизларининг 90% ўқийдилар ва аёллар касбини эгаллайдилар: тиббиёт ҳамшираси, болалар боғчаси тарбиячиси, бошланғич синф ўқитувчиси, юқори малакали уй хонимлари, актриса (сэйю). Япония коллежлари ўз мақоми бўйича бизнинг ўрта махсус таълим муассасалари билан тенг. Улар кичик, технологик, ва махсус тайёргарлик коллежларига бўлинади.

Кичик коллежлар гуманитар, табиий, тиббиёт ва техник фанлар соҳасида тайёргарликнинг икки йиллик дастурини тавсия қилади. Бу коллеж битирувчилари университетнинг 2 ёки 3-курсида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Кичик коллежларга қабул тўлиқ ўрта мактаб базасида

амалга оширилади. Талабгорлар кириш имтиҳонлари ва ундан камроқ “Биринчи босқич ютуқлари тести”ни топширадilar.

Японияда технологик коллежларга тўлиқ эмас ёки тўлиқ ўрта таълимни тугатгач кириш мумкин. Биринчи ҳолатда ўқиш муддати 5 йил, иккинчисидан 2 йил.

Бу типдаги коллежларда электроника, қурилиш, машина қурилиши ва бошқа фанлар ўқитилади. Махсус тайёргарлик коллежлари бухгалтер, машинист, дизайнер, дастурчи, автомеханик, тикувчи, ошпаз ва бошқалар каби 1 йиллик касбий курсни тавсия этади. Битирувчилар ОЎЮда, кичик ва техник коллежларда ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўладilar.

Нотўлиқ ва тўлиқ ўрта мактаб битирувчиларини маълум касбга тайёрлаш учун 2 типдан иборат мактаб тизими яратилган бўлиб, булар мажбурий таълим базасидаги 1-4 йиллик махсус тайёргарлик мактаблари, ҳамда бир неча ойдан 1-3 йилгача давом этадиган кўп тармоқли мактаблардир.

1978 йил жорий қилинган ва охириги йилларда унинг сезиларли даражада ошган махсус тайёргарлик ва кўп тармоқли мактаблар Япония узлуксиз таълим тизимида муҳим ўрин тутди. Бу мактаблар таълим олувчиларга касбий-техник ва умумтаълим йўналиш курсларини таклиф этади. Ўрта касбий таълим 2-3 йиллик кичик коллежлар ва 5 йиллик техник коллежларда олинади. Кичик коллежлар “танки-дайгаку” деб аталади ва бутун Япония таълим тизимининг жуда кўп қисмини ташкил этади.

Кўпчилик миллий кичик коллежлар миллий университетлар қошида ташкил этилган. Кичик коллежларнинг ярми ўрта тиббий ходимларни, чораги юрист ва иқтисодчиларни, қолганлари- техник мутахассисларни тайёрлайди. Муниципал кичик коллежлар жамиятнинг ижтимоий талабларига кўра таълимий ва тадқиқот фаолиятини олиб боради.

Японияда давлат университетларига тўлиқ ўрта мактабни битириб кириш мумкин. Қабул 2 босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда абитуриентлар марказлашган ҳолда университетларга қабул бўйича Миллий марказларда ўтказиладиган “Ютуқлар биринчи босқичининг умумий тести”ни

топширадилар. Тестни муваффақиятли топширганлар университетда ўтказиладиган кириш имтиҳонларига киритиладилар. Тестдан юқори балл олганлар давлатнинг энг нуфузли университетларига кириш учун имтиҳон топширадилар.

Олий таълим бакалавр даражасини олиш учун 4 йиллик ўқиш белгиланган. Баъзан маълум касбий даражани эгаллаш учун 6 йиллик дастур тавсия қилинади. 2 типдаги университетлар мавжуд: миллий университетлар давлат университетлари.

Японияда кучли 20таликка кирган энг зўр Осиё университетлари: Токио университети, Осако университети, Киото университети, Тохоку университети, Нагоя университети, Токио технология институти, Кюсю университети, Цукуба университетларидир.

Университет танлашда биринчи мезон-унинг нуфузлилигида. Бундай нуфузли ОўЮ битирган ёш йигит-қизлар дарҳол ишга олинади.

Япония университетларида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, умумиллий ва махсус фанлар аниқ бўлиб ўқитилади. Биринчи икки йилликда барча талабалар умумтаълим тайёргарлигини оладилар. Бунда умумиллий фанлар: тарих, фалсафа, адабиёт, жамиятшунослик, чет тиллари ўтилади, шунингдек, бўлажак касби бўйича махсус курсларни эшитадилар. Илк икки йилликда талабалар танлаган касблари моҳиятига чуқурроқ кириш имкониятига эга бўладилар, ўқитувчилар эса-талабанинг касбларининг тўғри танлаганликларига ишонч ҳосил қиладилар ва илмий салоҳиятини аниқлашга эришадилар.

Назарий жиҳатдан умумиллий цикл тугагандан сўнг талаба мутахассислик ва ҳатто факультетни ўзгартириши мумкин. Аслида, бундай ҳолатлар кам учрайди ва битта факультет доирасида бўлиши мумкин, бунда ҳам ташаббускор талаба эмас, раҳбарият бўлади. Охириги 2 йилда танланган касб ўргатилади. Барча университетларда ўқиш муддати стандартлаштирилган. Олий таълимда таълимнинг асосий йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 4 йил ўқитилади. Тиббиёт ходимлари, стоматолог ва ветеринарлар 6

йил ўқишади. Асосий курсни тугатгач, бакалавр даражаси берилади: gakushi. Айрим мустасно ҳолатлардан ташқари битта университетдан иккинчисига ўтиш амалда йўқ. Лекин баъзи университетлар чет эллик талабаларни 2 ёки 3-курсга қабул қиладилар, шунда талабаларни ўтказиш бўйича махсус имтиҳонлар ўтказилади (transfer examination).

Олий ўқув юртининг тадқиқот ишларига лаёқати бор талабалари ўқишни магистратурада давом эттиради.

Кўплаб университетлар ўқув жараёнини семестр тизими бўйича ташкил қилади. Университетда зачет бирликлари тизими ташкил қилинган. Унда аудитория ва лабораторияда семестр давомида ҳар ҳафта ичида сарфланадиган соатлар сонидан келиб чиқиб, ўқитилаётган курснинг ҳажми белгиланади. Бакалавр даражасини олиш учун 124дан 150 гача зачет бирликларини тўплаш лозим.

Магистрлик даражаси дастури чуқур илмий ва касбий ихтисослаштиришни назарда тутаяди. 30 зачет бирлигидан иборат бўлган дастур бўйича 2 йиллик таълим, битирув имтиҳонлари ва диссертация ҳимоясидан кейин магистратура битирувчисига магистр даражаси берилади.

3 йиллик докторлик дастурлари 50 зачет бирлиги, битирув имтиҳонлари ва индивидуал тадқиқот асосида ўтказилган диссертация ҳимоясидан иборат ўқув курсини ўз ичига олади. Талаба, магистр ва докторантлардан ташқари япон олий ўқув юртларида, эркин тингловчилар, кўчма талабалар, тадқиқотчи-талабалар ва коллегиал тадқиқотчилар бор

Эркин тингловчилар асосий курсга ёки магистратурага бир ёки қатор курсларни ўрганиш учун қабул қилинадилар. Япония ёки чет эл олий ўқув юртларидан келган кўчма талабалар битта ёки қатор маърузаларда қатнашиш ёхуд магистратура ва докторантурадан илмий раҳбарликни олиш учун қабул қилинадилар. Тадқиқотчи талабалар (Kenkyu-sei) мазкур университет профессори раҳбарлиги остида маълум илмий мавзунини ўрганиш учун бир йиллик магистратурага киради, лекин академик даража берилмайди.

Глобаллашув даврида олий таълим жамият ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Японияда олий таълим тизими жуда кадрлидир.

Японияда олий таълим 12 йиллик бошланғич ва ўрта таълимдан кейин бошланади. Япония олий таълим муассасаларига университетлар, кичик мутахассис дипломини берувчи 2 йиллик коллеж, амалий ва ижодий таълим берувчи технологик коллежлар ва касбий ва амалий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув коллежлари киради.

ФИНЛЯНДИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Нуфузли Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан уч йилда бир ўтказилувчи халқаро тадқиқотларга кўра, финляндиялик мактаб таълим олувчилари дунёдаги энг юқори билимлар даражасини намойиш этишади. Улар шунингдек дунёдаги энг кўп китоб таълим олувчи болалар ҳамдир. Бундан ташқари, финляндиялик мактаб таълим олувчилари табиий фанлар бўйича - дунёда иккинчи, математика бўйича эса бешинчи ўринни эгаллашади. Бироқ педагогик жамиятни қувонтирадигани биргина бу натижалар эмас. Шуниси ажабланарлики, дунё миқёсида юқори кўрсаткичларни қайд этишларига қарамай, финляндиялик мактаб таълим олувчилари дарсларга у қадар кўп вақт ажратишмайди.

Финляндияда ўртacha мажбурий умумтаълим тизими икки босқичли мактабни ўз ичига олади:

- қуйи (alakoulu), 1-6 синф; □
- юқори (yläkoulu), 7-9 синф.

Кўшимча 10-синфда таълим олувчилар ўз баҳоларини яхшилашлари мумкин. Сўнгра болалар ё профессионал коллежга йўл олишади, ёки лицей (lukio)да ўқишни давом эттиришади.

Финляндия таълими «ўрта» босқичининг 7 тамойили:

1. Тенглик

-Мактаблар

Мамлакатда на элита ва на «бўшроқ» мактаблар бор. Финляндиядаги энг йирик мактабда 960 нафар таълим олувчи таълим олади. Энг кичигида эса -

11 нафар. Барча мактаблар мутлақо бир хил жиҳозланган, бирдек имкониятларга эга ва бир хил молиялаштирилган. Деярли барча мактаблар - давлат мактаблари бўлиб, ўнлаб хусусий мактаблар бор. Уларнинг отаоналар қисман тўлов киритишларидан ташқари яна бир фарқи - таълим олувчиларга бўлган талабнинг юқорилигида. Қоидага кўра, бу ўзига хос «педагогик» лабораториялар: Монтессори, Френ, Мортан и Вальдорф мактаблари. Инглиз, немис ва француз тилларида таълим берилувчи ўқув муассасалари ҳам хусусий ҳисобланади.

Финляндияда тенглик тамойилига риоя қилган ҳолда швед тилидаги параллель таълим тизими мавжуд - боғчалардан тортиб то университетларгача. Саам халқининг манфаатлари ҳам унутилмаган, мамлакат шимолида она тилида таълим олиш мумкин.

Яқин вақтларгача финларга мактаб танлаш тақиқланган эди, болалар шунчаки энг яқин орадаги мактабга чиқишарди. Тақиқ бекор қилинди, лекин ота-оналарнинг аксарияти барибир болаларни яқин орадаги таълим муассасасига беришни маъқул кўришмоқда, зеро Финляндияда барча мактаблар бирдек яхши.

- Барча фанлар

Бир фаннинг бошқаларидан чуқурроқ ўргатилиши мақсадга мувофиқ эмас. У ерда, масалан, математика санъатдан муҳимроқ ҳисобланмайди. Аксинча, қобилиятли болалар учун алоҳида синфлар ташкил қилинишига ягона сабаб уларнинг тасвирий санъат, мусиқа ва спортга мойиллиги бўлиши мумкин.

- Ота-оналар

Ўқитувчи таълим олувчисининг ота-онаси ким бўлиб ишлашини охириги навбатда, зарурат туғилгандагина билади. Ўқитувчиларга отаоналарнинг иш жойига доир саволлар бериш тақиқланган.

- Таълим олувчилар

Финлар таълим олувчиларни хусусиятлари ёки танловларига қараб таснифлашмайди.

Шунингдек, “яхши” ва “ёмон” таълим олувчилар ҳам йўқ. Таълим олувчиларни бир-бирига таққослаш тақиқланган. Даҳо болалар ҳам, ақлий салоҳияти бўшроқ болалар ҳам “ўзига хос” ҳисобланиб, барча билан бирга ўқишади. Умуман олганда, жамоада ногиронлиги бўлган болалар ҳам таълим олади. Оддий мактабда кўриш ва эшитиш органлари касалликлари бўлган таълим олувчилар учун синф ташкил қилинган бўлиши мумкин.

Финлар алоҳида муносабатга талабгор инсонларни жамиятга максимал даражада интеграция қилишга ҳаракат қилишади. Билими кучли ва бўш таълим олувчилар орасидаги фарқ - жуда кичик.

- Ўқитувчилар

Ўқитувчилар ҳам болаларга бор меҳрини беради, “севимлилар” ажратилмайди. Қоидадан ҳар қандай четга чиқиш бундай ўқитувчи билан шартнома бузилишига олиб келади. Фин ўқитувчилари фақат таълим берувчи вазифасини бажаришлари керак. Жамоада барча ўқитувчилар - физиклар ҳам, адабиётчилар ҳам, меҳнат ўқитувчилари ҳам бирдек тенг.

Катта ёшли кишилар (ўқитувчилар, ота-оналар) ва болалар ҳуқуқлари тенглиги

Финлар бу тамойилни “таълим олувчига ҳурмат” деб аташади. Болаларга 1-синфдан уларнинг ҳуқуқлари тушунтирилади, ижтимоий хизматчига катта ёшлилар устидан шикоят қилиш ҳам шулар жумласидандир. Бу финляндиялик ота-оналарни уларнинг фарзанди - мустақил шахс эканини, уларга сўз билан ҳам, «қамчи» билан ҳам озор етказиб бўлмаслигини тушунишга рағбатлантиради. Финляндия меҳнат қонунчилигига кўра, педагог ўз касбидан келиб чиқиб таълим олувчини таҳқирлашга ҳаққи йўқ. Барча ўқитувчилар фақат 1 йилга шартнома имзолашади, бу муддатни узайтириш ҳам, тўхтатиш ҳам мумкин. Ўқитувчиларга жуда яхши маош тўланади: фан ўқитувчиси - 5000 еврогача, ёрдамчи - 2500 еврогача.

2. Бепул

Ўқишнинг ўзидан ташқари қуйидагилар бепул:

- тушлик;

- экскурсиялар, музейлар ва синфдан ташқари ҳар қандай фаолият;
- болани уйдан олиб кетувчи ва қайтарувчи транспорт, агар энг яқин мактаб 2 километрдан узоқда бўлса;
- ўқув дарсликлари, барча ўқув қуроллари, калькуляторлар ва ҳатто планшет-ноутбуклар.

Ҳар қандай мақсадлар учун ота-оналардан пул йиғиш тақиқланади.

3. Индивидуаллик

Ҳар бир бола учун индивидуал таълим ва ривожланиш режаси тузилади. Индивидуаллик таълим олувчилар томонидан фойдаланилаётган дарсликлар мазмуни, машғулотлар, синф ва уй ишлари сони ҳамда уларга ажратилаётган вақт, шунингдек таълим материалига ҳам тегишли.

Бир синфнинг ўзида дарсда болалар турли мураккабликдаги машқларни бажаришади. Баҳолаш тизими ҳам персонал даражага мувофиқ. Агар “одатий” машқ аъло баҳога бажарилса, эртасига юқорироқ даражали машқ берилади, мობодо уддасидан чиқа олмаса, ҳечқиси йўқ, яна оддий машқ берилади.

Финляндия мактабларида оддий таълим билан бир қаторда таълим жараёнининг икки ноёб тури мавжуд:

“Бўшроқ” таълим олувчилар таълимини қўллаб-қувватловчи — бу бошқа мамлакатларда репетиторлар бажарадиган иш. Финляндияда репетиторлик кенг тарқалган таълим усули ҳисобланмайди, мактаб таълим олувчилари дарс вақтида ёки ундан кейин керакли таълим олувчиларга қўшимча ёрдам кўрсатишади.

Коррекцион таълим — материални ўзлаштиришдаги умумий барқарор муаммолар билан боғлиқ. Масалан, бу таълим олиб борилувчи фин тилини тушунмаслик ёки эслаб қолиш ё математик қобилиятининг яхши эмаслиги, ёхуд баъзи болаларнинг асоциал хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Коррекцион таълим кичик гуруҳларда ёки индивидуал тарзда ўтказилади.

4. Амалиёт

“Ё ҳаётга тайёрлаймиз, ёки — имтиҳонларга. Биз биринчисини танлаймиз”, - дейди финлар. Шунинг учун Финляндиядаги мактабларда имтиҳонлар йўқ. Назорат ишлари ва оралиқ тест синовлари - ўқитувчининг қарорига қараб белгиланади. Умумтаълим мактабини тугаллашда фақат биргина мажбурий стандарт тест ўтказилади. Шуниси диққатга сазоворки, ўқитувчилар унинг натижалари учун алоҳида қайғуришмайди, тест натижалари учун бировнинг олдида жавоб ҳам беришмайди, болалар ҳам унга махсус тайёргарлик кўришмайди: бориға барақа.

Финляндия мактабларида ҳаётда керак бўладиган билимлар берилади. Масалан, бирор бир қурилманинг тузилиши уларга керак бўлмайди, уни ўрганишмайди ҳам. У ердаги болалар болаликдан портфолио, шартнома, банк картаси нима эканини яхши билишади. Меросдан солиқ фозини ёки келгусидаги даромадларини ҳисоблай олишади, интернетда ташрифсайтини ярата олишади ва ҳ.к.

5. Ишонч

Биринчидан, мактаб ходимлари ва ўқитувчилар учун турли текширувлар йўқ, таълим олувчиларга таълим беришга доир турли услубларни ўргатувчилар ҳам йўқ. Мамлакатда таълим дастури ягона, фақат умумий тавсиялар бор, холос. Ҳар бир педагог ўзи тўғри деб билган услубни қўллайди.

Иккинчидан, болаларга бўлган ишонч: дарсларда таълим олувчи ўзини қизиқтирган иш билан шуғулланиши мумкин. Масалан, адабиёт дарсида ўқув фильми намойиш этилаётган бўлса-ю таълим олувчига бунинг қизиғи бўлмаса, у китоб ўқиб ўтириши мумкин. Таълим олувчи ўзи учун нима фойдали эканини ўзи танлайди.

6. Истак-хоҳиш

Ўқишни истаган одам ўқийди. Педагоглар таълим олувчининг эътиборини қаратишга ҳаракат қилишади, лекин унинг ўргатилаётган фанга қизиқиши ёки қобилияти бўлмаса, дарров “икки” баҳо билан “сийлашмайди”, болани келгусида унча мураккаб бўлмаган, амалий жиҳатдан фойдали бўлган касбга

йўналтиришади. Ҳамма ҳам самолёт ихтиро қилиши шарт эмас, автобусларни ҳам кимдир бошқариши керак-ку, ахир!

Бунга ҳам ўрта мактабда чора кўрилади - муайян ўсмир лицейда билимларини давом эттириши керакми ёки олган билимлари етарлими, профессионал касб-ҳунар мактабига бориш керакдир, эҳтимол. Таъкидлаш жоизки, бу икки йўл ҳам мамлакатда бирдек қадрланади.

Ҳар бир боланинг у ёки бу фаолиятга мойиллигини аниқлаш “келажак ўқитувчиси” томонидан тест ва суҳбатлар йўли орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, Финляндия мактабида таълим жараёни юмшоқ, бироқ бу мактабни жиддий қабул қилмаса ҳам бўлади, дегани эмас. Мактаб режимига риоя қилиш мажбурий. Барча ўтказиб юборилган дарсларда қайта ўтиришга тўғри келади. Масалан, ўқитувчи 6-синф таълим олувчиси учун ўз жадвалидан “бўш соат”ни белгилайди ёки 2-синфнинг дарсига кириб ўтиради. Дарс қиладими, зерикиб ўтирадими, ўзига ҳавола. Кичик ёшлиларга халақит берса, бу ҳисобга ўтмайди, яна бошқа соатда қайта ўтиришга тўғри келади.

Ўқитувчи берган вазифани бажармаган, дарсда ишламаган боланинг ота-онаси мактабга чақиртирилмайди, танбеҳ ҳам берилмайди, ақлий қолоқликда айбланмайди ҳам. Агар ота-она ҳам фарзандининг бундай хатти-ҳаракатларига бефарқ қараса, бола шунчаки кейинги синфга ўтмайди.

Финляндияда бир синфда иккинчи йилга қолиш уят ҳисобланмайди, айниқса 9-синфдан кейин. Катта ҳаётга жиддий тайёргарлик кўриш лозим, шунинг учун фин мактабларида қўшимча (мажбурий эмас) 10-синф бор.

7. Мустақиллик

Финляндияда мактаб болани энг асосийси - мустақил муваффақиятли ҳаётга ўргатиши керак дея ҳисобланади. Шу боис у ерда фикр юритиш ва ўз хоҳишига кўра билим олишга ўргатилади. Ўқитувчи янги мавзуларни сўзлаб ўтирмайди - барчаси китобда бор. Ёд олинган формулалар эмас, маълумотномадан, матндан, интернетдан, калькулятордан фойдаланиш -

жорий муаммолар ечимини топиш учун керакли ресурсларни жалб қилишни билиш муҳим.

Шунингдек, мактабдаги педагоглар таълим олувчилар ўртасидаги можароларга ҳам аралашимайди, уларга ҳаётий вазиятларга мустақил тайёрланиш ва ўзлари учун жавоб бериш масъулиятини ривожлантириш имкони берилади.

Финляндия мактаблари бир хил бўлса-да, улардаги ўқув жараёнлари турлича ташкил қилинган. **Қачон ва қанча вақт ўқилади?**

Финляндияда ўқув йили августда бошланади, яъни 8 августдан 16 августгача, ягона кун йўқ. Ўқув йили май ойи охирида якунланади. Кузги ярим йилликда 3-4 кунлик таътил бор, шунингдек Рождество муносабати билан 2 ҳафталик таътил берилади. Баҳорги ярим йиллик февраль ойидаги “чанғи” таътилини ҳам ўз ичига олади, бунда фин оилалари, қоидага кўра, оилавий чанғи учишга боришади. Бундан ташқари, баҳорги ярим йилликда Пасха таътили ҳам бор.

Таълим- беш кунлик, фақат кундузги сменада. Жума - қисқартирилган кун.

Нима ўрганилади?

1–2 синф:

Она (фин) тили ва ўқиш, математика, табиат, дин (эътиқодига қараб) ёки ҳаётий тушунчалар (динга қизиқмайдиганлар учун), мусиқа, тасвирий санъат, меҳнат ва жисмоний тарбия. Бир дарсда бирйўла бир неча фан ўтилиши мумкин.

3–6 синфлар:

Инглиз тили ўргатила бошланади. 4-синфда - танлов асосида яна бир чет тили: француз, швед, немис ёки рус тиллари. Қўшимча фанлар киритилади (танлов асосида, ҳар бир мактабда ҳар хил): клавиатурада ишлаш тезлиги, компьютер билимлари, дарахт билан ишлаш, хор ижроси. Деярли барча мактабларда мусиқий асбобларда ўйнашни ўргатишади, болалар 9 йиллик

таълим давомида барча мусикий асбобларида ўйнашни машқ қилиб кўришади.

5-синфда биология, география, физика, кимё ва тарих кўшилади. 1 синфдан 6-синфгача деярли барча фанлардан бир ўқитувчи киради. Жисмоний тарбия дарси ҳафтада 1-3 марта исталган спорт ўйини шаклида ўтади (мактабнинг танлови асосида). Дарсдан кейин душ қабул қилиш мажбурий. Адабиёт бизнинг тушунчамиздагидек ўқитилмайди, бу кўпроқ шунчаки ўқишни эслатади.

Фан ўқитувчилари фақат 7-синфдан кира бошлайди.

7–9 синфлар:

Фин тили ва адабиёти (ўқиш, ўлка маданияти), швед, инглиз тили, математика, биология, география, физика, кимё, саломатлик асослари, дин (ёки ҳаётий тушунчала мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, танлов асосидаги фанлар ва меҳнат (ўғил ва қиз болалар ажратилмайди). Барча бирдек шўрва тайёрлашни ва арралашни ўрганади. 9-синфда икки ҳафта давомида “меҳнат ҳаёти” билан танишилади. Болалар ўзлари учун истаган “ишчи ўрни”ни топиб, катта иштиёқ билан “ишга” боришади. **Баҳо кимга керак?**

Мамлакатда 10 баллик тизим қабул қилинган, аммо 7-синфгача фақат сўзда баҳо қўйилади: ўртадан пастроқ, қониқарли, яхши, аъло. 1-3 синфларда умуман ҳеч қандай кўринишдаги баҳолар йўқ.

Финляндияда барча мактаблар “Wilma” давлат электрон тизимига уланган, бу электрон мактаб кундалигидек гап, ҳар бир ота-она унга кириш учун шахсий кодга эга. Педагоглар баҳо қўйиб, давоматни белгилаб, боланинг мактабдаги ҳаёти ҳақида хабар бериб боришади; шунингдек психолог, ижтимоий хизматчи, “келажак ўқитувчиси”, фельдшер ҳам у ерда керакли маълумотни қолдиради.

Фин мактабларида баҳолар хавотир уйғотмайди, улар фақат таълим олувчининг ўзи учун керак, қўйилган мақсадга эришишда болага мотивация

бериш ва ўзини текшириш учун қўлланилади. Баҳолар ўқитувчи, мактаб нуфузига таъсир кўрсатмайди ва ҳеч қандай кўрсаткичларини бузмайди.

Мактаб ҳаётига доир бошқа тафсилотлар

Мактаблар худуди ўралмаган, кираверишда кўриқчилар йўқ. Аксарият мактабларнинг кириш дарвозаси автоматик тизимга эга, бинога дарслар жадвали асосида кириш мумкин.

Дарсда болалар парта ва столда ўтириши шарт эмас, полда (гиламда) ўтириш ҳам мумкин. Баъзи мактабларда синфлар диван ва креслолар билан жиҳозланган. Кичик мактаб иншооти гиламчалар билан таъминланган.

Форма йўқ, кийимга нисбатан қандайдир талаблар ҳам йўқ, истаган кийимда келиш мумкин. Алмаштириш учун қўшимча пойабзал талаб қилинади, лекин кичик ва ўрта звенодаги болалар пайпоқда юришни маъқул кўришади.

Илиқ ҳавода дарслар кўпинча очик ҳавода мактаб олдида, майсалар устида ёки махсус жиҳозланган қаторларда ўтказилади. Танаффус вақтида кичик мактаб таълим олувчилари албатта кўчага олиб чиқилади.

Уй вазифалари камдан-кам берилади. Болалар дам олишлари керак. Ота-оналар болалар билан дарс қилишга мажбур эмас, бунинг ўрнига педагоглар музей, ўрмон ёки сузиш ҳавзасига оилавий боришни тавсия қилишади.

“Доска олдида” ўқитиш усули қўлланмайди, болалар материални сўзлаб бериш учун доска олдида чақирилмайди. Ўқитувчи дарсга умумий тус беради, сўнгра таълим олувчилар орасида юриб, уларга вазифаларни бажаришга ёрдам беради ва жараённи назорат қилади. Ўқитувчининг ёрдамчиси (фин мактабларида ўқитувчи ёрдамчилари ҳам бўлади) ҳам худди шу иш билан банд бўлади.

Дафтарга қалам билан ёзиш ва қанча хоҳласа, шунча ўчириш мумкин. Ўқитувчи ҳам вазифани қаламда текшириши мумкин.

Финляндия мактабларидаги таълим тизими қисқа сатрларда мана шундай. Эҳтимол, у кимгадир нотўғридек туюлиши мумкин. Финлар мукамалликка даъвогарлик қилишмайди ва эришилган ютуқлар билан чекланиб қолишмайди, ҳатто энг яхши тизимда ҳам камчиликлар бўлиши мумкин.

Улар мамлакатдаги мактаб тизими жамиятдаги ўзгаришларга қанчалик тўғри келишини доимий равишда тадқиқ қилишади.

Шуниси қувонарлики, финларнинг фарзандлари тунда асабий зўриқишдан уйғонмайди, тезроқ катта бўлишни орзу қилмайди, уларда мактабга нисбатан нафрат йўқ, таълим олувчилар навбатдаги имтиҳонларга тайёрланиб, ўзлари ва бутун оила аъзоларини қийнамайди. Хотиржам, сермулоҳаза ва бахтли фин болалари китоблар мутолаа қилишади, таржимасиз (оригинал тилда) фильмлар кўришади, компьютер ўйинлари ўйнашади, ролик ва велосипедларда учишади, мусиқа ва театр пьесалари яратишади, қўшиқ куйлашади. Улар ҳаётдан қувониб яшашади ва бунинг орасида таълим олишга ҳам улгуришади.

ГЕРМАНИЯ ДАВЛАТИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Германия Федератив Республикаси 16та мустақил Федератив ерлар (вилоятлар)дан иборат бўлиб, ҳар бири шаклига кўра турлича бўлган таълим тизимига эга. Таълим муассасалари асосан давлат тасарруфида бўлиб, улар учун таълим дастурига тегишли бўлган давлат кўрсатмалари мавжуд.

Таълимни жорий қилиш ва бошқариш Федерал ерлар (ФЕ) ҳукуматининг компетенциясига киради, лекин марказ томонидан умумий раҳбарлик ҳам бор: таълим вазирлиги таълим сиёсати концепциясини ишлаб чиқади, ОЎЮларини кенгайтиришга маблағ ажратади.

ГФР конституциясига кўра ҳар бир Федерал Ер ўз ҳудудидаги мактаб ва олий таълимни режалаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича ўзи жавоб беришга қарамай, барча Федерал Ерлар ва Федерал ҳукумат умумтаълим ва олий таълим муассасаларида ўқитиш курсларида бирликни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик қиладилар. Федерал органлар ва Федерал Ерларнинг таълим соҳаси бўйича сиёсати келишилган: таълимнинг давомийлиги, таътиллар, ўқув дастури, имтиҳонларни ўзаро тан олиш, аттестатлар, мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, дипломлар, унвонлар шулар жумласидандир.

Федерал ҳукуматнинг ҳуқуқлари асосий қонунларни қабул қилишда, жумладан молиялаштириш масалаларида чегараланган. Таълимдаги харажатлар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- бирорта Федерал Ерлар давлат умумтаълим, касбий ўқув юртларида ўқиш учун пул олмайди;

- барча Федерал ерларда таълим олувчиларни уйдан мактабга, мактабдан уйга ташувчи автобусларни ўз ҳисобидан беради;

- деярли барча таълим олувчиларга дарслик ва ўқув қўлланмаларни қийматининг озгина қисмига берилади;

- маълум тоифадаги таълим олувчилар ва талабаларга мавжуд федерал қонунларга кўра давлат моддий ёрдам кўрсатади.

Германияда хусусий мактабларга рухсат берилган, улар орасида диний мактаблар ҳам бор. Бу мактабларда тахминан 8% таълим олувчилар таҳсил оладилар. Хусусий мактаблар ўқув дастурларини танлашда давлат мактабларига нисбатан эркин бўлганлиги боис турли педагогик муқобилларнинг апробацияси ўтказилиб турилади. Секин аста дифференциялашган таълим тизими, яъни ҳар бир таълим олувчига унинг қобилияти ва ўқишдаги турлича йўналишига кўра мослашувчан ёндашув киритилмоқда.

Умуман олганда Германия таълим тизими бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Элементар таълим: мактаб таълимининг 1-босқичига тегишли бўлиб, мактабгача муассасалар киради. Асосан булар болалар боғчалари, тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари бўлиб, бу ерларга болаларнинг қатнашиши 3 йил давомида ота-оналар хоҳишига кўра ихтиёрийдир.

2. Таълимнинг биринчи босқичи. (Primastufe) бошланғич мактаб, унга 6 ёшдан қатнай бошлайди. Ўқиш муддати 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6 йил. Бу босқичдаги таълимнинг мақсади-болаларга таълимнинг иккинчи босқичидаги у ёки бу мактабда таълимни давом эттиришга имкон берувчи асосий билимларни беришдан иборат.

3. Таълим I нинг иккинчи босқичи (Sekundastufe I) “йўналишли босқич” деб номланувчи босқичдир, унда болаларни уларнинг иқтидорига кўра ўқув муассасаларининг керакли турига йўналтиради: асосий мактаблар, реал мактаблар, гимназиялар, комплекс мактаблар. Таълим оловчилар таълим ҳақидаги аттестатни реал ва асосий мактабларни битиргачгина олишади.

4. Таълим II нинг иккинчи босқичи (Sekundastufe II)га гимназиянинг юқори синфлари, шунингдек касбий таълим ва муассасаларда касбий таълим киради. Муассасаларда касбий таълим “дуал тизим” деб ҳам аталади, унда таълим ва ишлаб чиқаришда амалиёт 2 йил давомида олиб борилади, бу ўқишни тугатиш ўрта таълимни тугатиш билан тенг бўлиб, якунида фақат касбий соҳада ўқишни давом эттириш мумкин. Гимназияда 3 йил ўқиб, таълим оловчилар умумий шаҳодатнома “етуклик аттестати”-оладилар, бу уларга истаган олий ўқув юртига киришга имкон беради.

5. Таълимнинг учинчи босқичи олий маълумот ҳақида диплом берувчи олий ўқув юртлари ва малака ошириш ўқув муассасалари.

Германияда олий таълим

Германия олий ўқув юртлари ўзининг кўп асрлик анъаналари ва буюк маърифатпарварлари билан фахрланади. Университет таълимининг реформатори Вильгельм фон Гумбольдт жорий қилган “илм-фан ва таълим бирлиги” тамойили ҳануз амалда бўлиб, бу ўз навбатида илмий изланишлар билан ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам шуғулланиши лозимлигини кўрсатади. Бугунги кунда мазкур идеал қараш бирмунча ўзгарган бўлиб, талабалар фойдали касб ва амалий кўникмалар эгаллаш тарафдоридирлар. Шу боис ҳам Германияда “олий махсус мактаблар” (**Fachhochschulen**) жуда оммалашган, унда ўқиш муддати кам, ўқув дастури университетларга қараганда амалиётга яқинроқ.

ГФР таълим тизими умумевропа таълим тизимига интеграциялашган: ўқув муассасаларининг барча турлари Европа Иттифоқи (ЕИ) дастурини амалга оширишга мўлжалланган, ЕИ давлатлари таълим стандартлари унификация

(бир хиллаштириш) қилинган, дипломлар бу давлатларда кучга эга. Германия узоқ даврлардан бери фан ва маданият маркази сифатида машҳурдир. Шиллер, Гёте, Шнегер, Гумбольдт, Кант, Гегель ва бошқалар каби буюк шоирлар, ёзувчилар, философлар ва жамоат арбоблари ҳаммага таниш. Германияда ўрта асрларда ташкил топган 1 университет мавжуд. Энг қадимий университет бу Гейдельберг университети бўлиб, 1386 йил ташкил топган. 1388 йил ташкил топган Кёльн университети қадимий университетлардан саналади. Бу ўқув муассасалари қадимий анъаналари ва классик таълими билан машҳурдир.

Ҳозирги кунда университетлар ва бошқа олий ўқув юртлири сони сезиларли даражада ортди, таълим тизими ҳам ўзгарди. Аввалгидай гуманитар таълим анъаналари муҳим ўринни эгаллайди, лекин техник таълим, назария билан амалиёт бирлиги, фанлараро таълим ҳам биринчи ўринга чиқмоқда. Олий ўқув юртлири фан ва техниканинг охириги ютуқларийўналишларни акс эттирувчи дастурларни киритмоқдалар. Шу мақсадда ўқув режалари қайта кўриб чиқилмоқда.

Германияда 300дан ортиқ олий мактаблар бўлиб, улар 16та Федерал ерларда жойлашган. Шулардан Гейдельберг университети энг қадимий бўлиб, 1385 йил ташкил топган. Турли мутахассисликлар бўйича 400дан ошиқ ўқув дастурлари жуда кенг танлаш имконини беради, бунда истаган мутахассисликни эгаллаш ва фанлараро тадқиқотлар ўтказиш мумкин.

Германия ОўЮларида “академик эркинлик” ҳукмрон, яъни қатъий ўқув режа йўқ, мажбурий маърузалар кам, талабаларнинг танлов имконияти кўп. Шу боис ҳам ўз юртида қатъий тартибга ўрганган чет эллик талабалар ўқув йилининг бошида бирмунча қийналадилар. Бу ҳақда АҚШнинг Висконсин штатидан келган Джон Вульф “Мустақил ишлашга ўзингни тайёрла. Бу ерда профессорларни АҚШдагига нисбатан камроқ кўрасан. Устингдан назорат ҳам йўқ. Мен бу ерда билимни ўқитувчи учун эмас, ўзим учун эгаллаш лозимлигини ўргандим”-дейди.

Германия Федератив Республикасининг “Таълим тўғрисидаги асосий қонунига” кўра ҳар бир фуқаро ўз шахсини эркин ривожлантириш, ўз иқтидори, мойиллиги ва қобилиятига қараб мактаб, ўқиш жойи ва касб танлаш ҳуқуқига эга. Таълим соҳасидаги бундай сиёсатнинг мақсади ҳар бир шахснинг қизиқиши ва талабларга жавоб берадиган малакали тайёргарликни олиш имконини беришида имкон қадар кўпроқ ёрдам беришдан иборатдир.

Германиянинг ҳар бир фуқароси бутун ҳаёти давомида умумий, олий ва касбий таълим олиш имкониятига эга. Чунки Германия юқори ривожланган саноат давлатларидан бири бўлиб, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Германия ҳукумати турли соҳаларда сифатли мутахассис кадрларни тайёрлашга манфаатдор. Шу боис немис таълим тизимининг ривожланишига катта миқдорда маблағ ажратилади.

Мактабгача таълим тизими

Германия таълим тизимида муҳим босқич ҳисобланади. Мактабгача таълим болалар боғчаси (Kindergarten)да амалга оширилади. Болалар боғчасига 3-6 ёшдан мактаб ёшигача боришади. Ривожланишдан орқада қолган ёки ёши мос босқичга етмаган болалар мактабгача синфларда (нем. Vorklassen) ва мактаблар қошидаги болалар боғчасида (нем. Schulkindergarten) тахсил оладилар. Бу боғчалар алоҳида ФЕ қондасига кўра ёки мактабгача секторга ёки бошланғич таълим секторига бўйсинади.

Мактабгача таълим мажбурий эмас, лекин кўпгина ФЕда ривожланишда орқада қолган болалар учун мажбурий ҳисобланади. Болалар боғчалари таълимнинг қуйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналари, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасида. Германияда 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг 80% боғчаларга қатнайдилар.

Болалар боғчаси олмонлар бошлаб берган ва кўпгина хорижий мамлакатлар томонида ўрганилиб, қабул қилинган муассасадир. У юқорида таъкидлаганимиздай, давлат тизимига эмас, балки ёш авлодни қўллаб-

қувватлаш муассасалари тизимига киради. 1996 йилдан бошлаб болалар боғчасига қатнаш учун ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилди. Болалар боғчасига фарзандларни бериш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Болалар боғчасига қатнаш учун ота-оналардан уларнинг даромадига қараб маълум миқдорда тўлов олинади.

Мактабгача болалар боғчаси тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари мактаб таълимининг биринчи босқичига киради. **Мактаб таълими**

Германия бошланғич синф таълим олувчисига илк ўқиш куни ширинликлар ва керакли мактаб қуролларидан иборат “мактаб совғаси (кулёк)” берилади.

Германияда мажбурий мактаб таълими 6 йилдан 19 йилни ўз ичига олади, демак мактабда таълим умуман олганда 13 йилни ташкил этади. Бу муддат тугагач, имтиҳонларни муваффақиятли топшириб бўлиб, таълим олувчи битирув гувоҳномасини олади ва олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Германияда ҳар бир мактаб ўз Федерал Ери ҳокимиятига бўйсунди. Шу боис дастурлар, қоидалар ва ҳатто ўқитиш давомийлиги мамлакатнинг турли Федерал Ерида турлича. Германияда мактаб таълим тизими икки босқичли тизим бўлиб, бошланғич мактаб (Primastufe) ва ўрта таълим муассасалари (Sekundastufe)дан иборат. Кундузги мактабга 9 йил, баъзи Федерал Ерларда 10 йил ўқиш мажбурий. Бу муддат тугагач, кундузги мактабнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттиришни истамаган 18 ёшгача бўлган таълим олувчилар касбий таълим мактабларида ўқишлари шарт.

ГФРда Федерал Ерлар таълим тизимининг асосий таркибий қисмлари учун жавоб беради. Барча давлат мактабларида ўқиш бепул. Таълим олувчиларга қисман бепул ўқув қўлланмалар ва дарсликлар берилади. Диний фанларни ўқитиш мажбурий эмас. Таълим олувчи 14 ёшида бу фанни ўқиш ёки ўқимасликни ўзи танлайди. Таълим спектри Федерал Ерларнинг молиявий ёрдамидан фойдаланувчи турли ташкилотларнинг хусусий мактаблари билан тўлдириб борилади.

Германияда мактаб таълими қуйидаги мактаб типларига бўлинади:

1. Бошланғич мактаб (Grundschule)
2. Йўналиш мактаблари (Orientierungstufe)
3. Асосий мактаб (Hauptschule)
4. Реал мактаб (Realschule)
5. Гимназия
6. Умумий мактаб (Gesamtschule)
7. Махсус мактаб (Sonderschule)

Бошланғич мактаб-таълим тизимининг пойдевори ҳисобланади. Бу таълим босқичининг вазифаси-болаларга таълимни давом эттиришга имкон берувчи билимлар асосини беришдир. Бошланғич мактабдан сўнг таълим олувчилар йўналиш босқичидаги мактабларга ўтадилар.

Германияда ўрта мактаб типлари: асосий, реал, аралаш мактаблар ва гимназиялар.

Немис таълим олувчилари бошланғич мактабни битирганларидан сўнг умумтаълим мактабининг 2-поғонасига борадилар. 5 ва 6-синфлар, уларнинг ташкилий жиҳатидан қатъий назар, авваламбор, бола камол топадиган давр бўлиб ҳисобланади, болаларнинг кейинги ўқиш шаклига йўналтириш мақсадида кузатув олиб борилади. ГФРнинг баъзи Федерал Ерларида мавжуд бўлган йўналишли босқич (“Orientierungsstufe”) отаоналарга, таълим олувчи ва ўқитувчиларга II босқичдаги мактабга ўтишни ҳал қилувчи ишонарли асосни беришга мўлжалланган. Йўналтирувчи босқич мустақил ўқув муассасаси ёки II босқичдаги мактабнинг 1 қисми сифатида ташкил этилган. Берлинда бу босқич бошланғич мактабнинг 5-бсинф шаклида олиб борилади. ГФРда ўрта мактаблар 4та типга бўлинади: гимназиялар, реал мактаблар, асосий мактаблар, умумлашган мактаблар.

Асосий мактаб

Асосий ёки тўлиқ халқ мактаби бошланғич мактабни битириб, реал мактаб ёки гимназияга бормаган барча таълим олувчилар учун мажбурийдир. Бу мактабда охириги мажбурий синф 9-синф, баъзи ФЕларда 10-синф

ҳисобланади. Кўпчилик ФЕларда таълим олувчиларга қўшимча 10-синфга эркин қатнаш имкони берилган.

Асосий мактабнинг мақсади-таълим олувчиларни иккинчи босқич I доирасидаги таълим ва касбий таълимни давом эттиришга тайёрлаш ва умумтаълим курсларига қатнашишдир. Асосий мактабларда таълим олувчиларни ишчи касби олами билан таништириш орқали касб танлашга ёрдамлашишга эътибор қаратилади. Асосий мактабдаги ўқитувчилар ўзлари ўқимаган соҳалар билан ҳам шуғулланишга мажбур бўладилар. Масалан немис ва инглиз тили ўқитувчилари техникани ҳам ўзлаштирадилар. Бундай касбий аралашувнинг педагогик вазифаси ҳам бор: синф раҳбари болалар учун ишончли шахсга айланиши ва ўз тарбияланувчилари билан имкон борича кўп вақт бирга бўлишидадир.

Асосий мактаб ўқитувчилари ўзларини ўқитувчи эмас, ижтимоий педагог деб ҳис қиладилар. Лекин асосий мактабдаги таълим олувчилар ёмон ўзлаштиришига қарамасдан кўпчилиги касбий таълим олишга муваффақ бўлишади. Ҳозирги кунда Таълим вазирлиги асосий мактабни ислоҳ қилиш зарурати ҳақида фикр билдирмоқда. Бунда асосий мактаб ўқитувчилари бошланғич мактаб ўқитувчилари каби ихтисосликка эга бўлишлари керак дейилади.

Реал мактаблар

Реал мактаблар иккинчи босқич I га қарашли бўлиб, одатда 5-10 синфларни ўз ичига олади. 7-синфни битириб, реал мактабга ўтишни ҳоҳлаган асосий мактаб таълим олувчилари учун реал мактабнинг алоҳида 3 синф варианты мавжуд. Реал мактаб юқори даражали кенгайтирилган умумий таълим беради ва таълим олувчиларни мустақил фикрлаш, масъулият ҳисси, инсонларга раҳбарлик қилиш кўникмаларига, юқори талаб қўядиган касб эгалари бўлиши учун касбий таълим курсларига тайёрлайди.

Таълим олувчилар уларга тавсия этилган ўқув йўналишларидан битта асосийсини танлаб олиш имконига эга. Бу табиий-математик, техник, лингвистик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-тиббий, мусиқий-бадий

йўналиш бўлиши мумкин. Ҳар бир мактабда тавсия қилинаётган фанлар аниқ. У мактаблараро ва ФЕлараро фарқланади. Реал мактабни етарли юқори даражадаги баҳолар билан битирган битирувчи II босқичдаги ўқув муассасасига кириш ҳуқуқига эга.

Барча таълим олувчилар чет тилини билишлари шарт. Асосий мактабларда чет тилини танлаш ҳуқуқи йўқ, фақат инглиз тили ўрганилади. Реал мактабларда эса бир неча чет тилини танлаш тавсия этилади, таълим олувчи биттасини танлайди. Реал мактабларда ўқиш юқори даражада олиб борилади, фанларни тизимлаштиришга катта эътибор берилади. Ҳафтасига дарслари сони 30дан 34гача бўлади.

Бошланғич ва асосий мактаб ўқитувчиси ихтисослигини олганлар малака ошириш курсига қатнашиб, имтиҳон топшириб реал мактабларда дарс бериш имконига эга бўладилар.

Гимназия

Гимназиялар умумтаълим ўқув муассасалари ҳисобланади. Унда ўқиш 5-13-синфгача 9 йил давом этади. 11-13гача ўқийдиганлар гимназиянинг юқори босқичи деб аталади. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган гимназия битирувчиси олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берувчи етуклик аттестати олади. Умумий етуклик аттестати берувчи, ҳоҳлаган йўналишдаги олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берувчи гимназиялар ва “фан гимназия”лари мавжуд. Бундай типдаги мактаблар таълимнинг иккинчи босқичи IIга тегишлидир. Бу гимназияларда аниқ касблар соҳасига зарур бўлган билимларни беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Фан гимназияларига реал мактабни битирганлик ҳақидаги аттестат бўлсагина қабул қилинади. Бу гимназияларда таълим давомийлиги 3 йил. Битирувчилар фан етуклик аттестатини оладилар, бу эса маълум доирадаги фанларни ўрганиш учун олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради.

Гимназияда ўқитишдан мақсад: умумтаълим билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ва шулар асосида таълим олувчиларни замонавий

маълумотларни олиш ва қайта ишлашнинг илмий методлари билан таништириш, олий ўқув юртида муваффақиятли ўқиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишдан иборат. 5-10 синфлар 11-синфда бошланган индивидуаллаштирилган таълим дастури учун пойдевор яратиш вазифасини бажаришга мўлжалланган. Гимназиянинг ўзига хос хусусияти фанларнинг дифференциал тузилгани бўлиб, таълим олувчига танлаш имкони берилади. Масалан, чет тиллар сони ва уларни навбатманавбат ўрганиш, 9-синфда таълим олувчига аниқ йўналишдаги фанларни (табiiй-математик, илмий-иқтисодий, мусиқий-бадий) танлаш имкони берилади. Шунга кўра гимназиялар махсус характерга эга бўлади ва анъанавий классик, табiiй-математик ва замонавий тиллар турларига бўлинади. Ундан ташқари иқтисодий, педагогик, қишлоқ хўжалиги, техник-технологик, ижтимоий-илмий, мусиқий гимназиялар ва коммунал хўжалик гимназиялар бор.

Классик гимназияларда албатта латин, юнон ва бирорта замонавий тил ўрганилиши шарт. Табiiй-математик гимназияларда математика, физика, химия чуқур ўрганилади. Гимназиянинг юқори синфларида асосий, яъни ҳамма учун мажбурий курслар, ҳамда индивидуал танланган ўта қийин (юқори) курслар киритилган.

Бирлашган (умумий) мактаб

Бирлашган мактаб 5-10 (7-10) синфларни ўз ичига олади. У иккинчи босқичга қарашли. Бирлашган умумий мактабнинг мақсади: барча иккинчи босқич I мактаблари фанлари, курсларини битирув аттестати талаблари билан бирлаштиришдир. У ўқув муассасалари ва иккинчи босқич II касбий таълим курсларига ўтувчи битирувчиларни тайёрлайди. Ундан ташқари, аксарият умумий мактабларда ўқитиш курслари мавжуд, уни муваффақиятли якунлаган таълим олувчи олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини олади.

Умумий мактабнинг иккита тури бор: кооператив, интеграциялашган мактаб.

Кооператив умумий мактабда асосий мактаб, реал мактаб ва гимназиялар биргаликда ишлайди. Ташкилий, методик ва дидактик жиҳатдан улар бир

бирига қарам бўлмаган бўлимлар сифатида фаолият юритади. Бу бўлимлар ўзаро ҳамкорлигининг тури ва даражаси ёш даврлар гуруҳларига боғлиқ. Кооператив умумий мактаб барча бўлимлар учун умумий педагогик раҳбариятга эга.

Интеграциялашган умумий мактаб 10-синфгача алоҳида мактаб типини ажратмайди. Синфларни ташкил қилишнинг ягона мезони ёш билан боғлиқ. Алоҳида фанларни ўқитиш курс тизими бўйича олиб борилади.

Умумий мактабда мутахассислар томонидан “фанлардан ютуқлари бўйича дифференциялаш” деб номланган гуруҳларга бўлиш жорий қилинган.

Дифференциялашдан кутилган мақсад: ҳар бир таълим олувчига унинг қобилиятларига кўра талаблар қўйиш, ҳар бирига индивидуал ёндашиш. Ўзлаштириш ўзгариши натижасида бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиш мумкин.

Германияда касбий ва олий таълим тизими

Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи йил асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Таълим олувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтишида синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, Федерал Ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб

этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз, мактаб таълими тўғрисидаги хужжатга асосан амалга оширилади.

Халқаро таълим дастурлари ва дипломлар(InternationalDegreeProgrammes).

Германияда чет эллик талабалар жуда ҳам кўп. Хорижлик талабалар манфаатини кўзлаб,Немис О'ЎЮларида халқаро ўқув дастурлари киритилган.Унга кўра Германияда бакалавр ва мастер даражаларини олиш мумкин.

Талабалар (Undergraduates) учун ўқув дастурлари 6-8 семестр давом этади, шундан 1-2семестр давомидида чет элдаги партнер олий ўқув юртларида таҳсил олиш имкони ятилган. Ўқиш охирида бакалавр (Bachelor) даражасини олади. Бирор-бир диплом ёки илмий даражаси бор бўлган бакалаврлар (Postgraduates) 3-5 семестр таҳсил олишади ва мастер (Master) даражасига эга бўлади. Айрим ўқув дастурлари доирасида 6-

Семестрдан сўнг диссертация ҳимоя қилиб “доктор” бўлиши мумкин.

Бундай халқаро дастурларнинг академик даражаси жуда юқори.

Бунда талабаларни тьюторлар ва кураторлар ўз маслаҳатлари билан доимо кузатиб туришади. Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга.

Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳларнинг босқичма-босқич иштироки принципига амал қилинади.

Германия олий таълим тизими олий ўқув юртлари турларининг кўплиги билан фарқланади. Ғарбий Европа Федерал ерларида муддатидан узоқ ўқиётган талабалар ўқиш учун пул тўлайдилар. Таълим тизимидаги бу ислоҳотлар қонун бўйича йўлга қўйилган.

Германияда аксарият университетлар жамоатчилик асосида федерал ҳукумат томонидан, баъзилари Протестант ва Католик черковлар томонидан молиялаштирилади. Бунга қўшимча равишда яна 120 приват университет ва коллежлар мавжуд бўлиб, улар расмий тан олинган даражаларни беради. Буларнинг кўпчилиги амалий фанлар университетларидир.

Талабаларнинг кўпчилиги жамоат университетларида рўйхатдан ўтган. 5 фоиз талабаларгина хусусий коллеж ва университетларда таҳсил олади. Бу ерда таълим тўловлари баланд бўлса-да, таълим сифати жуда яхши.

Германияда университет таълими марказлашмаган. 16 Федерал Ернинг ҳар бирида олий таълим ва бошқарув тизими бўйича ўз қонунлари бор.

Назорат саволлари:

1. Халқаро баҳолаш дастурлари бўйича маълумот беринг.
2. PISA va TIMSS нима?
3. Ривожланган давлатлар таълим тизимининг ўзига хосликларини тушунтиринг.
4. Японияда мактабгача ва бошланғич таълим, ўрта ва катта мактаб таълим тизими, Давлат университетларига кириш қоидалари ҳақида маълумот беринг.
5. Германия Федерал Ерларида таълим тизимининг умумий ва фарқли жиҳатларини кўрсатинг.
6. Германияда таълим тизими босқичлари ҳақида сўзлаб беринг.
7. Германияда мактаб типларининг фарқини тушунтиринг.
8. Германияда бирлашган (умумий) мактаб турлари: кооператив ва интеграциялашган мактаблар ҳақида маълумот беринг.
9. Жанубий Кореядаги мактабгача, бошланғич, ўрта ва юқори таълим ҳақида гапириб беринг.
10. Жанубий Кореяда касб-хунар таълими ва олий таълим ҳақида сўзлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иванова А. Ўзбекистон -Германия таълим соҳасидаги ҳамкорлик. Халқ сўзи.2002 йил 13 март.

2. Мамажонов И.Ф. Германия давлати таълим тизими. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017

3. Миралиева Д. Жаҳон таълим тизими. Ўқув услубий мажмуа. Т.: Иқтисодиёт., 2016

4. Муталипова М., Имомов М. “Таълимда илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича ўқув–услубий мажмуа. Т.: Низомий номли ТДПУ, 2017

5. Файзуллаева Н. Жаҳон таълим тизими/Ўқув қўлланма.Т.: ТДИУ, “Иқтисодиёт”, 2016

5-МАВЗУ:(2СОАТ МАЪРУЗА, 2СОАТ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ) КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИ

Режа:

1.Креатив қобилиятларини шакллантиришда Кен Робинсон, Гарднер, Эмебайл, П.Торренс қарашларидан фойдаланиш

Замонавий педагогикада “креатив педагогика” ва “креатив фикрлаш” тушунчаси қўлланила бошлаганига ҳали у қадар кўп вақт бўлмади. Бироқ, ўқитиш жараёнига инновацион ҳамда ижодкорлик ёндашувларини қарор топтиришга бўлган эҳтиёж “Креатив педагогика”нинг педагогик туркум фанлар орасида мустақил предмет сифатида шаклланишини таъминлади. Ушбу предмет асосларини педагогика тарихи, умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, хусусий фанларни ўқитиш методикаси, таълим технологияси ва касбий этика каби фанларнинг методологик ғоялари ташкил этади. “Креатив педагогика” фанининг умумий асослари мутахассис, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг касбий камол топишлари учун зарур шарт-шароитни яратишга хизмат қилади.

Шахсининг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра жараён тарзда намоён бўлади. Касбий етуклик инсон


онтогенезининг муҳим даврлари касбий камол топиш, ривожланиш ғояларининг қарор топиши (14-17 ёш)дан бошланиб, касбий фаолиятнинг яқунланиши (55-60 ёш)гача бўлган жараёнда кечади. Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенези – туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ.

Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида ақс этади. Бироқ, касбий-ижойий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни эмас, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли даражада ўзлаштирилиши талаб этади.

Психологияда Э.П.Торренс томонидан шахс креативлигини аниқловчи тест ишлаб чиқилган. Э.П.Торренснинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қуйидаги белгиларни намоён қилади:

- 1) саволлар, камчиликлар ва бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;
- 2) муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш

Бугунги кунда психологияда шахс креативлиги унинг фаолиятига хос икки жиҳатга кўра аниқланмоқда. Бунда фаолиятнинг икки жиҳатини ёритувчи тестлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилардир (6-расм):



6-расм. Э.П.Торренсинг шахса креатив сифатларини намоён бўлишини аниқловчи тестларнинг турлари

Талабаларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантиришдан олдин синфда қулай муҳитни яратиш лозим. Креатив муҳитда таълим олаётган талабаларда аста-секин креатив вазифаларни бажаришга нисбатан қизиқиш ортади, шунингдек, креатив тафаккурга эга ўқитувчини кузатиш натижасида креатив фикрлашга мойил бўлади (Sternberg & Williams, 1996). Креативлик характеридаги ўқув-билиш муҳити талабаларда таълим жараёнида катта аҳамиятга эга бўлган танқидий ва креатив фикрлаш кўникмасининг ривожланишига олиб келади (Boykin & Noguera, 2011, 2012; Marks, 2000, as cited in Jensen, 2013)¹.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг креатив тафаккурга эга бўлишлари уларда ижодий муҳитнинг қанчалик таркиб топтирилганлигига боғлиқ. “Тўлақонли креативлик характериға эға таълим муҳитини яратиш пухта ўйланган режаға таянади. Ўқитувчилар агарда ўзларининг креатив ўқитиш метод ва стратегияларини қўллаш (яъни кенг қўламда ўйлаш ва креатив фикрлаш жараёнини ташкил этиш)да катта самарадорликка эришишни истасалар, буни талабалар онгига сингдиришлари ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари лозим (Higgins, Hall, Baumfield, & Moseley, 2005)”². Қолаверса, “креатив характерға эға муҳитдагина талабалар ўрганаётган мавзунинг мазмуни, ўқув ахборотлар ўртасидаги ўзаро алоқани тушуниш

¹ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 6-7.

² Ўша асар. – 7-бет.

имкониятига эга бўлади ва бу ҳақида фикрлаш бошлашади (Anderson et al., 2000)”³.

Таълим амалиётининг креатив характер касб эта олмаётганлиги бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. М: хорижий мамлакатларда Бегетто, Кауфман, Киршнер (2010), Свеллер, Кларк (2006) каби тадқиқотчи-педагоглар бунинг сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш шартларини қуйидагилар билан изоҳлайдилар: “Кўп ҳолларда, ўқитувчилар фаннинг фақат мазмуни билан танишадилар, бироқ фикрлаш жараёнига катта аҳамият ва эътибор ва талаблар қандай ривожланишлари мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайдилар. Ўқитувчининг палапартиш йўриқлар бериш ёндашувининг самарадорлиги талабалар ўқув фаолиятини оширишга йўналтирилган метод ва стратегиялардан сезиларни даражада паст (Beghetto, Kaufman, 2010; Kirschner, Sweller, Clark, 2006). Ваҳоланки, талабларда фикрлаш кўникмаси бўйича йўриқларни аниқ ва тушунарли етказиб бериш учун ўқитувчи (танқидий, креатив) фикрлаш усуллари, кўникмаларни самарали шакллантириш йўллари билан талабаларни таништириш, орқали талабалар ўқув фаолиятини назорат қилиш ва уни йўналтириши лозим”⁴. Муаллифлар томонидан билдирилган фикрларнинг мисоллар ёрдамида ёритилганлиги ўқитувчи ва талабаларнинг креатив фикрлаш жараёнини ташкил этиш тўғрисидаги фикрларини ойинлаштиришга ёрдам беради. “М: талабалар “Иммиграция ҳодисасининг моҳияти”ни “Ақлий ҳужум” стратегияси асосида ўрганиш жараёнда, энг аввало, стратегиянинг ўзи нималигини, уни қандай қўллаш зарурлиги ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишлари лозим”⁵.

Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва

³ Ўша асар. – 7-бет.

⁴ Ўша асар. – 7-бет.

⁵ Ўша асар. – 7-бет.

ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётининг муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Сўнгги йилларда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида ўқувчи ва талабаларда креативлик сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида, жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни **Бронсон, Меррийман (2010 й.), Кен Робинсон (2007 й.), Фишер, Фрей (2008 й.), Бегетто, Кауфман (2013 й.), Али (2011 й.), Треффингер (2008 й.)** ва б. томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар, уларнинг натижаларини кўриш мумкин.

Биргина Кен Робинсон томонидан 2007 йилда тайёрланган “Мактаб креативликни барбод этяптими?” номли видео лавҳани YouTube сайтида 5 млн марта томоша қилинган. Қолаверса, ўқитувчилар креативлик асосларини ўрганишга жиддий киришганлар (Бегетто, Кауфман, 2013 й.). Ўқитувчиларда педагогик фаолиятни креатив ёндашув кўникма, малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга доир адабиётлар чоп этиляпти, Таълим департаменти томонидан тайёрланган видео лавҳаларга асосланувчи ноанъанавий дарслар ташкил этиляпти (Али, 2011; Таълим департаменти, 2013 й.).

Салмоқли амалий ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, кўпчилик ўқитувчилар ҳали ҳануз шахс (ўзларида ҳамда талабаларда креативлик сифатларини қандай қилиб самарали шакллантириш тажрибасини ўзлаштира олмаяптилар.

Таълим тизимини бошқариш органлари ҳар йили таълим муассасаларида юқори самарадорликка эришишга эътибор қаратади. Ана шу мақсадда ўқув дастурини ишлаб чиқилади, янги ўқув дарсликлари яратилади. Бу эса ҳам талабалар, ҳам ўқитувчиларни касбий ўсишларига ёрдам беради. Олиб бориладиган амалий ҳаракатлар талабаларда ютуқларга эришиш, олға интилишга бўлган эҳтиёжни муайян аражада юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш қобилиятларини бир қадар ривожлантиришга ёрдам беради.

Бироқ, ўқув йилининг охирида келиб олий таълим муассасаларида талабаларнинг фанларни ўзлаштиришларида юқори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Кўплаб талабаларнинг таълим олишга нисбатан кизиқиши йўқолган. Бунинг натижасида ўқитувчилар ҳам аввалгидек завқу шавқ билан касбий фаолиятни ташкил этишни ўйлашмаяпти. Таълим тизимини бошқарувчи органлар таълим олишга нисбатан хоши-истаги бўлмаган талабалар, бу каби таълим олувчиларни ўқитишни истамаётган ўқитувчилар фаолиятини ўзгартириш борасида янгидан-янги чора-тадбирлар белгиланса-да, аҳвол ўзгаришсиз қолмоқда.

Бунинг сабаби нимада? Балки дарсларнинг аввалдан ўйлаб, режалаштирилиб кўйилиши талабалар учун қизиқ бўлмаётгандир, балки балки таълим мазмунининг муайян қолипга солинганлиги талабалар учун ҳеч қандай стимул бермаётгандир, рағбат билдирмаётгандир. Ўқув машғулотларининг аввалдан режалаштирилишидан воз кечиш, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил бўлар. Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – **креативлик** саналади⁶.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маънони тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” (Аззам, 2009 й.) саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир.

⁶ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари креативлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар (Ким, 2005 й.).

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Штернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йе, 2000 й.). Ғарблик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгалликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.).

Кўпгина ўқитувчилар ўзларида креативлик қобилиятини мавжуд эмас, деб ҳисоблайдилар. Буни икки хил сабаб билан асослаш мумкин: биринчидан, аксарият ўқитувчилар ҳам аслида “креативлик” тушунчаси қандай маънони англатишини етарлича изоҳлай олмайдилар; иккинчидан, креативлик негизида бевосита қандай сифатлар акс этишидан беҳабарлар.

Айни ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ҳар бир шахс табиатан креативлик қобилиятига эга. Хўш, ўқитувчилар ўзларида креативлик қобилияти мавжудлигини қандай намоён эта олишлари мумкин. Бу ўринда Патти Драпеау шундай маслаҳат беради: “Агарчи ўзингизни креатив эмасман деб ҳисобласангизда, ҳозирданок креатив тафаккурни ривожлантиришга қаратилган дарсларни ташкил эта бошлашингизни маслаҳат бераман. Аслида, гап сизнинг ижодкор ва креатив бўлганингиз ёки бўлмаганингизда эмас, балки дарсларни креативлик руҳида ташкил этишингиз ва янги ғояларни амалда синашга интилишингиздадир”⁷.

⁷ Ўша асар, х-бет.

Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. *Ҳар томонлама фикрлаш* талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда *бир томонлама фикрлаш* эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини кўйидагича шарҳлаш мумкин:

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”.

Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатлари мавжудлиги ва унинг даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Э.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгаллигини аниқловчи тестдан ўтади. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини ижодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оргинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади. Ўқувчи томонидан тавсия

этилган саволларга бериладиган жавоблар айнан мана шу тўртта мезонни қанотлантириши лозим⁸.

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик”⁹ тушунчаси негизида қуйидаги ёритилади:

- муаммони ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин¹⁰. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этилаётган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнги йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда.

Креативлик – шахснинг анъанавий фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти

“Креатив педагогика” қуйидаги икки ҳолатни кафолатлай олиши зарур:

1) ўқитувчилар томонидан ўқув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларини ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган талабалар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш;

⁸ Ўша асар, 4-5-бетлар.

⁹ Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009. – с.

¹⁰ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

2) ўқитувчиларга талабаларда креатив фикрлаш ва ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш қилиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли талабалар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Бунинг сабабли таълим жараёнида қўлланилаётган методлар талабаларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмаслиги билан белгиланади. Муаллиф томонидан тавсия қилинган восита ва стратегиялар талабаларда креативликни ривожлантиришда ўқитувчилар учун қўл келади ҳамда талабаларда ўқув фанларини ўрганишга бўлган қизиқиш, интилишни ривожлантиради¹¹.

Касбий фаолиятда педагогнинг креативлиги турли шаклларда намоён бўлаи. Улар қуйидагилардир:



1-расм. Креативликнинг асосий шакллари

¹¹ Ўша асар, 6-бет.

Педагог томонидан ушбу шаклларда касбий фаолиятнинг самарали ташкил этилиши унинг креативлиги қай даражаа эканлигига боғлиқ бўлади.

6-МАВЗУ: (2СОАТ МАЪРУЗА, 2СОАТ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ) ОТМ ТАЛАБАЛАРИДА ИЖОДИЙ ЁНДОШИШ ОРҚАЛИ КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Режа:

- 1.Талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари.
- 2.Талабаларда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар.
- 3.Талабаларда креативлигини ифодаловчи белгилар.

Таянч тушунчалар: сифат, креативлик сифатлари, малака, ижодий фаолиятни малакалари, креатив сифатларни ривожлантириш йўллари, педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, шахс креативлигини ривожлантириш тамойиллари, педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, педагогларнинг креативлик имкониятлари, педагогларнинг креативлик имкониятининг муҳим даражалари, шахснинг креативлиги даражасини аниқловчи мезонлар.

Педагогларга хос креатив сифат ва ижодий-педагогик фаолият малакалари. Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил ривожлантирилиб борилади. Хўш, шахс фаолиятида креативлик хусусиятлари қачондан намоён бўлади?

Одатда креативлик болаларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат болаларнинг келгусида ижодий ютуқларни кўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодалайди. Болаларда креативликни ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- 1) улар томонидан кўп саволлар берилишини рағбатлантириш ва бу одатни қўллаб-қувватлаш;
- 2) болаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш ва уларда жавобгарликни кучайтириш;
- 3) болалар томонидан мустақил фаолиятни ташкил этилиши учун имконият яратиш;
- 4) болаларнинг қизиқишларига эътибор қаратиш


Тадқиқотчи Н.Файзуллаева педагогик тафаккурга эга бўлиш учун талабалар педагогика оид билимларни пухта ўрганиш асосида қуйидаги кўникма, малакаларни ўзлаштира олишлари зарур деб ҳисоблайди: педагогиканинг асосий ғоялари, концепциялари, қонуниятларини ва педагогик ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш; педагогиканинг энг муҳим назарий ғоялари, асосий категориялари ва тушунчаларини билиш; асосий педагогик фактларни билиш; таълим ва тарбиянинг умумий услуби ҳақидаги амалий билимларни эгаллаш¹².

Психологияда Э.П.Торренс томонидан шахс креативлигини аниқловчи тест ишлаб чиқилган. Э.П.Торренснинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қуйидаги белгиларни намоён қилади:

- 1) саволлар, камчиликлар ва бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;
- 2) муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш

Бугунги кунда психологияда шахс креативлиги унинг фаолиятига хос икки жиҳатга кўра аниқланмоқда. Бунда фаолиятнинг икки жиҳатини ёритувчи тестлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилардир (6-расм):

¹² Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta'lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-бет



Э.П.Торренсинг шахса креатив сифатларини намоён бўлишини аниқловчи тестларнинг түрлари

Талабаларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантиришдан олдин синфда қулай муҳитни яратиш лозим. Креатив муҳитда таълим олаётган талабаларда аста-секин креатив вазифаларни бажаришга нисбатан қизиқиш ортади, шунингдек, креатив тафаккурга эга ўқитувчини кузатиш натижасида креатив фикрлашга мойил бўлади (Sternberg & Williams, 1996). Креативлик характеридаги ўқув-билиш муҳити талабаларда таълим жараёнида катта аҳамиятга эга бўлган танқидий ва креатив фикрлаш кўникмасининг ривожланишига олиб келади (Boykin & Noguera, 2011, 2012; Marks, 2000, as cited in Jensen, 2013)¹³.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг креатив тафаккурга эга бўлишлари уларда ижодий муҳитнинг қанчалик таркиб топтирилганлигига боғлиқ. “Тўлақонли креативлик характериға эға таълим муҳитини яратиш пухта ўйланган режаға таянади. Ўқитувчилар агарда ўзларининг креатив ўқитиш метод ва стратегияларини қўллаш (яъни кенг қўламда ўйлаш ва креатив фикрлаш жараёнини ташкил этиш)да катта самарадорликка эришишни истасалар, буни талабалар онгига сингдиришлари ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари лозим (Higgins, Hall, Baumfield, & Moseley, 2005)”¹⁴. Қолаверса, “креатив характерға эға муҳитдагина талабалар ўрганаётган мавзунинг мазмуни, ўқув ахборотлар ўртасидаги ўзаро алоқани тушуниш

¹³ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 6-7.

¹⁴ Ўша асар. – 7-бет.

имкониятига эга бўлади ва бу ҳақида фикрлаш бошлашади (Anderson et al., 2000)”¹⁵.


Таълим амалиётининг креатив характер касб эта олмаётганлиги бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. М: хорижий мамлакатларда Бегетто, Кауфман, Киршнер (2010), Свеллер, Кларк (2006) каби тадқиқотчи-педагоглар бунинг сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш шартларини қуйидагилар билан изоҳлайдилар: “Кўп ҳолларда, ўқитувчилар фаннинг фақат мазмуни билан танишадилар, бироқ фикрлаш жараёнига катта аҳамият ва эътибор ва талаблар қандай ривожланишлари мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайдилар. Ўқитувчининг палапартиш йўриқлар бериш ёндашувининг самарадорлиги талабалар ўқув фаолиятини оширишга йўналтирилган метод ва стратегиялардан сезиларни даражада паст (Beghetto, Kaufman, 2010; Kirschner, Sweller, Clark, 2006). Ваҳоланки, талабларда фикрлаш кўникмаси бўйича йўриқларни аниқ ва тушунарли етказиб бериш учун ўқитувчи (танқидий, креатив) фикрлаш усуллари, кўникмаларни самарали шакллантириш йўллари билан талабаларни таништириш, орқали талабалар ўқув фаолиятини назорат қилиш ва уни йўналтириши лозим”¹⁶. Муаллифлар томонидан билдирилган фикрларнинг мисоллар ёрдамида ёритилганлиги ўқитувчи ва талабаларнинг креатив фикрлаш жараёнини ташкил этиш тўғрисидаги фикрларини ойинлаштиришга ёрдам беради. “М: талабалар “Иммиграция ҳодисасининг моҳияти”ни “Ақлий ҳужум” стратегияси асосида ўрганиш жараёнда, энг аввало, стратегиянинг ўзи нималигини, уни қандай қўллаш зарурлиги ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишлари лозим”¹⁷.

Шахс креативлигини ривожлантириш жараёнида “табақалаштириш”, “даврлаштириш” тушунчаларининг муҳим аҳамият касб этиши эътиборни тортади. Хўш, бу икки тушунча қандай мазмунни ифодалайди?

¹⁵ Ўша асар. – 7-бет.

¹⁶ Ўша асар. – 7-бет.

¹⁷ Ўша асар. – 7-бет.



Шунга кўра маълум давр ва босқичларда педагогларда ҳам креативлик сифатлари, ижодий фаолият малакалари ривожланади.

Креатив тафаккурга эга талабалар: бошқа талабаларнинг ҳаёлига келмаган ғояларни билдиради; ўзларини ифода этишнинг ўзига хос услубини танлайди; баъзан мавзу алоқаси йўқ ёки ғайриоддий саволлар беради; ечими очиқ қолган вазифалардан завқланади; ғояларни аниқ далиллар асосида муҳокама қилишни афзал кўради; муаммонинг ечимини топишда ноанъанавий ёндашувни танлайди.

Шахсга хос креативлик сифатлари қуйидагилар саналади (5-расм):



5-расм. Шахсга хос креативлик сифатларининг турлари

Педагоглар креативлик сифатлари билан бир қаторда ижодий фаолиятни ташкил этишга лаёқатлиликни ифодаловчи қуйидаги малакаларга ҳам эга бўлишлари зарур:

Педагогларда креатив фаолиятни ташкил этишга имкон берадиган малакалар гуруҳлари:

- 1) билишга оид (гностик) малакалар;
- 2) лойиҳалаш малакалари;
- 3) ижодий-амалий (конструктив) малакалар;
- 4) тадқиқотчилик малакалари;
- 5) мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари;
- 6) ташкилотчилик малакалари;
- 7) изчилликни таъминловчи (процессуал) малакалар;
- 8) техник-технологик малакалар

Қуйида ушбу малакалар гуруҳларининг моҳияти ёритилади:

Лойиҳалаш малакалари:

- дарс ёки тарбиявий тадбирларнинг лойиҳаларини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбир моҳиятини босқичма-босқич ёритиш;
- таълимий ёки тарбиявий фаолият мақсадини аниқ белгилаш;
 - мақсадга мос келадиган вазифаларни аниқлаш;
 - ўқув материалининг дидактик, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини баён этиш;
- ўқув ёки тарбиявий характердаги материал мазмунини шакллантириш;
 - ўқув ёки тарбиявий материал мазмунини очиб берадиган бир қанча маълумотлар ўртасидаги ўзаро изчилликни таъминлаш;
 - талабаларни мустақил фикрлашга рағбатлантирувчи саволлар тизимини ишлаб чиқиш;
 - дарс ёки тарбиявий тадбирнинг методик тузилишини асослаш;
 - дарс ёки тарбиявий тадбир жараёнида бажариладиган педагогик топшириқлар тизимини аниқлаш;
- янги материални баён этишда турли замонавий ёндашувларни қўллаш;
 - муайян изчилликка эга тест топшириқларини ишлаб чиқиш;
- талабаларнинг билим даражасини ташхислаш жараёнини асослаш;
- талабалар жамоаси ҳамда алоҳида талабанинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолаш механизминини яратиш

Билишга оид (гностик) малакалар:

- талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, жамоанинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;
- замонавий таълим талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик ва методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;
- таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;
- талабалар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;
- талабаларнинг билишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;
- дарсда, дарсдан ташқари шароитларда, куни узайтирилган гуруҳларда, тўгарак, клуб ёки жамиятларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;
- талабалар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;
 - талабаларда соғлом турмуш кечиришга бўлган эҳтиёжни шахсий ва умумий гигиенага амал қилиш кўникмаларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш;
 - таълим жараёнида турли кўрсатмали қурооллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илғор педагогик технологияларидан фойдаланиш;
 - дидактик материал ва кўрсатмали қуроолларни ишлаб чиқиш;
- ота-оналарни педагогик билимлар асослари, болаларнинг асосий ёш хусусиятлари, психологик ўзига хосликлари, турли ёш босқичларида фарзандлар билан ота-оналар ўртасида кечадиган муносабатлар моҳиятидан хабардор қилиш;
- ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш

Ижодий-амалий (конструктив) малакалар:

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
- ўқув материални турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
- ўзига хос, оригинал ўқув материални тайёрлаш;
 - мустақил равишда янги методни асослаш;
- ўқув машғулоти (дарс) ва тарбия тадбир учун кўрсатмаларни қуроллар тўпламини яратиш;
 - дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
 - дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
- ўқув материалнинг тақдирот вариантларини тайёрлаш;
 - турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун талабаларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;
 - дарс конспектини тайёрлаш;
- турли шакл ва методларга асосланган синон топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндашиш

Тадқиқотчилик малакалари:

- илмий изланиш олиб бориш метод ва воситаларини танлаш;
- манбалар билан ишлаш (назарий таҳлил, муҳим маълумотни топиш, тезис, конспект, реферат, картотека билан ишлаш, адабиётлар рўйхатини тузиш);
 - нашр манбалари ва ахборот технологиялари (Интернет) материаллари билан танишиш;
 - анкета сўровини ташкил этиш;
- замонавий педагогик муаммоларни аниқлаш, долзарблигини асослаш;
 - мавжуд манбалар асосида муаммонинг ишланганлик даражасини ўрганиш;
- педагогик тажриба олиб бориш методикасини ишлаб чиқиш;
 - уч (ёки тўрт) босқичли педагогик тажрибани илмий-методик ташкил этиш;
 - илмий мақола, ахборот ва ҳисобот тайёрлаш;
 - илмий мақолаларни нашрга тайёрлаш;
- педагогик тажриба натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
 - таҳлил натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш;
 - статистик таҳлил натижаларига кўра хулоса чиқариш ва илмий-тавсияларни илгари суриш;
 - педагогик тажриба натижаларини муҳокама қилиш (саволлар қўйиш, шахсий фикрни билдириш, танқидий фикрларни айта олиш, амалий таклифлар бериш)

Мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари:

- талабалар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкасблар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;
 - педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ёки шахсий муносабат ўрнатиш;
 - талабаларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш;
 - топшириқлар юзасидан талабанинг жавоби ёки шахсий фикрларини тинглай билиш;
 - педагогик жараёнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки ривожлантириш;
 - жамоа ва турли босқичдаги талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- жамоада соғлом рақобатга асосланган муҳитни қарор топтириш;
 - талабаларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;
- талаба жавобидаги хато ёки хатти-ҳаракатидаги камчиликларга муносабат билдириш;
 - талабалар билан таълимий ҳамкорликка эришиш

Ташкилотчилик малакалари:

- талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш;
 - талабаларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантириш;
- дарс жараёнида вақтни тўғри тақсимлаш ва режани самарали бажариш;
 - талабалар билан индивидуал ишларни ташкил этиш;
- гуруҳ жамоаси билан жамоавий ёки гуруҳли ишларни олиб бориш;
 - талабаларда таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя этиш кўникмаларини шакллантириш;
 - талабаларга ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;
 - ўқувчиларнинг диққатини бошқариш;
- талабалар ўртасида баҳс-мунозара ташкил этиш ва уни бошқариш;
 - дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш;
 - талабаларнинг ўқув фаолликларини ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;
 - кичик гуруҳларни шакллантириш асосида топшириқлар бажарилишини таъминлаш;
 - талабалар билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш


Изчилликни таъминловчи (процессуал) малакалар:

- ўқув материали мазмунини баён қилишда нутқий изчилликни таъминлаш;
- оғзаки ва ёзма нутқни баён қилишда ўзаро изчилликни қарор топтириш;
- талабаларнинг мавжуд билимлари билан янги ўзлаштириладиган билимлар ўртасида муайян изчилликни юзага келтириш;
- талабаларнинг мавжуд ҳаётий қарашларини янги ғоялар билан бойитиш;
- дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлаарда талабаларни фаол фаолиятга ундовчи методлардан фойдаланишда муайян изчилликка эришиш;
- талабалар БKM даражасининг ДТС талабларига мувофиқ келишида маълум изчилликка эришиш;
- гуруҳ жамоасининг ижтимоий-психологик ҳолатини ўрганиш методларидан фойдаланишда педагогик фаолият изчиллигини таъминлаш;
- талабаларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолашда доимий изчилликка эришиш

Техник-технологик малакалар:

- таълим жараёнига замонавий техник воситаларини татбиқ этиш;
- дарс жараёни мазмунини технологик паспорт ва технология харита ёрдамида ёритиш;
- ўқув материали мазмунини ёритувчи слайдларни тайёрлаш;
- ўқув машғулотларини ахборот технологиялари, интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш;
- ихтисослик фани хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турли техник воситалардан фойдаланиш;
- дарсларда проекторни қўллаш олиш;
- ўқув материалларини аудио ва видео ёзувлари, тақдимот асосида баён қилиш;
- талабаларда ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқув топшириқларини беришда ахборот технологияларини қўллаш;
- компьютер имкониятларидан фойдаланишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш;
- талабаларнинг БKMни баҳолашни компьютер асосида ташкил этиш;
- талабаларнинг билим олганлик ва тарбияланганлик даражаларини ташхис қилишда компьютер ёрдамига таяниш ва б.ш.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари. Айтиб ўтилганидек, барча шахсларда бўлгани каби педагоглар ҳам креативлик сифатлари ўз-ўзидан ривожланмайди. Шунга кўра тадқиқотларда шахс (жумладан, педагоглар)да креативлик сифатларини муваффақиятли ривожлантиришнинг бир қатор йўллари ёритилади. Патти Дрепеау¹⁸ томонидан ҳам шахс (жумладан, педагоглар)да креативлик сифатларини муваффақиятли ривожлантиришнинг тўртта йўли кўрсатилган



Креатив сифатларни ривожлантириш йўллари

Қуйида мазкур йўлларнинг моҳияти хусусида сўз юритилади.

1-йўл: креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш. Бунда асосий урғу креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш асосий эътибор марказида бўлиб, талабалар феъллар ёрдамида креатив характердаги ҳаракатларнинг моҳиятини ифодалашга йўналтирилади. Хусусан, ўқитувчилар креатив фикрлаш кўникмасини самарали шакллантириш мақсадида талабаларга уларни фикрлашга ундовчи саволлар таркибида зарур феълларнинг бўлишига эътибор қаратилади. Бу ҳолат мисоллар билан тушунтирилса, талабалардан “юррак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликни таърифлаб беринг” мазмунидаги назорат саволи уларда креативликни шакллантирмайди. Зеро, савол таркибидаги “таърифлаб беринг” тушунчаси ўз моҳиятига кўра “мавжуд билимларингизни бирма-бир айтиб ўтинг” дейиш билан тенг.

Нazorat саволларини беришда талабаларни фикрлашга ундовчи сўз (феъл)лардан фойдаланиш уларнинг креатив фикрлашларини осонлаштиради.

¹⁸ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 9.

Шу сабабли шахсда креатив сифатларни шакллантиришнинг биринчи йўлига кўра педагоглар турли, антиқа, ноанъанавий ҳамда пухта жавобни беришга мажбур қилувчи сўз (фeyл)лардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. М: “боғлиқликни топинг”, “яратинг”, “башорат қилинг”, “фикрни мантиқан баён этинг”, “тасаввур қилинг” каби сўз (фeyл)лардан фойдаланиш амалий жиҳатдан самарали саналади.

Агарда педагог талабалардан “юррак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликни таърифлаб бериш”ни талаб қилиш ўрнига, “юррак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликнинг барча турларини келтириш”ни сўраши лозим. Натижада талабалар ҳам мавжуд билимларни умумлаштириш, ҳам янги фикр ва ғояларни илгари суриш имкониятига эга бўлади.

Педагоглар биринчи йўлни қўллаш – талабаларда креативлик кўникмасини шакллантиришда ёш ўқитувчиларнинг “Креативлик харитаси”дан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

2-йўл: амалий креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш. Педагоглар талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда кўрсатмали метод ва усуллардан фойдаланади. Бу ўринда саволлардан фойдаланиш фақат қисқа муддатда ёрдам бериши мумкин, бироқ, талабаларда интерфаоллик ва киришимлиликни ривожлантирмайди.

Патти Драпеау ўз асарида бир қатор талабаларда интерфаоллик ва креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришда самарали бўлган йўл ва методларни келтириб ўтади. Хусусан:

- Веб-сайтлар билан ишлаш;
- визуаллаштириш;
- барча нуқтаи назарларни инобатга олиш;
- муҳим ғояларни турли вазиятларда ва ўринли қўллаш (ғояни бошқа шароитга кўчириш – трансформация);
- рамзийлаштириш каби йўллар;
- “Ақлий ҳужум”;

- “Кейс-стади” каби методлар¹⁹.

3-йўл: креатив фаолият жараёнларни ташкил этиш. Мазкур йўл талабаларни муаммони ечиш ва инновацион ғояларни илгари суриш жараёнида креатив, ижодий фикрлашга урғу беради. Мазкур жараёнларда креатив метод ва усуллар фаол қўлланилмаса-да, креатив фикрлаш юз беради. М: “Юрак ва қон айланиши тизими ўртасидаги боғлиқликни топиш” (Isaksen & Treffinger, 1985). Топширикни бажарар экан, талабалар одамнинг қон айланиши тизими билан боғлиқ турли муаммоларни таҳлил қилади. Натижада ушбу жараёнда кўп томонлама фикрлаш, мушоҳада юритиш рўй беради.

4-йўл: креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш. Бу йўлни тутишда педагог талабаларга “Одамнинг қон айланиш тизими” мавзусида Power Point дастури ёки мультимедия ёрдамида тақдимотни яратиш топшириғини бериши мумкин. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида талабаларда креатив фикрлаш кўникмалари фаол ривожланади.

Талабалар ўзларининг креатив фикрлаш қобилиятларини қулай муҳитда тўла намоён қилишлари мумкин. Агар талабаларда муваффақиятсизликка учраш кўрқув ҳисси мавжуд бўлса, фикрни нотўғри ифодалашдан ҳадиксирасалар, танқидга учрасалар бундай вазиятда уларда креатив фикрлаш кўникмаларини самарали шакллантириш ёки ривожлантириш мумкин бўлмайди. Талабаларда креативликни одатга айланттириш орқалигина креатив фикрлаш кўникмасини муваффақиятли шакллантириш мумкин.

Бу жараёнда улар томонидан мавзу мазмунининг пухта англаниши ва креатив фикрлаш кўникмаларини баҳолашда қўлланиладиган метод ва воситалар (3-мавзу) муҳим аҳамият касб этади²⁰.

Шахсан Сиз нима деб ўйлайсиз: олий таълим муассасаларида талабаларни креатив фикрлашга ундаш жараёнида мазкур йўллардан қай тартибда фойдаланиш кутилган натижаларни кафолатлайди. Бу ўринда Патти Драпеау куйидаги маслаҳатни беради: “Бир манзилдан иккинчи манзилга бориш учун биз

¹⁹ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 8-10.

²⁰ Ўша асар. – 10-бет.

икки ва ундан кўп йўналишларни босиб ўтамиз. Бу фикр қуйида билдириладиган кўрсатмаларга ҳам тааллуқлидир. Ўқитувчи дарс жараёнида бир ёки бир нечта (юқорида келтириган) йўллардан фойдаланиши мумкин. Ўқитувчи креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантирувчи феълларни қўллаш (1-йўл)га қарор қилса, у бевосита креатив муаммоларни ҳал этиш (3-йўл) устида иш олиб бораётган талабаларни креатив фикрлаш стратегиялари (2-йўл)дан фойдаланишга ҳам самарали жалб этади. Дарс эса креатив маҳсулотни (4-йўл) ишлаб чиқиш билан яқунланади. Креатив фикрлаш жараёнини моҳиятини ёритувчи харита ўқитувчиларга дарс жараёнида намоён бўладиган креативлик даражаси, турини аниқлашга ёрдам беради”²¹.

Кўп ҳолатларда ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг ўзлари ҳам шундай саволга дуч келишади: креатив фикрлаш жараёнининг одат сифатида намоён бўлишига эришиш мумкинми? Бу ўринда Патти Драпеау шунай фикрларни илгари суради: “Мия тадқиқотлари креатив фикрлаш кўникмасини ривожлантириш усуллари ва уни қандай қилиб одатга айлантириш мумкинлигини тушуниш имконини беради. Креативлик миянинг олд (ғоялар юзага келадиган) ва чекка (тахлил қилиш) соҳаларининг ўзаро мувофиқликда ишлаши ва допамин (кишининг ўзини яхши ҳис этишига ёрдам берувчи) моддасининг ишлаб чиқарилиши натижасида рўй беради. Таълим олиш мияда кичик бурмаларининг пайдо бўлишига олиб келади ҳамда миянинг фаол ишлаши натижасида бу жараён кучаяди. Инсон мияси образ, башорат, ҳис туйғу, эмоция ва маъно бой маълумотлар олишни маъқул кўради. “Агарда маълумот ҳеч қандай ҳиссиёт ва фикрий жараёнлардан ҳоли бўлса, у мияда сақланмайди” (Willis, 2006, p. 44). Бироқ, креатив фикрлаш мияда унинг “таълим олиш ва ўрганиш методларига зид бўлган” янги усулларни қўллаш ва ноанъанавий, оригинал ғояларнинг ишлаб чиқилишини тақозо этади (DiSalvo, 2011, 1-боб). Креатив фикрлаш кўникмасини машқ қилдириш натижасида талабалар фақатгина ўрнатилган алоқаларга таянибгина қолмай, балки мияда янги, маънога бой алоқаларни ўрнатиш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва янгича

²¹ Ўша асар. – 12-бет.

фикрлашга мойил бўладилар. Доимий равишда олиб борилган машқлар натижасида янгича креатив фикрлаш одатий ва автоматик характерга эга бўлади. Инсон мияси доимо тўғри ишлашга одатланган, яъни, мия учун фақат биргина тўғри жавоб мавжуд бўлади. Ваҳоланки, бу креативлик эмас. Креативлик – талабаларнинг ўз қарашларини ҳимоя қилиш жараёнида барча жавоблар тўғри бўлиши мумкин дегани. Креативлик муҳитига сингиб кетиш саналади. Шу сабабли креатив фикрлашни одатга айлантириш учун талабалар мазкур жараёнга ишонч билан қарай олишлари лозим.

Талабалар креативлик рағбатлантирилса ва самимий муҳит яратилсагина, креатив фикрлашни одатга айлантира оладилар. Креатив муҳитда ўқитувчи ва талабалар бошқаларга нисбатан самимий муносабатда бўлишни ва уларнинг фикр мулоҳазаларини ҳурмат қилишни ўрганадилар. Хато қилишдан ёки муваффақиятсизликка учрашдан қўрқиш, ҳаддан ташқари баҳоларга эътибор қаратиш, бошқалардан ажралиб туриш, менсимаслик ва танқидга учрашдан, камситилишдан қўрқиш хисси мавжуд талабаларда креативлик одатга айланмайди. Креативликни одатга айлантириш, талабаларнинг ўқишдаги муваффақият ва ўз-ўзига бўлган ҳурматни ошириш фақатгина креатив фикрлашни мувофиқ равишда қўллаш орқали ва соғлом муҳитдагина эришиш мумкин”²².

Хорижлий педагоглар, хусусан, Патти Драпеаунинг фикрича, бир шахснинг, айниқса, ўқитувчининг креативлиги бошқа (талаба)ларни ижодий жараёни ташкил этишга руҳлантиради.

“Креативлик юқумлилиқ хусусиятига эгадир; креатив бўлиш учун киши кўпроқ креатив инсонлар билан мулоқот қилиши ва ҳамиша изланишда бўлиши лозим. Ҳар қандай кўникмани шакллантириш мумкин бўлганидай, креатив фикрлаш қобилияти ёки кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин. Бу талабаларга ҳам тааллуқли бўлиб, креативлик устида ишлаш талабаларга ноодатий тарзда фикрлашга ёрдам беради. Бироқ, талабаларни руҳлантириш ва креатив бўлишга ундаш ўқитувчининг қай даражада малакали эканлигига

²² Ўша асар. – 12-13-бетлар.

боғлиқ. Креативлик бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва креативлик назариячиларининг ишлари талабаларда креативлик кўникмасини шакллантиришда қўлланма сифатида хизмат қилади (2.1-жадвал). Бу аудиториядаги муҳит, талабаларда фикрлаш тарзининг шаклланиши, ўқитувчининг ёндашув ва стратегиялари элементларини ўз ичига олади”²³.

Талабаларда креативликни шакллантириш²⁴

Талабаларда креативликни шакллантириш	
Талабаларни ...	<ul style="list-style-type: none"> - қизиқарли; - мураккаб вазифалар; - аниқ мақсад ва вақт билан таъминлаш
Талабаларга ...	<ul style="list-style-type: none"> - креативлик мувозанатсизлик хиссини юзага келтиришини англантиш; - безовталиқ ва қўрқув ҳиссидан халос бўлишга ёрдам бериш; - креатив фикрлаш кўникмаларини бошқа кўникмалар билан ривожлантиришга ёрдам бериш; - “қутқариб” қолиш эмас, балки йўл йўриқ кўрсатиш
Талабаларни ...	<ul style="list-style-type: none"> - суҳбатлар орқали рағбатлантириш; - конструктив шарҳлар билан таъминлаш; - янги кўрсатмалар билан таништириб бориш
Талабалар ...	<ul style="list-style-type: none"> - ўзларида креативликнинг бошқа турларини ҳам ривожлантира олишлари; - гуруҳда ишлай олишлари; - ҳиссий жиҳатдан эркин ва ижобий фикрларга эга бўлишлари учун пойдевор бўладиган муҳитни яратиш

²³ Ўша асар. – 14-бет.

²⁴ Ўша асар. – 15-бет.

Талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда ўқитувчи алоҳида ўрин тутди. Бу жараёнда “ўқитувчининг роли аудиторияда креативлик муҳитини яратишдан иборат. Паннелс ва Клакстонлар (2008) қайд этганларидек, муҳит (аудитория ҳақида гап кетганида мақсад ва вазифалар) креативликни шакллантиришга таъсир этади, бошқа тадқиқотчи Пииртонинг (2004) фикрича эса, креативлик таваккал қилишни талаб этади. Ваҳоланки, ўқитувчи синфда талабалар ўзини эркин сеза оладиган ва ўз фикрлари, ғоялари билан бўлиша оладиган муҳит яратиши лозим. Талабалар креативлик синф хонасида ўз ғоя ва фикрларини турли йўллар билан ифода этишлари мумкин ва улар буни кадрламоқлари лозим. Талабалар мияда юз бераётган жараёнларни янада фаоллаштириш учун ўрнатилган қонун қоидалар, стандартлардан четга чиқиб, турли саволлар беришда эркин ҳаракат қилишлари керак. Ўқитувчи талабалардаги креативликни ноодатий ғояларни ўртага ташлаш ва уларни вербал ва новербал тарзда рағбатлантириш орқали қўллаб қувватлайди. Ўқитувчининг талабалар бераётган креатив ғояларига нисбатан тўғри муносабати уларнинг мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган шартларни англашида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур элементларнинг барчаси ўқитувчи-талаба муносабатининг муҳим қисми бўлиб, талабалар муваффақиятини таъминлайди (Hattie, 2011)”²⁵.

Муайян омиллар педагогларда креативлик сифатлари, малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Шу сабабли педагогик жараёнда ўқитувчилар ушбу омилларни бартараф этишга эътибор қаратишлари лозим. Қуйидаги омиллар шахсда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилади:

- 1) ўзини таваккалдан олиб қочиш;
- 2) фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда қўполликка йўл қўйиш;
- 3) шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги;
- 4) бошқаларга тобе бўлиш;
- 5) ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ютүкни ўйлаш

²⁵ Ўша асар. – 15-бет.

“Креатив муҳитда ўқитувчи талабалар диққат-эътиборини жалб этиш мақсадида бирор бир янгиликдан фойдаланади. Қизиқувчанлик ва шубҳани уйғотувчи маълумот, талабаларни ўзига жалб этиб, уларда ўқишга бўлган интилишни кучайтиради (Koutstaal, 1997; Willis, 2006). Олиб борилган мия тақиқотлари шуни кўрсатдики, янгилик ҳамиша мияни фаоллаштиради. Ўқитувчи талабаларни янги маълумот ва манбалар билан таъминлаганда ёки янги стратегияларни қўллаганда, мия “уйғонади” ва эътибор қаратади. Масалан, бирор бир адабий асар қаҳрамони ёки тарихий шахсга ўхшаб кийиниш, тарихий буюм ёки замонавий предметлардан фойдаланиш, мусиқа эшиттириш, латифалар айтиш, синф хонасидаги жиҳозлар ўрнини алмаштириш, ўйинлар ўйнаш (бу ўрта мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларига ҳам бирдек тааллуқли), дарс шаклини ўзгартириш.

Креатив муҳитда ўқитувчи талабаларга тез-тез танлаш имконини беради. Танлов креативликни шакллантиришда муҳимдир (Sprenger, 2010) ва у талабаларни руҳлантириб, уларга ўқишни назорат қилиш имконини берибгина қолмай, балки ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиради. Танлов ҳуқуқи нафақат ўқитувчи-талаба муносабатини яхшилаш, балки ҳар икки тарафнинг ҳам индивидуаллигини ифодалашга замин яратади (Deci, 1995). Танлов ҳуқуқи фақат бир томонлама бўлиши ҳам мумкин, яъни танлов талаба томонидан мустақил равишда амалга оширилиши ва якуний натижа икки ёки ундан кўп шаклда тақдим этилиши мумкин”²⁶.

Олий таълим муассасаларида ҳам ўқитувчилар талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда уларнинг жамоа бўлиб, кичик ёки катта гуруҳларда ишлашлари учун зарур шарт-шароитни яратиш бера олишлари зарур. Зеро, катта ва кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида билдирилган ҳар қандай фикрни креатив жиҳатдан ривожлантириш имконияти юзага келади.

“Ўқитувчи креативлик дарсларида жамоа туйғусининг аҳамиятини англаган ҳолда, доимий равишда гуруҳларни ўзгартириб, талабаларда жамоа бўлиб ишлаш, бошқалар қобилияти ва маҳоратини ҳурмат қилиш кўникмаси

²⁶ Ўша асар. – 16-бет.

шакллантиради. Ваҳоланки, якка тартибда ишлаш маълум вазиятларда самара берса, креативлик дарстарида кичик гуруҳларда ишлаш мақсадга мувофиқдир, чунки креативлик кўникмаси ижтимоий феномендир (Farrell, 2001; John-Steiner, 2000; Sawyer, 2003, 2006b); Соьернинг фикрига кўра, креатив қарашлар жамоа бўлиб ишлаш жараёнида ва креатив ҳамкорлик натижасида шаклланади (Sawyer, 2006a, p. 42).

Ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиш мезонлари:

- талабаларни *маълум соҳадаги қобилиятларига* кўра кичик гуруҳларга бўлиш; талабаларни бундай қобилиятига кўра бўлиш асло креатив фикрлаш кўникмасига боғлиқ бўлмаслиги лозим. Бундай гуруҳларда талабалар эркин ҳаракат қила олишлари ва вақти келса бошқа гуруҳга ўтишга тайёр бўлишлари лозим;

- *ҳамкорлик гуруҳлари* талабаларнинг қизиқишлари асосида ташкил этилади; бундай гуруҳлар турли билим ва қобилият даражасига эга талабалардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда бундай гуруҳдаги талабалар маълум бир рол, яъни масъулиятни ўз елкаларига оладилар. Мазкур гуруҳни шакллантиришда асосий эътибор талабанинг когнитив ҳошиш-исталарига эмас, балки унинг илмий ва ижтимоий билимига берилади;

- *мослашувчан гуруҳлар* талабаларнинг индивидуал эҳтиёжлари, қизиқишлари ва ҳошиш-исталари асосида ташки этилади. Гуруҳнинг қизиқишлари ўзгарса, шунга кўра унинг аъзолари ҳам ўзгаради. Бундай гуруҳ талабаларда мослашувчанлик кўникмасини шакллантиради.

Ўқитувчи талабалар мувафаққиятга эришишлари учун уларни қизиқарли, мураккаб вазифалар ва аниқ мақсад ва вақт билан таъминлайди. Маълум вазифани бажариш жараёнида талабалар ишга “берилиб” кетишлари сабабли улар вақт тушунчасини унутиб қўядилар (Csikszentmihalyi, 1996). Ваҳоланки, талабалар мактаб шароитида камдан-кам бундай ҳолатга тушсаларда, ўқитувчилар бундай муғҳитни яратишга интилишлари лозим”²⁷.

²⁷ Ўша асар. – 16-17-бетлар.

4. Креатив кўникмалар ва талабаларда креатив кўникмаларни шакллантириш жараёнининг моҳияти. “Креативлик отаси” номи билан машҳур Пол Торранс тўртта креативлик кўникмасини аниқлаган (1987а). Унинг олиб борган тадқиқотлари шундан далолат берадики, мазкур креатив кўникмаларни шакллантириш ва уларни баҳолаш мумкин (7-боб):

1. Равонлик. Кўплаб ғояларни ўйлаб топиш кўникмаси *кўп* деган сўзга асосланади.

2. Мослашувчанлик. Турли ғояларни ўйлаб топиш кўникмаси *ўзгартириши* деган сўзга асосланади.

3. Ўзига хослик. Бошқаларга ўхшамаган, ажралиб турувчи ғояни ўйлаб топиш кўникмаси *ноёб* деган сўзга асосланади.

4. Яратувчанлик. Ғояларни кенгайтириш кўникмаси *қўшиши* деган сўзга асосланади.

Креатив дарсларда талабалардан ажойиб ғояларни ўйлаб топиш (ўзига хослик); уларни кенгайтириш (ишлаб чиқиш); ёки бошқа ғоялар билан солиштириш ва улардаги боғлиқликни топиш (мослашувчанлик) талаб этилганда, мазкур кўникмалар бир-бири билан кесишади.

Равонлик

Креатив равонликнинг асосий мақсади талабаларда бир эмас, балки бир нечта ғояларни ўртага ташалаш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Сон асосий мақсаддир; бир қатор ғоялар ичидан бир ёки ундан кўп мақбулини топишимиз мумкин. Кўп ҳолларда ўқитувчилар талабаларда равонлик кўникмасини шакллантириш учун “ақлий ҳужум” стратегиясидан фойдаланадилар. Бу машқ оғзаки ёки ёзма (ғояларни қо-ғозга ёзиб, кейинги талабага қўшимча ғоялар киритиш учун узатиши лозим) тарзда бажарилиши мумкин. “Тўхта ва бошла” мазмундаги “Ақлий ҳужум” машқида талабалар ғояларни ўртага ташлаб, уларни таҳлил қиладилар ва баҳолайдилар, сўнг бу яна бир бор қайтарилади. Талабалар бу машқда яхши натижаларга эришсалар, улардаги креативлик кўникмаси эркин ва равон фикрлаш кўникмаси билан

чамбарчас боғлиқ бўлади. Агарда акси бўлса, доимий машқ ва тажриба ёрдамида яшхи натижаларга эриши мумкин.

Ўқитувчи мазкур машқни бажаришда қийинчиликка учраган талабаларни кузатиши табиий. Фақатгина юзаки маълумотга эга бўлган талабалар чекланган билимга эга бўлганликлари сабабли турли ва қизиқарли ғояларни ўйлаб топишда қийналадилар. Баъзи ҳолларда эса, етарлича маълумот ва билимга эга талабалар ҳам мазкур машқни бажаришда қийинчиликка учрашлари мумкин. Бундай вазиятда ўқитувчи қуйидаги стратегиялардан фойдаланган ҳолда талабаларга ёрдам бериши мумкин:

- *Синфда талабаларга руҳ бағишловчи муҳитни яратиш.* Ўқитувчи талабаларга синфдаги барча буюмлар, жиҳоз, дераза ва деворга осилган расм, жадвал, схемаларга эътибор қаратишни ва уларга синчиклаб қарашни сўрайди. Синфдаги барча нарсалар талабаларда қандай ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Уларга бу жиҳоз ва буюмлар нималарни эслатди ёки қандай маълумот билан боғлиқлиги бор? Масалан, агарда талабалар цунами ҳақида “ақлий хужум” машқини бажараётган бўлсалар, ташқарида нур сочиб турган куёш уларга цунами куёшли кунда рўй беришини эслатиши мумкин.

- *Янги ғояларни ўйлаб топишда талабалар қизиқишларидан фойдаланиш.* “Ақлий хужум” машқи маълум бир адабий асар ҳақида бўлса, асар қаҳрамонлари характери ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларини улар ёқтирган асар қаҳрамонлари, телевизион кўрсатув ижодкорлари ёки машҳур спортчиларнинг феъл-атвори ва ҳатти-ҳаракатлари билан солиштиришлари мумкин.

Талабалар креативликда равонлик ва эркинликка эришмасалар, машқ ва дарслар жараёнида уларнинг миясига биринчи келган ғоягагина таяниб қоладилар, ваҳоланки бундай ғоя бошқаларнинг ғоясида ажралиб турмайди ва талабанинг кенг фикрлашидан далолат бермайди. Қолаверса, муаммонинг ечимини топишда қанча кўп ғоя топилса, тўғри жавоб ёки вариантни танлаш имконияти шунча катта бўлади. Масалан, тарих дарси жараёнида европалик босқинчилар Америка минтақасига илк бор қадам қўйганда улар топган биринчи нарса “компьютер” деган жавоб ҳам нотўғри бўлар эди; жавоблар

берилаётган саволлар доирасида бўлиши лозим. Савол қанча кўп деталларни ўз ичига олса, талабалар ҳам мувофиқ равишда жавоб топишга ҳаракат қиладилар.

Мослашувчанлик

Ўқувчилар кенг фикр юрита олсалар, вазият ва муаммога ҳам бир қанча ва турли ечим топадилар. Талабаларда мослашувчанликни улар турли нуқтаи-назар ва фикрларни инобатга олганлари ва уларни таҳлил қилганларида, турли фикрларин бир-бири билан солиштирганда ва уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларин топганларида ва ниҳоят муваффақиятга эришиб, яхши натижалар кўрсатаётганларида кузатиш мумкин.

Мослашувчан бўлиш учун талабалар маълумотнинг фақат юзаки қисмини эмас, балки унинг чуқур моҳиятини англаб етишлари лозим. Мослашувчанлик кўникмасини шакллантиришда талабалар амалиёт билан таъминланса ва уларга йўл-йўриқ кўрсатилса, келгусида турли ғояларни топишда бу кучли стимул бўлиб ҳизмат қилади. Агарда талаба кўплаб ғоялар топган бўлса, у мослашувчанликни эмас, балки равон фикрлашни намоён қилмоқда, чунки бунда барча эътибор битта ёки бир турдаги жавобларга қаратилади. Талабаларда мослашувчанлик кўникмасини шакллантиришда сони жиҳатдан кўп эмас, балки турли мазмундаги ғояларни топиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Муаммонинг мазмунини чуқур англаган ҳолда ҳам, талабалар турли ғояларни топишда қийналадилар ёки умуман бунга қодир бўлмайдилар. Бу эса, ўз ўрнида, уларда мослашувчанлик кўникмасини шакллантириш кераклигидан далолат беради.

Тажриба ва доимий машқ ёрдам берсада, ўқитувчи талабаларга мураббий сифатида турли стратегиялардан фойдаланишни ўргатиши керак. Талабаларга турли ғоялар турли тоифа (категориялар)га бўлинишини англашида ёрдам бериш мумкин. М: “ҳайвонлар” категориясига талабалар ҳайвонлар номларини келтирадилар. Бироздан сўнг, “таомлар” категориясига талабалар аввал миллий

кейин бошқа халқлар таомлари рўйхатини тузадилар. Машқ шу йўсинда давом этади. Бу талабалар бир категория, яъни бир фикрдан иккинчисига ўтиш ва унга тезда мослашиш кўникмасини ўзлаштирмагунча давом этади. Талабаларда бундай кўникма шакллангач, улардан мослашувчанлик билан фикрлашни талаб қилиш мумкин. Масалан, “Агарда Золушка етим ва камбағал бўлмаганида, воқеалар ривож қандай тус олган бўларди?” ва “Жанубий штатлар фуқаролик уруши даврида қандай стратегияни қўлланганда урушда ғолиб бўларди?”. Турли категорияларга мансуб саволлар талабаларда мослашувчанлик кўникмасини ривожлантиради.

Талабаларни биргина категорияда “қотиб” қолишини олдини олиш учун *мажбурий солиштириш* стратегиясини қўллаш мумкин. М: ўқитувчи “интилганга толе ёр” шиори Золушка воқеаси ёки математик тенглама, “*perpetuum mobile*”, яъни абадий ғилдиракка нисбатан қандай қўлланилиши мумкинлиги ҳақида сўраши мумкин. Мазкур стратегия мослашувчанлик билан фикрлаш орқали воқеалар ва тушунчалар ўртасида боғлиқликларни топишга ёрдам беради.

Кўп йиллар аввал Алекс Осборн мослашувчанлик билан фикрлашни кучайтирувчи саволлар тоифасини тузиб чиққан (1963). Эберленинг 1971 йилда ишлаб чиққан SCAMPER мнемоник схемаси *substitute* (алмаштирмақ/ўзгартирмақ), *combine* (бирлаштирмақ), *adapt* (мослаштирмақ), *modify* (ўзгартирмақ/бошқа шакл бермақ), *maximize/minimize* (максималлаштирмақ/минималлаштирмақ), *put to other uses* (бошқа соҳа/усулда қўллаш), *eliminate* (олдини олмақ) ва *rearrange* (қўлланилишини ўзгартириш) каби тушунчалар асосида ишлаб чиқилган. 2.2–жадвал 4-синф ўқитувчиси SCAMPER мнемоник схемасидан талабаларда мослашувчан фикрлашни ривожлантиришда истиқомат қилаётган шахри, туман, маҳалласининг рамзи ёки иқтисодиёт, саноат, озиқ-овқат соҳасига тегишли маълумотларни ва айнан Майн шахрининг рамзи бўлган машҳур олмали пирогидан ўқувчилар эътиборини тортишда фойдаланганини кўрсатади. Ўқувчилар мнемоник схемадан фойдаланган ҳолда агарда шokolоддан машҳур

олмали пирогни пиширишда шоколаддан фойдаланилса ва пишириш жараёнида пирогнинг таркиби ёки шакли ўзгартирилса қандай натижага олиб келиши ва қанадй қилиб бу шоколадли пирогни Майн шахрининг машхур пирогига айлантириш мумкинлиги таҳлил қиладилар”²⁸.

2.2–жадвал. SCAMPER стратегиясини қўллаш асосида креатив фикрлаш кўникмасини ривожлантириш²⁹

SCAMPER мнемоник схемасидан мослашувчан фикрлаш кўникмасини шакллантиришда фойдаланиш		
SCAMPER	Саволлар	Вазифалар
<i>Substitute</i> (алмаштирмақ/ўзгартирмақ)	Агар шоколаднинг ўрнига ванилладан фойдаланилса қандай пирог хосил бўлади?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олиб, расмини чизинг.
<i>Combine</i> (бирлаштирмақ)	Агар шоколадли пирог қаймақли крем билан безатилса, қандай таъмга эга бўлади?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олиб, расмини чизинг.
<i>Adapt</i> (мослаштирмақ)	Юмалоқ пирог шаклини қандай ўзгартириш мумкин?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олиб, уни тарифланг.

²⁸ Ўша асар. – 18-21-бетлар.

²⁹ Ўша асар. – 21-бет.

<i>Maximize/minimize</i> (максималлаштирмак/ минималлаштирмак)	Пирогнинг энг кичик/катта бўлаги қандай шаклга эга?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олиб, уни тарифланг.
<i>Put to other uses</i> (бошқа соҳа/усулда қўллаш)	Шоколадли пирог билан яна нималар қилиш мумкин?	Вариантлар рўйхатини тузинг.
<i>Eliminate</i> (олдини олмоқ)	Шоколадли пирогга шакар солиш эсан чиққанда нима бўлар эди?	Вариантлар рўйхатини тузинг.
<i>Rearrange</i> (қўлланилишини ўзгартириш)	Шоколадли пирогни инсонлар таом ўрнида истеъмол қилсалар қандай натижага олиб келар эди?	Вариантлар рўйхатини тузинг

Ўзига хослик

Ўзига хослик ноодатий ғоялар ўйлаб топиш кўникмасидир. Ўқувчилар ўзларида аввал мослашувчанлик ва равонлик кўникмаларини шакллантириб, сўнг ноодатий, оригинал ғояларни кашф этиш кўникмасини ҳосил қилишлари лозим. Равон фикрлаш кўникмаси ўқувчиларда оригиналликни ривожлантиришда бошланғич ва асос солувчи қадам бўлиб хизмат қилади; агарда талаба кўп ғояларни ўратага ташласа, улардан бир ёки иккитаси албатта бошқа талабанинг ғояси ҳам бўлади (Simonton, 1999). Мослашувчан фикрлаш ўқувчиларга уларнинг ҳар бир ғоялари бир-биридан фарқланишини кўриш ва англаш имкони беради; уларнинг орасида ҳаммасидан ажралиб турувчи ғоя бўлса, демак ана шуниси оригинал (ўзига хос) ғоя ҳисобланади.

Талабалар оригинал ғоя контекстан келиби чиқиши лозимлигини англашлари лозим. Ғоя бир дарс жараёнида, биргина шароитлар ва бир вақт оралиғида тақдим этилиши лозим. Талабаларда ровон фикрлаш ва мослашувчанлик кўникмаларини шакллантириш жараёнида ўзига хос тарзда (оригинал) фикрлаш тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтиш лозим. Масалан, талабаларни “ақлий хужум” стратегияси ёрдамида очарчиликка қарши курашиш мавзусида муаммонинг ечими рўйхатини тузиш (равонлик), сўнг берилган ғояларни бир неча категорияларга бўлиб чиқиш (мослашувчанлик) ва улардан қай бири ўзига хос (оригиналлик) ғоя эканлигини аниқлаш талабаларда шаклланган кўникмаларнинг бир пайтнинг ўзида қўлланилишини кўрсатиб беради. (Мазкур ёндашув Иқтидорлилар инсонларнинг кенг фикрлаш модели асосида яратилган; Schlichter, 1986).

Мослашувчан фикрлаш кўникмасини шакллантиришда талабалар қизиқишлари ва маданий қарашларидан фойдаланиш уларда оригиналликни тарбиялашда катта самара беради. Майн шаҳрида истиқомат қилувчи ўрта таълим мавтаби ўқитувчиси мазкур стратегияни ўқувчиларда ўзига хос (оригинал) тарзда фикрлаш кўникмасини шакллантиришда қўллаган. У равонлик ва мослашувчанлик бўйича машқ ва ўйинларни ўз ичига олган электрон дастур ишлаб чиққан. Ўқувчилар берилган вазифаларни PowerPoint презентацияси, портфолио ёки бошқа шаклда бажариш танловига эга эдилар. Талабалар натижаларни қўшиқ PowerPoint презентацияси шаклида тақдим этдилар. Бундай ёндашув асосида ишлаб чиқилган кейинчалик ўқитувчи ва ўқувчилар орасида машҳур бўлиб, у вазифа мазмунини чуқур англаш ва натижаларни оригинал тарзда бқжқри кўникмаларини шакллантиришда ўз самарасини кўрсатди.

Яратувчанлик

“Яратувчанлик” тушунчаси бошқа бир ғояни ривожлантириш ва уни кенгайтиришга асосланади, яъни берилган вазифалар ану шу ғоя асосида

базарилади. Бир ғояни кенгайтириш учун талабалар мавзу, муаммо ёки вазифа мазмунин чуқур англаб етишлари ва талаб этилган даражада билимга эга бўлишлари лозим.

Талабаларга “яратувчанлик” тушунчаси ҳақида гапирганда, уларга ҳаётий мисоллар келтириш мақсадга мувофиқдир (масалан, компьютерлар, реконструкция, кино ва адабий асарлар, илмий тушунчалар ва назариялар, инсонлар ҳаётида юзага келадиган муаммоларни ечиш мақсадида ташкил этилган ташкилотлар). Талабаларда ишлаб чиқиш кўникмасини шакллантириша адабий ёки асарларни бир-бири билан таққослаш (баъзан кўп бетли асарлар кичкина кам бетли асарлар каби кўп маълумот бермайди) машқи катта самара беради”³⁰.

5. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар ва тамойиллар.


Талабаларни креатив фикрлашга ўргатиш, уларда креатив тафаккурни шакллантира олиш учун аввало ўқитувчининг ўзи креатив, ижодкор шахс бўлиши зарур. Борди-ю, унинг ўзи креативлик сифатларига эга бўлмаса, у ҳолда қандай қилиб, талабаларни креатив фикрлашга рағбатлантира олади. Чиқариладиган ягона хулоса қуйидагича: ўқитувчининг ўзи креатив, ижодкор бўлсагина, талабалар ҳам шундай бўла олади.

Ўқитувчининг ижодкор ва креатив бўлиши ёки бўлмаслиги эмас, балки дарсларни ижодкорлик, креативлик руҳида ташкил этиши, янги ғояларни таълим жараёнида синаб кўришга интилиши зарур. Дарсларда ўқитувчи “креативлик йўл харитаси”га кўра қуйидаги 4 та йўналиш бўйича ҳаракатланади ва улардаги ҳаракатлар педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар (Патти Дрепреау) саналади: 1) ижодий фикрлаш кўникмаларини намоён этиш; 2) талабаларни ўқув фанларини қизиқиш билан ўзлаштиришга рағбатлантирувчи

³⁰ Ўша асар. – 22-25-бетлар.

стратегиялардан фойдалана олиш; 3) инновацион ёндашув ва педагогик масалаларнинг ечимини топишга креатив ёндашиш; 4) кутиладиган натижа³¹.

Шахснинг креативлик потенциали кўп даражали жараён ва у қуйидаги тамойилларга таянади



Шахс креативлик потенциалининг устувор тамойиллари

Шахснинг креативлик имкониятлари ва уларнинг таркибий асослари. Шахснинг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгаликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ. Шахснинг креатив потенциали анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда қуйидагиларда намоён бўлади:

³¹ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. –188 p.

- тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлиги;
- янги ғояларни яратиш қобилияти;
- бир қолипда фикрламаслик;
- ўзига хослик;
- ташаббускорлик;
- ноаниқликка тоқат қилиш;
- заковатли бўлиш

Шахс креативлик потенциалига эга бўлиши учун касбий фаолиятида қуйидагиларга эътиборини қаратиши зарур:

- касбий фаолиятига ижодий ёндашиш;
- янги-янги ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;
- ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгаллиги билан боғлиқ.

Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил

қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади.


Ўқитувчилар дарсларда талабаларнинг эркин фикр юритишларини таъминлай олишлари керак. Худди шу ҳолатдагина уларнинг фикрлари креативлик касб этади. “Креативлик дарсларида талабалар биргина “тўғри” жавобни излаш ўрнига ўзларини эркин ва хотиржам сезишлари ва юзага келган муаммоларга турли ечимларни излаб топишлари мақсадга мувофиқдир. Қанча кўп ғоя ва фикрларни ўртага ташласалар, шунча кўп ғоялар креатив бўлади (Simonton, 1999). Ўқувчилар “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланганларида ноаниқликка дуч келишлари мумкин. Талабаларни тўғри йўлга йўналтириш ва кейинчалик уларни мустақил “саёҳатга” қўйиб юбориш уларда креатив ва, ҳаттоки ноаниқ бўлсада, турли ғояларни ўйлаб топишга бўлган интилишни кучайтиради. Чак Джонс айтганидай “Қўрқув ҳиссининг юзага келиши креативликка асосланган ҳар қандай ишда мавжуд; ҳавотир креативликнинг хизматкоридир” (Goleman, Kaufman, & Ray, 1992). Талабаларни йўналтириш талабаларда ўқитувчига боғлиқ бўлиб қолмай, уларда автоматик равишда ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантиради. Юқори синф ўқувчилари ёки юқори курсларининг малакали талабалари жараёни кичик алоҳида қисм ва босқичларга бўлиб, ёш ва тажрибасиз талабаларни руҳлантириб, бу эса ўз ўрнида креативлик кўникмасининг шаклланишига ўз таъсири ўтказади (Amabile, 1998). Ўқитувчилар талабаларга манбалар билан таъминлаш, маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг прогресс ва муваффақиятини аниқлашда мезонларни ишлаб чиқишда мураббий сифатида хизмат қиладилар. Шунингдек, юқори курс талабалари нафақат ички креативликни шакллантириш, балки кичик гуруҳларда ишлаш,

креативлик ва шарҳлар беришга қизиқтира оладилар ҳам (м: онг саёҳати, тасаввур чегараси, келажакдаги муаммоларни ечиш, янгилик очмоқ ва кашф этмоқ)³².

Креативлик потенциалига эга педагог ўзида қуйидаги малакаларни намоён эта олади:

- бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
 - масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;
 - масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез, индукция, дедукция, таққослаш ва б.)ларни қўллаш;
 - масалани ҳал қилиш усуллари танлай олиш;
- қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
 - масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
 - масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими яқунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш

Шахснинг креатив потенциали қуйидаги таркибий асосларни ўз ичига олади



Шахс креатив потенциалининг таркибий асослари


Талабанинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки иждоий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциални янада ривожлантиради. Натижада талаба:

³² Ўша асар. – 17-18-бетлар.

- ижодий фикрлашга одатланади;
- илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўникмаларини пухта ўзлаштиради;
- педагогика ёки мутахассислик фани ютуқлари ҳамда илғор тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини мустақил таҳлил қилади;
- педагогик жамоа томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий лойиҳаларни бажаришда фаол иштирок этади

Шахснинг креативлик имкониятини аниқловчи мезонлар ва уларнинг даражалари. Касбий фаолият самарадорлигини баҳолашда Шахснинг ижодкорлиги – кротив потенциали даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогнинг кротивлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар куйидагилар саналади (9-расм):



Шахснинг креатив потенциали даражасини аниқловчи мезонлар

Ушбу мезонлар Шахс лар креатив потенциалини уч даражада аниқлаш имконини беради

Шахс креатив потенциалининг муҳим даражалари

№	Даражалар	Даража хусусиятлари
1.	Юқори	Мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эгалигини изчил намойиб этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан
2.	Ўрта	Баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив

		қобилиятга эгаллиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоён бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишга интилади
3.	Паст	Гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суршга интилади, креатив қобилияти етарлича намоён бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди

Шундай қилиб, малака ошириш курсларида “Креатив педагогика” модули (фани)ни ўқитиш педагогларда уларга хос креатив сифат ва ижодий-педагогик фаолият малакаларини самарали ривожлантириш имконини беради. Педагогларда креативлик сифатлари, ижодий-педагогик фаолият малакаларини ривожлантириш борасида америкали тадқиқотчи Патти Дрепеау томонидан таклиф қилинган йўлларда фойдаланиш кутилган натижаларни қўлга киритишга ёрдам беради. Қолаверса, педагогларда креативлик сифатларини шакллантиришга устувор тамойиллар асосида иш кўриш аниқ мақсага йўналтирилган фаолият самарадорлигини кафолатлайди. Малака ошириш курсларида амалий машғулотлар жараёнида педагогларнинг креативлик имкониятларининг аниқ мезонлар асосида аниқлаш, даража кўрсаткичларини баҳолаш асосида бу борадаги ютуқ ва камчиликларни белгилаш, ютуқларни бойитиш, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш мумкин бўлади.

Назорат саволлари:

1. Педагогик креативликка қандай сифатлар хос?
2. Педагогларда қандай ижодий-педагогик фаолият малакалари мавжуд бўлиши зарур?
3. Шахсда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?
4. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар нималарда акс этади?

5. Шахс креативлигини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари қайсилар?
6. Педагогларнинг креативлик имкониятлари нималарда акс этади?
7. Педагоглар креативлик имкониятларининг таркибий асослари нималардан иборат?
8. Педагогларнинг креативлик имконияти қандай мезонлар ёрдамида аниқланади?
9. Педагогларнинг креативлик имконияти қандай даражаларда намоён бўлади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
2. Сиротюк Ф.С. Диагностика одарённости / Учеб.пособие. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 1229 с.
3. Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.пособие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013. – 212 с.
4. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-б.

7-МАВЗУ: (2СОАТ МАЪРУЗА, 4СОАТ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ) ОТМ ТАЛАБАЛАРИДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИ ВА ИЖОДИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ МЕТОД ВА ВОСИТАЛАР

Режа:

- 1.Талабаларнинг креативлик имкониятлари.
- 2.Талабалар креатив имкониятининг таркибий асослари.
- 3.Талабаларнинг креативлик имкониятлари.Талабаларда креатив имкониятини ифодаловчи тамойиллар. Креативлик имкониятига эга талабаларда намоён бўладиган малакалар.

4.Талабаларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш йўл ва шакллари.

5.Талабаларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини аниқлаш метод ва воситалари.

6.Талабаларнинг креативлик сифатларини аниқловчи психологик тестлар.

Таянч тушунчалар: креативлик сифатлари, креативлик сифатларига эгаликни аниқлаш, шакл, метод, восита, креативлик сифатларини ривожлантириш, ахборот технологиялари.

1. Педагогларнинг креативлик сифатларига эгалиklarини аниқловчи шакл, метод ва воситалар. Хорижий мамалакатларнинг таълим тизими амалиётида шахс креативлик сифатларида шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар талаба ва ўқувчиларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қилади. Шу сабабли бу метод ва стратегияларни креативлик сифатлари ниҳоятда паст ривожланган ўқувчи ва талабалар билан ишлаш жараёнида самарали қўллаб бўлмайди.

Кзиксзентмихайли (Csikszentmihalyi, 1996 й.) креатив шахслар икки тоифага бўлинади деган фикрни илгари суради:

1. Катта креативлар (“катта К”). Улар ўзлари фаолият олиб бораётган соҳанинг етакчилари бўлиб, соҳада доимо ўзгаришларни содир этишга интилади.

2. Кичик креативлар (“кичик К”). Улар ўзларининг креативлик сифатларидан фақатгина кундалик ҳаётда муайян фойдага эришиш учун фойдаланади.

Аксарият талабалар ўзларини креатив шахс эмас, деб ҳисоблайди. Уларнинг назарларида креативлик гўёки улар етиша олмайдиган орзу ва у фақат иқтидорли шахслардагина намоён бўлади. Бундай фикрга эга талабалар креативлик сифатларига эгалик ўз соҳасининг етакчилари (яъни “катта К” тоифасига кирувчи шахслар), санъат соҳасида таҳсил олаётган ёки фаолият юритаётган талабаларда бўлишига ишонадилар. Талабалар қачонки креатив шахс бўлиш учун ўз соҳасининг етакчисигина бўлиш шарт эмаслиги

тушунсалар, ўзларида креативлик сифатларини самарали шакллантиришга муваффақ бўлади. Шундагина улар ўзларини паст баҳолашга барҳам бериб, янги, илғор ғоялар билан ўзларини намоён этишлари, таълим жараёни кун сайин фаоллик кўрсатишга муваффақ бўладилар, таълим олишга бўлган қизиқишлари ортади, ўзлаштириш кўрсаткичлари янада яхшиланади. Ўзларини баланд баҳолай бошлаб, креатив сифатларни намоён этиш борасида мавжуд кўрсаткичлардан кўра юқори натижаларга эришишга интиладилар. Амалиётнинг кўрсатишича, талабалар қанча кўп креативлик сифатларини намоён этсалар, шунча кўп фаолликка эришадилар.

Креатив характерга эга машғулотлар талабаларнинг қизиқишларини кучайтириб, улар янада кўпроқ ҳаракат қилишга ундайди. Дуэк (Dweck, 2006 й.) томонидан эътироф этилишича, талабалар амалий ҳаракат ва фаоллик жиддий ўзгаришларга олиб келмаслигига ишонишдек салбий тушунчаларга эга. Улар ўзларининг муайян имкониятларга эгалиklarини биладилар, бироқ, мавжуд имкониятлари ҳеч нарсани ўзгартирмайди деб ҳисоблайди. Шу сабабли улар ўзларининг фаоллик даражасини эришаётган ютуқлари билан эмас, аксинча, доимо муваффақиятсизликлари билан баҳолашга одатланиб қолишади. Бу эса ниҳоятда хавфи. Ўзларини юқори баҳолайдиган талабалар эса мавжуд кўникма, малака ва иқтидорлари янада ривожланиб боришига ишонадилар. Бундай талабалар одатта мураккаб ишларда фаол қатнашадилар ва ўзларини намоён эта оладилар ҳам. Хато қилсалар ундан хулоса чиқариб, ўсишда давом этадилар. Бундай фикрлаш одатига эга ўқувчилар киришимлироқ ва креативлик кўникмасидан фойдаланишга мойил бўлади³³.

Ривожланган хорижий мамлакатлар бугунги кунда иқтидорли болаларни аниқлаш борасида катта тажрибаларга эга. Таълим тизимида иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларга таълим беришга оид кўплаб методикалар мавжуд. Қуйида уларнинг айримлари тўғрисида тўхталиб ўтилади:

³³ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

Слоссон тести³⁴. Катта ёшлилар ҳамда болаларнинг ақлий қобилиятини ўлчашга хизмат қилади. Берилаётган барча тестларга жавоблар оғзаки тарзда олинади. Кичик ёшли болаларга берилаётган топшириқларнинг айримлари болалар томонидан айрим ҳаракатлар (масалан, қоғоз, қалам ёки ручкалардан фойдаланиш)нинг бажарилишига оиддир. Тест ақлий қобилият даражасининг ўрганилаётган сифатларга нисбати тарзида аниқланади. Бу ўринда юқори натижа 120 ва ундан ортиқ кўрсаткич саналади.

Векслер шкаласи³⁵. Векслер шкаласи (“PPSI” тести) ақлий қобилиятни аниқлашга имкон берувчи индивидуал тест ҳисобланади. У икки қисмдан иборат:

1) оғзаки шкала (маълум материални ўзлаштириш, унинг мазмунини тушуниш, арифметик топшириқларни бажариш, ўзаро ўхшашликларни топиш, луғат бойлигига эгалликни намойиш этиш каби бешта кўрсаткич бўйича баҳоланади);

2) ҳаракат шкаласи (кубиклардан конструкциялар яратиш, лабиринтларни топиш, чизилаётган сурат (картиналар)ни якунига етказиш, тавсия этилаётган код (тасвир)лар моҳиятини очиб бериш (“Ҳайвонларнинг уйлари” мавзуси бўйича) каби бешта ҳолат кўрсаткичлари бўйича баҳоланади.

Торренс (I) тести³⁶. Торренс (I) тести ёзма шаклда бўлиб, тафаккурнинг куйидаги сифатларини аниқлашга ёрдам беради:

- 1) тезкорлик;
- 2) аниқлик;
- 3) тасаввурнинг бойлиги ва ўзига хослиги.

Тест нотўғри шаклда ёритилган сурат (картина)ни тўғри шаклда ифода этишга асосланади. Бунда боладан жуда ёрқин рангларда нотўғри тасвирланган картинани алоҳида қоғозга тўғри шаклда қайта тасвирлай олиш талаб этилади.

³⁴ Одарённые дети (Пер. с англ.). – М.: Прогресс, 1991. – С. 177-178.

³⁵ Тот источник. – С. 177.

³⁶ Тот источник. – С. 183.

Торренс (II) тести³⁷. Торренс (II) тести оғзаки шаклдаги тест бўлиб, болалар ва катталарнинг ижодий қобилиятини оғзаки усуллар ёрдамида аниқлашга хизмат қилади. Тест қуйидаги тавсифга эга:

- 1) саволларни бера олиш малакасига эгаллик;
- 2) сурат (картина)лар мажмуида тасвирланган вазиятларга мос келувчи ҳолатларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлай олиш;
- 3) кундалик ҳаётда энг оддий ва оммавий предметларни қўллашнинг ўзига хос усулларини таклиф эта олиш;
- 4) барча учун яхши таниш бўлган предметлар бўйича кутилмаган саволларни бера олиш;
- 5) тахминларни илгари сура олиш.

Педагогик манбаларда педагогнинг креатив тафаккури даражасини қуйидаги методлар³⁸ ёрдамида баҳолаш мумкин эканлиги кўрсатилган:

- 1) таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи шахси ва фаолиятини бевосита ўрганиш методлари (педагогик кузатиш, ўқитувчининг иш ҳужжатлари ва режаларини ўрганиш, суҳбат ва ҳ.к.);
- 2) педагогик тафаккурни ташхислашга ёрдам берувчи махсус методлар (ташхисли вазиятлар, анкета, рейтинг, тест ва б.)

Ушбу методлар ёрдамида олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик билимлари даражасини ҳам баҳолаш мумкин. Фақат бу ўринда ўқитувчининг иш ҳужжатлари, режаларини ўрганиш эмас, балки талабаларнинг индивидуал, мустақил таълим олишлари ва уларнинг натижаларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

2. Талабаларда креативлик кўникмаларини шакллантиришда ДТСнинг аҳамияти. Шахснинг креативлик кўникмаларига эга бўлишида юқорида айтиб ўтилганидек, таълим жараёнини муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли таълим мазмунида креативлик ғоялари ҳамда талабаларда креативлик кўникмаларини

³⁷ Тот источник. – С. 183.

³⁸ Занина Л.В., Меньшикова Н.Л. Основы педагогического мастерства /Учеб.пособие для студ. пед. вузов. – Ростов-на-Дону, Феникс, 2003. – С. 238.

шакллантиришга доир ёндашув ўз ифодасини топиши зарур. ДТС эса ҳақли равишда ўзида таълим мазмунини тўлақонли ифода этади. Шу сабабли Патти Дрепеау АҚШнинг ДСУА (Давлат стандартларининг умумий асослари – CCSS)да ўқувчи ва талабаларда креативлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи ғояларнинг қай даражада ўз ифодасини топганлигини таҳлил этади. Унинг бу борадаги фикрлари амалий аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда кўйидаги муаллифнинг бу борадаги мулоҳазалари батафсил келтирилади³⁹.

Давлат стандартларининг умумий асослари (ДСУА – CCSS) талабалар томонидан тегишли фан ёки мутахассислик асослари бўйича белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал даражасини ўзлаштириш ва тушунилишини талаб этувчи мақсадни қаноатлантиради. Мазкур стандартлар, шунингдек, ўқитувчи томонидан ўқитиш тизимининг ташкилий жиҳатдан ташкил этилишини таъминлайди. Давлат стандартларининг умумий асослари (ДСУА – CCSS)нинг моҳияти: ахборот матнининг мураккаблиги ҳамда унга нисбатан танқидий ёндашув талабаларга малакали мутахассис бўлишлари ва хизмат бўйича (касбий соҳада) ўсишларини таъминлаш имкониятини яратади. Давлат стандартлари ўз моҳиятига кўра талабаларга рағбатлантирувчи мазмунни ўрганиш имкониятини таъминлаш орқали улар томонидан академик билим ва кўникмаларини муваффақиятли ўзлаштириш йўллари белгилаб беради. Шундай экан, нима учун ДСУА (CCSS)ни муваффақиятли ўзлаштириш воситаси сифатида уларнинг креатив потенциалидан фойдаланиш мумкин эмас?

Асарнинг 1-бобида таъкидлаб ўтилганидек, талабаларда креатив фиурлаш кўникмаларининг намоён бўлиши улар томонидан касбий билим ва кўникмаларнинг сидқидилдан, мамнун ҳолда ўзлаштириш даражасини кучайтиради (Beghetto, Kaufman, 2010). ДСУА (CCSS)даги матнли мураккаблик талабалардан креатив фикрлашни ҳамда креатив фикрлаш кўникмаларига эга

³⁹ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. - 42-58-бетлар.

бўлишни талаб этади. Аммо, (42) филология фанлари бўйича инглиз стандарти (Энг яхши методистлар Ассоциациясининг Миллий маркази, Давлат мактаблари раҳбарларининг Бошқарув Кенгаши (NGA) томонидан ишлаб чиқилган стандартларнинг умумий таҳлили уларда таълим олувчи шахсида креатив потенциални ошириш чоралари белгиланмаганлигини кўрсатади. Уларда таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини белгилаш мақсадида – *қайта санаб ўтинг, изоҳланг, келтиринг* каби феъллар қўлланилган бўлса, креатив фикрлаш ҳолатини ифодаловчи – *алоқани ҳосил қилинг, бирлаширинг ва хулосани илгари суринг* тарзидаги феъллар кам қўлланилган ёки мутлақо қўлланилмаган. Худди шунингдек, математика фанлари бўйича стандартлар (NGA Маркази, 2010 й.)ида ҳам *ҳал қилинг, қўланг, изоҳланг* ва *тушунтиринг* каби феъллар креатив фикрлаш ҳолатини ифодаловчи – *шарҳланг, эътиборни қаратинг ёки таққосланг* каби феълларга нисбатан кўп қўлланилган.

Ушбу ҳолат ўқитувчидан ўз фаолиятида ДСУА (CCSS) талабларини қондириш йўлида талабаларнинг креатив потенциалини оширишга хизмат қиладиган ижодий нутқдан фойдаланишга эътибор қаратишни талаб этади. Талабаларнинг ижодий имкониятларини бирлаштириш учун эса ўқитувчи ўзининг дарс режаларини шундай тузиши керакки, бунинг натижасида ўқув ахборотларини ижодий қайта ишлаш орқали талабалар креатив фикрлаш имкониятига эга бўлсин.

Бунга эришиш учун фикрни ривожлантиринг (м: “фикрни ривожлантиринг”, тузинг (м: “режа тузинг”, ишлаб чиқинг (м: “ҳаракат механизмини ишлаб чиқинг”).

Биринчи даражали ДСУА (CCSS) ҳамда талабалар учун мўлжалланган Амалий стандартлари (NGA Маркази, 2010 й.) “ҳисоб-китоб оқибатларини кенгайтириш”га хизмат қила олиши зарур. Агарда талабалардан 2, 4, 6, 8 кўринишдаги саноқ тартибини кенгайтириш (давом эттириш)ни сўраса, у ҳолда ўқитувчи талабаларни креатив фикрлашга ундай олмайди. Бундай ҳолатда талабалар рақамларнинг моҳияти ва тартибланиши ҳақидаги мавжуд билимларини ривожлантирмаган ҳолда 2, 4, 6, 8 кўринишдаги саноқ тартибини

шунчаки кенгайтириш (давом эттириш)лари мумкин. Агар, борди-ю, ўқитувчи талабаларнинг эътиборига 1, 2, 3, 2, 1 кўринишдаги саноқ тартибини тақдим этиш орқали улардан мазкур саноқ тартиби оқибатларини имкон қадар кўп усуллар билан ифодалашни талаб этса, у ҳолда талабаларнинг рақамлар моҳияти ва уларнинг тартибланиши ҳақидаги қарашларини ривожлантиришга эришади. Зеро, бу жараёнда талабалар таҳлил асосида бир неча даражали жавобларни тақдим этиш имкониятига эга бўлади.

Ўқитувчилар талабаларнинг креатив фикрлашга ундашни хоҳлар экан, бу вақтда улар дарслар жараёнида талабаларнинг креатив фикрлаш қобилиятларидан унумли фойдаланиш ёки ана шу кўникмалар негизида уюштириладиган дарсларни ташкил этишда ўзларининг тасаввур имкониятлари ҳамда креатив потенциалларининг самарали фойдалана олишга эришишлари зарур. Гарчи бунга бир қарашда эришиш қийиндек туюлса-да, бироқ, мазкур жараён у қадар қийин кечмайди. Қолаверса, ўқитувчи томонидан кўлланилаётган ахборот воситалари (м: тартиблашга доир математик мисолнинг кўрсатмали намоёниш этилиши) ҳам талабаларнинг креатив фикрлаш қобилияти, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқитувчилар ўзлари томонидан ташкил этилаётган дарсларда адолатли тарзда талабаларнинг креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган йўл, шакл, метод ва воситалардан фойдалансалар, бунинг натижасида бу борадаги ғоялар аста-секин ДСУА (CCSS)да ҳам ўз инъикосига эга бўлиб боради.


ДСУА (CCSS)да акс этадиган қарама-қаршилиқларни яхши англаш учун дастлаб мазмун, мавзулар, кичик мавзуларни ифодаловчи тушунчаларни баён этиб ўтинг: одатда улар от сифатида қайд этилади. Сўнгра стандартда ўз ифодасини топган феълларни баён этинг: феъллар талабаларни фикр юришга ундайди (м: тасвирланг (таърифланг), таҳлил қилинг, ифодаланг, аниқланг). Талабаларнинг креатив потенциалини намоён этишга хизмат қиладиган топшириқларни стандартга киритишнинг бир усули унда ифодаланган феълларни креатив фикрлашга кўникмаларини ифодаловчи феълларга алмаштириш ҳисобланади; бошқа усул эса талабадан талаб этиладиган

жавобнинг даражасини белгилаш мақсадида мавжуд сўзларни сифат ва равишда ифодаланишини таъминлашдан иборат.


М: 3.1-расмда кўрсатилишича, 2-ДСУА (СССС)да “ўқиш” тушунчаси “кичик параграф моҳиятини асосий мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда параграфлар ўртасидаги чегара бўйича аниқлаган ҳолда изоҳлаш” (RI.2.2; NGA Маркази, 2010а)дан иборат бўлиши зарур. Стандарт, асосан, талабалар қайси асосий мавзу ва параграфларнинг “ядроси” нимадан иборат эканлигини билишлари кераклигини тақозо этади; талабалар, шунингдек, кичик матнлар бўлакларини ифодаловчи тушунчалар билан таниш бўлишлари лозим. Моҳиятига кўра феъл нафақат паст даражадаги, унчалик қизиқарли бўлмаган фикрни бошқа фикрлар билан ўзаро тенглаштиради. Стандартни қайта кўриб чиқишда феъллар креатив фикрлар билан алмаштириш тақозо этиладики, оқибатда талабалар зарур креатив фикрлаш кўникмаларини ўзлаштиришга муваффақ бўлади. Ҳозирда қайта кўриб чиқилган стандартда “ўқиш” тушунчаси “кичик параграф матнининг асосий мавзусини алмаштиришда параграфларни матн чегараларида аниқлашга эътиборни қаратиш” тарзида талқин этилади. Бунда талабалардан уларнинг асосий мавзунини изоҳлай олиш имкониятига эга бўлишлари, бу жараёнга ижодий ёндаша олишлари талаб қилинади. Талабалар матн хусусида чуқурроқ ўйлашлари ва мавзу тўғрисидаги тушунчаларини мустаҳкамлай олишлари керак. Асосий мавзунини ўзгартириш асосий мавзунини изоҳлашга нисбатан кўпроқ даражада интеллектуал ўйин ва илгари сурилаётган чақирик саналади. Билим, кўникма ва малакаларни ифодаловчи феълларнинг алмаштирилиши натижасида стандарт ўзида 1-бобда айтиб ўтилганидек, ўқув мажбуриятларининг ўзида акс эттиради. Қизиқувчан талабалар бу йўл билан ўқув мажбуриятларининг ўзига хос аҳамиятга эга бўлишига эришади (Grant, Gallate, 2012).

Қуйида юқорида билдирилган фикрларни ёритувчи жадваллар келтирилади.

3.1-жадвал. Креатив фикрлашни ифодаловчи феълларни қўллаган ҳолда ДСУА (CCSS)ни қайта шакллантириш



3.2-жадвал. Креатив мазмундаги феълларни қўшган холда ДСУА (CCSS)ни қайта шакллантириш



**3.3-жадвал. Стандартга асосланган ўйинларни қўллаш асосида
креативлик кўникмаларини шакллантириш**

<p>Калит сўзлар ва деталлар</p>	<p>Равон (эркин) фикрлаш кўникмасини шакллантириш</p>	<p>Мослашувчанликни шакллантириш</p>	<p>Ўзига хослик (оригиналлик)ни шакллантириш</p>	<p>Яратувчанлик кўникмаларини шакллантириш</p>
<p>Ўрта таълим мактаби: ўқитувчи маълум бир асарнинг мазмунини янада очиқ бериш учун савол-жавоб стратегиясини қўллайди. Жавоб бераётганда албатта асрдаги матнга иқтибос бериши керак.</p>	<p>Талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, керакли матнга иқтибос берган ҳолда асардаги асосий қаҳрамон Саранинг етук она бўлиб етишишида қандай омиллар роль ўйнаганини муҳокама</p>	<p>Ҳар бир кичик гуруҳдаги талабалар Саранинг ёмон хулқли она бўлиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва вазиятларни таҳлил қилади. Талабалар матнга иқтибос берган ҳолда</p>	<p>Кичик гуруҳлардаги талабалар матнга иқтибос берган ҳолда воқеалар ривожини ўзгартириши мумкин бўлган омиллар ва улар асарнинг умумий мазмунига қандай таъсир этиши мумкинлигини таҳлил</p>	<p>Сара ҳеч қачон турмушга чиқмаган ва болалари бўлмаган. Кичик гуруҳлардаги талабалар Саранинг бола асраб олишининг сабаби, нима учун у қийинчиликларга дуч келишини билса-да, бундай масъулиятли</p>

<p>Асар номи: <i>Sarah, Plain and Tall</i> (MacLachlan, 1985)</p>	<p>килишлари зарур</p>	<p>юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар ва улар асарнинг умумий мазмунига қандай таъсир этиши мумкинлигини изоҳлаб беради</p>	<p>килади</p>	<p>вазифани ўз зиммасига олишга қарор қилганлигини таҳлил қилади ва ёзма равишда иншо топширади. Фикрларини тасдиқлаш учун талабалар асардаги керакли матнга иқтибос беради</p>
<p>Ўрта таълим мактаби: ўқитувчи маълум бир асарнинг мазмунини янада очиқ бериш учун савол-жавоб стратегиясини қўллайди. Жавоб бераётганда албатта асардаги</p>	<p>Ўқувчилар кичик гуруҳлар ёки яқка тартибда ишлаши мумкин. Керакли матнга иқтибос берган ҳолда асардаги асосий қаҳрамон – балиқчи</p>	<p>Ўқувчилар асарда тасвирланган балиқ билан бўлган олишув аслида ниманинг рамзи, ифодаси эканлигини таърифлаб ўтиши керак. Сантьягонинг балиқ устидан</p>	<p>Сантьягонинг балиққа аслим бўлмаслиги, бироқ, унга меҳр қўйганлигини қандай таърифлаш мумкин? Инсон қалби бир пайтнинг ўзида икки хил ва қарама-қарши туйғуга эга бўлиши</p>	<p>Асардаги иккинчи асосий қаҳрамон – боланинг роли нимадан иборат эди? Нима учун ёзувчи асарга “бола” образини киритган? Агарда асарда “бола” образи бўлмаганида, воқеалар ривожини қандай</p>

<p>матнга иқтибос бериши керак.</p> <p>Асар номи: “<i>An old man and the sea</i>” (Е. Hemingway, 1951)</p>	<p>Сантьягонин г инсонийлиги, денгизга бўлган меҳри, болакайга муносабатин и акс эттирувчи ҳолатларни келтиради</p>	<p>ғолиб келишига қандай омиллар сабабчи бўлди? Агар Сантьягонинг қармоғига катта балиқ илинмаганда, воқеалар ривожи қандай тус олган бўлар эди?</p>	<p>мумкинми? Бу каби саволлар ўқувчиларни ўзига хос (оригинал) жавоблар беришга ундайди</p>	<p>тус олган бўларди?</p>
<p>Олий ўқув юрти: Ўқитувчи Китсанинг машҳур ва чукур мазмунга эга иқтибоссини келтиради.</p> <p>Иқтибос: “Гўзаллик – ҳақиқат, ҳақиқатнинг гўзаллиги –</p>	<p>Талабалар мазкур иқтибос бўйича уларни қизиқтираётг ан саволлар рўйхатини тузади. Ўз ғояларини ҳимоя қилиш мақсадида матндан мисолларни</p>	<p>Талабалар иқтибос янада маъноли бўлиши учун баъзи сўзларни уларга тушунарли бўлган сўзларга ўзгартиради</p>	<p>Талабалар иқтибоснинг мазмунини образ ёки расм орқали ифода этишлари мумкин. Бунда улар расм, рамз ва иқтибос ўртасида қандай боғлиқлик</p>	<p>Талабалар жуфтлик ва кичик гуруҳларда ўз қарашлари ва нуқтаи назарларини бир-бирлари билан ўртоқлашади ва муҳокама қилади</p>

бу барча нарсанинг асоси” / Сиз билишингиз зарур бўлганларнигина биласиз”	иктибос сифатида келтиради		борлигини таърифлаб беришлари зарур	
---	----------------------------	--	-------------------------------------	--

3.4-жадвал. Типик ва креатив фикрлаш кўникмалари ўртасидаги фарқлар

Калит сўзлар ва деталлар		Типик дарс		Креатив кўникмаларни шакллантирувч дарс	
Ўқитувчи матн/ихтибос келтиради ва унинг асосий мазмуни ёритувчи қатор ёки сўзлардан фойдаланади		Талабалар Карл Сэндбургнинг (Carl Sandburg) “Чикаго” (1916) шеъридаги очиб берилган вояларни таҳлил қилади ва ўз қарашларини ҳимоя қилиш учун шеърдаги мисрадалардан фойдаланади. Натижа: ёзма таҳлил		Талабалар Карл Сэндбургнинг “Чикаго” (1916) шеърига асосланиб она шаҳарлари ҳақида шеър ёзади. Шеърдаги тил, воя, тасвир янги шеърда акс эттирилган бўлиши керак. Натижа: шеър	
Бу креатив фикрлаш жараёними?	Бу креатив натижами?	Бу креатив фикрлаш жараёними?	Бу креатив натижами?	Бу креатив фикрлаш жараёними?	Бу креатив натижами?
Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Ҳа
Турли геометрик шакллар бир хил тоифага мансуб бўлиши мумкин, м.		Талабалар тўртбурчак, ромб ва квадрат шаклларини чизиб қирқиб		Талабалар тўртбурчаклилар тоифасига мансуб	

ромб, тўртбурчак ва квадратга эга бўлиб битта, яъни тўрт бурчаклилар категориясига мансуб. Ушбу категорияга мансуб яна қандай шаклларни биласиз? Уларни чизинг		олади ва уларни ҳажми, шакли кетма-кетлигада жойлаштириб чиқади. Натижа: график органиайзер		шаклларни чизиб қирқиб олади (уларнинг сони 4 дан 8 гача бўлиши мумкин) ва улар ёрдамида битта яхлит расм яратишлари керак. Натижа: расм	
Бу креатив фикрлаш жараёними?	Бу креатив натижами?	Бу креатив фикрлаш жараёними?	Бу креатив натижами?	Бу креатив фикрлаш жараёними?	Бу креатив натижами?
Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Ҳа
Ҳаётимизда рўй бераётган ва дунёдаги мавжуд глобал муммолардан бири – экология муаммоси. Табиатни муҳофаза қилишда нималарга эътибор қаратишимиз лозим? Қандай омиллар экологоянинг бузилишига олиб келади? Унинг келгуси авлодга таъсири қандай?		Талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, экологияни бузилишига олиб келувчи омиллар рўйхатини тузади. Экология билан боғлиқ яна қандай муаммолар мавжуд? Талабалар йўқ бўлиб кетаётган ноёб ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида баён ёзади. Натижа: ёзма таҳлил		Қизил китобга киритилган ноёб ҳайвон ва ўсимликлар альбомини яратади ва табиатни асрашда ўз ғояларинитаклиф этади. Натижа: альбом/қизил китоб	
Бу креатив фикрлаш жараёними?	Бу креатив натижами?	Бу креатив фикрлаш жараёними?	Бу креатив натижами?	Бу креатив фикрлаш жараёними?	Бу креатив натижами?
Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Ҳа
Типик стратегияларимдан бири:			Қандай қилиб услуб ва стратегияларни		

	креатив фикрлашин шакллантиришда ўзгартириш мумкин?
Типик стратегияларимдан бири:	Қандай қилиб услуб ва стратегияларни креатив натижага эришишда ўзгартириш мумкин?
Типик стратегияларимдан бири:	Қандай қилиб услуб ва стратегияларни креатив фикрлашин шакллантириш ва креатив натижага эришишда ўзгартириш мумкин?

Изоҳ. CCSS; Энг яхши методларга эга губернаторлар Ассоциациясининг Миллий Маркази, Штат мактаб инспекторлари Бош кенгаши, 2010а, 2010б.

3.5-жадвал. Креатив кўникмаларни режалаштиришга мўлжалланган варақа

Стандарт: <i>Масалан:</i> Талабаларга бирор бир асардан ихтибос ёки парча ўқиб беринг. Ўқиб берилган парча ёки ихтибос асарнинг умумий моҳиятини ёритиб бериши лозим.	Дарс ёки машқ: <i>Масалан:</i> Карл Сэндбургнинг “Туман” асарида туманга берган таърифи асосида мазмунини ўзгартирмаган ҳолда қўшимча таъриф ёзиш (“Fog,” 1916)
Креатив фикрлаш кўникмаси: <i>Масалан: Яратувчанлик</i>	Креатив натижа/маҳсулот: <i>Масалан: Ҳеч қандай</i>
Креатив йўл: <i>Масалан: Креатив йўл 1 (фёъл ва тушунчалар)</i>	Дарснинг қайси қисмида юзага келади? <i>Масалан: Дарснинг кейинги босқичида</i>
Стандарт:	Дарс ёки машқ:

Креатив фикрлаш кўникмаси	Креатив натижа/маҳсулот
Креатив йўл	Дарсинг қайси қисмида юзага келади?
Стандарт:	Дарс ёки машқ:
Креатив фикрлаш кўникмаси	Креатив натижа/маҳсулот
Креатив йўл	Дарсинг қайси қисмида юзага келади?

Изоҳ: ДСУА (CCSS; Энг яхши методларга эга губернаторлар Ассоциациясининг Миллий Маркази, Штат мактаб инспекторлари Бош кенгаши, 2010а, 2010б)

3. Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантириш босқичлари.

Креативлик “турли вазиятларда таълим ва тарбияга оид масалалар юзасидан қарорларни қабул қилишда яққол намоён бўлиб, у педагогнинг ижодий фаоллигини тавсифлайди”⁴⁰. Моҳиятига кўра ОТМ педагогларида креативлик сифатларини ривожлантириш улар томонидан педагогик, психологик ҳамда мутахассислик фанлари асосларидан тўла хабардор бўлиш, улар томониан ўзлаштирилган билимларни амалиётда фаол қўллаш олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобига кечади.

В.В.Утёмов, М.М.Зинковкина, П.М.Горев⁴¹ларнинг қайд этишларича, креатив шахсни шакллантириш уч босқичда кечади. Яъни (2-жадвал):

2-жадвал. Креатив шахсининг шаклланиш босқичлари

⁴⁰ Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 15-б.

⁴¹ Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.пособие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013. – С. 16.

Босқичлар	Мазмуни
Табиий имкониятларга асосланувчи креативлик	Индивиднинг ўзига хос хатти-ҳаракатларини ифодалайди
Бирламчи (умумий) креативлик	Шахснинг ижодкорлигини намоён этувчи умумий қобилият (у боланинг 3-5 ёшида намоён бўлиб, 6-7 ёшида унинг хатти-ҳаракатларида яққол ифодаланади)
Ихтисослашган креативлик	Ижтимоий фаолиятнинг муайян тури бўйича ижодкорликни намоён этувчи қобилият (унга кўра касбий-ижодий фаолият тажрибаларига таянган ҳолда, унинг таъсирида умумий креативлик янада ривожланади)

Ҳар қандай шахсда бўлгани каби педагогларда ҳам ижодий-касбий характердаги сифатлардан бири сифатида креативлик муайян босқичларда ривожланади. Таълим амалиётини кузатиш, талабалар ва малака ошириш курси тингловчиларининг фаолиятини ўрганиш, ташхисловчи методларни қўллаш натижасида муълум бўлдики, педагогларда креативлик қуйидаги тўрт босқичда шаклланади ва ривожланади (3-жадвал):

3-жадвал. Креатив шахснинг шаклланиш босқичлари

Босқичлар	Мазмуни
1-босқич	Педагогик, психология, фалсафа, эстетика каби фанлар (туркум фанлар)нинг назарий-методологик асосларини ўзлаштириш
2-босқич	Ўзлаштирилган назарий билимларни узлукли ва узлуксиз педагогик амалиёт даврида, шунингдек, амалий машғулотлар ва мустақил таълим жараёнида амалиётга тадбиқ этиш

	кўникмаларини ҳосил қилиш
3-босқич	Мустақил равишда ўқиб-ўрганиш ва ижодий изланиш асосида ҳосил қилинган амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишига эришиш
4-босқич	Мавжуд назарий билим, амалий кўникма ва малакаларга таянган ҳолда касбий фаолиятни самарали ташкил этишга психологик жиҳатдан тайёрланиш

Талабалара креативлик сифатларининг ўзлаштирилишига эришиш йўлида педагогик фаолиятни ташкил этишда юқорида қайд этиб ўтилган барча босқичлар бирдек аҳамиятли саналади.

Патти Драпеаунинг ёндашувига кўра талабаларда креативлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда қуйидаги босқич ва ғоялар⁴² муҳим аҳамиятга эга:

1-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Бошлангич саволлар

Равон фикрлаш кўникмасини шакллантиришда қуйидаги вазиятлар ўқувчилар эътиборини жалб этишда ёрдам беради:

- Юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар.
- Муаммони ечиш йўллари.
- Бир мақсадга хизмат қилувчи стратегиялар.
- Ихтиро қилинган нарсалар ва объектлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш.
- Маълум бир инсон, объект ёки вазият ҳақида гап кетганда мияга биринчи бўлиб келадиган фикр.
- Бир фикрни турлича ифодалаш.
- Маълум бир ишни турлича амалга ошириш.

⁴² Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 203. - 28-41-бетлар.

- Юзага келган вазиятнинг натижасини таҳлил қилиш.
- Объект ва вазиятларни ифодаловчи сўзлар.

Мослашувчанликни шакллантиришда “ақлий хужум” машқлари катта самара беради. Бунда талабалар нафақат бир қатор ғоялар, балки турли-туман ғояларни топишлари лозим. Ўқувчиларда мослашувчан фикрлашни фаоллаштиришда қуйидаги саволлар қўл келади:

- ... вазият қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
- ... амалга оширишда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
- агар ... бўлса бу нимага олиб келиши мумкин?
- сизнингча ҳаётда ва таълим тизимида нималарга ўзгартиришлар киритиш лозим?

- ... таъсир этиши мумкин бўлган вазият, муаммо, мавзулар рўйхатини тузинг.

- ... ривожлантиришнинг қандай усуллари мавжуд?

Ўзига хосликни (оригиналлик) шакллантиришда қуйидаги саволлардан фойдаланиш ўқувчиларда оригинал жавобларни беришни фаоллаштиради:

- ...ни қандай ишлаб чиқиш мумкин?
- ...ни ривожлантириш усуллари рўйхатини тузинг?
- ...ни ихтиро қилинг?
- ...да оригинал ғоя ўйлаб топинг?
- ...ни амалга оширишда ўз ёндашувингизни ифодаланг?
- ...ни яратишда ўз таклифингизни киритинг?

Ишлаб чиқиш мавзусида эса, қуйидаги саволлар талабалардан мувофиқ жавобларни олишда қўл келади:

- ...га қўшинг;
- ...ни қуринг;
- ...ни кенгайтиринг;
- ...ни оширинг;
- ...ни ишлаб чиқинг.

2-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Турли категорияга мансуб саволлар

Одатда ўқитувчилар бир хил саволар беришга мойил бўлади. Бу эса бир хилликни келтириб чиқаради. Турли категорияга мансуб саволлар эса ўқувчиларда ноодатий жавоблар бериш, тахмин қилиш, натижани олдиндан кўра билиш каби кўникмаларни шакллантиради.

Бундай саволлар қуйидагиларни ташкил этади:

- *Агарда ... (бўл)са нима бўлган бўлар эди?* Масалан, агарда Америка фуқаролар урушида Шимолий штатлар эмас, балки Жанубий штатлар ғолиб бўлганидан, бу қандай натижаларга олиб келган бўлар эди? Агарда ўлчов бирликлари бўлмаганида, инсон ҳаёти қандай кечган бўларди? Агарда Томас Эдисон чироқ лампасини ихтиро этмаганида бизнинг ҳаётимиз қандай кўринишга эга бўларди?

- *Фойдаланишнинг бошқа усуллари.* Масалан, мобил телефонлардан яна қандай мақсадла ва қандай вазиятларда фойдаланиш мумкин? Компьютерга маълумот киритишда қўлланиладиган дисклардан яна қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?

- *Маҳсулот (предмет, объект, қонун ва ҳ.к.)ни яхшилаш, такомиллаштириш.* Мустақиллик Декларациясига ўзгартиришлар киритиш. Об-ҳавони олдиндан айтиб берувчи ускунани такомиллаштириш.

- *Истиқболга интилмоқ.* Машҳур инсонларнинг турли муаммола, таълим тизими, сиёсий режимга нисбатан бўлиши мумкин бўлган муносабати, фикрини ёзинг.

- *Сабаб ва оқибат.* Масалан, Фуқаролар урушининг сабаб ва оқибатларини ёзинг. Адабий асар қаҳрамони ҳатти-ҳаракатининг сабаб ва оқибатларини ёзинг. Чиқиндини қайта ишлаш сабаб ва оқибатларини келтиринг.

3-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Қарама-қарши ақлий ҳужум стратегияси

Қарама-қарши ақлий ҳужум стратегияси юзага келган муаммога тескари томондан қараш ва уни бошқача ёндашув билан таҳлил қилиш демакдир. Бундай стратегия ўқувчилардан эркин фикрлаш, маслашувчанликни талаб этибгина қолмай, балки уларда турли оригинал фикр ва қарашларнинг юзага келишига замин яратади. Қарама-қарши ақлий ҳужум стратегияси ғоялари куйидагича бўлиши мумкин:

- Ҳаво ифлосланишини олдин олиш эмас, балки ҳавони янада кўпроқ ифлослантириш.
- Урушларга барҳам бериш эмас, балки янада кўпроқ урушларни келтириб чиқариш.
- Ичимлик сувини тежаш эмас, балки беҳудага сарфлаш.
- Бошқаларни ҳурсанд қилиш ўрнига ёқимсиз вазиятларни келтириб чиқариш.
- Ижобий фикрлашни эмас, балки салбий фикрлашни тарғиб этиш.
- Аълочи эмас, иккичи бўлиш.

4-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Овоз/товуш эффектлари

Ўқувчиларга равон фикрлаш, мослашувчанлик ва оригиналликни ўргатиш жараёнида матн ёки адабий асардан парчани маъноли, интонация ва асарда ёритилган овоз/товушларни ўхшатиб ўқиш, яъни матни тўлалигича, унда таърифланган барча ҳодисаларни тўла ифода этиш кўникмасини ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун дарс бошида ўқувчилардан видео/аудио ёзмадаги товуш, овозларга эътибор қаратишларини сўранг; улар нималарни англатмоқда, асарга қандай тус, маъно бермоқда. Товушлар нимага хизмат қилади? Улар асар мазмун ва маъносини чуқур англаб етишда ўқувчиларга ёрдам берадими? Ўқувчиларга маълум бир асар, аудио ёзма, матн, эссе, ҳужжатли фильмдаги товушларни “ақлий ҳужум” стратегиясини қўллаган ҳолда категорияларга бўлиб, уларнинг асардаги вазифасини аниқлашни вазифа сифатида беринг. Сўнг талабалар асар маъноси ва мазмунини чуқур англашда

кандай категорияга мансуб товушлар кўпроқ роль ўйнаганини айтишлари лозим. Мазкур вазифани бажариш ва бундай стратегияни қўллашда қуйидаги саволлар варақасидан фойдаланиш мумкин (2.4-Жадвал). Натижа ва жавоблар қоғозга туширилгач ўқувчилар берилган асарни дарс жараёнида ўқиб эшиттиришлари лозим.

2.4-жадвал. Асарни овоз ва товушлар билан ўқиш

Талабанинг исми ва фамилияси:			
Асар/матн номи:		Вазифани бажариш санаси:	
Товушлар рўйхати:			
Товуш тури	Боб ва бетларнинг тартиб рақами	Товушнинг сўз билан ифодаси	Товуш эгаси ким
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

5-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Карточкалар билан ишлаш

Карточкалар билан ишлаш маълум бир адабий асарнинг мазмуни ва маъносини чуқур англаб етишнинг бошқа усуллари билан бирдир. Карточкаларнинг бир томонига асарда ёритилган воқеа ёки қаҳрамон бирор бир рамз ёки расм кўринишида чизилади. Карточкаларнинг сони асарнинг ҳажмига боғлиқ: улар 30дан 40гача бўлиши мумкин. Рамз ва расмларни чизишда

Ўқувчиларни жалб этиш уларда абстракт фикрлаш кўникмасини ривожлантиради, фақатгина ўқитувчи расмлар маъносини айтмаслиги лозим. Ўқувчилар орасидан бири доскага чиқиб, карточкалардан бирини танлаб синфхонада ўтирган ўқувчиларга кўрсатади. Ўқувчилар умумий муҳокама орқали карточкадаги расм ва рамз қайси қаҳрамон ёки воқеани ифодалашини топишлари лозим.

6-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Ўзаро боғланг ва муаммонинг ечимини топинг

Мазкур стратегия талабалардан маълум бир муаммо ва объект/предмет ўртасидаги боғлиқликни топиб, унинг ечимини излашни талаб этади. Муаммонинг ечими берилган объект/предметга асосланган бўлиши шарт. Бундай машқлар ўқувчиларда эркин фикрлаш ва мослашувчанликни ривожлантиради.

Ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, мавзу бўйича берилган муаммо ва объект/предмет ўртасида иложи борича кўпроқ боғлиқликни топишлари керак. Сўнг ўқувчилар томонидан тақдим этилган вариантлар орасидан энг мақбул ечим танлаб олинади.

7-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Ўзгарувчан матрица

Ўзгарувчан матрица график органиайзер бўлиб, унда асосий урғу талабаларнинг эркин фикрлаш ва мослашувчанлик кўникмаларига берилади. Бунда талабалар мавжуд назарияларни ўз тадқиқотлари ва ўз ёндашувлари асосида ўзгартирадilar. Органиайзер дарс мазмуни ва мавзудан келиб чиқиб тузилади. Масалан, ўқувчилар табиий фанлардан олган билимлари асосида булутлар, уларнинг шакли нималарга боғлиқ эканлиги ҳақида органиайзер ёрдамида ифода этишлари мумкин.

2.5-жадвал. Ҷзгарувчан матрица

<i>Назария</i>	<i>Кирилган Ҷзгартиришлар</i>			
Математика	Катта	Кичик	Узун	Қисқа
Тўғри тўртбурчак ўлчамларига ўзгартириш киритинг ...				
Адабиёт/Лингвист ика	Катта	Кичик	Жидди й	Арзим ас
Асар қаҳрамонинг фёъл-атвори ва муносабатидаги ўзгаришлар ...				
Табиий фанлар	Катта	Кичик	Ёркин	Тўк
Табиатда булутлар ранги ва шаклининг ўзгариши ...				
Ижтимоий фанлар	Самара ли	Самарас из	Қисқа муддатли	Узоқ муддатли
Иқтисодиёт соҳасида олиб борилган ислоҳотлар ...				

8-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Нима нимани англади

Ўқувчилар мавзу, матн мазмуни ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлган бирор бир рамз ёки расмни чизиш машқи Вильгельм рамзий образ концепцияси деб номланади (2002).

Масалан, ўрта таълим мактабининг адабиёт дарсида ўқитувчи ўқувчилардан ёзувчи С.Е. Хинтоннинг (1967) “*Аутсайдерлар*” (The Outsiders) номли ҳикояси мазмунини ифодаловчи символ чизиб беришни сўрайди. Ўқувчилардан бири рамка ичига расм чизади; расм мозаика шаклида бўлиб, ҳар бир расм бўлагининг орқа томонига 1 ёки 2 рақами қўйилган бўлади. Сўнг ўқувчилар расм бўлакларидан бирини танлаб, рақамлар асосида икки гуруҳ тузадилар. Гуруҳларга ажралгач, берилган асар мазмун моҳиятини ифодаловчи рамзий расмни муҳокама қиладилар ва уни майда деталлар билан тўлдирадилар. Ҳар бир гуруҳнинг қўшимчалари турлича бўлиб, ўқувчилар ўз карашларини ҳимоя қилишлари лозим.

9-ғоя. “Тўхта ва бошла”

ЯНМ (Янги ва ноодатий маҳсулот)

Мазкур стратегиядан талабаларни янги маҳсулот (нарсалар, концепциялар, ғоялар, мусиқа, шеър, бадиий асар, глобал муаммонинг ечими ва ҳ.к.)ни яратишга рағбатлантиришда фойдаланиш катта самара беради. Мазкур стратегияни ўқувчиларнинг ўзлашган материалларни қўллаган ҳолда турли вазиятларга мослаштириш мумкин. Масалан, дарс жараёнида ноодатий фикрлашни тарғиб қилиш орқали ўрнатилган қонунларни ўзгартириш ёки уларни янгилари билан алмаштириш, яъни ўқувчиларнинг киритган янгиликлари ўзгаларнинг манфаатлари ва ҳақ-хуқуқларига зарар етказмаслиги лозим. Ўқувчиларнинг ихтиро ва янгиликлари тажрибада тадбиқ қилинса қилинмасада, улар инсоният учун хизмат қилиши, уларнинг ҳаётини қулайлаштириши зарур. Мазкур стратегиянинг асосий мақсади ўқувчиларда бирор нарсани ўзгартириш орқали эркин ва мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиришдир.

10-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Ҳис этинг

Мазкур стратегияни бирор нарсага тимсол беришда қўллаш мумкин. Талабалар бирор бир объект ёки буюм ўрнига ўзларини қўйиб кўрадилар. Бунда уларга қуйидаги саволлар ёрдам беради:

- Ўзингизни қандай ҳис этяпсиз?
- Нима ҳақида ўйлаяпсиз?
- Ҳозир нима қилмоқчисиз?

Бу стартегияни бошланғич таълим ўқувчиларини ўқитишда ҳам қўллаш мумкин, масалан, 2.6-жадвал параллелограм ва Луис Сакарнинг *Holes (Ўра)* (1998) мазмунини ёритишда қўллаш мумкин. Кўп ҳолларда ўқитувчилар мазкур стратегиядан асарга қисқача музmun бериш ёки асар қаҳрамонинг фел-атворини таърифлаб бериш ёки бир асар қаҳрамони бишқаси билан таққослашда фойдаланадилар. Бу усул асар ёки унинг қаҳрамонлари муҳокама қилишда катта самара беради.

2.6-жадвал. Саволларга талабалар томонидан берилган жавоблар

Таълим босқичи	“Ҳис этинг” стратегияси		
	Ўзингизни қандай ҳис этяпсиз?	Нима ҳақида ўйлаяпсиз?	Ҳозир нима қилмоқчисиз?
Бошланғич таълим математикаси: параллелограм	Худди кути ичидагидай...	Қадди-қоматни тўғри тутишнинг иложи йўқ. Тўрт томонга эгаман. Кичкина шаклларга эгаман	Инсонларга мен билан манипуляция қилишларига қўл қўйиб бераман. Мен жуда фойдали буюмман
Бошланғич	Виждони	Мен ўра	Таслим бўламан

таълим адабиёти: <i>Holes</i> (Sachar, 1998)	қийналган, қайғурган, ғамгин	қазिशни истамайман. Мен шарманда бўлдим ва бунга ўникдим. Мен қари ва руҳан эзилган одамман	
--	------------------------------------	--	--

11-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Йўқотилган ва топиб олинган

Талабалар “йўқолган” маълумотни топадилар. Ҳаёлан йўқотилган маълумот мавжуд маълумотга аниқлик киритишга хизмат қилади.

Масалан, ўрта таълим мактаби ўқувчилари *Shaping Earth's Surface: Water* (Kramer, 2005) китобида ёритилган “Венецияда тошқин” номли мақолани ўқийдилар. Ўқитувчи ўқувчиларга аввал тошқин, унинг оқибатлари ҳақидаги йўқолган маълумот (матн, мақола)ни топишлари кераклиги айтади. Бу қандай маълумот бўлиши мумкин? Ўқувчилар китобдаги маълумот билан боғлиқ бўлган маълумотни излашга киришадилар, яъни уларнинг ўзлари маълумотни олган билимлари асосида ёзадилар. Бунда ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, муҳокама асосида маълумотларни қоғозга тушурадилар.

Бундай усулни адабиёт дарсларида ҳам қўллаш мумкин. Масалан, бирор бир бадиий асар: ҳикоя, масал ёки шеърнинг бир қисми олиб ташланади, яъни маълумот йўқолади. Ўқувчилар эса йўқолган маълумотни қайта тиклашлари лозим. Бунда ўқувчилар таклаган маълумот асарнинг мазмунини сақлаб қолиши шарт.

12-ғоя. “Тўхта ва бошла”

Нуқтаи назарни ифодалаш

Мазкур стратегияни дебат деб номлаш ҳам мумкин. Бунда талабалар бошқаларнинг фикрини инобатган олган ҳолда ўз қарашлари тўғри эканлигини

исботлашлари лозим. Ўқитувчи ўқувчиларни икки гуруҳга ажратиб, икки хил нуқтаи назарни ўртага ташлайди. Ҳар бир ўқувчи ўз фикрини ҳимоя қилган ҳолда кичик баён ёзади, сўнг кичик гуруҳдаги бошқа талаба билан бўлишади. Ўқувчилар ҳар бир баёндан энг асосий фикрларни саралаб оладилар ва бошқа гуруҳдаги ўқувчиларга қарши туришда улардан фойдаланадилар. Ҳар бир фикр оғзаки билдирилиб, бир ўқувчи биттадан гап ўқийди.

Ўқувчилар гуруҳларда ҳар бир фикр ва қарашларнинг кетма кетлигини ҳам муҳокама орқали келишиб оладилар. Бундай усул ўқувчиларда жамоа бўлиб, ҳамкорликда ишлаш кўникмасини тарбиялайди⁴³.

4. Талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг моҳияти ва бу жараённинг бориши. Шахсда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш ўзига хос мураккаб жараён саналади. Шу сабабли мазкур жараённи самарали ташкил этиш уни методик жиҳатдан тўғри, оқилона ташкил этишни тақозо қилади. Америкалик педагог Патти Драпеаунинг бу борадаги фикрлари амалий аҳамиятга эга. Муаллифнинг талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини самарали шакллантириш ҳамда ривожлантиришга оид ёндашувларини ифодаловчи ғоялари қуйида келтирилган жадвалларда ўз ифодасини топган⁴⁴.

4.1-жадвал. Образли қарашларни ривожлантириш шароитлари

Муаммо	Талабаларга бериладиган вазифа: <ul style="list-style-type: none">- индивидуал ёки ҳамкорликда фикрлаш;- ифодаланган (маълум бўлган) ғояларни ривожлантириш;- реал борлиққа доир муаммоларни ҳал қилиш;
--------	---

⁴³ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – 21-44-бетлар.

⁴⁴ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – 61-79-бетлар.

	<ul style="list-style-type: none"> - маълумот ва саволлар чуқурлаштирилган фикрларни қайд қилиш
Билим	<p>Талабаларга бериладиган вазифа:</p> <ul style="list-style-type: none"> - репродуктив билимларнинг мавжудлиги; - далилларга асосланган маълумотларни ёдга олиш; - ишлаб чиқариш аҳамиятига эга билимларнинг мавжудлиги; - алоқа ва образларни ўзаро мувофиқлаштириш орқали шаклланган тушунчаларнинг мавжудлиги
Атроф-муҳит	<p>Талабаларни таваккал қилишга рағбатлантириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - уларнинг инкор этишдан аввалги кўркувларини камайтиришга ёрдам бериш; - икки ёқлама қарорларни қабул қилиш йўллари кўрсатиш; - ҳеч қандай чеклов ва вақтни инобатга олмаган ҳолда қайтар алоқани таъминлашга ўргатиш; - ўзаро хайрихоҳликни қарор топтириш
Истак (рағбат, мотив)	<p>Талабаларда ўзига хос истак (рағбат)ни юзага келиши учун имкон яратиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - яратувчанлик ғояларини рағбатлантириш; - оригинал ғояларни амалиётга татбиқ этиш; - ижобий баҳолаш

4.2-жадвал. Тасаввурни шакллантиришга

йўналтирилган ДСУА (CCSS)га мувофиқ машқлар

Калит сўзлар ва деталлар	Эркин фикрлаш	Мослашувчанлик	Ўзига хослик	Яратувчанлик
---------------------------------	----------------------	-----------------------	---------------------	---------------------

<p>Ўрта таълим мактаби: ўқитувчи маълум бир асарнинг мазмунини янада очиб бериш учун савол-жавоб стратегиясини қўллайди. Жавоб бераётганда албатта асрдаги матнга иқтибос бериши керак. Асар номи: <i>Sarah, Plain and Tall</i> (MacLachlan, 1985)</p>	<p>Талабалар кичик гуруҳларда асар қаҳрамони – Калевнинг ўзини боқиб олган онасига бўлган муносабатини таҳлил қилади. Улар жадвал тузиб, икки хил муносабат, яъни салбий (қўпол, қўрс) ва ижобий (меҳрибон, ширинсўз) муносабатни мисол қилган ҳолда матндан иқтибос келтиради. Сўнг биргина расм/образ</p>	<p>Талабалар кичик гуруҳларда Сара қандай она эканлигини таҳлил қилади. Асардаги “йўқолган” маълумот ўрнига талабалар ўз маълумотлари ни қўшади. Бироқ, бу асарнинг умумий мазмунига таъсир қилмаслиги лозим. Талабалар томонидан тикланган “йўқолган” маълумот воқеалар ривожига</p>	<p>Талабалар якка тартибда Калевнинг темпераменти, феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари ни изоҳловчи жадвал тузишлари керак. Бунда талабалар оригинал, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ғояларни таклиф этишлари лозим</p>	<p>Асарнинг асосий қаҳрамони Саранинг болалик, ўсмирлик ва ҳаётининг кейинги йилларида бошидан кечирган қийинчиликларининг сабабларини, омиллари ва шароитлари ни ёзма равишда, иншо шаклида таърифлаб беринг</p>
---	---	---	--	---

	орқали Калемни тасвирлаб беришлари керак	таъсир этадими?		
Ўрта таълим мактаби: Ўқитувчи матн/ихтибос келтиради ва унинг асосий мазмуни ёритувчи қатор ёки сўзлардан фойдаланади. Матн: “Fog” (Sandburg, 1916)	Талабалар нима учун туман мушук каби ҳаракатланиш и сабаблари ўрганади. Олинган натижаларга кўра, талабалар ўз ҳикояси ёки шеърини ёзади	Тасаввур қилинг, Сиз қуюқ туман тушган тонгда бир ўзингиз қайиқда очик денгизда қолиб кетдингиз. Бу вазиятда Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?	Талабалар яна нималар мушук каби ҳаракатлани ши-нинг сабабларини топишлари лозим. Бу ерда креативлик ва креатив ёндашув талаб қилинади	Талабалар бир зумга ўзларини туманнинг ўрнига қўйиб кўради. Улар нималарни ҳис этмоқда, қаерга интилмоқда ва олдинда уларни нималар кутаётганлиг ини ёритиб беради. Уларнинг тасаввурлар и майда деталлардан иборат бўлиши

				керак
Ўрта таълим мактаби: Ўқитувчи радио ва радиоалоқага алоқадор маълумотларни и беради. Фан: Физика	Талабалар радиоалоқа юқори частотали электр ўзгарувчан токнинг атрофга электромагнит тўлқинлар асосида электр майдоннинг ҳосил бўлиши натижасида юзага келишини тасвирловчи схемани шакллантирад и	Ҳар бир гуруҳнинг схемаси турлича бўлса, талабалар нима учун схемалар турли кўринишга эга эканлигини изоҳлаб беришлари керак	Радиоприем -никдан яна қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?	Талабалар радиоприём ник-нинг тузилиши, ишлаш принципи ва ҳозирги кунда ундан қай мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги ни изоҳлаб берувчи иншо ёзади. Замонавий ҳаётда радиоприем ник-лар долзарб аҳамиятга эгами?
Академик лицей ва касб-ҳунар колледжлари	Талабалар келтирилган матнда айрим сўзларни	Қандай омил ёки сабаблар Китни мазкур шеърни	Шеърнинг мазмунини ўзгартирмаг ан ҳолда	Шеърда тасвирланган н <i>гўзаллик</i> ва <i>ҳақиқат</i>

<p>: Ўқитувчи Китсанинг шеърдан бир парча келтиради ва унинг асосий мазмунни ёритувчи қатор ёки сўзлардан фойдаланади. Матн: “Гўзаллик – ҳақиқат, ҳақиқатнинг гўзаллиги – бу барча нарсанинг асоси” / Сиз билишингиз зарур бўлганларни ина биласиз”</p>	<p>Ўзгартиради. Бу стратегия матннинг умумий мазмунига таъсир этадими? Матда қандай образ тасвирланган ёки матн мазмунини шунчаки абстракт ғоядан ибортами?</p>	<p>ёзишга мажбур қилган? Талабалар сабаблар рўйхатини тузади. Сўнг талабаларга ўз-ўзини баҳолаш имконияти берилади. Бундай ёндашув уларда эркин фикрлаш ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантирад и</p>	<p>талабалар шеърни бошқа вазн, услуб, шакл ва замонавий тилда қайта ёзади. Уларнинг киритган оригинал ўзгартириш лари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Ўзгартириш лар мазмунга қай даражада таъсир кўрсатди?</p>	<p>сўзларини “Ақлий ҳужум” стратегиясини и қўллаган ҳолда бошқа тушунчалар билан боғланг. Яъни бу сўзлар нимани ифодалайди? Гўзаллик ва ҳақиқат ҳақида гап кетганда кўз олдингизга нималар келади? Мазкур вазифани плакат, PowerPoint тақдимоти, мультимедия ёки аудио тасма шаклида тақдим</p>
---	--	---	---	--

				қилишлари мумкин
--	--	--	--	---------------------

4.3-жадвал. Креативлик ва тасаввур қобилиятини

ривожлантиришга йўналтирилган дарсни лойиҳалаштириш

Мазмун, мавзу, кичик мавзу, малака ва кўникмалар	<p>Мавзулар:</p> <ul style="list-style-type: none"> Америка тараққиёти; Америка ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар; Америка мустамлакаларининг тарихи 	<p>Кичик мавзулар:</p> <ul style="list-style-type: none"> динлар; иқтисодиёт; Америка қитъасининг аҳолиси; иқлим 	<p>Кўникмалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> Танқидий фикрлаш: сабаб ва оқибат; Креатив фикрлаш: тасаввур ва эркинлик + оригиналлик Фикрларни ёзма баён этиш кўникмаси
Асосий савол	Инсоният тарихида юз берган воқеалар қандай ва қай даражада бугунги ҳаётимизга таъсир этмоқда?		
Баҳолаш	Шакллантирувчи		
Кўникмалар даражаси	Ўқиш: билим олишнинг турли даражаси Ёзиш: талабаларнинг ишлари	Қизиқишлар турли даражада	Билиш усуллари турли даражада эмас
Талабалар эътиборини жалб этиш	Ўқитувчи талабаларга Бен Франклин, Эли Увитней, Джозеф Пристли ва Андерс Цельсиусларнинг суратларини кўрсатади. Бу инсонлар қандай умумий хислатга эга? Талабалар мазкур шахслар тўғрисида саволлар беради ва улар 1770 йилларда қилган ихтиро ва кашфиётлари ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлади. М.: Бен Франклин бифокал кўзойнак, Эли Увитней пахтани ажратиб берувчи		

	ускунани яратган ва ҳ.к.		
Дарсни режалаштир иш	Талабалар Америка колониялар ҳақида маълумотларни топишда фойдаланган веб-сайтлар рўйхатини тузади. Талабалар олган маълумотларни “Ақлий ҳужум” методи ёрдамида тоифаларга бўлиб чиқади	Ўқитувчи фикрлаш жараёнини таҳлил қилади. Ўқитувчи талабаларга оригинал ғояларни таклиф ётишларида тасаввурларид ан фойдаланиш- ларини айтади	Ўқитувчи маҳсулот шаклини таҳлил қилади. Ўқитувчи талабаларга “Ўтмишга қайтиб” хатини ўқиб эшиттиради. Ўтмишда юз берган воқеалар тўғрисидаги маълумотлар далилларга асосланган бўлиб, келажакда бугунги кун кишилариининг аждодлари, уларнинг ўзлари ва келажак авлоднинг ҳаётини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади
Дарс жараёни	Кириш: Ўқитувчи талабаларга 1770, 2014 йилларда бўлиб ўтган ва 2050 йилда юз бериши мумкин бўлган воқеаларнинг г таққослаш	Жараён: Ўқувчилар “Ўтмишга қайтиб” номли хатларида асосий ғоялари ва фикрларини баён этади. Ўқитувчи жараённи кузатиб боради ва талабалар фаолиятини назорат қилади. ▪ Талабалар хатларида асословчи маълумот сифатида ҳар қандай манбадан фойдаланиши мумкин. Бунда турли ёш ва билим даражасига эга талабалар учун мўлжалланган материаллардан фойдаланади. ▪ Талабалар бир-бирларига ёрдам беришлари мумкин.	

	орқали сабаб ва оқибатлари ва уларнинг ҳаётимизга таъсирини изоҳлаб беришлари керак	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Оригинал фикрлаш ва ғояларни оригинал усулда тақдим этиш ҳам баҳоланади. ▪ Ўқитувчи бир гуруҳда турли билим даражасига эга талабалар борлиги боис талабларни турлича шакллантиради. Ўқитувчи талабалар билан баҳолаш методини муҳокама қилади ва вазифа (якуний натижа, маҳсулот)ни тақдим этиш учун ажратилган вақтни белгилайди. Талабалар вазифани бажариб бўлгач, натижаларни бошқа талабалар билан бўлишади ва муҳокама қилади. Ўқитувчи ҳар бир талабага бажарган иши юзасидан изоҳ ва баҳо беради
Баҳолаш	Ўз-ўзини баҳолашда талабалар умумий баҳолаш методларидан фойдаланади.	Ўқитувчи якуний натижани баҳолаб, бажарилган иш юзасидан шарҳ, изоҳ беради

4.4-жадвал. Тасаввур ва креативликни шакллантириш варақаси намунаси

Натижа/ маҳсулот унсури	Қониқарли	Яхши	Жуда яхши	Аъло
Мустамлака даври: <ul style="list-style-type: none"> ▪ Ҳар кунги ҳаёт; ▪ Аҳолининг мамлакат сиёсий фаолиятидаги 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Жуда кам далиллар келтирилган; ▪ Тадқиқот олиб борилмаган; ▪ Фақатгина манбаъси 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Бир қатор далиллар келтирилган; ▪ Кичик тадқиқот олиб борилган; ▪ Деталлар 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Бир қанча далиллар келтирилган; ▪ Тадқиқот олиб борилган; ▪ Мантиқий, ўйлаб 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Жуда кўп далиллар келтирилган; ▪ Тадқиқот ва чуқур изланишлар олиб борилган; ▪ Ўзига хос,

<p>иштироки;</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Диний эркинлик; ▪ Фаровонлик имкониятлар и 	<p>номаълум далиллар;</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Бир икки деталлар мавжуд 	<p>билан бойитилган далиллар мавжуд</p>	<p>топилган ва оригинал деталлар билан бойитилган далиллар мавжуд</p>	<p>мантиқий, ўйлаб топилган ғоялар воқеалар мазмунини кенгайтирган;</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Қўшимча қилинган деталлар воқеаларга ҳиссий тус берган
<p>Ҳозирги давр:</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Ҳар кунги ҳаёт; ▪ Диний эркинлик; ▪ Фаровонлик имкониятлар и. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Жуда кам далиллар келтирилган; ▪ Тадқиқот олиб борилмаган; ▪ Фақатгина манбаъси номаълум далиллар; ▪ Бир икки деталлар мавжуд 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Бир қатор далиллар келтирилган; ▪ Кичик тадқиқот олиб борилган; ▪ Деталлар билан бойитилган далиллар мавжуд 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Бир қанча далиллар келтирилган; ▪ Тадқиқот олиб борилган 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Жуда кўп далиллар келтирилган; ▪ Тадқиқот ва чуқур изланишлар олиб борилган; ▪ Ўзига хос, мантиқий, ўйлаб топилган ғоялар воқеалар мазмунини кенгайтирган; ▪ Қўшимча қилинган деталлар воқеаларга ҳиссий тус берган
<p>Келажак:</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Ҳар кунги 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Жуда кам далиллар 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Бир қатор далиллар 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Бир қанча далиллар 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Жуда кўп далиллар

<p>хаёт;</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Аҳолининг мамлакат сиёсий фаолиятидаги иштироки; ▪ Диний эркинлик; ▪ Фаровонлик имкониятлар и 	<p>келтирилган;</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Тадқиқот олиб борилмаган; ▪ Фақатгина манбаъси номаълум далиллар; Бир-икки деталлар мавжуд 	<p>келтирилган;</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Кичик тадқиқот олиб борилган; ▪ Деталлар билан бойитилган далиллар мавжуд 	<p>келтирилган;</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Тадқиқот олиб борилган; ▪ Мантиқий, ўйлаб топилган ва оригинал деталлар билан бойитилган далиллар мавжуд 	<p>келтирилган;</p> <ul style="list-style-type: none"> ▪ Тадқиқот, изланиш олиб борилган; ▪ Ўзига хос, мантиқий, ўйлаб топилган ғоялар воқеалар мазмунини кенгайтирган; Қўшимча деталлар воқеаларга ҳиссий тус берган
Таққослаш	Деталларга бой бўлмаган, мантиқсиз изоҳ	Аниқ, яққол ифодаланган изоҳ	Дедуктив изоҳлар	Ўзига хос изоҳлар
“Ўтмишга қайтиб” хати	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Ифодалаш тони ишонарсиз; ▪ Хатнинг шакли ва услуби қониқарсиз; ▪ Фикрлар ўртасида ўзаро боғлиқлик 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Баъзи баён услублари ишонарсиз; ▪ Хатнинг шакли ва услуби оддий; ▪ Фикрлар ўзаро боғлиқ; ▪ Орфографи к ва 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Ифода баёни ишонарлилик и; ▪ Хатнинг оригинал шакл ва услубга эгаллиги; ▪ Фикрлар ўртасида аниқ ва 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ Ифода баёнининг оригиналлиги; ▪ Хатнинг оригинал шакли ва услубга эга эканлиги; ▪ Фикрлар ўртасида аниқ ва мантиқий боғлиқ мавжудлиги;

	йўқ; ▪ Орфографи к ва грамматик хатолар мавжуд	грамматик хатолар йўқ	ва ўзаро мантиқий боғланиш мавжуд; ▪ Орфографик ва грамматик хатолар йўқ	▪ Орфографик ва грамматик хатоларнинг йўқлиги
--	---	--------------------------	--	--

5.1-жадвал. Инновацион жараён моҳияти

Босқичлар	Намуна (мисол)	Талабанинг жавоблари
<p>“Ақлий хужум”:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Рухлантирувчи манбалар • Муаммо/вазият асосида юзага келган эҳтиёжлар 	<p>“<i>The Social Network</i>” (2010) номли кинофильми ғояларига кўра Facebook учун ғоялар қаерда, нима асосида кўпайган?</p>	<p>Марк ғояси асосида эркалар учун бошқа бир ижтимоий ОАВ - Гарвард FaceMash ташкил этилган</p>
<p>Баҳоланг:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ғояларни • Рухлантирувчи манбаларни • Муаммо/вазият асосида юзага келган эҳтиёжларни 	<p>1. Нима учун Марк дарҳақиқат Facebookка нисбатан ишлар юриб кетишини қайд этди?</p> <p>2. Нима учун у ўз ғояларини университет жамоасидан ташқарида ривожлантиришга қарор қилди?</p>	<p>1. У қизлара таассурот уйғотишни хоҳлади.</p> <p>2. Уни бунга “юрагининг жароҳатланиши” мажбур қилди. У аёл Facebook тўғрисида ҳеч нарсани билмас эди, шунга кўра, Марк Facebookда</p>

		унинг иштирок кўпроқ бўлишини таъминлашга қарор қилди
Янгилик келиб чиқиши учун ҳаракат (қадам)ларни ўзаро мувофиқлаштиринг	Маркнинг қандай ҳаракатлари Facebookни ғоялардан йирик, муваффақиятли Веб-хизмат даражасига ўсишини таъминлади?	1. У Веб-сайт яратди. 2. У Калифорнияга кўчиб ўтди. 3. У Веб-сайтни глобаллашувини таъминлади
Ғояларни амалга ошириш восталари ва омилларини ўзаро мувофиқлаштиринг	Маркнинг муваффақият қозонишига ким имкон берди?	Унинг дўсти Шон Паркер
<ul style="list-style-type: none"> • Одамлар • Вазиятлар • Омиллар (ресурслар) 	Facebookни ривожлантиришда Маркка муаммоларни ҳал этишга ким ёрдам берди	Гарвардда ОАВда ижтимоий сайтни яратган эркаклар
Фикр юринг: <ul style="list-style-type: none"> • Ечим хусусида • Самараорлик даражаси хусусида 	Марк қандай қилиб янгиликни яратди? У киритган инновация тўлалигича ишлаб чиқилганлигини қачон билди?	Facebook оммавийлашгандан сўнг аёл унга ўз эътиборини қаратди. Бироқ, янгилик, дарҳақиқат, чегара билмайди, шу сабабли Facebook ҳам кун сайин кенгайиб, ўзгариб бормоқда

**5.2-жадвал. Бошқа фанлар ва таълимнинг бошқа соҳаларида
инновацион стратегиялардан фойдаланиш**

Адабиёт	Математика	Илм	Ижтимоий фанлар
<ul style="list-style-type: none"> • Турмуш тарзини ўзгартиришга ёрдам берадиган инновацион воситани яратинг • Икки хил характерли кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатни яхшиловчи инновацион воситани яратинг • Тарихий муаммони ҳал этишнинг инновацион воситасини ривожлантиринг • Бош қаҳрамонга унинг хавф-хатарли вазиятда 	<ul style="list-style-type: none"> • Математик далилларни ёрдам қолишга ёрдам берадиган инновацион воситани аниқланг • Ўлчаш учун инновацион тизимни лойиҳалаштиринг • Масштаб ва бошқаришда тезкор қўллаш ва параллел намойиш этиш имконини берадиган инновацион воситани яратинг • Жойнинг муҳимлигини 	<ul style="list-style-type: none"> • Ифлосланишни камайтирадиган инновацион воситани таклиф қилинг • Космосни тадқиқ этиш ишларини давом эттиришнинг инновацион воситаларини ривожлантиринг • Инсоннинг б сезгиларидан бирининг йўқотилишининг ечимини топинг • Энг камида икки жиҳатни инобатга олган ҳолда объектлар ўртасида 	<ul style="list-style-type: none"> • Талабалар уюшмасидаги муаммоларни ечиш учун инновацияни яратинг • Этишмовчилик муаммосига барҳам беришда инновацион чоралар рўйхатини тузинг • Миллий байрамни нишонлаш учун инновацион воситани ишлаб чиқинг • Жамият учун фойдали бўлган юкларни транспортда

Ўзини олишга берадиган инновацион воситани таклиф қилинг	қўлга имкон берадиган инновацион воситани таклиф аниқланг	намоён этиш имконини берадиган инновацион воситани аниқланг	интервални ҳосил қилувчи инновацияни яратинг	ташишнинг инновацион шаклини таклиф этинг
--	---	---	--	---

5.3-жадвал. Креатив ва стандартга асосланган стратегияларни кўллаш орқали инновацион фикрлаш кўникмасини шакллантириш

ДСУА (CCSS) ғояларининг очқичи ва далиллари	Креатив фикрлаш фаолиятини ижодий режалаштириш
<p>Жавоблар учун асос сифатида матнда яққол далил қилиб кўрсатган ҳолда матн моҳиятини тушунганликни намоёиш этиш учун сўранг ва саволларга жавоб қайтаринг (RL.3.1)</p> <p>Матн: Сара, Оддий ва юксак (MacLachlan, 1985)</p>	<p>Талабалар ўз жавобларида тезликда ифодалайдиган ва янги ғоя мавжудлигини намоён қилган ҳолда ёзма баён қилиш кўникмаларини куйидагича ривожлантиради:</p> <p><i>Саранинг ҳаётига оид “Оддий ва юксак” асарида Виттинг оддий ҳаётда кечиради. Шахс характери намоён бўлган ушбу воқеликдаги эҳтиёжни уни ифодаловчи креатив, инновацион восита билан ўзаро мувофиқлаштиринг</i></p>
<p>Матнда намоён бўлган ҳамда унинг моҳиятидан келиб чиқадиган хулосани яққол ифодалайдиган фикрларни аниқ кўрсатинг (RL.5.1)</p> <p>Матн: "Туман" (Sandburg, 1916)</p>	<p>Туманнинг ҳолатини ифодаловчи янги ғояларни баён этган ҳолда диаграмма ёки расмни бойитинг. Шеърда тасвирланган туман ҳолатини ифодаловчи бадий элементларни янгилик сифатида намоёиш этган</p>

	талабаларнинг баёни матнда қайд этилади
Ихтиёрий ўринда қўлланилган яхлит ўнлик сонлар моҳиятини англаш учун жойнинг аҳамиятини ифодаланг (5. NBT)	Талабалар жой ва ўнлик сонлар аҳамияти ўртасидаги алоқадорликни бошқаларга англатиш учун инновацион дизайнни яратади
Сонлар ёки улар ўртасидаги муносабатни ифодаловчи тенгламани ҳосил қилинг. Миқдорлар ўртасидаги муносабатни кўрсатиш учун икки ёки ундан ортиқ марта ўзгартириш мумкин бўлган тенгламани ҳосил қилинг; оғирликларни мувофиқлаштирувчи графикни кўрсатиш учун тенгликни ҳосил қилинг (HSA-CED.A.2)	Талабалар ўзгарувчанликни ифодаловчи икки ёки ундан кўп объектларан фойдаланган ҳолда сонлар ўртасидаги муносабатларни намоён этувчи инновацион воситаларни ўйлаб топишади. Инновацион воситалар ўзида талабаларнинг қарашларини бешта кадам (ҳаракат)да ифодаловчи янгилик бўлиши керак. Талабалар тенгликни оғирлик кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи график кўринишда тасвирлайди.
Аниқловчини қўшган ҳолда матндан олинган ва мавҳум саволларни туғирадиган ғояларни худди хулосалар каби яққол ифодаланган матннинг моҳиятини ошириш учун кучли ва тўлиқ матнли далилларни келтиринг (RL.12.1) Матн: “Юнон қабридаги қасида” (қабр тош)га битилган Китсанинг сўзлари: “Гўзаллик – ҳақиқат, ҳақиқатнинг гўзаллиги – бу барча нарсанинг асоси” / Сиз билишингиз	“Юнон қабридаги қасида” (қабр тош)да келтирилган фикрни новаторлик ғояси сифатида эътироф этиш мумкин. Талабалар Китсанинг ўзларини илҳомлантирувчи қабр тош сўзлари сифатида таҳлил қилиш учун ушбу жараёни янгилик дея қабул қилади

зарур бўлганларнигина биласиз”

Изоҳ: ДСУА (CCSS; Энг яхши методларга эга нубернаторлар Ассоциациясининг Миллий Маркази, Штат мактаб инспекторлари Бош кенгаши, 2010а, 2010б)

5.4-жадвал. Креативлик ва инновацион ёндашувни шакллантиришга йўналтирилган дарс лойиҳаси

<p>Мазмун, мавзулар, кичик мавзулар, кўникмалар, тушунчалар</p>	<p>Мавзулар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Куёшнинг иқлимга таъсири • Иқлимга таъсир этувчи омиллар • Дунёда юз берувчи иқлим ҳодисалари 	<p>Кичик мавзулар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Иссиқхона эффекти • Кенглик • Океан оқимларининг тезлиги • Шамоллар • Табиий ландшафт 	<p>Кўникмалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Танқидий фикрлаш: сабаб ва оқибат • Креатив фикрлаш: инновация ва эркин фикрлаш • Баён ёзиш/изоҳ бериш
<p>Асосий савол</p>	<p>Инсонларнинг ҳатти-ҳаракатлари иқлимга қандай таъсир кўрсатади?</p>		
<p>Баҳолаш</p>	<p>Умумий</p>		
<p>Кўникмалар даражаси</p>	<p>Ўқиш: турли даражалар</p>	<p>Қизиқиш даражасининг юқорилиги</p>	<p>Когнитив услубнинг қайд этилиши</p>
<p>Талабалар эътиборини жалб этиш</p>	<p>Ўқитувчи АКШда жойлашган 5 шаҳарнинг йиллик ўртача ҳаво ҳарорати рўйхатини келтиради. Талабалар булар қайси шаҳарлар эканлигини топишлари ва нима учун айнан шу шаҳарлар бўлиши кераклигини изоҳлаб беришлари лозим</p>		

<p>Дарсни режалаштириш</p>	<p>Ўқитувчи талабалар билан ғарбий шамолларнинг об-ҳавога таъсирини муҳокама қилади. Талабалар оғзаки равишда бир хил кенгликда жойлашган шаҳарлар ва агарда Ер сайёраси 66% эгилиб ўз ўқи атрофида айланса, қандай табиий ҳодисалар юз бериши мумкинлигини изоҳлаб беради</p>	<p>Талабалар дарс жараёнида креатив ва инновацион фикрлаш кўникмаларини амалда қўллайдилар. Ўқувчилар инновацион натижага эришиш учун 5 босқичдан ўтади. Талабалар берилган вазифалар инновацион фикрлаш ва инновацион ечимларни қўллашни талаб этишини англайди.</p>	<p>Талабаларнинг натижалари инновацион жараён натижасида келиб чиқади. Натижа/ғоя/фикрлар қоғозга туширилади. Ўқитувчи талабалар кўрсатган натижаларни таҳлил қилади ва талабаларга баҳолаш методини тушунтириб беради. Юзага келган тушунмовчиликлар аниқлаштирилади. Натижалар умумий муҳокама шаклида таҳлил қилиниши мумкин</p>
<p>Дарс жараёни:</p>	<p><i>Кириш:</i> Ўқитувчи талабаларга иссиқхона эффектини юзага келтирувчи омилларни</p>		<p><i>Жараён:</i> Кичик тадқиқот олиб боргандан сўнг талабалар</p>

	<p>тасаввур ва ўзлаштирилган билимлари ёрдамида аниқлашлари лозимлигини айтади. Кичик гуруҳларга бўлинган талабалар иккита вебсайтда берилган маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Маълумотлар “иссиқхона эффекти”нинг олдини олиш ёки унинг таъсирини камайтириш чоратадбирларидан иборат бўлиши керак</p>	<p>ақлий ҳужум стратегиясини қўллаган ҳолда нима учун иссиқхона эффекти кундан кунга катта муаммоларга сабабчи бўлмоқдалигини аниқлашлари лозим. Талабалар билимларига таянган ҳолда ўз ғоялари ва фикрларини билдирадилар. Талабалар муаммони ҳал этишда инновацион ечимлардан фойдаланишнинг босқичларини ёритиб беришлари керак. Инновацион ечим келгусида қандай натижалар кўрсатади?</p>
Баҳолаш	Ўқитувчи инновацион жараёни баҳолайди ва ҳар бир талабанинг қилган меҳнатига изоҳ беради	

5.5-жадвал. Креативлик ва иновацион кўникмаларни шакллантириш мезон ва даражаларини аниқлаш (намуна)

Натижа/маҳсул от элементи	Қониқарли	Яхши	Жуда яхши	Аъло
<p>“Ақлий ҳужум” Ер-Қуёш боғлиқлиги Қуёш айланиши Революция “Иссиқхона эффекти”</p>	<p>▪ Жуда кам далиллар келтирилган; ▪ Тадқиқот олиб борилмаган; ▪ Фақатгина</p>	<p>▪ Бир қатор далиллар келтирилган; ▪ Кичик тадқиқот олиб борилган;</p>	<p>▪ Бир қанча далиллар келтирилган; ▪ Тадқиқот олиб борилган; ▪ Мантиқий,</p>	<p>▪ Жуда кўп далиллар келтирилган; ▪ Тадфифиот ва чуқур изланишлар олиб</p>

	манбаъси номаълум далиллар; ▪ Бир икки деталлар мавжуд	▪ Деталлар билан бойитилган далиллар мавжуд	ўйлаб топилган ва оригинал деталлар билан бойитилган далиллар мавжуд	борилган; ▪ Оригинал, мантикий, ўйлаб топилган ғоялар воқеалар мазмунини кенгайтирга н; ▪ Қўшимча қилинган деталлар воқеаларга ҳиссий тус берган
--	---	---	---	---

Гуруҳни баҳолаш

Сабаб ва оқибатларни изоҳланг	Бир оқибат Бир ечим	Иккита оқибат Бир ёки иккита ечим	Учта оқибат Ҳар бир оқибат учун иккитадан ечим	Учтадан кўпроқ оқибат Ҳар бир оқибат учун учтадан ечим
-------------------------------------	------------------------	--	--	---

Индивидуал баҳолаш

Қарор қабул қилиш	Қарор қабул қилишда ҳеч қандай мезонлардан фойдаланилмаг ан	Қарор қабул қилишда маълум бир мезондан фойдаланилг ан	Қарор қабул қилишда бир қатор мезонлардан фойдаланилг ан	Қарор қабул қилишда кўплаб мезонлардан фойдаланилг ан
----------------------	--	---	---	--

Режа тузиш	Берилган вазифа босқичма- босқич бажарилмаган. Ҳеч қандай режага амал қилинмаган	Берилган вазифани бажаришда баъзи босқичлар кўздан четда қолган	Босқичлар тўғри тузилган ва реалистик ғоялар тўғри танланган	Босқичлар тўғри тузилган ва реалистик ғоялар тўғри танланган бўлиб, чуқур мазмунга эга.
------------	---	---	---	--

5.6-жадвал. Инновацион қарашларни ривожлантириш:

Муваффақият учун турки


Йўналтирувчи “нур”	Ўша жойга қанай бориш мумкин?
Инновацион фикрни ҳосил қилинг	Контекст (тугал фикрни) шакллантиринг Инновацион муҳитни ҳосил қилинг Фостернинг креатив имконияти Талабаларни умумий муваффақиятга жалб этиш Муваффақиятга эришиш чораларини таъминлаш
Инновациялар моҳиятини тушуниш	Ўқитувчи ва талабалар учун мўлжалланган умумий кўрсатмага эга бўлиш Ғояларни амалга ошириш Янгиликнинг муҳим ва ўринли эканлигини тушуниш Қаерга янгиликни киритишни билиш
Инновациялар асосида тузилган режа	Жараённи моделлаштиринг

	Ким нимани қачон бажаришини аниқланг
Янгилик содир бўлишини таъминланг	Янги ғояларни топинг Вариантларни таҳлил қилинг Ғояларни танланг Ғояларни амалиётга тадбиқ этинг Ғояларни йўналтиринг (бошқаринг) Натижалар акциясини ташкил этинг Жараённинг умумий таҳлили

5.7-жадвал. Ташвишли Нелли: Инновацион фикрлаш стратегияси

Неллини ташвишлантирадиган ҳолатлар	Безовталиқни бартараф этиш омиллари
Таҳлика	Хавфсизликни таъминлаш
Тўйиб овқат емаслик	Овқатнинг етарли бўлиши
Бу – жуда узоқ сафар	Вақтни (сафарнинг узоқлигини) ўйламаслик
Менга лидер бўлиш ёқмайди	Лидерлик кўникмасига эга бўлиш
Бу йилнинг ноқулай вақти	Йил фасллари ёқтириш
Менинг дўстларим келмади	Дўстлик муносабатларини яхшилаш
Мен кучугимни олиб келолмайман	Ҳайвонларни яхши кўриш
Мен ўзимни қулай ҳис этмаяпман	Жисмоний қулайликни бартараф этиш
Мен соябонли аравада ва ундан пастда тура олмайман	Жисмоний қувватни ошириш
Мен баъзи одамлар билан яшай олмайман	Ижтимоийлашувга эришиш

6.1-жадвал. Муаммони креатив ечиш жараёни



6.2-жадвал. М

1-муаммо	2-муаммо	3-муаммо
Ўз-ўзини хоҳлайди	Ўгай она Золушкага баллга бориши учун раҳсат бермади	Золушка камбағал
<i>Мен нимани биламан</i>	<i>Мен нимани биламан</i>	<i>Мен нимани биламан</i>
У шаҳзодани учратишни хоҳлайди	Ўгай она хасис	Золушка кишлоқда туғилган

У бундай учрашувни ёқимли бўлса керак, деб ўйларди	Ўғай она Золушкадан барча нарсани қизғонади	Отасининг пули кўп эмас эди
У авваллари ҳеч қачон баллда бўлмаганди	Ўғай она ўз қизларининг шаҳзода билан учрашиб қолишларини хоҳларди	Ўғай она унинг пулларини Золушка билан бўлишишни хоҳламасди
<i>Мен нимани билиб олдим</i>	<i>Мен нимани билиб олдим</i>	<i>Мен нимани билиб олдим</i>
Барча баллар ҳам ёқимли яқун топмас экан	Эртақларда ўғай оналар ҳамиша норози қилиб тасвирланган	Эртақларда камбағал кишилар бахтга эришган қилиб тасвирланади
Балл бой-бадавлат оқсуяк кишилар билан тўла бўлади	Эртақларда ўғай оналар ёмон киши сифатида тасвирланади	Сехргарлик ва ҳийла-найранглардан фойдаланиш – муаммони бошқа томонга буриб юборади
Аёллар баллга бой-бадавлат эркакларни учратиш учун боришган		Эртақларда камбағал кишилар ҳамиша яхши киши сифатида тасвирланган
Баллар маълум вақтларда фақат бир марта ташкил этилади		Эртақларда камбағал кишилар ҳамиша қурбон сифатида тасвирланган
<p>Мен нимани биладан ва мен нимани билиб олдим каби саволларга берилган жавобларга таянган ҳолда қуйидаги ҳолат дарҳақиқат катта муаммо эканлигига ишонч ҳосил қилдим:</p>		

Золушка камбагал.

Мана шу муаммонинг ўзи бошқа муаммоларни келтириб чиқаради

6.3-жадвал. Қарорларнинг тўғрилигини баҳолаш

Кўрсатма: Ўзингизнинг учта энг яхши ечимларингизни ўз мезонларингиз асосида 1 дан 10 бўлган баллар оралиғида баҳоланг.

Мезонларингиз орасидан штирихлаган ҳолда энг муҳимини кўрсатинг.

Унда бандлар ҳар бир эҳтимолий қарорларни ўз ичига олсин.

Энг катта сон (миқдор) – энг яхши вариант деб ҳисобламанг.

Ёдингизда тутинг, битта мезонни энг муҳим дея эътироф этдингиз.

Сиз қандай қарорни танладингиз ва нима учун?

Белгилаш мумкин бўлган мезонлар: қиймати, амалийлиги, реал мавжуд эканлиги, материал (хом-ашё, меҳнат ресурслари, давомийлик. Ўзингиз томондан белгиланган мезонларни бойитишингиз мумкин

Ечим	Мезонлар				Умумий кўрсаткич
	Узоқ	Давомли натижаларни тез ҳисоблаш	Самарали	Қизиқарли	
Кўп олтинга эга бўлиши	8	10	7	3	28
Меҳрибон фариштанинг барча муаммоларни	6	8	7	7	28

ҳал қилиши					
Ўзига ўзи ишона олиш	5	3	9	10	27

Мен ўйлайманки, қуйидаги ечим энг самарали саналади:

Золушка ўзига ўзи ишона олиши керак.

Модомики: *Менинг энг муҳим мезоним “ечимнинг қизиқарли бўлиши” дир, зеро, бу эртас.*

Мен ўйлайманки, Золушка ўзига ўзи ишона олиши керак.

У ўзига иш топа олиши учун ўзининг янги кўникмаларидан фойдалана олади

6.4-жадвал. Муммоларни ечиш жараёнини креатив баҳолаш

Ўқитувчининг баҳоси				
Мезонлар	Қониқарли	Яхши	Жуда яхши	Аъло
Ечим батафсил баён этилган				
Ечим батафсил ўйланган				
Ечим балки муаммони ҳал қилишга ёрдам беради				
Ечим жамоада муҳокама қилинган ва самарали				
Ўқитувчининг изоҳи:				

Талабанинг ўзига ўзи берган баҳоси				
Мезонлар	Қониқарли	Яхши	Жуда яхши	Аъло
Ечим батафсил баён этилган				
Ечим батафсил ўйланган				
Ечим балки муаммони ҳал қилишга ёрдам беради				
Ечим жамоада муҳокама қилинган ва самарали				
<p>Ечимни топиш ва лойиҳа устида ишлашда менга нима кўпроқ ёқди:</p> <p>Нимани бошқача талқин этишим мумкин эди:</p> <p>“Ортиқ даражада” нимани амалга оширишим мумкин эди:</p>				

6.5-жадвал. Стандарт ғояларига кўра самарали равишда ҳал этилган креатив муаммо

ДСУА (CCSS) ғояларининг очкичи ва далиллари	Креатив муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этиш
<p>Жавоблар учун асос сифатида матнда яққол далил қилиб кўрсатган ҳолда матн моҳиятини тушунганликни намоиш этиш учун сўранг ва саволларга жавоб қайтаринг (RL.3.1)</p> <p>Матн: “Рангпар ва баланд бўйли Сара” (MacLachlan, 1985)</p>	<p><i>Жейкобнинг нима учун турмуш ўртоғи йўқлиги муаммосини ҳал қилинг. Матнда берилган бу ҳақидаги фикрларнинг айнан келтирилиши (иҳтибос)ни таъминланг</i></p> <p>Натижа (маҳсулот): Андоза асосида ҳал этилган ва муҳокама қилинган муаммо</p>
<p>Матнда намоён бўлган ва унинг моҳиятидан келиб чиқадиган хулосани яққол ифодаловчи фикрларни аниқ кўрсатинг (RL.5.1)</p> <p>Матн: “Туман” шеъри (Sandburg, 1916)</p>	<p><i>Туманнинг ҳаракатланиш ҳолатини ифодалаган</i></p> <p>Натижа (маҳсулот): Андоза асосида ҳал этилган ва муҳокама қилинган муаммо</p>
<p>Ихтиёрий ўринда қўлланилган яхлит ўнлик сонлар моҳиятини англаш учун жойнинг аҳамиятини ифодаланг (5. NBT)</p>	<p><i>Сузи нима учун жойнинг аҳамиятини англаши кераклигини тушуна олмаяпт. У ўнлик саноқ сонларини қандай қўллаш кераклигини билади. Шундай экан, нима сабабдан у ўнлик сонларни қўллашнинг жой учун қандай аҳамиятга эга эканлигини билиши керак?</i></p> <p><i>Бу кимнинг муаммоси эканлигини ва уни қандай ҳал қилиш кераклигини аниқланг</i></p> <p>Натижа: Андоза асосида ҳал этилган муаммо</p>
<p>Сонлар ёки улар ўртасидаги муносабатни ифодаловчи тенгламани ҳосил қилинг. Микдорлар ўртасидаги</p>	<p><i>Жанис эрталаб алламаҳалгача ухлашни ёқтиради, унинг укаси эса эрталаб барвақт уйғонишни ёқтиради. Шу</i></p>

<p>муносабатни кўрсатиш учун икки ёки ундан ортиқ марта ўзгартириш мумкин бўлган тенгламани ҳосил қилинг; оғирликларни мувофиқлаштирувчи графикни кўрсатиш учун тенгликни ҳосил қилинг (HSA-CED.A.2)</p>	<p><i>сабабли ота-оналари уларни барвақт ҳам, унчалик кеч ҳам бўлмаган вақтда уйғотишади. Бу ҳолат муаммоларни келтириб чиқаради. Жаниснинг отаси – математик бўлганлиги сабабли у бу муаммони математик нуқтаи назардан – танаффуслар, кун тартиби ва тенгламалар асосида ечишга уринади. Воҳ! Бу эса муаммони янада чуқурлаштиради.</i></p> <p>Натижа: Андоза асосида ҳал этилиб, математик график кўринишда ифодаланган муаммо</p>
<p>Аниқловчини қўшган ҳолда матндан олинган ва мавҳум саволларни туғирадиган ғояларни худди хулосалар каби яққол ифодаловчи матн моҳиятини ошириш учун кучли ва тўлиқ далиллар келтиринг (RL.12.1)</p> <p>Матн: “Юнон қабридаги қасида” (қабр тош)га битилган Китсанинг сўзлари: “Гўзаллик – ҳақиқатда, ҳақиқатнинг гўзаллигида – барча моддийликнинг асоси мана шу” / Сиз билишингиз зарур бўлганларнигина биласиз”</p>	<p><i>Одамларга қабр тошида битилган фикрнинг моҳиятини англаш мумаммосини ҳал қилинг</i></p> <p>Натижа (маҳсулот): Андоза асосида ҳал этилган ва муҳокама қилинган муаммо</p>

Изоҳ: ДСУА (CCSS; Энг яхши методларга эга нубернаторлар Ассоциациясининг Миллий Маркази, Штат мактаб инспекторлари Бош кенгаши, 2010a, 2010b)


8-МАВЗУ: (4СОАТ МАЪРУЗА, 4СОАТ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ) ОТМ ТАЛАБАЛАРИДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИ ВА ИЖОДИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Режа:

- 1.Талабаларнинг креативлик сифатларини ривожлантирувчи технологиялар.
- 2.Талабаларда креативлик сифатларини самарали ривожлантиришга хизмат қиладиган технологиялар.

Талабаларда креативлик сифатларини ривожлантирувчи технологиялар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш мураккаб жараён саналади. Таълим жараёнини кузатиш, бевосита педагогик жараённи ташкил этиш жараёнида қуйидаги методлар⁴⁵ талабаларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш билан бирга педагогикларда касбий фаолиятни ташкил этишда намоён бўлувчи ижодий малакаларни мустаҳкамланишига хизмат қилади (10-расм):



10-расм. Шахс креативлигини ривожлантирувчи методлар

⁴⁵ Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 36-40-б.

Қуйида мазкур методларни қўллаш имконияти “Умумий педагогика назарияси ва амалиёти” фанининг негизидан жой олган “Педагогика тарихи”⁴⁶ бўлими бўйича мисолларни келтириш орқали очиб берилган (келтирилган мисоллар ўз моҳиятига кўра шахс креативлигини ривожлантиришга ёрдам беради:

1. Гуруҳлаштириш. Методни қўллашда талабалар ўқув материални мазмунан ёки унда фаол қўлланилаётган таянч тушунчалар асосида гуруҳларга ажратиб оладилар. Бу усул ўқув материалнинг кичик бўлагида илгари сурилган ғояларни пухта ўзлаштириб олиш асосида навбатдаги бўлак матни билан ишлашга асосланади. Гуруҳлаштиришда дастлабки бўлак ўқув материали моҳиятини чуқур англамай туриб, кейинги бўлак матни билан ишлашга йўл қўйилмайди. Зарурият бўлса, ҳар бир бўлак материали талабалар томонидан қайта-қайта ўрганилади. Гуруҳлаштириш режа тузиш усули учун дастлабки асос бўла олади.

Таълим жараёнида талабаларда гуруҳлаштириш методини қўллаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш учун гуруҳлар шакллантирилди.

Мисол учун: Маҳмуд Қошғарийнинг педагогик қарашларини ўрганишда яхлит ўқув материални қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

- а) Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асари ва унинг оммалаштириш тарихи;
- б) асарда билим олишнинг ижтимоий аҳамияти ва билимли кишиларнинг шахси ҳақидаги қарашларнинг ёритилиши;
- в) инсонийлик фазилатлари тўғрисидаги фикрлар асар моҳиятини очиб берувчи жиҳатлардан бири эканлиги;
- г) меҳмон ва унинг ижтимоий мавқеини асарда акс эттирилиши;
- д) асарда мол-мулк ва унга муносабат масалаларининг баён этилиши;
- ж) халқ мақолларининг асар моҳиятини очиб беришдаги ўрни

⁴⁶ Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.

2. Режа тузиш. Талабаларни ўзлаштириладиган мавзу бўйича режа тузишга ундаш ва дастлабки кўникмаларни ҳосил қилиш улар томонидан ўқув материали моҳиятини чуқур англадишига замин яратди. Бинобарин, бу ҳолатда тингланадиган (ўқитувчи ҳикояси) ёки ўқиладиган (дарслик, қўлланма, ёрдамчи адабиётлар, Интернет материаллар ва бошқалар) ўқув материални мантиқий равишда гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳга киритилган материалнинг туб мазмунини очиқ беришга хизмат қилувчи ибораларни ажратиш талабадан барқарор диққат, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлишни тақозо этади. Усулни қўллашда шиор бўлган талаб – режанинг ҳар бир банди учун белгиланадиган ибора ўзида ўқув материали муайян бўлагида илгари суриладиган фикр ва қарашлар ҳақидаги маълумотни режа билан танишадиган вақтдаёқ аниқ олиши зарур.

Таълим жараёнида талабаларда режа тузиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида бир қатор мавзулар бўйича режалар тузилди.

М.: Муҳаммад Содик Қошғарийнинг педагогик қарашларини ўрганиш чоғида талабалар томонидан режанинг қуйидаги тарзда тузилиши мақсадга мувофиқ:

- I. Муҳаммад Содик Қошғарий ва унинг “Одоб ас-солиҳин” асарининг умумий мазмуни.
- II. Рухсат сўраш ва саломлашиш қоидалари.
- III. Ухлаш шартлари ва кийиниш маданияти.
- IV. Суҳбатлашиш одоби. V. Эр-хотин муносабатлари мазмуни.
- VI. Бемор ҳолидан хабар олиш қоидалари.
- VII. Таъзия ва мусибат одоблари. VIII. Қабристонга бўлган муносабат.
- IX. Зиёфат ва меҳмондорчилик одоблари.
- X. Овқатланиш маданияти. XI. Сафар юриш одоби.
- XII. “Одоб ас-солиҳин” асарининг бугунги кундаги ижтимоий-маънавий аҳамияти

3. Таянч тушунчаларни аниқлаш. Ушбу методни қўллашда талабалар уларнинг эътиборларига ҳавола этилаётган ўқув материалида илгари сурилаётган фикрлар моҳиятини англаувчи асосий тушунчаларни ажратиб кўрсата олишлари лозим.

Талабаларнинг таянч тушунчаларни аниқлай олишлари уларни ўқув материали моҳиятини етарли даражада англай ёки ўзлаштира олганликларидан далолат беради. Таълим жараёнида талабаларда таянч тушунчаларни аниқлаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида бир қатор мавзулар бўйича таянч тушунчалар ажратилди.

Мисол учун: соҳибқирон Амир Темурнинг педагогик қарашларини ўрганиш чоғида талабаларнинг ўқув материали бўйича қуйидаги таянч тушунчаларнинг аниқлай олишлари уларнинг бу борада муайян кўникмаларга эга эканликларидан далолат беради:

Хўжайлғор қишлоғи (Кеш вилоятидаги), Кўрагон, “Темур тузуклари”, шариат, давлатни бошқариш, кенгаш ўтказиш, подшо ва вазирлар, ахлоқ-одоб, дўстлик, ширинсуханлик

4. Мавзу ичида кичик мавзуларни ҳосил қилиш. Ўқитувчи талабалар эътиборини ўрганилаётган ўқув материални мазмунига кўра мустақил кичик мавзуларга ажратишга қаратади. Бу усулни қўллашдан кўзланган асосий мақсад

– талабаларда берилётган ўқув ахборотлар орасидан энг муҳим фикрлар ёки қарашларни ажрата олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Бинобарин, бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларга энг муҳим ахборотларни узата олиш қобилиятига эга бўлишлари зарур. Бу ҳолат ўқувчиларни жисмонан толиқишдан сақлайди.

Таълим жараёнида талабаларда мавзу ичида кичик мавзуларни ҳосил қилиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида бир қатор мавзулар бўйича мавзу ичида кичик мавзулар ҳосил қилинди.

Мисол учун: Унсурул-Маолий Кайковуснинг педагогик қарашларини ўрганиш даврида талабаларни тахминан мавзу ичида қуйидаги кичик мавзуларни ҳосил қилишга ундаш мақсадга мувофиқдир:

- I. Унсурул-Маолий Кайковус ва “Қобуснома” асарининг педагогик фикрлар тараққиёти тарихидаги ўрни.
- II. “Қобуснома” асарида жувонмардлик рукнлари ва одоби тўғрисидаги қарашларнинг ёритилиши.
- III. “Қобуснома” асарида билим олишга бўлган муносабатнинг ифодаланиши.
- IV. Асарида турли касб эгалари ижтимоий мавқеининг баҳоланиши.
- V. “Қобуснома” асарида ахлоқ тарбияси асосларининг баён этилиши.
- VI. “Қобуснома” асарида ота-онанинг оиладаги ўрни масалаларининг таҳлил этилиши.
- VII. “Қобуснома” асарида дўст тутиш одобининг ёритилиши

- 4. Туркумлаштириш.** Педагогик билимларни муайян йўналишлар, жиҳатлар ёки муҳим белгиларига мувофиқ ажратиш уларнинг талабалар томонидан маълум тизим асосида ўзлаштирилишига имкон беради.

Таълим жараёнида талабаларда педагогик билимларни туркумлаштириш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида бир қатор мавзулар бўйича педагогик билимлар туркумлаштирилди.

М: туркумлаштириш усулидан фойдаланиш “Педагогика тарихи”дан Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари ўрганишда қуйидаги андозага мувофиқ қўлланилиши мумкин (4-жадвал):

4-жадвал. Алишер Навоийнинг инсоний сифатлархақидаги қарашлари

Инсоний сифатлар ҳақидаги қарашлар		
Маънавий- ахлоқий сифатлар	Салбий Сифатлар	Ўқитувчи ва унинг одоби

6. Қайта баён этиш. Ўрганилган мавзу моҳиятини ёритувчи таянч сўзлар ёрдамида ўқув материали мазмунини ўз фикрлари билан ифодалаш. Мисол учун Ян Амос Коменскийнинг педагогик қарашларини ўрганиш жараёнида қуйидаги таянч тушунчалар талабалар томонидан ўрганилган мавзу мазмунини қайта баён этилишига имкон беради:

1952 йил, “Угорский Брод” (Моравия), “Чех қардошлари”, “Тиллар ва ҳамма фанларнинг очик эшиги” (1631 йил), “Буюк дидактика” (1632 йил), “Пан софия” идеяси, “Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари” (1648 йил), дунёқараш, тарбия йўналишлари, ёш даврлари, дидактик тамойиллар, синф-дарс тизими, ахлоқий тарбия, ўқитувчи шахси

7. Схемалаштириш. Талабалар ўрганилган ўқув материали бўйича ўзлаштирган билимларини мавзу моҳиятини ёритувчи схема, жадвал ёки тасвирлар асосида намоиш этадилар.

Таълим жараёнида талабаларда схемалаштириш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш

асосида бир қатор мавзулар бўйича схемалар яратилди. Шунингдек, расм, шакл ва тасвирларнинг яратирилишига ҳам эришилди.

М: Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашларини ўрганиш чоғида талабаларнинг қуйидаги тарзда схемаларнинг ишлай олишлари кутилган мақсадга эришилганликни ифодалайди:



11-расм. Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашлари

8. Мавжуд тушунчаларни бойитиш. Мавзу бўйича ўзлаштирилган мавжуд тушунчаларга мазмунан яқин бўлган педагогик ёки психологик терминларни қўшиш. М: “Сўфийлик таълимотида етук инсон муаммосининг талқин этилиши” мавзусини ўрганиш чоғида ўқув материалнинг моҳиятини қуйидаги тушунчалар ёрдамида етарли даражада англаш мумкин:

Суннийлик, шиалик, тавҳид, сўфийлик, маънавий комиллик, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нақшбандия тариқати

Ушбу тушунчалар моҳиятини ўрганиш асосида талабалар кўшимча равишда комил инсон, комилликнинг ижтимоий аҳамияти, ижтимоий омилларнинг шахс камолотига таъсири каби тушунча ва ибораларни ҳам ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

9. Педагогик вазиятларни ҳал қилиш. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккур ва креативлик сифатларини шакллантиришда уларнинг турли педагогик вазиятлар ечимларини топиш лаёқатига эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидагича иш кўрилди:

- 1) талабалар турли мазмундаги педагогик вазиятлар билан таништирилди;
- 2) уларнинг тақдим этилган педагогик вазият юзасидан мушоҳада юритишларига имкон берилди;
- 3) муайян талабанинг педагогик вазиятларнинг ижобий ечимларини топиш борасидаги шахсий қарашлари тингланиб, аудиторияда педагогик вазият ечимининг қай даражада тўғри эканлигига баҳо берилди

Талабаларнинг педагогик вазиятлар ечимини топишларида Л.В.Занина ҳамда Н.П.Меньшикова⁴⁷ ларнинг ғояларига таянишлари тавсия этилди. Яъни, улар бу жараёнда:

- 1) дастлаб педагогик вазият ечимини топишга ёрдам берувчи бир неча фаразларни илгари суришлари;
- 2) ҳаракат йўналишлари, фаолият турлари, шунингдек, педагогик таъсир ёки тарбия методларини белгилашлари;
- 3) уларнинг натижавийлигини тахмин қилишлари;
- 4) ечимни топишга йўналтирилган фаолиятнинг бир неча вариантларини ишлаб чиқишлари;
- 5) самарали усулларни танлашлари;
- 6) мақбул ташкилий шаклларни белгилашлари мумкинлиги таъкидлаб ўтилди

⁴⁷ Занина Л.В., Меньшикова Н.Л. Основы педагогического мастерства /Учеб. пособие для студ. пед. вузов. – Ростов-на-Дону, Феникс, 2003. – 288 с.

Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришда бир қатор интерфаол методлардан фойдаланиш бу борада самарадорликка эришишга ёрдам беради.

Қуйидаги интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра шахсда вазиятга танқидий, ижодий ёндашиш, муаммони таҳлил қилиш, синтезлаш, тизимнинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликни топиш, мантиқий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилади. Қуйида улардан айримлари намуна сифатида келтирилади:

1. “АЖИЛ” (“Амалий жамоавий ижодий лойиҳалар”) стратегияси талабаларда ижодий фаолият малакаларини, жамоавий ижодий ишларни ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш, жамоавий ижодий лойиҳа (иш)ларнинг шакллари тўғрисидаги тушунчани ҳосил қилишга кўмаклашишга хизмат қилади. “Ажил” технологиясини ўқув жараёнида “Жамоавий ижодий ишни ташкил этиш” мавзусидаги суҳбат ёки “Мен – жамоавий иш ташкилотчисиман” номли блиц-ўйин ўтказилгандан сўнг қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Стратегияни қўллашда қуйидаги таҳлитда иш кўрилади:



2. “Ақлий ҳужум” стратегияси талабаларни мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига

хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Стратегия мавзу доирасида маълум карашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Машғулотда стратегияни қўллашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- 1) талабаларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиш;
- 2) талабаларнинг ҳар бир фикри рағбатлантирилиб борилади, фикрлар орасидан самаралиси танлаб олинади; фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг туғилишига олиб келади;
- 3) ҳар бир талаба ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин; фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди

Стратегия қўлланилганда талабаларнинг фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдириладиган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди (зеро, фикрлар баҳоланиб борилса, талабалар диққатларини шахсий фикрларни ҳимоя қилишга қаратади, оқибатда янги фикрлар илгари сурилмайди; методни қўллашдан қўзланган асосий мақсад талабаларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечишдир).

3. **“Балиқ скелети” график организатори (ГО)** талабаларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда талабаларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи талабаларни ГОни қўллаш шарти билан таништиради;
- 2) талабалар кичик гуруҳларга бириктирилади;
- 3) гуруҳлар топшириқларни бажаради;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

4. “Бумеранг” стратегияси. Технология талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ёдда сақлаш, сўзлаб бериш, фикрларни эркин баён этиш, қисқа вақт ичида кўп билимга эга бўлиш, ўқитувчи томонидан барча ўқувчилар фаолиятининг бирдек баҳоланиши учун шароит яратишга хизмат қилади. У ўқитувчига тарқатма материалларнинг ўқувчилар томонидан гуруҳли, индивидуал шаклда самарали ўзлаштирилишини, аудиторияда ташкил этиладиган суҳбатнинг мунозарага айланишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради. Бу технологиядан суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда индивидуал, жуфтлик, гуруҳли ва жамоавий шаклларда фойдаланиш мумкин.

5. “Венн диаграммаси” ГО талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш, тушунчаларни синтезлаш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади. Талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш самаралидир.

6. “Зинама-зина” стратегияси талабаларда ўрганилаётган мавзуни кичик мавзуларга ажратилган ҳолда расм, тасвир, жадвал ёки слайдлар асосида ўрганиш кўникмаларини шакллантиради. Шунингдек, у талабаларда мавзуни ўрганишга ижодий ёндашиш, шахсий фикр, ўзлаштирилган тушунчаларни тасвирий кўринишларда ифодалаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

7. **“Инсерт” ГО** янги мавзу бўйича талабаларнинг муайян тушунчаларга эғаликларини аниқлаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

8. **“Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”)** методи (ингл. “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У талабаларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизда муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

9. **“Кичик эссе” стратегияси** кичик ҳажмли, эркин баён усулига эга бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қилади. У талабалар томонидан ўрганилган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Кичик эссени яратишда талабалар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хулосаларни баён этиш имконига эга бўлади.


10. **“Кластер” ГО** (“Кластер” – ғунча, тўплам, боғлам) пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни талабалар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

11. “Концептуал жадвал” ГО талабаларни ўрганилаётган мавзу (масала, муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда талабаларнинг мавзу юзасидан мантикий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

12. “Мантикий чалкаш занжир” стратегияси тушунчалар, билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантикий жиҳатдан кетма-кетликда тўғри ифодалашга ёрдам беради. Унинг моҳиятига ўқитувчи мавзунинг ёритувчи маълумотларни тўғри ва нотўғри тартибда баён этади. Талабаларнинг вазифаси мантикий жиҳатдан нотўғри ифодаланган маълумотларни тўғри далилларга айлантириш, юзага келган мантикий чалкашликни тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетликда тўғри жойлаштирган ҳолда узилган занжирни “улаш”дан иборат.

Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришда турли дидактик, техник ва ахборот-коммуникацион воситалардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Ана шундай воситалардан бири Патти Дрепеау томонидан таклиф этилган “Креативлик харитаси”дир (12-расм):



6. Педагогик фаолиятни ташкил этишда ахборот технологиялари имкониятларидан ижодий фойдаланиш. Таълим жараёнида тобора фаол қўлланилаётган замонавий воситалардан бири – ахборот технологиялари саналади. Уларнинг техник, технологик имкониятлари таълим жараёнини қизиқарли, жонли, самарали ташкил этишда педагоглар учун ниҳоятда қўл келади. Бугунги кунда таълимда радио эшиттириш, телекўрсатувлар, фильмларни намойиш имкониятлари мавжуд. Улардан фойдаланиш ўқитиш сифатини яхшилайти, шахснинг креатив сифатлари, касбий малакаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ахборот технологиялари орасида компьютерларнинг алоҳида ўрни бор. Замонавий ўқитишда компьютер технологияси педагоглар учун энг яқин “ёрдамчи” бўлмоқда. Таълим жараёнида улардан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни юзага келтиради:

- 1) реал ишлаб чиқариш фаолиятига мос келувчи ҳажм, психологик ва мантиқий-таркибий тузилма моҳиятга кўра ўқув ахборотини тўла тақдим этилишини таъминлайди; 2) ўқув ахборотларининг тезкор янгиланишини инobatга олган ҳолда уларни тақдим этиш тезлигини зарур даражада бўлишига кўмаклашади; 3) ўқувчиларга бажарилаётган иш-ҳаракат ёки фаолият сифати ҳақидаги маълумотни беришда тезкорликни таъминлайди;
- 4) ишлаб чиқариш устасига ўқувчи фаолиятини назорат қилиш ва унга зарур ўринларда маслаҳат, йўналиш ҳамда кўрсатмалар бериш имкониятини яратади

Ахборот технологияларининг мослашувчанлик ва интерактивлик хусусиятига эгаллиги талабаларнинг ўзлаштириш даражасига боғлиқ ҳолда ўтилган мавзунини қайтариш, мавзу устида ишлашларни индивидуал темпда амалга ошириш, шунингдек, табиий мулоқотни имитациялаш, яъни, электрон дарслик матни билан талаба ўртасида мулоқот ўрнатиб, сўровнома, вербал, новербал, овоз ва б. ёрдамида ўқитувчи мавжудлигини ҳис этиш имкониятини яратади. Бу турдаги технологиялар ёрдамида мультимедиа маҳсулотлари, электрон альбом, электрон атлас, рақамли видео лавҳалар, виртуал стендлар, аудио ва видео визуал материаллар, шунингдек, презентациялар тайёрлаш имконияти мавжудки, улар таълим жараёнининг қизиқарли ташкил этилишини таъминлайди. Қолаверса, улар воситасида талабалар, педагогларнинг ҳиссий-

эстетик туйғулари шаклланади. Бу эса шахснинг креативлигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Қуйидаги ахборот, шу жумладан, компьютер технологияси ёрдамида педагог томонидан креатив ёндашув асосида тайёрланиб, таълим жараёнида самарали фойдаланиш мумкин бўлган ижод маҳсулотлари санаб ўтилади.

Мультимедиа – бир неча кўринишдаги: электрон шаклдаги график, матнли, рақамли, овозли, мусикали, видео, аудио, фотография, ҳаракатланувчи образлар (анимациялар) ва бошқа ахборотларни узатувчи компьютер технологиялари учун тааллуқли умумий тушунча

Электрон альбом – расмлар, суратлар, чизмалар ва бошқар график тасвирлар ҳамда уларнинг изоҳларини ўзида акс эттирувчи электрон шаклдаги тўплам

Электрон атлас (юн. “Atlas” – биринчи бўлиб, осмон глобусини яратган афсонавий Ливия подшосининг номидан) – муайян ўқув модули (ўқув фани) бўйича тавсия этилган ва ўзига хос график тасвирларга эга бўлиб, ўқув мақсадларига кўра фойдаланилади

Рақамли видео лавҳалар – ўқув модули (ўқув фани) бўйича билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган маълумотларни ўз ичига олган 3D ўлчамдаги замонавий ўқув манбаи

Виртуал стендлар – 1) реал объект, предмет, жараён, воқеа ва ходисаларнинг электрон модели; 2) матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва б. шаклдаги ахборот, жараён ҳамда виртуал муҳитларни яратиш, сақлаш, ишлов бериш, рақамлаштириш ва тизимли равишда амалга оширишни ифодаловчи компьютерли восита

Имитацион виртуал тренажёр (ингл. “train” – “тарбияламоқ”, ўқитмоқ”, “машқ қилдирмоқ”) – электрон шаклдаги ўқув-машқлантирувчи қурилма бўлиб, у ёрдамида меҳнат фаолиятининг реал шароити оделлаштирилади, муайян фаолият (м: машина (механизм)ни бошқариш, мураккаб станокда иш бажариш ёки ҳарбий техника сирларини ўзлаштириш) кўникмалари шакллантирилади, кўникмалар малакаларга айлантирилади ҳамда ҳосил бўлган малакалар такомиллаштирилади

Ахборот технологияларининг имконияти ва педагогларнинг касбий фаолиятларига ижодий ёндашишлари натижасида яратилган мультимедиа маҳсулотлари, аудио ва видео материаллар, хусусан, видео анимациялар ҳам таълим жараёнида фаол қўлланилади.

Мультимедиа маҳсулотлари – ўзида АКТнинг дастурий ва техник имкониятлари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация эффектлари асосида ўқув материални тингловчиларга етказиб берилишини мужассамлаштирган ишланма (маҳсулот)лар

Аудио ва видео визуал материаллар – ўқув ахборотларини компьютер технологияси ёрдамида овозли ва визуал шаклда қабул қилинишини таъминловчи материаллар

Видео анимациялар – чизилган (расм) ёки кичик ҳажмли образ (ҳажмий, кўғирчоқ ёки ўйинчоқли объект)ларни ҳаракатга келтириш ва бу ҳаракатнинг ҳар бир босқичини кетма-кет суратга олинганлигини ифодаловчи электрон тасвирлар

Презентация (такдимот; лот. “praesentatio” – такдим этиш) – муайян мавзу ёки муаммо бўйича ўқув (илмий, амалий) характердаги материалларнинг иш қоғозлари (оддий ёки ватман қоғозлар) ҳамда ахборот-коммуникацион воситалар (компьютер, проектор, процесор ва б. қурилмалар) ёрдамида такдим этилиши

Моҳиятига кўра ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган ва таълимий мақсадларда фойдаланиладиган ижод маҳсулотлар талабанинг билиш фаолиятини фаоллаштириши, унинг ўқув материални ўзлаштириш мақсадлари билан қуроллантириш, ўқув материални тушуниши ва ўзлаштиришини кучайтириш, фанлараро алоқани чуқурлаштириш имкониятига эга бўлиши лозим. Бунинг учун электрон шаклдаги ижод маҳсулотлари турли жараён ва ҳодисаларни тушунишни осонлаштиришга, тажрибаларни бажариш усуллари билан таништиришга, лаборатория жиҳозларида ишлашни енгиллаштиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

7. Талабаларнинг креатив фикрлаш кўникмаларига эгалиklarини баҳолаш. Креативлик ўқитувчининг ёндашуви ўқувчиларнинг қизиқишлари ва кўрсатган натижалари асосида баҳоланиши мумкин. Агар ўқувчиларга бирор бир адабий асар ёки ҳикоянинг охирини ўзгартириш вазифаси берилган бўлса, улар асар ёки ҳикоянинг мазмунини сақлаб қолган ҳолда, қанча ва қандай (оригинал) ғоя (вариант)лар ўйлаб топганига қараб баҳоланадилар.

2.3-жадвал креатив раволикни баҳолаш учун ишлаб чиқилган схемадир. Ўқувчиларга берилган вазифа берилган, асосий мазмунини сақлаб қолган

ҳолда, асар якунини ўзгартиришдан иборат эди. Вазифа ики қисмдан иборат бўлиб, биринчиси, “ақлий ҳужум” стратегияси ёрдамида асар якуни, яъни турли вариантларни ўйлаб топиш, иккинчиси эса, асарни кичик эссе шаклида ўқиб эшиттириш. Мазкур вазифада асосий урғу раволикка берилсада, мослашувчанлик кўникмаси элементлари (янги ғоялар ўйлаб топиш), ўзига хослик кўникмасининг (оригинал ғояларни бериш) элементлари ҳам мавжуд.

2.3-жадвал. Креатив ва эркин фикрлаш

кўникмасига эгалликни баҳолаш варақаси

Креатив раволикни кўникмасини баҳолаш формаси				
Асарнинг асосий мазмунини сақлаб қолган ҳолда, унинг якунини ўзгартириб, бир неча вариантлар келтиринг				
Кўникма	1	2	3	4
Мазмун	Асар ёки матнни англамаган	Асарнинг асосий қисмларини айтиб бера олади	Матн компонентларини англаган ва майда деталларгача айтиб бера олади	Матн тузилиши, мазмуни, интонация ва ундаги деталларни тўлиқ англаган
Раволик	Фақатгина 1 ёки 2 ғоя билан чекланган	Фақатгина 3 ёки 4 ғоя билан чекланган	5 ёки 6 ғоя билан чекланган	6 ва ундар кўп ғоялар келтирган
Оригинал матн ва янги ғоялар ўртасидаги боғлиқликла	Ғояларнинг кўпинантиқда ҳоли бўлиб,	Ғояларнинг баъзиси мантиқан боғлиқ бўлиб,	Ғоялар боғлиқ бўлиб, матннинг умумий маъносини	Ғояларнинг барчаси мантиқан боғлиқ бўлиб, матннинг

рни топинг	матн мазмунин и чиқариб бермаган	матннинг умумий маъносини чиқариб беради	чиқариб беради	умумий маъносини чиқариб беради
Изоҳли иншо (эссе) (натижа)	Иншо орфограф ик ва граммати к ҳатолар кўп бўлиб, фикрлар тартибсиз ёзилган	Иншо яхши ташқиллашти рилган бўлиб, фақатгина бир-икки грамматик ва орфографик хатолари мавжуд	Иншо грамматик ва орфографик хатоларсиз яхши ташқиллаш- тирилган	Иншо грамматик ва орфографик хатоларсиз яхши ташқиллаш- тирилган бўлиб, асл матнинг умумий маъноси ва мазмунини ёритиб берган

“Талабаларнинг креативлик кўникмаларига эгалиklarини баҳолашда муҳим омилларни инобатга олиш. Баҳолаш креативликни ўлдирадими? «Бу вазиятга боғлиқ» (Beghetto, 2005, 255 бет). Баҳолаш креативликни синфда ўқувчилар бажариши шарт бўлган мажбурий критерияга айлантириши мумкин (Kaufman, Plucker, & Baer, 2008). Бу турдаги баҳолаш нафақат ўқувчиларнинг эришган ютуқлари, балки уларнинг креатив фикрлаш тарзи ва янгиликларга интилишини янада чуқурроқ тушунишда ёрдам беради. Таълим жараёнида ўқув режасига креатив ўйинларни киритишнинг биргина ўзи етарли эмас. Баҳолаш ўқувчиларда метакогнитив, яъни фикрлаш тўғрисида фикрлаш кўникмасини шакллантириш учун керак. Агарда ўқувчилар фикрлаш, нима учун айнан шу ечимни танлаганликлари ва кўплаб ғояларни ўйлаб топишда қандай

стратегиядан фойдаланганликларини шарҳлай олсалар, демак бу метакогнитив фикрлаш деб аталади. Талабалар креатив фикрлаш ва инновацион усуллардан муаммоларнинг ечимини топишда фойдалансалар, демак улар метакогнитив фикрлаш стратегиясини амалда қўллаган бўладилар.

Ўқувчининг ишларини изоҳлаш. Шарҳ беришнинг асосий мақсади талабаларни руҳлантириш, киришимлилигини ошириш, талаба ва ўқитувчи ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш ва ютуқларга эришишда кўмаклашишдан иборат. Шарҳ шакллантирувчи, объектив ва специфик бўлсагина самара беради. Виллиамнинг (2011) фикрига кўра шарҳ ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқиш ва иштиёқни оширади, бошқа бир олимнинг олиб борган тадқиқотларига кўра “шарҳ” ўқувчилар ўқиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади (Hattie, 2009, 2012, 18-бет). Бирок, шуни айтиб ўтиш керакки баъзан ўқувчининг бажарган ишига қўйилган баҳо ўқитувчи томонидан берилган шарҳни инкор этиши мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар (Butler, 1988, Wiliam, 2011) натижасига кўра, бир гуруҳдаги талабаларга бажарган ишлари юзасидан берилган шарҳ (баҳосиз) натижасида кейинроқ улар ўз билим даражаларини оширганлар ва вазифаларни янада яхшироқ бажарганлар, аммо, иккинчи гуруҳдаги талабаларнинг бажарган вазифаларига берилган баҳо ва шарҳ натижасида, талабалар фақат берилган баҳо билан қизиққанлар, шарҳ эса эътибордан четда қолган. Асосий эътибор баҳога берилгани сабабли шарҳ кераксиз нарса бўлиб қолмоқда.

Шарҳни қачон ва қайси пайтда беришни билиш ҳам муҳимдир. “Агарда шарҳ тез берилган бўлса, ўқувчилар унга ўрганиб қоладилар ва муаммони мустақил ҳал қилиш ўрнига ҳамиша ўқитувчининг шарҳини кутади” (Bangert-Drowns, Kulik, Kulik, Morgan, 1991, Goodwin, Miller, 2012, 83-бет). Талабаларга янги материалларни ўзлаштириш жараёнида берилган шарҳ уларни нотўғри қарор қабул қилиш, маълумотларни нотўғри тушуниш ва нотўғри фикрга қилишини олдини олади. Ўқув жараёнида талабалар ўзлаштирган материаллари ва олган билимларини тажрибада тадбиқ этаётганларида шарҳ беришдан олдин уларга ўз ишларига ўзлари баҳо беришлари ва керак бўлса йўл қўйган

хатоларини тузатишга имкон бериш зарур. Ўз-ўзига баҳо бериш (айнан хатолари устида ишлаш) стратегияси талабаларда метакогнитив фикрлаш доирасини кенгайтириб, фикрлаш тўғрисида фикрлашга ҳам даъват этади. Ўз-ўзига баҳо бериш (хатолари устида ишлаш)да талабалар нафақат кўникма, балки вақтни ҳам инобатга олишилари зарур. Бундай стратегияни қўллашда ўқитувчининг асосий вазифаси талабаларни йўналтирадиган саволлар беришдан иборат, масалан, “Қандай усуллардан фойдаландингиз?”, “Вақтингизни янада мазмунли ўтказишнинг қандай йўллари биласиз? ва ҳ.к.

Керакли пайтда шарҳ бериш ўқитувчининг вақтини тежайди. Фишер ва Фрейнинг (2012) фикрига кўра, *хатоларни* эмас, балки *янглишишларни* олдини олиш керак, чунки ҳатони тузатиш мумкин; у ўқувчининг билим даражаси пастлигини акс эттирмайди. Бироқ, янглишиш бошқа омил бўлиб, у ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Фишер ва Фрей янглишишни тўрт турга ажратишган:

- *Амалий янглишиш* талабанинг билим даражаси пастлиги ёки фикрлаш доираси торлигини акс эттиради.
- *Методик янглишиш* талабалар ўзлаштирган билимларини амалда қўллай олмаслиги натижасида юзага келади.
- Ўзлаштирилган билимларни турли вазиятларда *янглиш қўллаш*.
- Нотўғри, ёлғон маълумот асосида *янглиш фикрларни* шакллантириш.

Креативлик ва мазмуннинг бевосита боғлиқлиги. Мазмун ва креативлик ўртасида рамзий боғлиқлик мавжуддир: мазмун бўлмаса креативлик ҳам шаклланмайди, яъни креатив бўлиш ёки креатив фикрлаш учун саба бўлиши керак. Талабаларнинг бажарган ишлари ёки саволларга бераётган жавобларини баҳолаш жараёнида ўқитувчи улар янглишиш ёки ҳатога йўл қўяётгалиklarини аниқлаши зарур. Талаба мазмун жиҳатдан етарли билимларга эгами? Ўзлаштирган билимларини амалда қўллай оляптими? Креатив фикрлашда кўпроқ тажрибага муҳтожми?

Ўқув жараёнида креатив мақсадларни белгилаш. Виггинс (Wiggins, 2012, 11-бет) шарҳга “олдимизга қўйган мақсадларимизга эририш йўлида бажарган

амалларимиз ҳақидаги маълумот” дея изоҳ беради. Самарали шарҳ бериш учун талабаларнинг мақсади, унга эришишда бажарган ҳатти-ҳаракатлари бўлишини талаб этади. Агарда талабаларнинг мақсади бўлса, шарҳ беришдан маъно топса бўлади, акс ҳолда бу шунчаки “нима қилиши зарурлиги ҳақидаги” маълумот бўлиб қолади (Brookhart, 2012, 24-бет).

Креатив ўқув жараёнида талабаларнинг мақсади “улар билиши зарур бўлган ва қила олиши мумкин бўлган вазифанинг ифодаси”дир (Marzano, 2009, 13-бет) ва у мазмун, фикрлаш жараёни ва натижа (маҳсулот)га асосланиши зарур”⁴⁸.

Америкали педагог Патти Дрепеау талабаларда креативлик кўникмаларини шаклландириш ҳамда ривожландириш даражасини баҳолашга доир самарали методикани ишлаб чиққан. Қуйида муаллимнинг бу борадаги методикасининг моҳияти тўлақонли акс эттирилган жадваллар келтирилади⁴⁹.

7.1-жадвал. Мақсадга эришишдаги креативлик

Андоза	Мақсад	Мос келувчи андоза	Мақсад
Ҳар бир медиа предмет тасвири (м: сўзларнинг таъсирчанлигини кучайтирадиган нутқнинг ифодаланиши)ни матннинг аудио, видео ёки мультимедия вариантларини	Моҳияти: матн ва ОАВ материаллари; ахборотларнинг тасвирий (образли) ифодаси	Матн моҳиятига мос келувчи аудио, видео	Содержание: текст и конструкция СМИ; подчиненное изображение
	Фикрлаш жараёни: таққосланг ва кескин фарқларни топинг; таҳлил қилинг	материалларни ёки бир нечта ОАВда эълон қилиш мумкин бўлган тасвир	Фикрлаш жараёни: яратинг; таҳлил қилинг

⁴⁸ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – 142-144-бетлар.

⁴⁹ Ўша асар. – 150-171-бетлар.

Ўзаро солиштиринг ва таққосланг (RI.7.7)	Натижа (маҳсулот): ҳисобот	(образ)ларни яратинг	Натижа (маҳсулот): ОАВда материални ёритиш
Нутқдаги йўл қўйилган хатоларни аниқланг, қўшимчалар киритинг ёки умумий мазмунга таъсир этмайдиган кераксиз сўзларни олиб ташланг, яъни муаммо моҳиятини очиб беришда визуал моделлар ва тенгламалардан фойдаланинг (4.NF.B.3d)	Мазмун: Қўшимчалар киритинг/нутқнинг кераксиз, ҳеч қандай маъно бермайдиган қисмларини олиб ташланг, визуал моделлар ва тенгламалардан фойдаланинг	Қўшимчалар киритиш ёки умумий мазмунга таъсир этмайдиган кераксиз сўзларни олиб ташлаш, муаммо моҳиятини очиб беришда визуал моделлар ва тенгламалардан фойдаланиш	Мазмун: Қўшимчалар киритинг/нутқнинг кераксиз, ҳеч қандай маъно бермайдиган қисмларини олиб ташланг, визуал моделлар ва тенгламалардан фойдаланинг
	Фикрлаш жараёни: ечим	тенгламалардан фойдаланиш	Фикрлаш жараёни: яратиш
	Натижа (маҳсулот): Иш қоғози	билан боғлиқ муаммоларини яратинг	Натижа (маҳсулот): креатив ишланма

Изоҳ. CCSS; Энг яхши методларга эга губернаторлар Ассоциациясининг Миллий Маркази, Штат мактаб инспекторлари Бош кенгаши, 2010а, 2010б.

7.2-жадвал. Креатив фикрлаш ва жараёнларни баҳолаш варақасининг кичик шакли (намуна)

Фикрлашда креатив кўникма ёки жараённинг намоён бўлиши	1 У қадар ёркин эмас	2 Бир қадар ёркин	3 Етарли даражада ёркин	4 Жуда ёркин
Тезкорлик	Битта фикр ёки креативликка мувофиқ келадиган фикр мавжуд эмас	Бир нечта креативликк а мувофиқ фикр мавжуд	Айрим фикрларни қўллаб- қувватлаш мумкин	Кўплаб фикрларни қўллаб- қувватлаш мумкин
Ўзгарувчанл ик	Бир ёки икки турли кўринишдаги ғоялар ёки ўзгаришлар	Жуда оз ғоя ва ўзгаришлар бир-биридан фарқ қилади	Айрим ғоя ва ўзгаришлар бир-биридан фарқ қилади	Кўплаб ғоя ва ўзгаришлар бир-биридан фарқ қилади
Янги фикрларнинг мавжудлиги	Ўзгаларнинг ғоялари бошқа талқинда қўлланилган	Ўзига хос ғоялар жуда оз	Айрим ғоялар ўзига хос	Жуда ноёб ёки ўзига хос ғоялар мавжуд
Тадқиқ этиш	Тавсиф жуда оз	Айрим деталлар ва далиллар очиб берилган	Деталлар етарлича тавсифланганл иги сабабли уларни чуқур тушунишга имкон беради	Фавқулотда тадқиқ этилган; дарҳақиқат умумий картинани безайди
Янгилик	Оддий ғояларнинг	Бир неча новаторлик	Янги ва мос келувчи	Янги, қўллаб-

	баён этилишидаги режалаштириш ва ташқиллаштири шда қийинчиликлар мавжудлиги сабабли, ундан фойдаланиш мумкин эмас	ғояларини режалаштир иш ва улар асосида фаолиятни ташқил этишга имкон берувчи тузилма қўлланилган; ундан амалда фойдаланиш мумкин	новаторлик ғояларини режалаштириш ва улар асосида фаолиятни ташқил этишга имкон берувчи тузилма қўлланилган; ундан амалда фойдаланиш мумкин	қувватлаш мумкин бўлган, янада самарали ва амалий қийматга эга новаторлик ғояларини режалаштир иш ва улар асосида фаолиятни ташқил этишга имкон берувчи тузилма қўлланилган; ундан амалда фойдаланиш мумкин
Креатив муаммонинг жараёни ҳал қила олиши	Жараёни ҳал қилувчи креатив муаммо қўлланилмаган	Жараёни ҳал қилувчи, бирок, айрим камчиликлар га эга муаммо ёки самарали	Жараёни ҳал қилувчи креатив фикрлаш унсурлари қўлланилган ёки креатив фикрлаш	Мураккаб, ўзига хос бўлмаган ечимга олиб келувчи жараёни ҳал қилишга ёрдам

		бўлмаган қарашлар қўлланилган	тўла намоён бўлади	берадиган креатив муаммо қўлланилган
--	--	-------------------------------------	-----------------------	---

7.3-жадвал. Фаоллик ва креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга асосланган стандарт

самарадорлигини баҳоловчи варақа намунаси

(Sarah, Plain and Tall; MacLachlan, 1985)

Креатив фикрлаш кўникмалари	У қадар кўзга ташланмайди	Бир қадар янги	Жуда яхши	Мутлақо янги
<i>Эркин фикрлаш</i> Талабалар кичик гуруҳларда Саранинг она бўлишида асосий омилларни ақлий хужум стратегияси ёрдамида таҳлил қиладилар. Ўз қарашлари ва фикрларини ҳимоя қилиш учун асарнинг керакли қисмларига иқтибос беришлари ва уларни график органайзер кўринишида тақдим	0 ёки фақат 1 вазият кўрсатилган; Хулосалар мантиқий боғлиқликка эга эмас.	2–3 вазиятлар кўрсатилган бўлиб, улар мантиқий, бироқ ҳеч қандай боғлиқликка эга эмас.	4–5 вазиятлар кўрсатилган бўлиб, улар мантиқий боғлиқликка эга.	6 ва ундан кўп вазиятлар кўрсатилган бўлиб, ғаройиб ва мантиқий ғоялардан иборат.

этишлари лозим.				
<i>Мослашувчанлик</i> Кичик гуруҳларда талабалар агарда Сара ёмон она бўлганида воқеалар ривожига қандай тус олишини муҳокама қиладилар. Муҳокама жараёнида фикрлар асарга иқтибос бериш асосида баён этилиши керак	0 ёки фақат 1 оқибат кўрсатилган; сабаб ва оқибат омиллари тақдим этилмаган	2-3 оқибат кўрсатилган; сабаб ва оқибат омиллари тақдим этилган	4-5 оқибат кўрсатилган бўлиб, улар мантиқий боғлиқликка эга	6 ва ундан кўп оқибат кўрсатилган бўлиб, улар оригинал ва мантиқий боғлиқликка эга
<i>Ўзига хослик</i> Кичик гуруҳларда талабалар мантиқий хотин қидири йўлларини тақлиф этадилар. Бу тақлифлар воқеалар ривожига қандай таъсир этади?	1-2 ғоя, улардан бири асар мазмунига мос эмас	3-4 ғоя, уларнинг бари асарнинг мазмунидан келиб чиққан	5 ғоя, бири энг асосийси бўлиб, қолганлари мазмунан бир-бирига боғлиқ	6 ва ундан кўп ғоя, улардан иккитаси оригинал бўлиб, қолганлари мазмунан бир-бирига боғлиқ
<i>Яратилиш</i> Сара ҳеч қачон турмушга чиқмаган ва фарзандли бўлмаган; Сара ҳеч	0 ёки фақат 1 омил келтирилган, у ҳам бўлса мантиқсиз ва	2-3 омиллар келтирилган бўлиб, улар асар мазмунидан	4-5 омиллар келтирилган бўлиб, улар мантиқий ва асар	6 ва ундан кўп омиллар келтирилган бўлиб, улар оригинал

<p>качон турмушга чиқмаган ва болалари ҳам бўлмаган. Кичик гуруҳлардаги талабалар Саранинг бола асраб олиши сабаби, нима учун у қийинчиликларга дуч келишини билсада, бундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олишга қарор қилганлигини таҳлил қиладилар ва ёзма равишда баён топширади. Фикрларини тасдиқлаш учун талабалар асардаги керакли матнга иқтибос беради</p>	<p>асар мазмунидан келиб чиқмаган</p>	<p>келиб чиққан</p>	<p>мазмунидан келиб чиққан</p>	<p>Ҳождардан иборат ва ва асар мазмунидан келиб чиққан</p>
--	---	-------------------------	--	--

7.4-жадвал. Креатив ва инновацион характердаги дарслар самарадорлигини баҳолаш варақаси (намуна)

Дарс унсурлари*	Янгилик у кадар кўзга ташланмайди	Бир кадар янги	Жуда яхши	Мутлако янги
Таълим эҳтиёжларини матнли қайд этиш (ихтибос)лар асосида тавсифланг	1-2-тасодифий таълимий эҳтиёжлар; матнли қайд этиш (ихтибос)лар ўринли берилган	3-4-умумий таълимий эҳтиёжлар; матнли қайд этиш (ихтибос)лар ўринли берилган	5-эҳтиёж: таълимий эҳтиёжлар; айримлар кенг тарқалган, айримлари шак-шубҳасиз янги; матнли қайд этиш (ихтибос)лар ўринли берилган	6 ёки ундан ортиқ таълимий эҳтиёжлар: айримлар кенг тарқалган; кам деганда 1 та ёки 2 таси ноёб ёки жуда ҳам ғайри оддий; матнли қайд этиш (ихтибос)лар ўринли берилган
Инновацион жараён	Босқичлар мавжуд эмас ёки улар у кадар аниқ ифодаланмаган	Кўп ҳолатларда босқичлар ифодаланган; креатив фикрлаш	Босқичлар тўлиқ ёритилган; айрим ўринларда	Босқичлар батафсил ёритилган; креатив қарашлар

	; креатив фикрлаш мавжудлигини асослаб бўлмайди	мавжудлигини асослаш мумкин	креатив қарашлар мавжудлигин и асослаш имконияти мавжуд	мавжудлигин и ҳар томонлама асослаш имконияти мавжуд
Инновацион восита	Тузилма мустаҳкам эмас; мақсад аниқ ифодаланмаган	Тузилмани мустаҳкамлашг а ҳаракат қилинган, бироқ, у ишончли эмас; мақсад тасодифий белгиланган бўлса-да, кенг оммалашган	Тузилма мустаҳкам; дизайн одий; мақсад инновацион характерга эга	Тузилма мураккаб ва ҳар томонлама асосланган; мураккаб мақсад белгиланган ва у бевосита инновацион характерга эга

***5.3-жадвалга қаранг**

7.5-жадвал. Инновацион жараённи баҳолаш варақаси (намуна)

Жараён ва натижа (маҳсулот)	Янгилик у қадар кўзга ташланмайди	Бир қадар янги	Жуда яхши	Мутлақо янги
5 та босқичда ифодалаш	Тўлиқ бўлмаган 5 босқич	Тўлиқ 5 босқич: Асосий	Тўлиқ 5 босқич: танқидий ва	Тўлиқ 5 босқич: Батафсил жавоблар

		жавобларни танқидий ва креатив фикрлар ташкил этади	креатив фикрлар мавжудлигини ифодаловчи далилларга эга батафсил жавоблар	вазифанинг моҳиятига тўлиқ кириб борилганлигини намойиш этади; ҳар томонлама танқидий ёндашилганлик ва креатив қарашлар мавжуд
Инновацион дизайн	Ҳеч бир янгилик мавжуд эмас	Инновацион ёндашув мавжуд, бироқ, у у қадар самарали эмас; инновацион ёндашувнинг айрим кўринишлари намоён	Айрим кўринишлар инновацион характерга эга	Жуда батафсил, яққол инновацион характерга эга

**7.6-жадвал. Талабаларда эркин фикрлаш
кўникмаси сифатини аниқлаш формаси**

Элементлар	Сифат	Баҳо (1-5)	Кейинги гал
Моҳияти: ўнлик сонлар чегараларини ифодалаш	Ғоялар – аниқ тасаввурлар Мантиқий ғоялар Тезкор ғоялар	3	<i>Мен шилмаслигим ва мазмун тўғрисида синчиковлик билан ўйлашим зарур. Мен ўз жавобларимни уларни тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун қайта кўриб чиқишим зарур</i>
Фикрлаш жараёни: кўплаб ғояларнинг теғкор туғилиши	6 тадан кўпроқ ғоялар	5	<i>Мен ташкил этган суҳбат, менинг назаримда, зерикарли бўлиб, кенг қамров касб этмади</i>
Фикрлаш жараёни: ноодатий бўлмаган ғоялар	Ғояларнинг ноодатийлиги	4	
Натижа: ғоялар рўйхати	Осон ўқилиши	5	

7.7-жадвал. Талабаларда оригинал фикрлаш кўникмасининг сифат даражасини аниқлаш варақаси

Элементлар	Сифат	Баҳо (1-5)	Кейинги гал
Моҳияти: ахборот берувчи суҳбат	Мазмунга эга Ахборотнинг моҳиятини ёритади Мавзунинг бўлимлари ҳақида аниқ маълумот беради	5	
Фикрлаш жараёни	Ўзига хос ва кенг қамровли Тасаввур кенг Юмор туйғуси акс этади	3	<i>Мен ташкил этган суҳбат, менинг назаримда, зерикарли бўлиб, кенг қамров касб этмади</i>
Натижа: суҳбатни олиб бориш кўникмаларига эгалик	Суҳбат тўғри ташкил этилган Суҳбат грамматик жиҳатдан тўғри Мутахассис ўқитувчини ёллаш учун асослар етарли	5	
Мустақил ишлаш	Индивидуал равишда	5	

	ишлаш давом эттирилади		
	Ишлаш жараёнида вақт эътиборга олинади		

7.8-жадвал. Креатив характердаги ўқув топшириқларини бажаришда қўлланиладиган метод ва технологиялар

Оғзаки	Ёзма	Виртуал	Кинестик	Асосий технологиялар
Нутқ/тақдимот	Танқид	Мультфильм	Карталар	Электрон
Диалог	Умумий хулоса	График	билан ўйинлар	ўйинлар
Даср	Сценарий	органайзер	Шарада	Электрон
Қўшиқ	Эссе	Плакат	Демонтсрация	далага саёҳат
Хабарлар	Кундалик	Схема	Музей	Кроссворд
Изоҳ	Мактуб	Китоб	Кўргазма	Газета ва журнал
Дискуссия	Журнал	Брошюра	Эксперимент	суратлари учун альбом
Интервью	Кичик ҳикоя	Каталог	Қўғирчоқлар шоуси	
Савол-жавоб	Афсона ва миф	назорат қоғози	Ихтиро	Электрон муқова
Дебат	Нашр этиш	Чизмалар	3D	машинкаси
Оғзаки хулоса	Шеър	Йўналиш	кўринишидаши	Facebook
Ҳикоя қилиш	Анкета	ҳаритаси	китоб	саҳифаси
Латифа айтиш	Режа	Иллюстрация		PowerPoint
		Реклама		тақдимоти
		Фото эссе		Анимация
		Имзоланган		Мультимедик

		расм Харита Девор расм		плакат
--	--	------------------------------	--	--------

7.9-жадвал. Талабанинг ўз-ўзини баҳолаш варақаси (намуна)

<p>Вазифа: <i>Винн-Дикси (Winn-Dixie)</i> тасвирини ёритишга ёрдам берувчи фикрлар тизимини шакллантиринг. Жамоа ёрдамида Винн-Диксини тасвирлаш учун бошқалар қўллаган фикрлар тизимини муҳокама қилинг. Жамоадошларингиз томонидан Винн-Диксини тасвирлашда қўлланилган, бироқ, асар воқелигини ёритишда у қадар аҳамият касб этмайдиган фикрларни умумлаштиринг. Жамоадошингиз томонидан баён этилган Винн-Дикси тасвирини тўлдирувчи резюмени ёзинг</p>				
Вазифа	Айрим жиҳатлар унутилган	Вазифа бир қадар бажарилган	Вазифа талаб даражасидан бажарилган	Вазифа Тўлақонли бажарилган
Стандарт: қандай далиллар мавжуд?			Мен матн бўйича далилларни асосладим	
Мазмун: мавзунини тушунганингизни қандай исботлайсиз?			Мен Опални тавсифловчи	

			<p>фикрларни баён этдим; воқеликни кайта ҳикоя қилдим</p>	
<p>Креатив фикрлаш жараёни:</p> <p>Креатив фикрлаганлигини и қандай исботлайсиз?</p>				<p>Шахсий ва жамоадошим фикрларини ўзаро таққослаш орқали Опални тавсифладим</p>
<p>Натижа: натижа барча талабларни қаноатлантирганлиги ни қандай иботлайсиз?</p>				<p>Резюмеимда тасвирланган воқеликда жамоадошимни нг аҳамиятли фикрлари ҳам акс этди, қўшимча фикрлар айтилмаса-да, умумий хулоса қизиқарли бўлди</p>

7.10-жадвал. Талабаларнинг креатив ишларини таҳлил қилиш намунаси

Талабанинг исми: Салли Сойер	Сана: 12 декабрь 2012 йил
<p>Вазифа: <i>Винн-Дикси (Winn-Dixie)</i> тасвирини ёритишга ёрдам берувчи фикрлар тизимини шакллантиринг. Жамоа ёрдамида Винн-Диксини тасвирлаш учун бошқалар қўллаган фикрлар тизимини муҳокама қилинг. Жамоадошларингиз томонидан Винн-Диксини тасвирлашда қўлланилган, бироқ, асар воқелигини ёритишда у қадар аҳамият касб этмайдиган фикрларни умумлаштиринг. Жамоадошингиз томонидан баён этилган Винн-Дикси тасвирини тўлдирувчи резюмени ёзинг</p>	
<p>Талабанинг мулоҳазаси</p>	
<p>Дарс мақсадига эътибор қаратар эканман, менинг имкониятларим ...да кўринди</p>	<p>Опални тасвирлаш ҳамда жамоадошимнинг Опал тўғрисидаги қарашларини бойитишда муҳокама жараёнида кўплаб қизиқарли фикрлар билдирдим</p>
<p>Дарс мақсадига эътибор қаратар эканман, мен ... ни ўқидим</p>	<p>Мен характернинг шаклланишига кўпроқ эътибор қаратдим. Шунингдек, мен ҳар бир шахс характери муайян шароит асосида шаклланганлигига, ҳар шахс томонидан малга оширилаётган ҳаракатларнинг муайян усулларга таянишига эътиборни қартдим</p>
<p>Менга дарснинг ... қисми ёқади</p>	<p>Менга дарсда жамоадошимнинг Опални тасвирлаш учун креатив фикрларни билдирилган қисми ёқди</p>
<p>Кейинги гал мен ... устида ишлашим</p>	<p>Мен воқеликнинг баён этилишида</p>

зарур	қўлланилмаган, бироқ, унинг ривожланишида аҳамиятли бўлган фикрлар тизимни самарали шакллантира олиш устида ошлашим зарур
-------	---

Ўқитувчининг шарҳи

Дарс мақсадига эътибор қаратишда, менинг фикримча, Сизнинг имкониятларининг ...да акс этиши зарур

Brainstorming — I agree with you! You are a very good brainstormer; you often come up with many interesting words

Дарс мақсадига эътибор қаратишда, кейинги гал Сизнинг ...ни инобатга олишингизга ишонаман

I agree you should think really hard about what you read so you can come up with inferential ideas about your reading, not just the words that are literally on the page.

I also think you might watch how you structure your paragraphs. For example, in the

second paragraph, the third sentence is on a different topic, so it should be in a different paragraph. Remember to have one main idea in each paragraph

7.11-жадвал. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги қайтар алоқани таъминловчи андоза

Қайтар алоқани таъминлашдан кўзланган мақсад:

Сиз қуйидагиларда ўринларда: ... ўқув фаолиятини тўғри ташкил этдингиз

Мен ўқув фаолиятини ташкил этишда қуйидаги ўринларда айрим муаммоларга дуч келишингизни англадим

Мен кейинги дарсларда қуйидаги ўринларда: ... диққатингизни жамлай олишингизда ёрдам беришни хоҳлайман

Ўқув фаолиятингизни мустақил бошқариш юзасидан Сизга бир неча кўрсатма:

1.

2.

3.

...

Топшириқларни бажариш учун вақт

Талабанинг мустақиллик даражаси

Зарур педагогик шарт-шароитлар

7.12-жадвал. “Хатоларимни топинг” формуласи

Вазифа: узунлик, майдон юзаси ва хажмини ўлчашга, соҳада йўл қўйилган хатоларни аниқлашга доир 10 та математик топшириқни бажариш	Хатолар: 3 та Хато: 1 та
“Хатоларимни топинг”	
Хато: ҳисоблаш бўйича муаммо	Кўпайтиришдаги хато
Хато: майдон юзасини ҳисоблашга оид муаммо	Кўпайтиришдаги хато
Хато: майдон ҳажмини ҳисоблашга оид муаммо	Ўлчашда йўл қўйилган хато
Хато	Фикрни баён этишда йўл қўйилган хато

7.13-жадвал. Ўқитувчиларнинг креатив потенциалини баҳоловчи мезонлар

Креатив потенциал	Мутлақо намоён бўлмайди	Бир қадар намоён бўлади	Яққол намоён бўлади
Дарсларда ўзимнинг креатив потенциалимдан келиб чиққан ҳолда гапираман			
Дарснинг қайси қисмида саволларга тўла креатив ёндашган ҳолда жавоб берганлигимни кўрсата оламан			

Ўз креатив потенциалимни оширишга ёрдам берадиган усуллар айта оламан			
Креатив потенциал ҳақидаги қарашларимни ва уларнинг дарсларда билдираётган фикрларимда қанчалик акс этишини баён эта оламан			
Дарслардаги қайтарган креатив характердаги жавобларим билан бундай характер касб этмаган жавобларим ўртасидаги яқинлик ва фарқларни кўрсата оламан			
Дарсларда креатив потенциалимни кучайтиришга ёрдам берадиган турли методларни қўллаш оламан			
Агарда ҳеч қандай креатив ўйлай олмасам, у ҳолда менга қандай ёрдам зарур эканлигини биламан			
Креатив потенциалимдан оқилона фойдалана оламан			
Қачон ва қаерда креатив потенциал қанчалик зарур эканлигини яхши англайман			
Гуруҳ билан қандай ҳолатларда креатив ёндашган ҳолда ишлаш самарали эканлигини яхши биламан			
Креатив потенциал менга ахборотлар моҳиятини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради			

Хулоса қилиб айтганда, педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш икки томонлама аҳамиятга эга. Биринчидан, улар ўзларидаги мавжуд креативлик сифатлари, уларнинг даражаси борасида аниқ тасаввурга эга бўлади, иккинчидан, улар томонидан ташкил этилаётган таълим жараёнининг сифати ҳамда самарадорлиги хусусида бир тўхтамга келиш мумкин. Шунингдек, креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш орқали педагогларнинг бу борадаги фаолиятлари йўналишларини белгилаш имконияти юзага келади. Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантириш муайян босқичларда кечади. Мазкур босқичларнинг ҳар бирида креативлик сифатларини ривожлантирувчи метод, восита ва технологияларининг мақсадли, изчил қўлланилиши, шунингдек, педагогик фаолиятни ташкил этишда ахборот технологиялари имкониятларидан ижодий фойдаланиш ўқитиш сифатининг яхшиланиши, самарадорлигининг ошиши учун қўлай шароитни яратади.

Назорат саволлари:

1. Педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини қандай метод ва воситалар ёрдамида аниқлаш мумкин?
2. Педагогларда креативлик сифатларнинг ривожланиши қандай босқичларда кечади?
3. Қандай методни педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади?
4. Патти Драпеау томонидан талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган қандай восита таклиф этилган?
5. Педагогик фаолиятни ташкил этишда ахборот технологиялари ёрдамида қандай ижодий маҳсулотларни яратиш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 203.

3. Одарённые дети (Пер. с англ.). – М.: Прогресс, 1991. – С. 177-178.

4. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.

5. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.

9-МАВЗУ: (2СОАТ МАЪРУЗА, 2СОАТ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ) БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА КРЕАТИВ ЁНДОШИШ

Режа:

1. Бошқарув фаолиятни креатив ёндашув асосида ташкил этиш.

2. Талабалар томонидан бошқарув фаолиятни креатив ёндашув асосида ташкил этилишини таъминловчи инновацион характердаги омиллар.

Таянч тушунчалар: матн, визуаллик, матннинг визуаллик хусусияти, ўқув топшириқлари, ўқув топшириқларининг турлари, иш қоғозлари, кейс, даражали тест, аудиторияни жиҳозлаш.

Маъруза машғулоти учун мўлжалланган матннинг визуал хусусият касб этиши. Шахсда креативликни шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар фақатгина кўнгилочар характердаги топшириқ, машқ ёки вазифалардан иборат бўлиб қолиши керак эмас. Балки, талабаларга бериладиган барча топшириқ, машқ ва вазифалар мавжуд давлат таълим стандартларга мос келиши, талабаларга билим, кўникма ва малакаларини тўлақонли намоёниш қила олиш имкониятини яратиши зарур. Машғулотлар жараёнида ўқитувчилар талабаларни аста-секин масъулиятдан озод қилиш орқали мустақил таълим олишга рағбат билдирадиган шахс бўлишларига эриша олишлари лозим (Фишер, Фрей, 2008 й.)⁵⁰.

Педагогнинг креативлиги ривожлантиришда унинг маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари учун ўқув топшириқларини ишлаб чиқишга ижодий ёндашиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун педагоглар ўзларида креативлик қобилятини ривожлантириш йўлида тизимли, изчил амалий ҳаракатларни ташкил этишлари зарур. Қуйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтилади.

⁵⁰ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

1. Матнли ахборотларни график шаклига ўтказиш. Матнли, айниқса, катта ҳажмдаги матнли ахборотлар талабалар томонидан қийин қабул қилинади. Замонавий шароитда матнли ахборотларни график шаклига ўтказиш талаб этилмоқда. Ўқув ахборотларини график шаклига ўтказишда маълумотларни модел, схема, жадвал, диаграмма, тасвир, кластер, математик, физик, геометрик кўринишларида ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Бу тарзда талабаларга тақдим этилган ахборотлар талабалар томонидан самарали қабул қилинади.

Айни вақтда ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида “Инновацион таълим технологиялари” йўналишида ташкил этилган амалий машғулотда тингловчилар билан қуйидаги матнли ахборотни кластерда ифодалаш кўникма, малакалари билан қуроллантирилди:


Луғавий маъносига кўра “таксономия” тушунчаси “тартиб билан жойлаштириши қонуни” маъносини англатади. Объектларни уларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган ҳолда мураккаблашиб борадиган даражалар кетма-кетлиги (иерархик тарз)да жойлаштирган ҳолда туркумлаштириши, тизимлаштириши “таксономия” деб аталади. Педагогик таксономия – педагогик жараённинг ўзаро боғлиқ ва хоссасига кўра кўп босқичли (иерархик) тузилишга эга объектларини тавсифлаш, тартибга солиш ва тизимлаштириши назарияси. Б.Блум раҳбарлигида 1956 йилда АҚШда “Педагогик таксономия” гоялари эълон қилинди. XX асрнинг 60-йилларида Д.Кратвол ва бошқалар томонидан педагогик мақсадларни ифодаловчи таксономиянинг навбатдаги гоялари шакллантирилди

Б.Блум таксономияси категория (мезон)лари

<i>№</i>	<i>Мезонлар</i>	<i>Мазмуни</i>
<i>1.</i>	<i>Билиши</i>	<i>Билимлардан хабардор бўлиши, уларни ўзлаштириши, ёдда тутиши, қайта ёдга олишини ифодалайди</i>
<i>2.</i>	<i>Тушуниши</i>	<i>Билимлар юзасидан фикрлаш, мушоҳада юритиши, назарий ҳолатдан амалиётга кўчиши мантигини ўзлаштириши</i>
<i>3.</i>	<i>Қўллаш</i>	<i>Билимларни амалиёт (амалий ҳарактлар)да қўллаш</i>
<i>4.</i>	<i>Анализ</i>	<i>Мавжуд билимларга таянган ҳолда яхлит, бир бутун объект, ҳодиса, воқелик ва жараённи таркибий элементларга ажратган ҳолда ўрганиши, жузъий хулоса чиқариши</i>
<i>5.</i>	<i>Синтез</i>	<i>Мавжуд билимларга таянган ҳолда айрим, алоҳида таркибий элементлар асосида яхлит, бир бутун объект, ҳодиса, воқелик ва жараён тўғрисида умумий хулоса чиқариши</i>
<i>6.</i>	<i>Баҳолаш</i>	<i>Шахснинг назарий билим ҳамда амалий кўникма,</i>

2. Махсус тестлар билан ишлаш. Педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчиларда креативлик қобилияти ва сифатлари мавжудлигини аниқлашда Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тестидан фойдаланиш самарали натижаларни беради.

Мазкур тест қуйидаги штрихларан иборат ноаниқ тасвирлардан иборат бўлиб, тингловчиларга уларни тугатиб бериш топшириғи берилади:



ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести қўллаш жараёнида тингловчилар томонидан кўплаб таклифлар берилади. Берилган таклифлар тинглов-педагогларнинг қай даражада креативлик сифатларига эгаллиги, тасаввурининг қанчалик бойлигини ифодалайди.

3. Интерфаол методлардан фойдаланиш. Машғулотларда интерфаол метод (стратегия, графикр органайзер)лар билан ишлаш талабалар томонидан ўқув ахборотларини тизимли, яхлит ҳолда ўзлаштириш имкониятини яратади. Қолаверса, интерфаол методлар ёрдамида талабалар ўқув ахборотлари билан ишлашда билимларни таҳлил қилиш, синтезлаш, муҳим тушунчаларни тизимлаштириш, объект, жараён, фаолият, воқеа, ҳодисаларнинг умумий моҳиятини аниқ ифодалаш каби кўникма, малакаларни ўзлаштиришга муваффақ бўлади.

Қуйида педагогик туркум фанларини ўқитиш ҳамда талабалар, ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш курслари

тингловчиларида креативлик сифатлари, ижодий-касбий фаолият малакаларини шакллантиришда интерфаол методлардан фойдаланишга оид мисоллар келтирилади.


3.1. “Синквейн” стратегияси. Ж.Стилл, К.Мереди, Ч.Темил томонидан ишлаб чиқилган “Ўқиш ва ёзиш асосида танқидий фикрлашни ривожлантириш дастури”да ҳар бир ўқувчи (талаба) ва ўқувчи (талаба)лар гуруҳларининг фикрлаш фаоллигини ошириш, уларда танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун “Синквейн” стратегиясини қўллаш самарали эканлиги айтилади.

Бу ўринда стратегиянинг моҳияти билан танишиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Синквейн (фр. “беш қатор”) – маълумотларни синтезлаш (алоҳида маълумотлар асосида яхлит ғояларни шакллантириш)га ёрдам берадиган қофиясиз шеър бўлиб, у асосида ўрганилаётган мавзу (тушунча, ҳодиса, воқеа)ларга оид маълумотлар тўпланади; ҳар бир талаба ушбу маълумотлар йиғинлиси (қофиясиз шеър)ни ўз сўзлари

Синквейн тузиш – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир неча сўз орқали яққол, ёрқин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзунини пухтароқ ўзлаштириш, маълумотларни яхшироқ англашга ёрдам беради

Синквейн тузиш мураккаб жараён бўлиб, унинг самарали ташкил этиш учун муайян қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Одатда, синквейн тузиш беш босқичли ҳаракатларни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Мисол учун:




стратегияси ёрдамида ёритилган моҳияти

1-қатор. Windows (1та от)
2-қатор. Ҳужжатни тез ва сифатли тайёрлайди (2 та сифат)
3-қатор. Маълумотларни ёзиш, қайта ишлаш ва сақлашга ёрдам беради (3 та феъл)
4-қатор. Windows тизими муҳимида ишлайди (4 та сўз)
5-қатор. Word матн муҳаррири Microsoft office дастурлари пакетига кирди, унинг пиктограммаси “W” белгиси, унда ишланган файл кенгайтмаси .doc саналади (1 та гап)


3.2. “Венн диаграммаси” график органайзери (ГО) талабаларда мавзуга тахлилий ёндашиш, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:



ГО талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Уни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:



топшириқларни бажаради. Талабалар эътиборига қуйидаги жадвални тақдим этиш мумкин:

Гуруҳлар	Диаграмманинг тартиб рақами	Топшириқлар мазмуни
1- гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
2-гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
3-гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	
4-гуруҳ	1-диаграмма	
	2-диаграмма	
	3-диаграмма	

“Венн диаграммаси” қўллашга оид мисоллар
“Таълим ва тарбия жараёнларининг моҳияти”
мавзусидаги Венн диаграммаси

Таълим жараёни:

1. Илмий билимлар берилади.
2. Ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этади.
3. Узлуксиз таълимнинг муайян босқичини акс эттиради.
4. Рейтинг синови таълим натижасини белгилайди.
5. Натижани белгиланган муддатларда кўриш мумкин.
6. Натижа – маълумотга эга бўлиш

Умумий жиҳатлар

1. Шахсни шакллантиришга хизмат қилади.
2. Субъектлар Иштирокида ташкил этилади.
3. Даврийлик хусусиятига кўра ўзаро фарқланади.
4. Турли воситалар ёрдамида кутилган натижага эришганлик аниқланади.
5. Муайян натижаларни кафолатлайди.
5. Натижа – ҳар томонлама ривожланган, комил шахс

Тарбия жараёни:

1. Ахлоқий сифатлар шакллантирилади.
2. Тарбиячи ва тарбияланувчилар иштирок этади.
3. Узоқ муддатли.
4. Натижани қисқа муддатда кўриш мумкин эмас.
5. Ташхис шахснинг тарбияланганлик даражасини белгилайди.
6. Натижа – шахснинг ижтимоий онг ва ахлоқий сифатларга эга бўлиши

“Power Point va Exzel dasturlarini qiyosiy ʻrganiش” mavzusidagi Venn diagrammasi

Power Point dasturiga xos xususiy jihatlari:

1. Amaliy dastur.
2. Kʻrgazmali grafika.
3. Microsoft Office paketiga tegishli.
4. Windows muhitida ishlaydigan dasturiy vosita.
5. Universal.
6. Keng imkoniyatlarга эга.
7. Slaydlarни yaratish imkonini beradi.
8. Matn, rasmlar, chizmalar, grafikalar, ovoz, animatsiya effektlari, videoroлик va boshqalardan tashkil topgan.
9. U ʻrdamida kʻrgazmali kurollarни yaratish mumkin.
10. Maʼlumotlar bazasi sifatida ham qullaniladi.
11. Multimedia vositalarini boshqarish vazifasini ham bajaradi.

Umumiy jihatlari:

1. Kompyuter dasturi.
2. Microsoft Office paketiga tegishli.
3. Aniq vazifani bajarishga xizmat qiladi.
4. Keng imkoniyatlarга эга.
5. Samarali ishlashga ʻrdam beradi.
6. Maʼlumotlarни uzoq vaqt saqlash mumkin.
7. Ularda ishlash maʼlum kunlik, matakalarга эга bulishni taqozo etadi.
8. Maʼlumotlarни qayta ishlashda samarali.

Excel dasturiga xos xususiy jihatlari:

1. Elektron jadval.
2. Microsoft Office paketiga tegishli.
3. Hisob ishlarini amalga oshirishga ʻrdam beradi.
4. Maʼlumotlarни qayta ishlashda samarali.
5. Hisoblash samaradorligini oshiradi.
6. Unda fayllar .xls kengaytmasiга эга.
7. U ish kitobi – Workbook.
8. Har bir ish kitobida bir nechta “ish qogʻozlari” mavjud.
9. Ularning har biriga 1 tadan to 255 tagacha elektron jadval joylashtirish mumkin.
10. Ish qogʻozlariga List1, List2 va xokazo tarzida nom beriladi.
11. Qatorlar sonlar, ustunlar esa A, B, C, ...Z, AA, B, ... kabi lotin harflari bilan ifodalanaди.


3.3. “Барча омилларни ҳисобга ол!” (БОҲО) методи. БОҲО – шахс эътиборини муайян омилларга қаратишга хизмат қилувчи метод. Уни қўллашдан кўзланган мақсад шахс онгини ривожлантириш, тасаввурини кенгайтириш, тафаккурини бойитишдир. Метод аниқ мақсад асосида қўлланилса, унинг самарадорлиги шунча юқори бўлади. Агар талаба у ёки бу фикрни очик айтишга тортинса, у ҳолда методни қўллаш ҳеч қандай самара бермайди.

Машғулотлар жараёнида методдан фойдаланишда қуйидаги саволларга жавоб топган ҳолда мавзуни самарали ўзлаштириш имконини берадиган омилларнинг рўйхатини тузиб олиш мақсадга мувофиқдир:

Мавзуни ўзлаштиришда қайси омиллар ҳисобга олинди	?
Мавзуни ўзлаштиришда қандай омиллар ҳисобга олинмади	
Рўйхатга яна қандай омилларни киритиш мумкин	
Масаланинг яна қайси жиҳатларига эътибор бериш зарур	

“Барча омилларни ҳисобга ол!” (БОҲО) методини қўллашга оид мисол

“Барча омилларни ҳисобга ол!” (БОҲО) методига асосланган Графиканинг таркибий воситалари




2. Ўқув топшириқларининг турлари ва ўқув машғулотлар учун ўқув топшириқлари турларини белгилаш. Режалаштирилган мақсадлар тизими ушбу мақсадларнинг бажарилишини таъминловчи ҳаракатлар тизими билан узвий боғланади. Ўқув материалларини ўзлаштиришда таълим олувчини фаол ҳаракатга ундайдиган омил – ўқув топшириқлари ҳисобланади. Ўқув топшириқлари – ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, қўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси.

Шу сабабли ўқув топшириқларини тўғри шакллантириш мақсадга мувофиқ саналади. Педагогика ОТМда таҳсил олаётган талабалар ўқув топшириқларини тўғри шакллантириш кўникма, малакаларига эга бўлиши зарур. Ўқув топшириқларини шакллантиришда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Ўқув топшириқларининг мураккаблик даражасини аниқлай олиш.
2. Дарснинг мақсадига мувофиқ ўқув топшириқлари тизимини шакллантириш

Бу ўринда Д.Толлингерова томонидан қуйидаги ўқув топшириқлари таксономияси таклиф этилган (18-расм):



18-расм. Харақтерига кўра ўқув топшириқларининг турлари

Ҳар бир ўқув топшириғи ўз ичига яна бир неча кичик турдаги топшириқларни қамраб олади. Улар қуйидагилардир:

I. Хотирада сақлаш, қайта ёдга туширишни талаб этувчи топшириқлар:

- 1) хабардор бўлишга оид топшириқлар;
- 2) алоҳида далил, сон, тушунчаларни ёдга олишга доир топшириқлар;
- 3) таъриф, меъёр, қоидаларни ёдга олишга оид топшириқлар;
- 4) катта ҳажмдаги матн, бўлим, шеър, жадвал ва б.ни ёдга олишга оид топшириқлар.

II. Рақам ва маълумотлар билан ишлашда оддий фикрий операцияларни тақозо этувчи топшириқлар:

- 1) далиллар (ўлчаш, тортиш, ҳисоблаш ва б.)ни аниқлашга оид топшириқлар;
- 2) далилларни келтириш ва таърифлашга (ҳисоблаш, санаб ўтиш ва б.)га доир топшириқлар;

3) ҳаракатлар жараёни ва усулларини ташкил этиш ва тавсифлашга оид топшириқлар;

4) ажратиш ва йиғиш (таҳлил ва синтез)га доир топшириқлар;

5) қиёслаш ва фарқлаш (таққослаш ва бўлиш)га оид топшириқлар;

6) тақсимлаш (категориялаштириш ва таснифлаш)га доир топшириқлар;

7) далиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик (сабаб, оқибат, мақсад, восита, таъсир, фойдалилик, восита, усуллар)ни аниқлашга оид топшириқлар;

8) мавҳумлаштириш, аниқлаштириш ва умумлаштиришга доир топшириқлар;

9) мураккаб бўлмаган (катталиқ, ўлчамлари номаълум бўлган) мисолларни ечиш.

III. Рақам ва маълумотлар билан ишлашда мураккаб фикрий операцияларни тақозо этувчи топшириқлар:

1) кўчириш (бирор жойга узатиш, шаклини ўзгартириш)га оид топшириқлар;

2) баён қилиш (шарҳлаш, маъносини тушунтириш, моҳиятини ёритиш, асослаш)га доир топшириқлар;

3) индукция (жузбый хусусиятга таянган умумий хулоса чиқариш)га оид топшириқлар;

4) дедукция (умумий ҳолатга кўра хусусий хулосалар чиқаришга) доир топшириқлар);

5) исботлаш (далиллаштириш) ва текширишга оид топшириқлар;

6) баҳолашга доир топшириқлар.

IV. Маълумотларни эълон қилишга оид топшириқлар:

1) умумлаштирувчи қисқача маълумот, қоралама, мазмун ва б.ни ишлаб чиқишга доир топшириқлар;

2) ҳисобот, маълум муаммога бағишланган илмий асар, маърузаларни тайёрлашга оид топшириқлар;

3) мустақил равишда ёзма ишлар, чизмалар, лойиҳалар ва б.ни бажаришга доир топшириқлар.

V. Ижодий фикрлашни талаб этувчи топшириқлар:

1) амалий таклифларни ишлаб чиқаришга доир топшириқлар;

2) муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилишга оид топшириқлар;

3) саволларни қўйиш ва масала ёки топшириқларни ифодалашга доир топшириқлар;

4) шахсий кузатишларга асосланган ҳолда ечимни топишга оид топшириқлар;

5) шахсий мулоҳазага асосланган ҳолда ечимни топишга доир (рационал ечимга асосланган) топшириқлар.

Англанидек, педагоглар таълим жараёнини ташкил этишда ўқув материалларининг характерида келиб чиққан ҳолда юқорида қайд этилган топшириқлардан икки ва ундан ортигини танлаш имкониятига эга. Бир машғулотда талабаларни бир неча турдаги топшириқлар билан ишлашга жалб этиш талабаларда ўқув фаолиятига нисбатан қизиқишни оширади ва ўқув-билиш фаолиятини кучайтиради.

3. Ўқув топшириқлари учун иш қоғозларини тайёрлаш. Иш қоғозлари асосида ўқув топшириқларининг бажарилиши мазкур жараёни тезлаштириш, талабалар фаолиятини оsonлаштириш ва энг муҳими, мумкин қадар вақтни тежаш имконини яратади. Шу туфайли етакчи хорижий мамлакатлар тажрибасида ўқув топшириқлари билан ишлаш жараёни учун иш қоғозларини шакллантириш ва уларни машғулотлар учун тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида таълимни ташкил этишга инновацион ёндашиш натижасида узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида деярли ҳар бир дарс, ўқув машғулотида ўқувчи ва талабаларнинг амалий фаолиятини иш қоғозлари воситасида ташкил этиш анъанаси бир қадар шаклланди. Айни вақтда бу борадаги тажрибани янада бойитишга нисбатан эҳтиёж мавжуд. Шу сабабли ОТМ педаголарида иш қоғозларини шакллантириш борасидаги кўникма, малакаларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ўқув машғулотларида бажариладиган топшириқлар учун иш қоғозларининг тайёрланиши педаголарда креативлик қобилиятини янаа ривожланишига ёрдам беради.

Таълим жараёнида интерфаол методларни қўллашда график органайзерларнинг графикли тавирларидан иш қоғозлари сифатида фойдаланиш мумкин.

ЎММнинг “Иловалар” қисмида сўнгги йилларда ўқув машғулотларида тобора кенг қўлланилаётган иш қоғозларидан намуналар (1-илова) келтирилади.

6. Креатив ёндашув асосида ўқув фанлари бўйича назорат-синов топшириқларини тайёрлаш, кейс ва даражали тестлар тўпламини шакллантириш. Замонавий таълимда талабаларга тайёр билимларни бериш эмас, балки уларни билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтириш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, тайёр билимларни ўзлаштириш гарчи талабаларнинг борлиқни англашлари, ижтимоий муносабатлар мазмунини, у ёки бу кўринишдаги кишилик фаолияти моҳиятини тушунишларига ёрдам беради. Бироқ, борлиқ ва ижтимоий муносабатларнинг мавжуд ҳолатини ифоаловчи ҳодиса, воқелик, жараённинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро бирлик, алоқадорликни тушуниш, сабаб-оқибатларини таҳлил қилиш, фаолият мазмуни, йўналиши ва энг муҳими, натижасини кафолатловчи омилларни таҳлил қилиш малакаларини самарали ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу каби салбий ҳолатнинг олинди олишда талабаларни “муаммо вазиятлар”га рўпара қилиш методик жиҳатдан самарали саналади.

Муаммоли вазиятларнинг дидактик имкониятлари талабаларни ўрганилаётган масала (мавзу, муаммо) юзасидан фикрлаш, масала моҳиятини ёритувчи таркибий элементлар ўртасидаги ўзаро бирлик ва алоқадорликни англаш, “муаммо-муаммони ҳал қилиш жараёни-ечим” тизими асосида масалани таҳлил қилиш, ечим борасида фаразларни илгари суриш, уларнинг мақбуллигини текшириш, ечимни баён этиш ва уни ҳимоя қилиш каби амалий ҳаракатларни

ташқил этишга мажбур қилади. Қолаверса, муаммоли вазиятлар ёрдамида талабалар ўз билимларини мустақил таҳлил қилиш, ўқув-билиш фаолиятига танқилий ёндашиш, ўрганилаётган масала (мавзу, муаммо) юзасидан ижодий фикрларни илгари суриш каби имкониятларга эга бўладики, худди шу ҳолат жамият томонидан таълим тизими олдига қўйилаётган ижтимоий буюртманинг тўлақонли бажарилишини таъминлайди. Яъни, муаммоли ўқитиш, уни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган технологиялар республика узлуксиз таълим тизими томонидан ўз олдига қўйилган ҳар томонлама (ақлий, ахлоқий, жисмоний, ҳиссий жиҳатдан) ривожланган баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлашдан иборат ижтимоий буюртманинг бажарилишини таъминловчи зарур педагогик шарт-шароитни вужудга келтиради. Шу сабабли бугунги кунда таълим тизимида муаммоли таълимдан фойдаланиш, муаммоли таълим технологияларини самарали қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида умумий ва мутахассислик фанларини ўқитишда муаммоли таълим технологиялари орасида муҳим ўрин эгаллаган “Кейс-стади” технологиясини қўллаш тажрибаси шаклланимоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида ҳам “Кейс-стади” технологиясини қўллаш асосида муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал қилишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш борасида бой амалий тажриба тўпланган ва мазкур технология жаҳон ўқитиш тизимида энг оммалашган ўқув технологияси сифатида эътироф этилмоқда.

Педагогик туркум фанларини ўқитишда “Кейс-стади” технологиясини қўллаш хусусида сўз юритишдан аввал унинг тушунча сифатида ўзида қандай моҳиятни ёритиши хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

“Кейс-стади” технологияси (ингл. “case” – чемодан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология⁵¹, реал вазиятларни баён этишда қўлланиладиган ўқитиш техникаси⁵² дея эътироф этилади.

Технологиянинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

1. Таҳлил кўникмалари ва танқидий тафаккурни ривожлантириш.
2. Назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш.
3. Муаммо юзасидан турли қарашлар ва ёндашувларни намойиш қилиш.
4. Қарорлар қабул қилиш ва унинг оқибатларига доир мулоҳазаларни тақдим этиш.

⁵¹ Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.

⁵² Сборник кейсов для вузов по дисциплинам гуманитарного и социально-экономического цикла / Учеб.-мет.пособие. – СПб.: Изд-о Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2015. – С. 3.

5. Ноаниқликлар мавжуд бўлган шароитда муқобил вариантларни баҳолаш кўникмаларини шакллантириш⁵³.

Дарҳақиқат, кейс-стади талабаларни ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади. Унинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

“Кейс-стади” технологияси дастлаб 1870 йилда ақшнинг гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида таълим жараёнида қўлланилган. ушбу технология гарвард университетининг бизнес мактабида 1920 йилда қўлланила бошланган. кейсларнинг илк тўплами 1925 йилда бизнес ҳақидаги гарвард университети ҳисоботлари асосида чоп этилган⁵⁴. ҳозирда технология хорижий мамлакатларда иқтисодиёт, бизнес соҳаларида ҳам кенг қўлланилмоқда. ўзбекистонда мазкур технологияни таълим жараёнига татбиқ этиш йўлидаги ҳаракатлар мустақиллик йилларида фаоллашди.

замонавий ўқитиш амалётида таълимий характердаги кейсларнинг қуйидаги турлари қўлланилмоқда:

- муаммонинг ечими ва қарорларни таҳлил қилишга йўналтирилган кейслар;
 - қарор ёки яхлит муаммони ифодаловчи кейслар;
 - талаба фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини берувчи кейслар.
- таълимда қўлланиладиган “кейс-стади”нинг тайёр вариантлари ҳам мавжуд

бўлиб, уларни сотиб олиш мумкин. бироқ, энг самарали йўл ҳар бир фан бўйича кейсларнинг мустақил яратилишига эришишдир. биргина гарвард университетиде йилига 700 та кейс ишлаб чиқилади. уларнинг нархи 10 \$. аммо баъзи кейсларнинг нархи 500 та 1000 \$ гача. лондон бизнес мактаби ва бошқа бизнес мактаблар ўзларида 340 нафарга яқин иштирокчиларни бирлаштирган ҳолда кейсларни яратиш билан шуғулланади.

⁵³ Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.

⁵⁴ Долгоруков А. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения: http://www.vshu.ru/lections.php?tab_id=3&a=info&id=2600.

технология талабаларда предметни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни, амалий кўникмаларни, вазиятни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилишга нисбатан ижодий ёндашиш малакаларини ривожлантиради, турли муаммоли вазиятлар ва уларни ҳал қилиш асосида улар томонидан билимларнинг фаол ўзлаштирилиши учун имконият яратади.

“кейс-стади” ёрдамида талабалар қуйидаги кўникма, малакалар⁵⁵га эга бўлади:

1. таҳлилий кўникмалар (маълумотларни ахборотлардан ажрата олиш, уларни туркумлаштириш, маълумотларни зарур ва нозарурга ажратиш, таҳлил қилиш, тақдим этиш; бунинг учун шахс аниқ, мантиқий фикрлай олиши керак).

2. амалий кўникмалар (муаммонинг мураккаблигидан келиб чиқиб, реал вазиятни таҳлил қила олиш, энг муҳим назария, метод ва тамойилларни қўллаш билиш).

3. ижодий кўникмалар (бунда мантиқийлик асосида вазият (муаммо)ни ечиш муҳим эмас, балки ижодий ёндашув асосида муаммонинг бир неча ечимларини топиш ва уларни таҳлил қилиш талаб этилади).

4. мулоқот кўникмалари (унга кўра талаба баҳс-мунозара олиб бориш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, қарорига бошқаларни ишонтириш, жуда қисқа ва ишонарли ҳисоботни тайёрлаш кўникмаларини ўзлаштира билиши зарур).

5. ижтимоий кўникмалар (қарорни муҳокама қилиш жараёнида талабалар бошқаларнинг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш, бошқаларни тинглай билиш, баҳсда ўзгаларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш, илгари сурилган фикрга қарама-қарши фикрни билдира олиш ва ўзини бошқара олиши лозим).

6. ўз-ўзини таҳлил (баҳс-мунозара жараёнида ўзини тута билиши, бошқаларга намуна бўлиши муҳим).

ҳар ўқитувчи кейс-стадига асосланган ўқув топшириқларининг пухта асосланишига эриша олиши лозим. кейс топшириқларининг амалий-дидактик характерга эга бўлиши учун уларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш талаб этилади:

- мақсад аниқ ифода этиш (мақсад икки хил (ёки ундан ортиқ) тушунилмаслиги;

- савол ёки топшириқлар маълум даражада мураккаб бўлиши;
- ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг бир неча жиҳатини ёрита олиши;
- тезда ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмаслиги;
- миллий хусусиятларни ўзида намоён эта олиши;
- таълимнинг барча йўналиш ёки соҳаларига оид типик вазиятларни ифодалаш;

⁵⁵ Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфулов Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.

- долзарб аҳамиятга эга бўлиши;
- талабаларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириши;
- баҳс-мунозарани ташкил этиш имкониятини яратиши;
- бир неча ечим (қарор)ни илгари суриш имкониятини таъминлай олиши.

Ўқув кейсларининг муҳим характерли жиҳатлари талабаларга муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан талабалар эътиборига адабиётлар рўйхатининг тақдим этилиши, уларга методик кўрсатма, йўриқномаларнинг берилиши ва албатта, ўқитувчи томонидан муаммонинг ечими бўйича ўз вариантининг тақдим этилиши саналади.

адабиётлар рўйхати ўрганилаётган масала (муаммо, мавзу)га бевосита тааллуқли бўлиши зарур. кейсларни ечишга доир методик кўрсатма, йўриқномалар тахминан шундай бўлиши мумкин:

1. кейс (муаммо) билан танишинг.
2. муаммонинг долзарблигини баҳоланг.
3. муаммонинг долзарблигини далиллар ёрдамида изоҳланг.
4. кейс (муаммо)ни самарали ечиш йўллари аниқланг.
5. кейс (муаммо)нинг самарали ечимини белгиловчи метод ва технологияларни танланг.

6. кейс (муаммо)нинг самарали ечимини кафолатловчи фараз (илмий фараз)ларни шаклантиринг.

хорижий мамлакатлар таълими амалиётида кейслар амалий ва илмий тадқиқотларини ташкил этиш мақсадида қўлланилиши сабабли улар одатда мураккаб таркибий тузилма ҳамда ўртача (европа), катта (ақш) ҳажмга эга бўлади. кўп ҳолатларда кейслар биргина машғулот жараёнида ҳал қилинмай, балки бутун бир семестр, ҳатто ўқув йили давомида ечилади. уларнинг бу борадаги тажрибаларидан битирув малакавий ишлари (бакалаврият), магистрлик диссертациялари (магистратура), битирув лойиҳа ишлари (малака ошириш курслари)да фойдаланиш мақсадга мувофиқ. ўқув материалининг характеридан келиб чиққан ҳолда оддий, мураккаб таркибий тузилишга эга бўлмаган, яъни мини тестлардан ҳам фойдаланиш амалий қийматга эгаллиги таълим амалиётида ўз тасдиғини топган.

мураккаб кейс (муаммоли вазият)лар қуйидаги таркибий тузилмага эга бўлади:

1. педагогик аннотация.
2. кириш.
3. кейс (муаммо)нинг баёни.
4. кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар.
5. фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати.
6. методик кўрсатмалар.
7. кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва ечим вариантларини илгари суриш, вариантлар мақбуллигини текшириш).
8. кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.
9. кейс ечимини таҳлил қилиш.
10. ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими.

мини кейслар учун қуйидаги таркибий тузилмага эгалик характерлидир:

1. кейс (муаммо)нинг баёни.
2. кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар.
3. фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати.
4. методик кўрсатмалар.
5. кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва ечим вариантларини илгари суриш, вариантлар мақбуллигини текшириш).
6. кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.
7. кейс ечимини таҳлил қилиш.
8. ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими.

англанганидек, таълим жараёнида ўқув кейсларини қўллашда жараён (машғулот) якунида албатта ўқитувчи (кейолог)нинг ечими тақдим этилиши зарур. бунинг дидактик аҳамияти бу ечим асосида талабаларнинг ўз ўқув-билиш ҳаракатларининг қанчалик тўғри, самарали, мақсадга мувофиқ амалга ошира олганликларини таҳлил қилиш, солиштириш, йўл қўйган хатоларини аниқлаш имкониятини яратиши билан белгиланади.

кейслар типологиясида ўқув топшириғини тақдим этиш усули саволли ҳамда топшириқли бўлиши кўрсатилган. шунга кўра талабаларнинг

этиборларига ҳавола этиладиган кейслар ёки саволли, ёки топшириқли бўлиши мумкин.

агар кейс саволли-кейс бўлса, у ҳолда муаммо ёки муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечишга оид бир неча саволлар келтирилади. м:

1. ёшларнинг “оммавий маданият” таъсирига берилишининг асосий омиллари нималардан иборат?

2. ёшларнинг “оммавий маданият” таъсирига берилишларида оавнинг ўрни ва ролини қандай аниқ далиллар асосида баҳолай оласиз?

агар кейс топшириқли-кейс бўлса, у ҳолда кейсни ечиш жараёнида бажарилиши зарур бўлган топшириқлар берилади. м:

1. ёшларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш омилларини аниқланг.

2. ёшларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни самарали шакллантириш йўллари белгиланг.

одатда кейсларни тайёрлашда дарслик ва ўқув қўлланмалардан, балки оммавий ахборот воситалари, жумладан, интернет материалларидан ҳам мақсадли фойдаланиш мумкин.

педагогик туркум фанларни ўқитишда қўлланиладиган кейсларни уларнинг характериға кўра б.блум таксономияси (билиш-тушуниш-англаш-таҳлил-синтез-қўллаш)ға мувофиқ бир неча гуруҳға ажратиш мумкин. хусусан:

1) педагогик билимлардан хабардорликни аниқлашға ёрдам берадиган кейслар;

2) педагогик фаолият, ҳодиса ёки жараён моҳиятини тушуниш ҳолатини белгилашға хизмат қиладиган кейслар;

3) таълим ва тарбия жараёнлари, педагогик фаолият ҳамда ҳодисаларнинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро бирлик ва алоқадорликни англаш ҳамда таҳлил қилишға йўналтирилган кейслар;

4) таълим ва тарбия жараёнлари, педагогик фаолият ҳамда ҳодисанинг таркибий элементларини тизимлаштириш, синтезлаш, босқичларни изчил ифодалашни тақозо этадиган кейслар;

5) педагогик билимларни амалда қўллаш, мавжуд кўникма ва малакаларни тўлақонли намоён этишға доир кейслар.

педагогик туркум фанларни ўқитишда ушбу кейслардан самарали, мақсадли ва ўринли фойдаланиш учун зарур шароитлар мавжудлиги аниқланди. қуйидаги мисоллар ушбу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

1. педагогик билимлардан хабардорликни аниқлашга ёрдам берадиган кейс.

Кейс баёни. собир ўрта мактабнинг 9-синфини тамомлади. шаҳодатномасида “уч” баҳолар кўп бўлганлиги, салбий хулққа эгаллиги сабабли, собир ҳеч бир касб-хунар коллежига қабул қилинмади. ҳар бир коллежнинг раҳбари собирни бошқа академик лицей ва касб-хунар коллежига киришини тавсия этди. бироқ, собирнинг ота-онаси ҳар гал ўғилларини ўзлари яшайдиган тумандаги касб-хунар коллежида таълим олишини, шундагина уни назорат қилиб туришлари мумкинлиги айтишарди.

Кейс саволлари:

1. айтинг-чи, касб-хунар коллежларининг раҳбарлари собирни ўқишга қабул қилмасликка ҳақлимилар?

2. аини вазиятда собирнинг қандай ҳуқуқлари бузилапти?

Ўқитувчининг ечими. касб-хунар коллежи раҳбарлари ижтимоий хавф бўлмаган ҳолда “уч” баҳога ўқиганлиги ва хулқида салбий ҳолатлар кўзга ташланиши учунгина собирни ўқитишга қабул қилмасликка ҳақли эмаслар. улар шахснинг билим олишга бўлган ҳуқуқини поймол етишган. қолаверса, касб-хунар коллежларида таълим олиш мажбурий-ихтиёрий характерга эга. шу сабабли собир ва унинг ота-онаси касб-хунар коллежини ўзлари танлай олади.

борди-ю, коллежга қабул қилиш синов, имтиҳонлар асосида олиб борилса ва собирнинг ўзи уларга пухта тайёрланмаганлиги сабабли синовдан ўта олмаса, у ҳолда ана шу касб-хунар коллежига қабул қилинмайди.

бу вазиятда собирнинг билим олиш ҳуқуқи (Ўзбекистон республикаси “таълим тўғрисида”ги қонунининг 4-моддаси) поймол этганликлари сабабли касб-хунар коллежларининг раҳбарлари маъмурий жавобгарликка тортилади.

2. педагогик фаолият, ҳодиса ёки жараён моҳиятини тушуниш ҳолатини белгилашга хизмат қиладиган кейс.

Кейс баёни. узоқ йиллик иш тажрибасига ҳамда талабалар ўртасида алоҳида ҳурматга эга тарих фани ўқитувчи аудиторияга кириб, доскада ўзининг карикатура жанрида ишланган расмини кўради. карикатура ёрқин ишланган, ҳар бир штрих аниқ ишланган, қолаверса, расм жуда кулгили чиққан. бутун гуруҳ ўқитувчининг карикатурага, унинг ижодкорига нисбатан муносабатини кутяпти. бироқ, ўқитувчи шошилмасдан, катта қизиқиш билан карикатурани томоша қилади ва шундай деди: “карикатура шунчалик яхши чиқибдики, уни ҳатто ўчиргим келмаяпти. расм ижодкори – ёш рассом уни қоғозга кўчириб олиши керак. мен карикатурист (рассом)ни муносиб баҳолайман!”.

Кейс саволлари: 1. ўқитувчининг мавжуд вазиятдаги ҳолатини шахсан сиз қандай баҳолайсиз?

2. бу вазиятда ўқитувчи қандай тарбия методини қўллади?

Ўқитувчининг ечими. бу вазиятда ўқитувчи ўзининг таржрибали ва педагогик назокатга эгаллигини намоён эта олди. у карикатурани ўзининг устидан қилиш воситаси деб эмас, аксинча, санъат асари сифатида қабул қилди. натижада ўқитувчи айбдор талабани қидириб, унга танбеҳ беришни истамади. бунинг ўрнига ўзининг санъатга бўлган муҳаббатини кўрсатди. бундай ёндашув талабаларга ўқитувчининг иродали, ўзига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, ҳиссиётларини жиловлай олиш, ўз-ўзини бошқара билиш қобилиятига эгаллигини кўрсатди. оқибатда талабалар ўқитувчининг руҳан барқарор эканликларини англади. шу сабабли кейинги сафар улар ўқитувчини камситиш ёки устидан қилишни исташмайди.

баён этилган вазиятда ўқитувчи: 1) **изоҳлаш** (ўзида муайян гуруҳ ёки алоҳида шахсга йўналтирилганликни ифодаловчи ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули); 2) хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методларидан бири бўлган – **қўллаб-қувватлаш методидан** фойдаланди.

3. таълим-тарбия жараёнлари, педагогик фаолият ҳамда ҳодисаларнинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро бирлик ва алоқадорликни англаш ҳамда таҳлил қилишга йўналтирилган кейс.

Кейс баёни. тарих фани ўқитувчиси бир соатлик дарсида қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга оширди:

- 1) маълумотларни изчил баён қилди;
- 2) зарур ўринларда таянч тушунчаларга алоҳида урғу берди;
- 3) харитадан тарихий воқеалар содир бўлган жойларни кўрсатди;
- 4) вақти-вақти билан талабаларга саволлар бериб, улардан жавоблар олди;
- 5) ўқув фильми орқали тарихий воқеликка оид далилларни намоёниш этди.

Кейс топшириғи. ўқитувчининг хатти-ҳаракатлари қанай методлар ёрдамида амалга оширилганлигини аниқланг.

Ўқитувчининг ечими. тарих фани ўқитувчиси қўллаган методлар: 1) хикоя; 2) тушунтириш; 3) тасвирлаш; 4) суҳбат; 5) намоёниш.

4. таълим-тарбия жараёнлари, педагогик фаолият ҳамда ҳодисанинг таркибий элементларини тизимлаштириш, синтезлаш, босқичларни изчил ифодалашни тақозо этадиган кейс.

Кейс баёни. машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари:

- 1) ўқитувчи назорати остида ўқувчилар томонидан ўқув ҳаракатининг;
- 2) зарур кўникма ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши;
- 3) дастлабки бажарилиши ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши;

4) топшириқни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиши.

ушбу ҳолатда машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари нотўғри кўрсатилган.

Кейс топшириғи. машқ бажаришни ташкил этиш босқичларини зарур изчилликда ифодаланг.

Ўқитувчининг ечими. машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари:

1) ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши;

2) топшириқни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиши;

3) ўқитувчи назорати остида ўқувчилар томонидан ўқув ҳаракатининг дастлабки бажарилиши;


4) зарур кўникма ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши.

5. педагогик билимларни амалда қўллаш, мавжуд кўникма ва малакаларни тўлақонли намоён этишга доир кейс.

Кейс баёни. оғзаки баён қилиш методлари ўқувчиларнинг умумий маданияти, мантиқий фикрлаш ва билиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Кейс топшириғи. оғзаки баён қилиш методи турларини “балиқ скелети” график органайзерида ифодаланг.

Ўқитувчининг ечими:



замонавий таълим тизимида даражали тест топшириқларидан фойдаланиш ва уларни ҳал этиш шахс креативлигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. даражали тестлар талабаларда мустақил, танқидий, мантиқий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. бу турдаги тестларни тузиш мураккаб жараён бўлиб, у педагогдан, албатта, креатив фикрлашни талаб этади. даражали тестларни тузиш орқали педагог, биринчидан ўзидаги креатив сифатларни ривожлантириш борса, иккинчидан талабаларни ҳам ижодий фикрлашга ундайди. шундай экан, даражали тестлар ҳам шахс креативлигини ривожлантиришдаги муҳим аҳамиятга эга.

отм педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчилари “педагогик квалиметрия” модули доирасида даражали тестларни самарали шакллантириш ва ечишга доир маълумотлар билан етарлича танишиш имкониятига эгаликлари сабабли ўқувчининг “илова”

қисми (2-илова)да “ижтимоий педагогика” фани бўйича тайёрланган даражали тестлардан намуналар келтирилади.

Маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга креатив ёндашиш. Ўқув машғулотлари ва маънавий-маърифий тадбирлар учун аудитория (жой)ни жиҳозлашга креатив ёндашиш. Педагогнинг фаолияти фақатгина ўқитишдан иборат эмас. Бир вақтнинг ўзида у тарбиячилик вазифасини ҳам бажаради. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳам педагог фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шундай экан, педагог маънавий-маърифий ишларини ташкил этишга ҳам ижодий ёндаша олиши зарур. Бунда у қуйидагиларга эътиборни қаратиши лозим:

- маънавий-маърифий ишларни мақсага мувофиқ, изчил, узлуксиз ва тизимли ташкил этиш;

- ўқув йили учун пухта асосланган маънавий-маърифий ишлар режасини ишлаб чиқиши;

- режадан талабаларнинг эҳтиёж ва қизиқишларига мос келадиган ҳамда долзарб мавзулардаги муаммоларга бағишланган тадбирларнинг ўрин олишига эришиш;

- маънавий-маърифий тадбирларнинг режа учун эмас, балки талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларни шахс ва мутахассис сифатида шаклланишларини таъминлаш мақсадида ташкил этиш;

- маънавий-маърифий ишларни уларнинг йўналиши, мазмуни, характериға, қўлами ва б. хусусиятларига кўра турли шакллардан интерфаоллик асосида ташкил этилишиға эришиш;

- ҳар бир маънавий-маърифий тадбирнинг аниқ мақсад асосида ташкил этилиши ва албатта, қутилган натижани қафолатлай олишини таъминлаш;

- маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва ўтказишда академик гуруҳнинг барча талабалари бирдек фаол иштирок этишларига эришиш.

Нафақат маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиладиган жой, балки ўқув машғулотлари ўтказиладиган аудиториянинг жиҳозланишиға эришиш педагогнинг ҳам ташкилотчилик, ҳам креатив фаоллигидан далолат беради. Ҳар икки ҳолатда ҳам педагог ўрганиладиган, таҳлил этиладиган мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўқув аудиторияси ва тадбир ўтадиган жой (хона)ни ўзига хос руҳда безата олиши мақсадға мувофиқдир.

Ўқув машғулотларида аудиториянинг мавзунинг характериға кўра плакатлар, мулажлар, гербарийлар, хариталар, бадий адабиётлар, олимлар, рассомлар, ёзувчилар, саркардалар ҳамда давлат арбобларининг портретлари, иш жиҳозлари, ёзишмалари, адабиётлари, бадий асарлари ва ҳ.к. билан безатилиши машғулот ва тадбир руҳиятини кўтаришға, талабаларға ижобий, ҳиссий таъсир кўрсатади.

Педагог қанчалик креатив бўлса, ўқув аудиторияси ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиладиган хонани талабалар билан ҳамкорликда, уларнинг ижодий имкониятлари, креативлик лаёқатларига таянган ҳолда жиҳозлашға муваффақ бўлади. Натижада ҳам талабаларнинг креатив фаоллиги ошади, ҳам машғулот, тадбирнинг таъсирчанлиги кучаяди.

Шундай қилиб, замонавий ўқитишда муаммоли таълим муҳим аҳамиятга эга. Муаммоли таълим технологиялари талабаларда фикрлаш, қарор қабул қилиш, ўз фикрини асослаш қобилиятини шакллантириш кўникма, малакаларини самарали шакллантиришга ёрдам беради. Бу каби технологиялар орасида “Кейс-стади” технологияси муҳим аҳамият касб этади. Кейс-стадидан таълим жараёнида ўринли, мақсадли, изчил фойдаланиш ўқитиш сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, шу билан бирга талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиради.

Назорат саволлари:

1. Маъруза машғулоти учун мўлжалланган матннинг визуал хусусият касб этиши қандай аҳамиятга эга?

2. Ўқув топшириқларининг қандай турлари мавжуд?

3. Ўқув машғулотлар учун топшириқларни шакллантиришда нималарга эътибор қаратилаи?

3. Ўқув топшириқлари учун иш қоғозларини тайёрлаш қандай дидактик аҳамиятга эга?

4. Креатив ёндашув асосида ўқув фанлари бўйича назорат-синов-топшириқларини тайёрлашда қандай талаблар инобатга олинади?

5. Талабаларнинг ўқув фаоллигини оширишда кейс ва даражали тестлар тўпламини шакллантиришнинг аҳамияти қандай?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Долгоруков А. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения: http://www.vshu.ru/lections.php?tab_id=3&a=info&id=2600.

2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

3. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.

4. Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.

5. Сборник кейсов для вузов по дисциплинам гуманитарного и социально-экономического цикла / Учеб.-мет.пособие. – СПб.: Изд-о Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2015. – С. 3.

11-МАВЗУ: (4СОАТ МАЪРУЗА, 4СОАТ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ)

ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ

ШАКЛЛАНТИРИШ

Режа:

- 1.Таълим олувчининг компетенцияси.
- 2.Касбий компетенция. Касбий компетентлик негизида акс этувчи омиллар.
- 3.Касбий компетентлигини шакллантириш

1.Таълим олувчининг компетенцияси.

Меҳнат бозорининг ўзгариб бориши, тараққиёт жадаллашуви, ахборот муҳити глобллашиши таъсирида мактаб битирувчисига қўйилаётган талаблар мураккаблашиб бораверади. Шу нуқтаи назардан, замонавий мактаб ўз фаолиятини ташкил этишда нафақат бугунги давр талабларини инобатга олиши, балки таълим олувчиларни эртанги кун талабларига ҳам тайёрлаши зарур. Албатта, XXI асрнинг иккинчи ярмида ҳаёт қандай кечиши, қандай билимлар керак бўлишини шиддат билан ривожланиб, ўзгариб бораётган замонда аниқ прогноз қилиш қийин. Шу боис мактаб таълим олувчиларига билим бериш билан бирга, уларда мустақиллик, ташаббускорлик, ҳамкорлик, вазиятни реал баҳолай олиш, мантиқий фикрлаш, ахборотни саралаш ва ундан оқилона фойдаланиш, тез киришувчанлик хусусиятларини шакллантириб, ҳар қандай ўзгаришларга конструктив мослаша олиш қобилиятини ривожлантириб бориш лозим. Олдимизда турган бу долзарб вазифа мустақил ҳаётий позиция, ижтимоий фаоллик, юксак ақлий ва маънавий салоҳиятни шакллантиришга қаратилган шахсга йўналтирилган таълимни ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этишни тақазо этади.

Бунинг учун таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ҳар бир педагогнинг компетенцияга эга бўлиши муҳимдир.

“Компетенция” тушунчаси латинча **competere** деган сўздан олинган бўлиб, “*лойиқ*”, “*мос келмоқ*” маъносини беради.

Компетенция- олинган назарий билим, амалий кўникма, малака ва шахсий фазилатлар мажмуасини амалиётга қўллай олиш қобилияти ва лаёқати

Компетентлилик деганда, аниқ вазиятда компетенцияни намоён қилиш тушунилади. Компетентлилик - шахсининг билим, кўникма ва тажрибаларининг ижтимоий-профессионал мавқеи ва ўзига тегишли вазифаларни бажариш, муаммоларни ҳал қилишга қодирлиги ҳамда ҳақиқий мослик даражаси тушунилади. Демак, компетенциявий ёндашув билим, кўникма ва малакани инкор этмаган ҳолда, эгалланган билимларни

амалда қўллай олиш қобилиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратади.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур? Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритилади.

“Компетентлик” (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий кўникма, ма лака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик”ни англатади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;

- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда; - кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;

- янги ахборотларни ўзлаштиради; - давр талабларини чуқур англайди;

- янги билимларни излаб топади;

- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди

Касбий компетентлик сифатлари. Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. **Ижтимоий компетентлик** – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. **Махсус компетентлик** – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, билим, кўникма ва малакани изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади.

Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

а) **психологик компетентлик** – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

б) **методик компетентлик** – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

с) **информацион компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

д) **креатив компетентлик** – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш;

е) **инновацион компетентлик** – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг

самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш;

f) **коммуникатив компетентлик** – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

3) **Шахсий компетентлик** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

4) **Технологик компетентлик** – касбий-педагогик билим, кўникма ва малакани бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

5) **Экстремал компетентлик** – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Долгоруков А. Метод case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения: http://www.vshu.ru/lections.php?tab_id=3&a=info&id=2600.
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
3. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.
4. Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.
5. Сборник кейсов для вузов по дисциплинам гуманитарного и социально-экономического цикла / Учеб.-мет.пособие. – СПб.: Изд-о Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2015. – С. 3.

КРЕАТИВ ФИКРЛАШ ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ:

Мустақил таълим мазмуни маъруза ва амалий машғулоти мавзулари асосида шакллантирилади. Бироқ мустақил таълим кўпроқ маъруза ва амалий машғулотида ўрганилмаган масалаларни ўз ичига камраб олади. Мустақил таълим асосида ўқиб-ўрганилган масалалар фан бўйича оралик ва яқуний назорат ишлари саволларида ўз аксини топади.

Мустақил таълимни тайёрлашда мазкур фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

1) дарслик ва ўқув қўланмалардан фойдаланиб, барча мавзуларни ўрганиш;

2) тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмларини ўзлаштириш.

Талабаларнинг мустақил таълими ҳар бир маъруза мавзуси асосида ташкил этилади. Фанни ўрганиш жараёнида мустақил таълимнинг бир неча турларидан фойдаланилади:

1) Адабиётлар билан ишлаш;

2) Ижодий иш;

3) Баъзи мавзулар бўйича эссе ,тезис ёзиш.

1. “Креативлик” ва “Креатив фикрлаш” тушунчаларининг моҳияти.

2. Креативлик – яратиш, ижод қилиш эканлиги.

3. Креатив фикрлашнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети.

4. Шарқ мутафаккирларининг креатив қарашлари.

5. Ғарб мутафаккирларининг креатив қарашлари

6. Креатив фикрлашнинг муҳим категориялари. Креатив фикрлашнинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги..

7. Талабанинг креативлик потенциали.

8. Креативлик потенциалининг таркибий асослари ва устувор тамойиллари.

9. Талабанинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар

10. Ривожланган мамлакатлар таълим тизими тараққиётининг айрим масалалари.

11. АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Финляндия таълим тизими

12. Германия ва бошқа давлатлар таълим тизими.
13. Креатив қобилиятларини шакллантиришда Кен Робинсон, Гарднер, Эмебайл, П. Торренс қарашларидан фойдаланиш
14. ОТМ талабаларида ижодий ёндошиш орқали креатив фикрлашни ривожлантириш
15. Талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари.
16. Талабаларда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар.
17. Талабаларда креативлигини ифодаловчи белгилар.
18. ОТМ талабаларида креативлик сифатлари ва ижодий тафаккурни ривожлантирувчи метод ва воситалар
19. Талабаларнинг креативлик имкониятлари.
20. Талабалар креатив имкониятининг таркибий асослари.
21. Талабаларнинг креативлик имкониятлари. Талабаларда креатив имкониятини ифодаловчи тамойиллар.
22. Креативлик имкониятига эга талабаларда намоён бўладиган малакалар.
23. Талабаларнинг креативлик сифатларига эгалликларини аниқлаш йўл ва шакллари.
24. Талабаларнинг креативлик сифатларига эгалликларини аниқлаш метод ва воситалари.
25. Талабаларнинг креативлик сифатларини аниқловчи психологик тестлар.
26. ОТМ талабаларида креативлик сифатлари ва ижодий тафаккурни ривожлантирувчи технологиялар
27. Талабалар креатив имкониятининг муҳим даражалари.
28. Талабаларнинг креативлик имконияти даражасини аниқловчи мезонлар. Креативлик сифатларига эгалликларини аниқлаш.

- 29.Талабалар креатив имкониятининг таркибий асослари.
- 30.Талабаларнинг креативлик сифатларини ривожлантирувчи технологиялар.
- 31.Талабаларда креативлик сифатларини самарали ривожлантиришга хизмат қиладиган технологиялар.
- 32.Бошқарув фаолиятни креатив ёндашув асосида ташкил этиш.
- 33.Талабалар томонидан бошқарув фаолиятни креатив ёндашув асосида ташкил этилишини таъминловчи инновацион характердаги омиллар.
- 34.Ижодкорлик, ижодкорликни ўз ўрнида ишлатиш, амалий тафаккур, кизиқувчанликни ривожлантириш масалалар
- 35.Талабаларни касбий компетентлигини шакллантириш
- 36.Таълим олувчининг компетенцияси.
- 37.Касбий компетенция. Касбий компетентлик негизида акс этувчи омиллар.
- 38.Мустақил фикрлаш маданияти ҳақида фалсафий, психологик ва педагогик қарашлар.
- 39.Мустақил фикрлашнинг турлари ва вазифалари.
- 40.Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини тарбиялаш шартлари ва воситалари.
- 41.Талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришнинг модели.
- 42.Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришнинг мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари.
- 43.Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар.

ГЛОССАРИЙ

Тушунчалар	Ўзбекча	Инглизча
Бунёдкор шахс Creative personality	Ҳам жараён, ҳам натижа сифатида объектив ижодкорликни амалга оширадиган ва талаблар даражасида ижодий маҳсулотларини ярата оладиган шахс	An individual who carries out objective creativity as a process and as a result and produces high quality creative products
Даврлаштириш (юнон. “peridos” – “доира бўйлаб айланиш”) Periodization (from “Greek”, “peridos” – gyre, helix)	Муайян ҳодисани ўзида қандайдир якунланган жараённи қамраб олган маълум вақт бирликларига ажратилиши	Division of a certain phenomenon into units of time that comprise a completed process
Касбий-ижодий имконият Professional and creative ability	1) касбий компетенция, малакага эгалик; 2) касбий ижод методологияси асосларини ўзлаштирганлик; 3) ижодий тафаккурнинг шаклланганлик даражаси; 4) касбий-ижодий лаёқат ва шахсий сифатларнинг ривожланганлиги	1) possessing professional competence and skills; 2) mastering basics of professional creativity methodology; 3) level of development of creative thinking; 4) development of professional and creative tendency and personal qualities
Касбий-ижодий фаолият Professional and creative activity	мутахассиснинг касбий масалаларни ижодий ҳал қилиш муваффақиятини тавсифловчи фаолияти, инновацион хатти-ҳаракати	an innovative behavior or an activity of a specialist characterizing his success in solving professional issues in a creative way
Касбий ижодкорлик методологияси Methodology of professional creativity	Ижодкорликнинг жараён ва натижа сифатида объектлар ҳамда муайян касбий фаолият турларига муносабат кўринишидаги тузилиши, мантиқий ташкил этилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимот	A doctrine about logical organization and composition of a creativity as an object of a process and result in the form of attitude toward the distinct types of professional activity, methods and means

<p>“Кейс-стади” технологияси (ингл. “case” – чемодан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) Case study technique</p>	<p>Талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология</p>	<p>A technique that allows students to develop skills of identifying the best solution to the context by analyzing certain, real or non-authentic problem-based situations</p>
<p>Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) Creativity</p>	<p>Индивидуалнинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти</p>	<p>An ability of an individual characterizing readiness for producing new ideas and an independent factor comprising creative skills</p>
<p>Креативликнинг ривожланиш босқичи Stage of development of creative</p>	<p>муайян креативлик сифатларининг ривожланганлик даражаси</p>	<p>a level of development of certain creative skills</p>
<p>Креативликнинг ривожланиш даври Period of development of creativity</p>	<p>Маълум креативлик сифатларининг ривожланиши якунига етган қандайдир вақт бирлиги</p>	<p>A time unit of complete of certain creativity skills development</p>
<p>Креатив педагогика Creative pedagogy</p>	<p>1) педагогда таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий, креатив ёндашиш, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган қобилият ва малакаларини ривожлантириш; 2) талабаларда ўқув материалларини ўзлаштиришга ижобий, мустақил ёндашиш, ўқув топшириқларини бажаришда янги, ижодий ва креатив ғояларни илгари суриш қобилияти</p>	<p>1) developing teacher’s creative approach toward organizing educational process and skills of positive solving of existing pedagogical problems; 2) a science about developing students’ positive and independent attitude toward mastering the learning materials, promotion of new ideas when fulfilling assignments; covering professional training basics based on the step</p>

	<p>кўникмаларини шакллантириш ҳамда босқичма-босқич ривожлантириш асосида касбий тайёрлаш асосларини ёритадиган, шахс креативлигининг турли ёш босқичлари хусусиятларига мувофик ривожланиши масалаларини ўрганувчи фан</p>	<p>by step development, studying issues of development individual's creativity in accordance with peculiarities of different age stages</p>
<p>Креатив шахс Creative personality</p>	<p>Жараён ёки натижа сифатида ижодкорликни намоён этувчи, масалаларни ечишга ностандарт усуллар билан ёндаша олишга мойил, ўзига хос ҳаракатларни ташкил этиш, янгиликларни илгари суришга, ижодий маҳсулотларни яратишга лаёқатли ва тайёр шахс</p>	<p>An individual who is ready to express creativity as a result or within a process, who tends to come up with nontraditional solutions to the problems, to promote novelties and to bring creative outcome</p>
<p>Креатив шахсни тайёрлаш Training a creative individual</p>	<p>Ижодкорликка ўргатиш ва ўзини ўзи ижодий намоён этиш жараёнида шахсда барқарор креатив сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш мазмуни</p>	<p>Teaching to be creative as well as essence of development of individual's creative skills during a process of creative expressing of himself</p>
<p>Креатив қобилият Creative skills</p>	<p>Шахсинг ижодий фаолиятни ташкил этиш ва унинг натижаланганлигига эришишни таъминлаш имкониятини белгиловчи индивидуал хусусияти</p>	<p>An individual peculiarity of a person that identifies a possibility of organizing creative activity and providing its effectiveness.</p>
<p>Ижод</p>	<p>Ижтимоий субъектнинг янгилиги, аҳамияти ва</p>	<p>A results of a work acknowledged by a</p>

Creative work	фойдалилиги жамият ёки муайян гуруҳ томонидан тан олинган фаолияти ёки фаолияти натижаси	society or a certain group of people on subject's novelty, significance and usefulness
Ижодий тафаккур Creative thinking	Тафаккурнинг ижод жараёнини ташкил этиш ва ижод натижалари (маҳсуллари)ни башоратлашни ифодаловчи тури	A type of thinking that expresses the organization of creative work and predicts its results
Ижодий топшириқлар Creative assignments	Муаммоли вазиятларни тизимли таҳлил асосида ҳал қилишга йўналтирилган масалалар тизими	A system of issues intended to solve based on the systematic analysis of problem-based cases
Ижодкорлик Creativeness	Муайян янгиликнинг аҳамияти ва фойдали эканлигини белгиловчи шахс фаолияти ва унинг натижаси	An individual's activity and its result that identify significance and usefulness of novelties
Ижодкор шахс Creative personality	Ижодий жараёни муваффақиятли амалга ошира оладиган ҳамда аниқ ижодий натижа (маҳсулот)ларга эга шахс	An individual who successfully carries out a creative process and possesses certain creative result
Ижодкор шахсни шакллантириш Training a creative personality	Касбий-ижодий фаолият тажрибаларини қарор топтириш ва бойитиш асосида ижодий ғоя, уларни амалга ошириш кўникма ва алакаларига эга шахсни шакллантириш ҳамда ривожлантириш	Formation and development of an individual's skills on producing creative ideas based on the experience of professional and creative activity
Ижодий қобилият Creative ability	Ижодий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва унинг натижаланганлигини баҳолашда намоён бўладиган индивидуал хусусияти	An individual peculiarity demonstrated in assessing creative activity and its effectiveness

<p>Табақалаштириш (лот. “diferentia” – “фарқланиш”, “даражаланиш”) – Differentiation</p>	<p>Бутуннинг турли босқич ёки даражаларга ажратилиши</p>	<p>Separation of a whole into various levels or stages</p>
<p>Ўзини ўзи ижодий фаоллаштириш Creative self-activation</p>	<p>Шахснинг ижодий фаолиятда ўз имкониятларини тўлақонли намоён қилиши ва ривожлантириши</p>	<p>Development and absolute demonstration of abilities in individual’s creative activity</p>

Фойдаланиш тавсия этиладиган ўқув-услубий Адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 80 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли фармони

III. Махсус адабиётлар

1. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Casestudy” услуби: назария, амалиёт, тажриба. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2012.

2. Абдуллаева Х.А. Машғулотларда фаол таълим усулларида фойдаланиш. – Фарғона: ФарДУ, 2008.

3. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008.

4. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси” нашриёти. 2006.

5. Зуннунов А.ва бошқалар. Педагогика тарихи / –Т.: Шарқ, 2000.

6. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2004.
7. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2004.
8. Ишмухамедов Р., Абдуқародиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар. Таълим муассасалари ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009.
9. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар.– Т.: “Молияқтисод” нашриёти, 2009.
10. Йўлдошев Ж.Ғ. Хорижда таълим. –Т.: Шарқ, 1995.
11. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А. Б. Инновацион таълим технологиялари .- Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
12. Мухина С.А., Соловёва А.А. Современные инновационные технологии обучения. – М.: “ГЭОТАР-Медия”, 2008.
13. Мухамедов Ў. Х., Усмонбоева М. Ҳ., Рустамов С. С. Таълимни ташкил этишда замонавий интерфаол методлар.ўқувуслублий тавсиялар.- – Т.: 2012.
14. Омонов Н.Т. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat / – Т.: “Iqtisod–moliya”. 2009.
15. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари . - Т.: 2008.
16. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.
17. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат . –Т.: ТДПУ, 2005.
18. Тохтаходжаева М.Х. ва бошқалар Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм: Педагогика назарияси.– Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007.
19. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат. – Т.: “Tafakkur-bo`stoni” нашриёти. 2011.
20. Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи . -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.
21. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма.– Тошкент: “Фан”, 2006.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: www.uzedu.uz

3. Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази: www.multimedia.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

5. Ижтимоий ахборот таълим портали: www.ziyonet.uz